


ФИЗИКА ИЗОХДИ ЛУҒАТИ



Д.И. Менделеев даврий

1. Атом рақами
2. Элемент рақами
3. Элемент номи
4. Илбўйи атом массаси
5. Сувоқли пўқтаеи
6. Қайиан пўқтаеи
7. Электрон қобили тузилиши

- * Барқарор
- Металлар
 - Металлоид
 - Ўқувчи метал
 - Г-лиам элемент
- Гуруҳлар рақами
- IUPAC, Non
 - IUPAC, Ru

1	2
Ia	IIa
1 H 1.00797 -259.14 -252.87 Hidrogen 1s ¹	
3 Li 6.939 180.54 Litiy He2s ¹	4 Be 9.0122 1278 Berilliy He2s ²
11 Na 22.9898 97.81 Natriy Ne3s ¹	12 Mg 24.305 648.8 1982 1980
19 K 39.0983 63.65 774 Kaliy Ar4s ¹	
37 Rb 85.47 38.89 689 Rubidiy Kr5s ¹	
55 Cs 132.905 8.40 678.4 Seziy Xe6s ¹	
87 Fr *223	

14	28.086 ⁴
2	Si 1410 ⁵
	2355 ⁶
3	Silitsiy
7	Ne3s ² 3p ²

22.3 111282

Ф: 58

Физика узори

узати

T, 2002

	7	8	9
	VIIb		VIII
25	54.9380	26 55.847	27 58.9332
Mn	1244	Fe 1535	Co 1499
372	1962	2750	2838
Marganes	Temir	Kobalt	
Ar3d ⁵ 4s ²	Ar3d ⁶ 4s ²	Ar3d ⁷ 4s ²	
43	*99	44 101.07	45 102.905
Tc	2172	Ru 2310	Rh 1962
2	4677	3900	372
Texnetsiy	Ruteniy	Rodiy	
Kr4d ⁵ 5s ¹	Kr4d ⁵ 5s ¹	Kr4d ⁵ 5s ¹	
75	186,207	76 190.20	77 192.22
Re	3180	Os 3045	Ir 2411
50	5627	5027	413
Reniy	Osmiy	Iridiy	
Xe4f ¹⁴ 5d ⁵ 6s ²	Xe4f ¹⁴ 5d ⁶ 6s ¹	Xe4f ¹⁴ 5d ⁶ 6s ¹	
107	*263	108 *265	109 *266
Rh	Hs	Mt	
	Hassiy	Meytneriy	

61	*147	62 150.958
Pm	1168	Sm 1077
	2460	1793
Prometiyy	Samariy	
Xe4f ¹⁴ 6s ²	Xe4f ¹⁴ 6s ²	

93	*237	94 *244
Np	640	Pu 640
	3962	323
Neptuniy	Plutoniy	
Ru4f ¹⁴ 7s ²	Ru4f ¹⁴ 7s ²	

Эв элементлар

жадвали

Даргон

Иш

Ишлар

Менгилари

Сарни:

omenclature of Inorganic Chemistry, 1989

es for Inorganic Nomenclature, 1970

10		11		12	
		Ib		IIb	
28	58.69	29	63.546	30	65.38
Ni	1453	Cu	1083	Zn	419.6
	2732		2567		907
Nikel		Mis		Ruh	
	Ar3d ⁸ 4s ¹		Ar3d ¹⁰ 4s ¹		Ar3d ¹⁰ 4s ²
46	106.4	47	07.870	48	112.40
Pd	1552	Ag	961.9	Cd	320.9
	3140		2212		765
Palladiy		Kumush		Kadmiy	
	Kr4d ¹⁰		Kr4d ¹⁰ 5s ¹		Kr4d ¹⁰ 5s ²
78	195.08	79	196.967	80	200.59
Pt	1772	Au	1064	Hg	-38.84
	3827		2807		356.6
Platina		Oltin		Simob	
	Xe4f ¹⁴ 5d ⁹ 6s ¹		Xe4f ¹⁴ 5d ¹⁰ 6s ¹		Xe4f ¹⁴ 5d ¹⁰ 6s ²
110	*271	111	*272	112	*277
?		?		?	

13		14		15		16		17		18	
IIIA		IVA		VA		VIA		VIIA		0	
5	10.811	6	12.0112	7	14.0067	8	15.9994	9	18.9984	10	20.183
B	2079	C	3367	N	209.86	O	218.4	F	219.62	Ne	248.67
	2550		4827		195.8		182.96		88.14		246.05
Bor		Karbon		Nitrogen		Oksigen		Fluor		Neon	
	He2s ² 2p ¹				He2s ² 2p ²		He2s ² 2p ⁴		He2s ² 2p ⁵		He2s ² 2p ⁶
13	26.9815	14	28.086	15	30.9738	16	32.064	17	35.453	18	39.948
Al	60.37	Si	1410	P	44.1	S	112.8	Cl	100.98	Ar	189.2
	2467		2355		280		444.67		34.6		185.7
Aluminiy		Siititsiy		Posfor		Oltinugurt		Xlor		Argon	
	Ne3s ² 3p ¹		Ne3s ² 3p ²		Ne3s ² 3p ³		Ne3s ² 3p ⁴		Ne3s ² 3p ⁵		Ne3s ² 3p ⁶
31	69.72	32	72.59	33	74.9216	34	78.96	35	79.909	36	83.80
Ga	29.78	Ge	937.4	As	817	Se	217	Br	72	Kr	156.6
	2403		2830		613		684.9		58.78		152.3
Galliy		Germaniy		Arseniyl		Selen		Brom		Kripton	
	Ar3d ¹⁰ 4s ¹ 4p ¹		Ar3d ¹⁰ 4s ² 4p ²		Ar3d ¹⁰ 4s ² 4p ³		Ar3d ¹⁰ 4s ² 4p ⁴		Ar3d ¹⁰ 4s ² 4p ⁵		Ar3d ¹⁰ 4s ² 4p ⁶
49	114.82	50	118.69	51	121.75	52	127.60	53	126.904	54	131.30
In	156.6	Sn	32.0	Sb	630.7	Te	449.5	I	113.5	Xe	111.9
	2080		2270		1750		990		184.4		107.1
Indiy		Qalay		Surma		Tellur		Iod		Ksenon	
	Kr4d ¹⁰ 5s ¹ 5p ¹		Kr4d ¹⁰ 5s ² 5p ²		Kr4d ¹⁰ 5s ² 5p ³		Kr4d ¹⁰ 5s ² 5p ⁴		Kr4d ¹⁰ 5s ² 5p ⁵		Kr4d ¹⁰ 5s ² 5p ⁶
81	204.83	82	207.19	83	208.980	84	*209	85	*210	86	*222
Tl	303.5	Pb	327.5	Bi	271.3	Po	254	At	302	Rn	71
	1457		1740		1560		962		337		61.8
Talliy		Qo'rg'oshin		Bismut		Poloniy		Astatin		Radon	
	Xe4f ¹⁴ 5d ¹⁰ 6s ² 6p ¹		Xe4f ¹⁴ 5d ¹⁰ 6s ² 6p ²		Xe4f ¹⁴ 5d ¹⁰ 6s ² 6p ³		Xe4f ¹⁴ 5d ¹⁰ 6s ² 6p ⁴		Xe4f ¹⁴ 5d ¹⁰ 6s ² 6p ⁵		Xe4f ¹⁴ 5d ¹⁰ 6s ² 6p ⁶

* Lantanidlar

63	151.96	64	157.25	65	158.924	66	162.50	67	164.930	68	167.26	69	168.934	70	173.04	71	174.97
Eu	822	Gd	1313	Tb	1356	Dy	1412	Ho	1474	Er	1497	Tm	1545	Yb	819	Lu	1663
	1597		3266		3123		2562		2695		2900		1947		1194		3395
Evropiy		Gadoliniy		Terbiy		Disprosiy		Holmiy		Erbiy		Tuliy		Iltterbiy		Lutetsiy	
	Xe4f ¹⁴ 6s ²		Xe4f ¹⁴ 5d ¹ 6s ²		Xe4f ¹⁴ 6s ²		Xe4f ¹⁴ 6s ²		Xe4f ¹⁴ 6s ²		Xe4f ¹⁴ 6s ²		Xe4f ¹⁴ 6s ²		Xe4f ¹⁴ 6s ²		Xe4f ¹⁴ 5d ¹ 6s ²

* Aktinidlar

95	*243	96	*247	97	*247	98	*252	99	*254	100	*257	101	*258	102	*259	103	*260
Am	994	Cm	340	Bk		Cf		Es		Fm		Md		No		Lr	
	2607																
Amerikum		Kuriy		Berkliyl		Kaliforniy		Eynshyteyniy		Fermiy		Mendeleviy		Nobeliy		Lourensiy	
	Rn5f ⁷ 7s ²		Rn5f ⁷ 6d ¹ 7s ²		Rn5f ⁷ 7s ²		Rn5f ⁷ 7s ²		Rn5f ⁷ 7s ²		Rn5f ⁷ 7s ²		Rn5f ⁷ 7s ²		Rn5f ⁷ 7s ²		Rn5f ⁷ 6d ¹ 7s ²

П. ҲАБИБУЛЛАЕВ, Э. НАЗИРОВ,
Ш. ОТАЖОНОВ, Д. НАЗИРОВ

ФИЗИКА

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ



“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”
ДАВЛАТ ИLMИЙ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 2002

ЎзР ФА академиги **П.Қ.Ҳабибуллаев**
умумий таҳрири остида

Тақризчилар: **А.Т.Мамадалимов**, ЎзР ФА академиги

О.И.Аҳмаджонов, педагогика фанлари доктори,
профессор

“Физика изоҳли лугати” ҳозирги замон физикасининг 5000 га яқин терминлари, сўзлар бирикмалари ва уларнинг меъёрий таърифларини, байналмилал терминлар этимологиясини ҳамда терминларнинг русча муқобилларини ўз ичига олган.

Ушбу лугат олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчиларига, илмий ходимларга, дарсликлар ва қўлланмалар муаллифларига, таржимонлар ва муҳаррирларга мўлжалланган.

4602030000
Ф $\frac{\quad}{358-2002}$ 02

ISBN 5-89890-053-5

© “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти, 2002

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ривожланиш йўлига ўтганидан сўнг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва маданий ҳамда фан ва таълим соҳаларида жиддий янгиланишлар юз бера бошлади. Энциликда таълим ва тарбия соҳаларида жаҳон андозалари даражасига эришиш вазибалари кўйилди. Бу вазибалар босқичма-босқич, ислохотлар йўли билан амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар, замонавий маданият, иқтисодият, фан, техника ва технологиялар заминда етук мутахассислар тайёрлаш тизими ишлаб чиқилди ва у ҳаётга жорий қилинмоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши маънавий-маърифий ва маданий ҳаётимизнинг янгидан уйғонишига мустаҳкам пойдевор яратди.

Давлатимиз миқёсида бу борада ва таълим тўзимига доир қабул қилинган муҳим фармонлар ва қонулар таълим тизимининг барча жабҳаларида амалга ошириш лозим бўлган вазибаларни белгилаб берди.

Маълумки, ўқув адабияти фақат илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий билимлар манбаигина бўлиб қолмай, у ёшларни маънавий-маърифий, маданий, руҳий-эстетик, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, инсоний жиҳатлардан ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг қудратли омилidir.

Бирор фан соҳасидаги ўқув адабиятининг ҳамда илмий ахборотни узатиш ва ўқитишнинг самарадорлиги илмий тушунчалар тавсифларининг, уларга тегишли сўз-терминларнинг аниқлигига ва тил жиҳатидан такомиллигига бевосита боғлиқдир. Бу борада фан соҳаларига доир лугатлар, шу жумладан изоҳли лугатлар муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда кейинги 60 йилдан ортиқ вақт давомида терминларнинг, шу жумладан ўзбек физика терминларининг назарий ва амалий масалалари соҳасида кўпгина тадқиқотлар бажарилди. Жумладан, 10 дан ортиқ русча-ўзбекча физика терминлари лугатлари нашр қилинди. Бироқ, узок йиллар давомида тилимизни русчалаштириш жараёни жадаллик билан амалга ошириб борилди. Яратилган лугатлар ҳам шу жараёндан ҳоли эмасди. Илм-фан, ижтимоий-сиёсий соҳаларда тўлақонли соғлом ўзбекча терминлар мавжуд бўлгани ҳолда улар рус терминлари билан алмаштирила борди. Фан тили ўзбек ўқувчиси учун тобора мавҳумлаша борди, илмий атама-терминнинг лугавий мазмуни билан унга монанд илмий таъриф-мазмун орасидаги мантқиқий уйғунлик – узвий боғланиш йўқола борди. Энциликда янги тил қонулари, юртимиз маънавий ҳаётидаги янгиланишлар заминда фанлар тилини ўзбек тилининг бой мероси асосида қайта қараб чиқиш ва соғломлаштириш имкони вужудга келди. Ҳозир янги таълим тизими учун яратилаётган ўқув адабиятлари илмий жиҳатдан чуқур асосланган тил ва терминларга таяниши лозим.

Ўтган даврда республикада физикадан нисбатан бой икки тилли (русча-ўзбекча) терминлар лугатлари чоп қилинган бўлсада, шу пайтгача ўзбек тилида умумфизикавий изоҳли лугат яратилган эмас эди. Бундай изоҳли лугатга эса эҳтиёж катта.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳозирги университетлар физика фанидан олий босқични (бакалаврият + магистратура) эгаллаши давомида бўлғуси физик мутахассис таълим стандартларига кўра, 60–70 минг физика термини ва уларнинг мазмунини (меъёрий таърифларини) ўзлаштиради. Амалда, терминлар ва уларга бириктирилган меъёрий таърифлар камраб олган илмий мазмунлар мажмуи мутахассис эгаллаши лозим бўлган билим, ўқув ва малакалар қўламини белгилаб беради. Ушбу “Физика изохли лугати” 5000 га яқин энг муҳим физика терминлари ва сўзлар бирикмалари ҳамда меъёрий таърифларини ўз ичига олади. Маълумки, сўз ёки сўзлар бирикмаси уларга муайян илмий мазмун-таъриф бириктирилгандан кейингина термин(атама) ҳуқуқини олади. Шунинг учун ҳам, ушбу изохли лугат терминларни меъёрлаш вазифасини ҳам ўтайди. Лугатни яратиш жараёнида қуйидагиларга эътибор берилди:

1. Дарслиқлар, ўқув қўлланмаларида термин мазмуни бир неча саҳифа давомида, ҳаттоки бир неча бўлимлар доирасида очиб берилади. Бундай ҳолат ўқитиш жараёнида ҳам юз бериб туради. Бир қатор ҳолларда муаллифлар ўқув адабиётида янги терминни ишлатганлари ҳолда унинг мазмунини очиб беришга улча эътибор бермайдилар. Ушбу изохли лугат ўқув адабиётлари муаллифларига, ўқувчиларга ва ўқитувчиларга термин ва унинг таърифига таянган ҳолда илмий мазмунни аниқ ва ихчам тарзда баён қилиш имконини беради.

2. Лугатни тузишда ўзбек тилининг бой имкониятларидан фойдаланилиб, кўпгина терминлар ўрнига ўзбек сўзлари асосида такомил терминлар ясалган. Бунда муаллифлар илмий-услубий, лексикографик, дидактик ва психологик талаб ва мезонларга риоя қилдилар. Қуйида шундай терминлардан намуналар келтирилади: **тебрангич** (маятник ўрнида); **тизим** (система), **маром** (режим), **муттасил** (систематик), **жараён** (процесс), **уфқий** (горизонтальный), **тахлил** (анализ), **хидроген** (водород), **бетараф** (нейтрал), **икки иши** (бифилар), **қоронғи қути** (камера обскура), **уриш** (бомбардировка), **мутлак** (абсолютно), **қатламлар** (страты), **тик** (вертикал, нормал, перпендикуляр), **шўъбадор** (ячеистый), **донадор** (зернистый), **фаол** (активный), **радиофаол** (радиоактивный), **самара** (эффект), **жадал** (интенсив), **(но) мутаносиб** ((не) пропорциональный), **ковак** (дырка), **ўтиш** (переход) ва бошқалар.

3. Физикага доир каттагина гуруҳ тушунчалар илмий мазмуни жиҳатидан шундай ўзига хосликка эгаки, уларга ҳам таркиби, ҳам лугавий мазмуни (семантикаси) жиҳатидан ҳамоҳанг миллий сўз ёки сўзлар бирикмасини топишнинг имкони бўлмайти. Бундай ҳолларда миллий тил таркибига байналмилал физика термини қабул қилинади. Масалан, **адиабата**, **атом**, **электрон**, **протон**, **нуклон**, **фотон**, **квант**, **лазер**, **потенциал**, **энергия**, **диод**, **транзистор**, **тиристор**, **кристалл**, **магнит**, **дифракция**, **интерференция**, **технология**, **изотоп**, **ультратовуш** ва ҳ.к.

4. Маълумки, физика терминларининг каттагина қисми халқаро (лотин ва юнон) негизга эга бўлиб, бундай термин (атама)ларнинг асл мазмуни бир қатор ҳолларда ўқувчиларга нотаниш. Шунинг эътиборга олган ҳолда лугатда шундай терминларнинг кўпчилигига этимологик изох берилган. Лугатда русийзабон (ўзбек тилини янги ўзлаштираётган) китобхоналарнинг манфаатлари эътиборга олинми, терминнинг русча муқобили ҳам берилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунида фанлар тили ва терминларнинг янги алифбода ёзилиши меъёрларини ҳамда терминлар лугатларини яратиш долзарб масала эканлиги қайд қилинган. Ушбу тавсияни эътиборга олган ҳолда муаллифлар барча терминларни кирилл ва лотин алифболарида бердилар. Ушбу ҳол лотин алифбосига тўлиқ ўтилганида ҳам лугатдан фойдаланиш имконини яратиш билан бирга, терминларнинг лотин графикасида ёзилиш тарзини ҳам меъёрлаб беради.

Луғат кўп вазифали бўлиб, ундан бир вақтнинг ўзида “Ўзбекча-русча” ва “русча-Ўзбекча” луғат, “Физика терминларининг этимологик луғати” ҳамда “Физика изоҳли луғати” сифатида фойдаланиш мумкин.

Луғатда бошқа мақолаларга ҳавола қилиш тамойилидан фойдаланилган (масалан, **АЙЛАНМА КВАНТ СОН** – к. *Квант сон*, **РЕАКТОР** – к. *Ядро реактори*). Матн ичида ҳавола қилинган мақолалар *курсив* (кия ҳарфлар) билан берилади.

Ушбу изоҳли луғат муаллифлар жамоасининг узоқ йиллар давомидаги физикадан Ўзбек тилида илмий ва ўқув адабиёти яратиш ҳамда луғатчилик борасидаги тажрибаси, шунингдек, дарсликлар назарияси ва физика терминологияси соҳасида олиб борган тадқиқотлари маҳсулидир.

“Физика изоҳли луғати” физикавий механика, молекуляр физика ва термодинамика, электр ва магнетизм, акустика, радиофизика ва радиотехника, геометрик, физикавий, электрон оптика, квант механика, атом ва ядро физикаси, элементар зарралар физикаси, плазма физикаси, паст ҳароратлар физикаси, вакуум техникаси, назарий физика, атмосфера физикаси ва метрологиянинг энг муҳим тушунчаларини ўз ичига олган. Луғат сўзининг, терминларнинг меъёрий таърифларини тузишда, мазмунини очишда шу соҳага оид бир қатор замонавий халқаро, хорижий, илмий-меъёрий, қомусий, терминологик ва лексикографик манбаалардан фойдаланилди.

Луғатнинг яратилиши жараёнида унинг илмий-мазмуний, услубий, таркибий ва лингвистик тузилмаси республиканинг илмий ва педагогик жамоатчилиги орасида, анжуманларда, жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Ўқув-услубий кенгашида, физика факультети Олимлар кенгашида, “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриётининг физика, математика ва техника таҳририятида, шунингдек ЎЗР Олий ва ЎМТ вазирлигининг “Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш”ида кенг муҳокамадан ўтди.

“Физика изоҳли луғати”ни нашрга тайёрлаш жараёнида унинг лингвистик ва этимологик тузилмасини диққат билан назоратдан ўтказиб, уни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор фойдали тавсиялар берган “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриётининг физика, математика ва техника таҳририяти етакчи муҳаррирлари Д. Мирбобоев ва М. Расуловларга, шунингдек тақризларида берган маслаҳатлари ҳамда луғатнинг камчиликларини кўрсатиш орқали унинг сифатини яхшилашга қўпган ҳиссалари учун ЎЗР ФА академиги, проф. А.Т.Мамадалимов ва проф. О.И.Аҳмаджоновларга муаллифлар чуқур миннатдорчилик билдирадилар.

Муаллифлар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети лаборатория мудири М. Шообидованинг меъёрий маълумотномалар (иловалар)ни нашрга тайёрлашга самарали ҳисса қўшганлигини кўрсатиб ўтадилар.

Луғат камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун қимматли вақтларини аямай ўз фикр ва мулоҳазаларини нашриётга ёзиб юборган кишиларга муаллифлар миннатдорчилик билдирадилар.

Ушбу изоҳли луғат олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчиларига, ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва ўқитувчиларига, илмий ходимларга, дарсликлар ва қўлланмалар муаллифларига, таржимонлар ва муҳаррирларга мўлжалланган.

А

ААРОН-БОМ САМАРАСИ – *AARON-BOM SAMARASI* – **Ааронова-Бом эффект** – зарядланган заррадан узокда жамланган ташқи электромагнитик майдоннинг зарядланган зарра квант ҳолатига таъсирини тавсифловчи квант-механик самара

АББЕ РЕФРАКТОМЕТРИ – *ABBE REFRAKТОMETRI* – **Рефрактометр Аббе** – суюқ ва қаттиқ муҳитларнинг ёруликни синдириш кўрсаткичини ўлчаш асбоби

АБЕРРАЦИЯ – *ABERRATSIYA* – *лот. aberratio* – *огиш, четга чиқиш* – оптик тизимнинг идеал ҳолатдан огиши натижасида тасвирнинг бузилиши

АБСОРБЦИЯ ТОКИ – *ABSORBSIYA TOKI* – **Ток абсорбции** – электродларда бетарафлашмайдиган зарядларнинг кўчишидан юзага келадиган изолятордаги ток

АБСОРБЦИЯВИЙ СПЕКТРОСКОПИЯ – *ABSORBSIYA VIY SPEKTROSKOPIYA* – **Абсорбционная спектроскопия** – спектроскопиянинг кўринувчи, инфракисил ва ультрабинафша нурланишнинг ютилиш спектрини ўрганувчи бўлими

АВОГАДРО ДОИМИЙСИ – *AVOGADRO DOIMIYSI* – **Постоянная Авогадро** – бир моль модалдаги зарралар сони

АВОГАДРО ҚОНУНИ – *AVOGADRO QONUNI* – **Закон Авогадро** – бирдай босим ва бирдай ҳароратда тенг ҳажмлардаги газларда молекулалар сони бирдай бўлади, дейилувчи идеал газ қонуни

АВРОРАЛ РАДИОҚАЙТИШЛАР – *AVRORAL RADIOQAYTISHLAR* – **Авроральные радиоотражения** – қисқа ва ультрақисқа тўлкинда ионосферани радиолокация қилишда кузатиладиган, кутбий ёдулар соҳасидаги ионосферавий

плазма нобиржинсликлариди радио-тўлкинларнинг сочилиши билан боғлиқ ходиса

АВТОКОРРЕКЦИЯЛАШ – *AVTO-KORREKSIYALASH* – **Автокоррекция** – даста ҳолатига оид ахборотга кўра тезлатиш параметрларини автоматик созлаш

АВТОМОДЕЛ ОҚИШ – *AVTOMODEL OQISH* – *юнон. autos* – *ўзи ва франц. modele* – *намуна* – **Автомодельное течение** – суюқлик ёки газнинг оқиши жараёнида бу жараёни белгиловчи битта ёки бир нечта параметрни ўзгартирганда унинг ўз-ўзига механик ўхшашлигича қолиши

АВТОМОДЕЛЛИК – *AVTOMODEL-LIK* – *юнон. autos* – *ўзи ва франц. modele* – *намуна* – **Автомодельность** – бошқа динамик ўзгарувчиларнинг ўхшашлигини ўзгартириш билан мустақил ўзгарувчилар кўламларининг ўзгаришини қоплаш мумкин бўладиган физикавий тизимнинг ўзига хос симметрияси

АВТОФАЗАЛАШ – *AVTOFAZALASH* – **Автофазировка** – тезлатувчи майдонда дастан автоматик тарзда фазалаш

АВТОФАЗАЛАШ МАРОМИ – *AVTOFAZALASH MAROMI* – **Режим автофазировки** – зарраларни тезлатиш ёки жамгаринда автофазалаш амалга оширилдиган маром

АВТОЭЛЕКТРОН ЭМИССИЯ – *AVTOELEKTRON EMISSIYA* – **Автоэлектронная эмиссия** – ташқи электрик майдон воситасида электронларнинг ўтказувчи қаттиқ ёки суюқ жисм сиртидан чиқиши

АВТОЭМИССИЯВИЙ ДНОД – *AVTO-EMISSIYA VIY DIOD* – **Автоэмиссионный диод** – автоэмиссиявий катодли диод

АДАПТИВ АНТЕННА – *ADAPTIV ANTENNA* – Адаптивная антенна – сигнал/шовкин нисбатини энг катта қилиб олишга мўлжалланган, сигналларни қайта ишловчи антенна тури

АДАПТИВ ОПТИКА – *ADAPTIV OPTIKA* – Адаптивная оптика – ўзидан ўтувчи ёруғликнинг тўлқин fronti бузилишларини ўзи тузатиш хусусиятига эга бўлган оптик тизим

АДГЕЗАТОР – *ADGEZATOR* – зарядланган тороид адиабатик генератори – зарраларнинг юқори зичликли халқаларини шакллантириш учун электрон халқали ионлар жамоа тезлатишида қўлланиладиган қурилма

АДИАБАТА КўРСАТКИЧИ – *ADIABATA KO'RSATGICHI* – Показатель адиабаты – идеал газнинг ўзгармас босимдаги иссиқлик сифмининг ўзгармас ҳажмдаги иссиқлик сифмига нисбатига тенг катталиқ

АДИАБАТИК ДРОССЕЛЛАШ – *ADIABATIK DROSSELLASH* – Адиабатическое дросселирование – апроф муҳит билан иссиқлик алмашинувсиз ўтадиган дросселлаш

АДИАБАТИК ЖАРАЁН – *ADIABATIK JARAYON* – Адиабатический процесс – иссиқлик алмашинувсиз ўтадиган жараён

АДИАБАТИК ИНВАРИАНТЛАР – *ADIABATIK INVARIANTLAR* – Адиабатические инварианты – тизим жойлашган ташқи шароитларнинг секин (адиабатик), лекин унча кичик бўлмаган ўзгаришларида амалда ўзгаришсиз қолувчи физикавий катталиқлар

АДИАБАТИК СИҚИУВЧАНЛИК – *ADIABATIK SIQILUVCHANLIK* – Адиабатическая сжимаемость – адиабатик жараёнда тизим ҳажми ўзгаришининг босимнинг кичик ўзгаришига ва тизим эгаллаган ҳажмга нисбати

АДИАБАТИК ТИЗИМ – *ADIABATIK TIZIM* – Адиабатная система – бошқа тизимлар билан иссиқлик алмашинувдиган тизим

АДИАБАТИК ФАРАЗИЯ – *ADIABATIK FARAZIYA* – Адиабатическая гипотеза – майдон квант назариясида сочилиш механизми тасавури асосида ётувчи тахмин

АДИАБАТИК ЯҚИНЛАШИШ – *ADIABATIK YAQINLASHISH* – Адиабатическое приближение – “тез” ва “секин” кичик тизимларни ажратиши мумкин бўлган квант тизимларни тавсифлашда, квант механика масалаларини ечишда қўлланиладиган тақрибий усул

АДИАБАТИК ҚОБИҚ – *ADIABATIK QOBIQ* – Адиабатная оболочка – қаралаётган тизим билан ташқи муҳит орасида иссиқлик алмашинувига йўл қўймайдиغان қобик

АДИАБАТИК ҒАЛАЁНЛАШЛАР – *ADIABATIK G'ALAYONLASHLAR* – Адиабатические возмущения – секин (адиабатик) ўзгарувчи ташқи шароитлар таъсирида квант тизим ҳолатларининг ғалаёнланиши

АДРОН АТОМЛАР – *ADRON ATOMLAR* – Адронные атомы – мусбат зарядланган ядро кулон тортишиши ҳисобига манфий зарядланган адронни тутиб турадиган атомсимон тизим

АДРОНЛАР – *ADRONLAR* – кучли ўзаро таъсирида иштирок ётувчи элементар зарралар (*барион* ва *мезонлар*)

АДРОНЛАРНИНГ КВАРК МОДЕЛЛАРИ – *ADRONLARNING KVARK MODELLARI* – Кварковые модели

адронов – адронларнинг элементар ташқил ётувчилар – кваркларнинг боғланган тизимдан иборат, деб қаратувчи модели

АДСОРБЛАНИШ – *ADSORBLANISH* – Адсорбция – лот. *ad* – жўналиш келишиги қўшимчаси ва *sorbeo* – ютаман – модда сиртига суюқ ёки газ ҳолидаги моддаларнинг ютилиши

АДСОРБЦИЯВИЙ МУВОЗАНАТ – *ADSORBSIYAVIY MUVOZANAT* – Адсорбционное равновесие – *адсорбланиш* ва *десорбланиш* жараёнлари бирдай тезликда ўтадиган тизим ҳолати

АЖИБ ЗАРРА – *AJIB ZARRA* – Странная частица – нолдан фарқли ажиблиқ қийматига эга бўлган адрон

АЖИБЛИК – *AJIBLIK* – Странность – адронларни тавсифловчи ўзгармас квант сон

АЖРАЛМА ОКИШ – *AJRALMA OQISH* – Отрывное течение – суюқлик ёки газ оқими унча жойлашган жисм сиртидан уярма зона ҳосил қилиб ажраладиган оқиш

АЖРАТА ОЛИШ ҚОБИЛИЯТИ – *AJRATA OLISH QOBILIYATI* – Разрешающая способность – оптик тизимнинг буюмнинг бир-бирига яқин икки нуктасини айрим-айрим тасвирлай олиш қобилиятини тасвирловчи катталик;
ажрата олиш лимитига тесқари катталик
АЖРАТИЛГАН ЧИЗИКЛАР – *AJRATILGAN ChIZIQLAR* – Разрешенные линии – таълов қодаларига риоя қилинган нурулашшли квант ўтишларда юзга келувчи спектрал чизиклар
АЖРАТИЛИШ ЧЕГАРАСИ – *AJRATILISH CheGARASI* – Предел разрешения – оптик тизим буюмнинг айрим-айрим тасвирлаб берадиган икки нуктаси орасидаги энг кичик масофаси; бурчак ёки чизигий ўлчовларда ифодаланади
АЖРАТУВЧИ БОСИМ – *AJRATUVCHI BOSIM* – Расклинивающее давление – қаттиқ жисмларнинг сиртлари орасида жойлашган суюқлик пардасининг ҳолатини тасвирловчи термодинамик параметр
АЗЕОТРОП АРАЛАШМА – *AZEOTROP ARALASHMA* – Азеотропная смесь – суюқлик ва газ фазаси бирдай кимёвий таркибли бўладиган буг-газ аралашмаси
АЗИМУТАЛ ВАРИАЦИЯЛИ ЦИКЛОТРОН – *AZIMUTAL VARIATSIYALI SIKLOTRON* – Циклотрон с азимутальной вариацией – магнитик тизими турлича магнитик майдон кучланганликка эга секторлардан ташкил топган циклотрон
АЙЛАНИШ ДАВРИ – *AYLANISH DAVRI* – Период обращения – ўқ атрофида айланаётган жисмнинг бир тўла айланиши учун кетадиган вақт оралиғи
АЙЛАНИШ ДОИМИЙСИ – *AYLANISH DOIMIYSI* – Постоянная вращения – монохроматик ёруғлик кутбланиш текислигининг бурилиш бурчакнинг ёруғлик нурунинг кристаллда ўтган йўли билан боғловчи мутаносиблик коэффициенти
АЙЛАНИШ ЖУФТИ – *AYLANISH JUFTI* – Пара вращения – жисмнинг икки параллел ўқлар атрофида бирдай ва қарама-қарши йўналган бурчак тезликларда айланишининг утин илгариланма ҳаракатига олиб келиши

АЙЛАНИШ ТАКРОРИЙЛИГИ – *AYLANISH TAKRORIYLIGI* – Частота обращения – қаттиқ жисмнинг қўзғалмас ўқла текис айланма ҳаракати такрорийлиги
АЙЛАНИШ ҲАҚИ – *AYLANISH O'QI* – Ось вращения – қаттиқ жисмнинг айланма ҳаракати содир бўлаётган қўзғалмас ўқ
АЙЛАНМА ДИСПЕРСИЯ – *AYLANMA DISPERSIYA* – Вращательная дисперсия – айланиш доимийсининг ёруғлик тўлқин узунлигига боғлиқлигини ифодаловчи ҳамда айланиш доимийсидан тўлқин узунлик бўйича олинган ҳосилата тенг бўлган катталик
АЙЛАНМА ДИХРОИЗМ – *AYLANMA DIXROIZM* – Круговой дихроизм – ўнг ва чап айланма кутбланишга эга бўлган ёруғликнинг турлича ютилшин билан боғлиқ дихроизм
АЙЛАНМА ЖАРАЁН – *AYLANMA JARAYON* – Круговой процесс – тизим жараён давомида ўзгаришларга дучор бўлиб, бошланғич ҳолатига қайтадиган ҳол
АЙЛАНМА КВАНТ СОН – *AYLANMA KVANT SON* – Вращательное квантовое число – ротаторнинг энергиясини белгиловчи квант сон (к)
АЙЛАНМА СПЕКТРЛАР – *AYLANMA SPEKTRLAR* – Вращательные спектры – молекулаларнинг бир бутун тарзда айланиши билан боғлиқ бўлган молекулавий спектрлар
АЙЛАНМА ТЕБРАНГИЧ – *AYLANMA TEBRANGICH* – Оборотный маятник – эркин тушиш тезланишини амалда аниқлаш асбоби
АЙЛАНМА ҲАРАКАТ – *AYLANMA HARAKAT* – Вращательное движение – қаттиқ жисмнинг ҳаракати вақтида у билан қаттиқ боғланган икки (ўқда айланишида) ёки бир (пукта атрофида айланишида) нуктаси ҳаракатсиз қоладиган ҳаракат
АЙЛАНМА ҲАРАКАТ ДИНАМИКАСИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ – *AYLANMA HARAKAT DINAMIKASINING ASOSIY QONUNI* – Основной закон динамики вращательного движения – механик тизим импульс моментининг вақт бўйича ўзгаришини тизимга қуйилган кучларнинг momenti билан боғловчи қонун

АЙЛАНМА-ТЕБРАНМА СПЕКТР – *AYLANMA-TEBRANMA SPEKTR* –
Вращательно-колебательный спектр – молекулаларнинг айланма ва тебранма харакавлари энергияси ўзгарини билан боғлиқ квант ўтишлар натижасида пайдо бўладиган спектр
АЙЛАНТИРИШ ҚОБИЛИЯТИ – *AYLANTIRISH QOBILIYATI* –
Вращательная способность – ёруғлик қобилияти текислиги бурчиш бурчагивчи ёруғлик оптик фаол муҳитда ўтган йўлига нисбати
АЙЛАНТИРУВЧИ МОМЕНТ – *AYLANTIRUVCHI MOMENT* –
Вращающий момент – айлана олувчи жисмнинг айланиш бурчак тезлигини ўзгартирувчи тапқи таъсир мезони
АЙНИГАН ГАЗ – *AYNIGAN GAZ* –
Вырожденный газ – зарраларнинг бири-биридан фарқ қилмаслиги туфайли ўзаро квант механик таъсирлашини оқибатида хоссалари идеал газ хоссаларидан жиддий фарқ қилувчи газ
АЙНИГАН САТҲ – *AYNIGAN SATH* –
Вырожденный уровень – квант тизимнинг айниган ҳолатига мос келувчи энергия сатҳи
АЙНИГАН ЯРИМЎТКАЗГИЧ – *AYNIGAN YaRIMO'TKAZGICH* –
Вырожденный полупроводник – Ферми сатҳи ўтказувчанлик соҳаси ёки валент соҳада жойлашган яримўтказгич
АЙНИЙ ЗАРРАЛАР – *AYNIY ZARRALAR* –
Тожественные частицы – бирдай физикавий хоссали, жойлари алмаштирилганда квант тизимнинг ҳолати ўзгармайдиган зарралар
АЙНИЙ ЗАРРАЛАРНИ АЖРАТИБ БЎЛМАСЛИГИ ТАМОЙИЛИ – *AYNIY ZARRALARNI AJRATIB BO'LMASLIGI TAMOYILI* –
Принцип неразличимости тождественных частиц – айний зарралар тизимининг ҳолати уларнинг ўрнини алмаштиришдан ўзгармайди, дейилувчи даъво
АЙНИЙЛИК ТАМОЙИЛИ – *AYNIYLIK TAMOYILI* –
Принцип тождественности – айний зарраларнинг жойини алмаштиришдан вужудга келувчи зарралар тизими ҳолатларини ҳеч қандай тажрибада фарқ

қилиш мумкин эмаслиги, шунингдек, бу ҳолатлар бирдай физикавий ҳолат, деб қаралиши лозимлиги ҳақидаги квант механиканинг асосий тамойили
АЙНИМАГАН ЯРИМЎТКАЗГИЧ – *AYNIMAGAN YaRIMO'TKAZGICH* –
Невырожденный полупроводник – Ферми сатҳи таққиланган соҳанинг чегараларидан кТ дан каттарок масофада жойлашган яримўтказгич; бу ҳолда заряд ташувчилар Максвелл-Больцман статистикасига бўйсунди
АЙНИШ – *AYNISH* –
Вырождение – тизимнинг турлича ҳолатлари учун уни тавсифловчи бирор катталиги (одатда энергия) бирдай қийматга эга бўлишидан иборат квант тизим хоссаси
АЙНИШ ҲАРОРАТИ – *AYNISH HARORATI* –
Температура вырождения – бирор қийматидан пастроғида тизим айниган газ хоссаларини намоён қила бошлайдиган ҳарорат
АККРЕЦИЯ – *AKKRETSIYA* – лот. *accretio* – *қўнайиш, орттиш* – атроф фазодан модданинг юлдуз (галактика ёки бошқа космик жисм)га тушиши
АККУМУЛЯТОРЛАР БАТАРЕЯСИ – *AKKUMULYATORLAR BATAREYASI* –
Батарея аккумуляторов – электрик аккумуляторлардан ташкил топган электрик батарея
АКСИАЛ БЕТАТРОН ТЕБРАНИШЛАР – *AKSIAL BETATRON TEBRANISHLAR* – лот. *axis* – *ўқ* –
Аксиальные бетатронные колебания – зарядланган зарраларнинг тезлатгич ўқига параллел йўналишдаги бетатрон тебранишлари
АКСИАЛ ВЕКТОР – *AKSIAL VEKTOR* –
Аксиальный вектор – Эвклид ёки сохта Эвклид фазода айлантирилганда оддий вектор каби ўзгарувчи ва координата ўқларини акс эттирганда ишорасини ўзгартирмайдиган катталиқ
АКСИАЛ ТОК – *AKSIAL TOK* –
Аксиальный ток – бир зарранинг бошқа заррага айланишини тавсифловчи ҳамда Лоренц ўзгартиришларида тўрт ўлчовли векторга ва фазовий акс этишларда сохта векторга айланувчи оператор ифода
АКСИАЛ ТУРҒУНЛИК – *AKSIAL TURGUNLIK* –
Аксиальная

устойчивость – зарядланган зарранинг тезлаттич ўкига параллел йўналишдаги харакатининг турғулиги

АКСИОН – *AKSION* – квант хромодинамикасининг СР – инвариант-лигини сақлаш учун киритилган фаразий бетараф сохта скаляр зарра

АКСОИД – *AKSOID* – қаттиқ жисмнинг кўзгалмас нукта атрофида ёки жисм харакатининг умумий ҳолида оний винг ўқлар атрофида харакатида оний айланяш ўқларининг геометрик ўрни

АКС-САДО – *AKS-SADO* – Эхо – бир тўсиқдан қайтиб, кузатувчи қабул қилалиган тўлқин

АКТИНИД МАГНЕТИКЛАР – *AKTINID MAGNETIKLAR* –

Актинидные магнетики – кристалл магнетиклар [металлар, қотишмалар, бирикмалар ва шунингдек, таркибида актинидлар Ac, Th, Pa, V, Np, Pu ва б.] қаторига оид элементга эга бўлган аморф магнетиклар

АКУСТИК ГОЛОГРАФИЯ – *AKUSTIK GOLOGRAFIYA* – Акустическая голография – товуш майдонларини ёзиб олиш, қайта ҳосил қилиш ва ўзгартиришнинг интерференциявий усули

АКУСТИК ЗОНД – *AKUSTIK ZOND* – Акустический зонд – товуш босимини ўлчайдиган қурилма

АКУСТИК ИМПЕДАНС – *AKUSTIK IMPEDANS* – Акустический импеданс – товуш нурлагичлари ва қабул қилгичлари тебранишларини қараётганда киритиладиган комплекс қаршилик

АКУСТИК ИМПУЛЬС – *AKUSTIK IMPULS* – Акустический импульс – босимнинг кескин қиска муддатли ўзгариши тарзидаги товуш тўлқини (масалан, портлаш, учқун разряд ҳосил қилган товуш тўлқини)

АКУСТИК ЙИГУВЧИ – *AKUSTIK YIGUVCHI* – Акустический концентратор – товуш жалаллигини ошириш учун ишлатилувчи қурилма

АКУСТИК КАНАЛ – *AKUSTIK KANAL* – Акустический канал – товуш сигналларини товуш ва ультратовуш тўлқинлар ёрдамида узатувчи қурилмалар ва физикавий муҳитлар мажмуи

АКУСТИК КОАГУЛЯЦИЯ – *AKUSTIK KOAGULYATSIIYA* – Акустическая коагуляция – газдаги ёки суюқликдаги муаллақ майда қаттиқ зарраларнинг, суюқ томчи ва газ пуфакларининг товуш ёки ультратовуш такрорийликка эга акустик тебранишлар таъсирида яқинлашуви ва йириклашуви

АКУСТИК КОНЦЕНТРАЦИЯВИЙ САМАРА – *AKUSTIK KONSENTRATSIIYAVIY SAMARA* – Акустоцентриционный эффект – яримтўқазгичда турғуланган акустикавий оқимнинг тарқалиши туфайли унинг сирти яқинида заряд тапшувчилар концентрациясининг ўзгариши

АКУСТИК КЎЗГҮ – *AKUSTIK KO'ZGU* – Акустическое зеркало – чизиғий ўлчовлари тушувчи товушнинг тўлқин узунлигидан катта бўлган ва ундан товуш тўлқинлари мунтазам қайтиб турадиган силлик сирт

АКУСТИК ЛИНЗА – *AKUSTIK LINZA* – Акустическая линза – товуш тўлқинларини фокуслаш қурилмаси

АКУСТИК РЕЗОНАНС – *AKUSTIK REZONANS* – Акустический резонанс – доимий магнитик майдонга жойлашган парамагнитик кристалларда муайян такрорийликли фононлар энергиясини таълаб ютиш

АКУСТИК РЕЗОНАТОР – *AKUSTIK REZONATOR* – Акустический резонатор – ташқи муҳит билан кичик тиркиш ёки найча орқали туташувчи илиш; мураккаб товушлар такрорийлигини таҳлил қилишда, шунингдек, резонанс товуш ютич сифатида ишлатилади

АКУСТИК РЕЛАКСАЦИЯ – *AKUSTIK RELAKSATSIIYA* – Акустическая релаксация – товуш тўлқинида сиғишлар ва сийракланишлар натижасида муҳит термодинамик мувознати тикланишларида юз берадиган ички жараён

АКУСТИК СОЯ СОҲАСИ – *AKUSTIK SOYA SOHASI* – Зона акустической тени – узокдаги қудратли манбалардан келувчи товуш эшитилмайдиган, лекин шу вақтнинг ўзида бу соҳадан узокроқ масофаларда товуш яна пайдо бўладиган соҳа

АКУСТИК СПЕКТРОСКОПИЯ – *AKUSTIK SPEKTROSKOPIYA* – **Акустическая спектроскопия** – моддада тарқалаётган турлича такрорийликли товуш тўлқинларининг фазавий тезлигини ва ютилиш коэффицентини ўлчаш усуллари мажмуи

АКУСТИК ФИЛЬТР – *AKUSTIK FILTR* – **Акустический фильтр** – мураккаб товушдан муайян такрорийликлар соҳасидаги товушни ажратиб олиш қурилмаси

АКУСТИК ҚАРШИЛИК – *AKUSTIK QARSHILIK* – **Акустическое сопротивление** – товуш босимининг муҳитдан товуш тўлқини ўтаётганда зарраларнинг ўз мувозанат ҳолатлари атрофида тебранма ҳаракатлари тезлигига нисбати

АКУСТИКА – *AKUSTIKA* – юнон. *akustikos* – эшитаман – физиканинг товуш ҳодисаларини ўрганувчи бўлими

АКУСТИКАВИЙ ТЕШИЛИШ – *AKUSTIKAVIY TESHILISH* – **Акустический пробой** – жадал ультратовуш тўлқини таъсирида магнитик майдонда жойлашган металлдаги электронлар ҳаракати траекторияси топологиясининг бузилиши

АКУСТИКАВИЙ ТЎЛҚИН ҲТКАЗГИЧ – *AKUSTIKAVIY TO'LQIN O'TKAZGICH* – **Акустический волновод** – бир ёки икки йўналишда деворлар ёки бошқа муҳитлар билан чекланганлиги туфайли тўлқинларнинг атрофга тарқалиши йўқоладиган ёки камайдиган ва шу сабабли товушнинг тармоқ бўйича тарқалиши чекланмаган бир жиисли муҳитдагидан камрок заифлашадиган муҳит қисми

АКУСТИКАВИЙ ШАМОЛ – *AKUSTIKAVIY SHAMOL* – **Акустический ветер** – муҳитда товушнинг жадал тарқалиши натижасида муҳитнинг равои окиши

АКУСТИКАВИЙ ЭМИССИЯ – *AKUSTIKAVIY EMISSIYA* – **Акустическая эмиссия** – каттик жисмларда дарзлар пайдо бўлганда ва ривожланганда товуш тўлқинларининг вужудга келиши

АКУСТОМАГНИТОЭЛЕКТРИК САМАРА – *AKUSTOMAGNITO-ELEKTRIK SAMARA* – **Акустомагнито-электрический эффект** – магнитик

майдонда жойлаштирилган каттик ўтказгичда ультратовуш тўлқинлар таъсирида кўндаланг ЭЮК нинг вужудга келиши

АКУСТООПТИК ДИФРАКЦИЯ – *AKUSTOOPTIK DIFRAKSIYA* – **Акустооптическая дифракция** – муҳитда ультратовуш тўлқинлари тарқалаётганда ёруғликнинг муҳит нобиржинсликларида *дифракцияси*

АКУСТООПТИК РЕФРАКЦИЯ – *AKUSTOOPTIK REFRAKSIYA* – **Акустооптическая рефракция** – товуш тўлқини нобиржинс деформациялаган муҳитда ёруғлик нурлари йўлининг эгиланиши

АКУСТОЭЛЕКТРИК ДОМЕНЛАР – *AKUSTOELEKTRIK DOMENLAR* – **Акустоэлектрические домены** – яримўтказгичдан заряд ташувчиларнинг лайдилли туфайли фононларнинг кучайиши натижасида унда юзага келувчи кучли электрик майдон ва паст такрорийликли жадал акустик фононлар (шовқинлар) соҳалари

АКУСТОЭЛЕКТРИК САМАРА – *AKUSTOELEKTRIK SAMARA* – **Акустоэлектрический эффект** – ўтказгичда акустик тўлқинлар тарқалаётганда унинг ёспик занжирда доимий ток ёки очик учларида электрик қуцланиш (акустик ЭЮК) вужудга келиши

АКУСТОЭЛЕКТРОМАГНИТИК САМАРА – *AKUSTOELEKTRO-MAGNITIK SAMARA* – **Акустоэлектромагнитный эффект** – яримўтказгич кристаллга етарлича кучли электрик майдон берилганда акустик шовқинлар (фононлар)нинг кучайиши натижасида унда магнитик моментнинг юзага келиши

АКЦЕПТОР КИРИШМА – *AKSEPTOR KIRISHMA* – **Акцепторная примесь** – яримўтказгичда коваклар ҳосил бўлишини таъминловчи киришма

АКЦЕПТОР САТХ – *AKSEPTOR SATH* – **Акцепторный уровень** – яримўтказгичда акцептор киришманинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган энергия сатҳи

АЛАНГАВИЙ ФОТОМЕТРИЯ – *ALANGAVIY FOTOMETRIYA* – **Пламенная фотометрия** – ёритгич газ, водород), ацетилен ёки дициан алангасида

металлар, нискорлар спектрини уйғотиш асосида амалга ошириладиган эмиссиявий спектрал тахлил хилларидан бири

АЛМАШИНМА ҲАЗАРО ТАЪСИР – *ALMAShINMA O'ZARO TA'SIR* – **Обменное взаимодействие** – зарралар координаталарининг алмаштирилишига нисбатан симметрия хоссаларига эга булган тизим тўлқин функцияси билан боғлиқ квант тизим таркибига кирувчи бирдай зарраларнинг ўзига хос ҳазаро таъсири; бу ҳол зарралар ҳаракатининг мослашувиға ҳамда тизим энергиясининг ўзгарувиға олиб келади

АЛЬФЕН ТўЛҚИНЛАРИ – *ALFEN TO'LQINLARI* – **Альфеновские вольны** – плазмада магнитик майдонда тарқалувчи магнит-гидродинамик тўлқинлар

АМАГА ҚОНУНИ – *AMAGA QONUNI* – **Закон Амага** – идеал газлар аралашмаларининг ҳажми уларнинг парциал ҳажмлари йиғиндисига тенг, дейилувчи идеал газлар қонуни

АМБИҚУТБІЙ ДИФФУЗИЯ – *AMBIQUTBIY DIFFUZIYA* – **Амбиполярная диффузия** – электронлар ва ионларнинг ўз концентрациялари камайиши йўналишида, шу билан бирга, плазма ҳажмининг ҳар бир нуқтасида уларнинг оқимлари бирдай бўлгани ёки биридан бирор доимий катталиққа фарқ қилгани ҳолда биргалиқда диффузиявий кўчиши

АМЕТРОПИЯ – *AMETROPIYA* – аккомодация (мослашув) бўлмаганда кўзнинг орка фокуси тўрпарда билан мос келмаслиғидан иборат кўзнинг камчилиги

АМОΡФ ЖИСМ – *AMORF JISM* – *юнон. amorphos* – *шаклсиз* – **Аморфное тело** – ўзини ташкил қилган микроразралари тўғри даврий жойлашувга эга бўлмаган жисм

АМОΡФ МАГНЕТИКЛАР – *AMORF MAGNETIKLAR* – **Аморфные магнетики** – ҳароратларнинг чекли оралиғида муайян магнитик атом, масалан, ферромагнитик тузилиш билан бирга аморф атом тузилишга ҳам эга бўлган магнитик материаллар синфи
АМОΡФ МЕТАЛЛАР – *AMORF METALLAR* – **Аморфные металлы** – каттик нокристалл металлар ва уларнинг қотишмалари

АМОΡФ МОДДА – *AMORF MODDA* – **Аморфное вещество** – тартибланган тузилишга эга бўлмаган каттик модда

АМОΡФ ҲОЛАТ – *AMORF HOLAT* – **Аморфное состояние** – модданинг каттик нокристалл ҳолати; хоссаларининг изотроплиги ва эриш нуқтасининг бўлмаслиги билан тавсифланади

АМПЕР КУЧИ – *AMPER KUCHI* – **Сила Ампера** – электрик ток ўтаётган ўтказиқча магнитик майдон томонидан таъсир қилувчи куч

АМПЕР ТЕОРЕМАСИ – *AMPER TEOREMASI* – **Теорема Ампера** – магнитик япроқча магнитик майдони шу япроқча контуридан оқувчи ёпиқ (айланма) электрик ток ҳосил қилаётган майдонга мослигини ифодаловчи қоида

АМПЕР ҚОНУНИ – *AMPER QONUNI* – **Закон Ампера** – 1) иккита ўтказиқчининг кичик кесмаларидан оқаётган электрик тоқларнинг ўзаро механик таъсири қонуни, 2) магнитик майдоннинг ўтказиқчининг кичик кесмасидан оқаётган электрик тоққа таъсир кучини аниқловчи қонун

АМПЛИТУДАВИЙ АНАЛИЗАТОР – *AMPLITUDAVIY ANALIZATOR* – **Амплитудный анализатор** – зарралар детекторлари бўйича электрик импульслар амплитудаларининг тақсимланишини аниқлаш қурилмаси

АМПЛИТУДАВИЙ ДИСКРИМИНАТОР – *AMPLITUDAVIY DISKRIMINATOR* – **Амплитудный дискриминатор** – амплитудаси берилган қийматдан катта бўлган электрик сигналларни автоматик ажратувчи қурилма

АМПЛИТУДАВИЙ КОНТРАСТ – *AMPLITUDAVIY KONTRAST* – **Амплитудный контраст** – буюмнинг энг катта ва энг кичик ёруғланишлари ёки тасвирнинг ёритилганлиқлари айирмасининг уларнинг йиғиндисига нисбати

АМПЛИТУДАВИЙ МОДУЛЛАШ – *AMPLITUDAVIY MODULLASH* – **Амплитудная модуляция** – тебранишлар вақтида амплитудалари ўзгарадиган тебранишлар модуляцияси

АМПЛИТУДАВИЙ ТАВСИФ – *AMPLITUDAVIY TAVSIF* – **Амплитудная характеристика** – қурилма чиқишидаги

сигнал амплитудасининг киришдаги сигнал амплитудасига болганин
АМПЛИТУДАВИЙ-ТАКРОРИЙЛИК ТАВСИФИ - *AMPLITUDAVIY-TAKRORIYLIK TAVSIFI* - Амплитудно-частотная характеристика - курилма чикшишдан тебраншлар амплитудасининг киришдаги гармоник сигнал такрорланишига болганини

АНАМОРФЛАШ - *ANAMORFLASH* - Анаморфирование - буюмларнинг турли йўналишларда чизгий ва бурчак ўлчовларини ўзгартриш билан уларнинг атайин бузилган тасвирларини ҳосил қилиш

АНАМОРФОТ КИЙГИЗМА - *ANAMORFOT KIYGIZMA* - *юнон. anamorphoo - ўзгартираман* - Анаморфотная насадка - расмга олувчи ёки проекцияловчи объектив олдинга жойлаштирилмаган ва тасвирни анаморфлаш ёки анаморфсизлашга мўлжалланган афокал оптик тизим

АНАСТИГМАТ - *ANASTIGMAT* - *юнон. an - манзара ва stigma - нуқта* - амалда оптик тизимларга хос бўлган барча тур *абберация*лардан ҳоли бўлган объектив

АНГАРМОНИЗМ - *ANGARMONIZM* - тебранма тизимларнинг чизгий бўлмаганлиги туфайли тебраншларнинг гармоникликдан фарқ қилиши

АНГСТРЕМ - *ANGSTREM* - атом физика ва молекуляр оптикада қўлланиладиган ва 10^{-10} м га тенг бўлган тизимдан танқари узунлик бирлиги

АНЕМОМЕТР - *ANEMOMETR* - газ оқимлари тезлигини ўлчашга ишлатиладиган асбоб

АНИЗОТРОП ЖИСМ - *ANIZOTROP JISM* - Анизотропное тело - физикавий хоссалари унда танланган йўналишга боғлиқ бўлган модда

АНИЗОТРОП МУХИТ - *ANIZOTROP MUHIT* - Анизотропная среда - физикавий хоссалари унда танланган йўналишга боғлиқ бўлган мухит

АНИЗОТРОПИЯ - *ANIZOTROPIYA* - *юнон. anisos - бир хил бўлмаган, баравар бўлмаган ва tropos - йўналиш* - жисм ёки майдон физикавий хоссаларининг йўналишларга боғликлиги

АНИҚЛИК - *ANIQLIK* - **Точность** - ўлчов қийматларининг ёки ўлчовчи асбоб курсаткичларининг катталигининг эталон қийматига ёки аниқ ўлчовчи асбоб ёрдамида топишган чин қийматига яқинлик даражаси
АННИГИЛЯЦИЯ - *ANNIGILIYATSIYA* - *лот. annihilatio - йўқолиш, ҳеч нарсага айланш* - зарра ва унга мос антизарра учрашиб, бошқа зарраларга айланиш жараёни

АННИГИЛЯЦИЙВИЙ НУРЛАНИШ - *ANNIGILIYATSIYAVIY NURLANISH* - **Аннигиляционное излучение** - зарра ва антизарранинг алоҳида тур ўзаро таъсири (аннигиляцияси) да юзага келувчи электромагнитик нурланиш

АНОД - *ANOD* - *юнон. anodos - кутарилиш, юқорига ҳаракат* - 1) электрик ток манбаининг мусбат кутби; 2) асбобнинг электрик ток манбаининг мусбат кутбига уланадиган электроди; 3) электролитик ваннанинг мусбат кутби; 4) электрик ёйининг мусбат электроди

АНОД ЁРУҒЛАНИШИ - *ANOD YoRUG'LANISHi* - **Анодное свечение** - газ разряд найдаги биқсимга разряд аноди яқинидаги ёруғланувчи соҳа

АНОД КУЧЛАНИШ - *ANOD KUCHLANISH* - **Анодное напряжение** - электрон лампанинг аноди билан катоди орасига қўйилган электрик қушланиш

АНОД ТАВСИФНОМАСИ - *ANOD TAVSIFNOMASI* - **Анодная характеристика** - электрон лампа доимий тур қушланишида анод тоқининг анод қушланишига болганини

АНОД ТОКИ - *ANOD TOKI* - **Анодный ток** - электрон лампанинг анод занжирида оқувчи электрик ток

АНОМАЛ МАГНИТИК МОМЕНТ - *ANOMAL MAGNITIK MOMENT* - **Аномальный магнитный момент** - элементар зарра магнитик моменти катталигининг зарра табиатини тавсифловчи релятивистик квант механик тенглама баъиорат қилалдиган "нормал" қийматдан четлашувчи

АНОМАЛ ЎТКАЗИШ САМАРАСИ - *ANOMAL O'TKAZISH SAMARASI* - **Эффект аномального пропускания** - калин идеал кристаллда Лауэ ўтказиши

ҳолида нурланиш оқимининг бир қисмици ютишининг кескин камайиши

АНТЕННА – *ANTENNA* – лот. *antenna* – *мачта, устун* – тўлқин майдонларини ўзгартиргич; *анъанавий маънода* – унга бевосита узатгичдан келувчи, ё антенна – фидер йўлидан келувчи тўлқинларни нурлаш хизматини бажарувчи ёки тушувчи нурланишни ўзгартириб қабул қилгичга узатувчи қурилма

АНТИБАРИОНЛАР – *ANTIBARIONLAR* – **Антибарионы** – барионларга нисбатан антизарра; ярим-бутун спинга (улар фермионлар) ва манфий барион сонга эга

АНТИЎПУВЧИ ҚАТЛАМ – *ANTI-YoPUVChI QATLAM* – **Антизапорный слой** – яримўтказгичнинг юқори концентрацияли асосий заряд ташувчиларга эга бўлган қатлами (бойитилган қатлами)

АНТИЗАРРА – *ANTIZARRA* – **Античастица** – ўзига мос заррадан электрик заряднинг магнитик моменти ишораси ёки бошқа физикавий хусусиятлари билан фаркланувчи, лекин массалари бир-бирига тенг элементар зарра

АНТИКВАРК – *ANTIKVARK* – мезонлар ва антибарионларни ташкил қилувчи кваркларга нисбатан антизарра

АНТИМОДДА – *ANTIMODDA* – **Антивещество** – антизарралардан ташкил топган материя

АНТИНЕЙТРИНО – *ANTINEYTRINO* – нейтринога нисбатан антизарра бўлган бетараф элементар зарра

АНТИНЕЙТРОН – *ANTINEYTRON* – электрик бетараф, яримбутун спинга эга ва массаси нейтрон массасига тенг, нейтронга нисбатан антизарра

АНТИНУКЛОН – *ANTINUKLON* – нуклонга нисбатан антизарра; анти-нуклонлар орасидаги ядровий ўзаро таъсир антимода атомлари ядроларининг, антинуклон билан нуклон орасидаги ўзаро таъсир барионларнинг вужудга келишига олиб келади

АНТИПРОТОН – *ANTIPROTON* – протонга нисбатан антизарра; унинг массаси ва спини протонники каби, барион сони $B=-1$ га, электрик заряди (магнитик моменти) манфий, мутлак

катталиги жиҳатдан протоннинг электрик зарядига (магнитик моментига) тенг **АНТИСЕГНЕТОЭЛЕКТРИК** – *ANTISEGNETOELEKTRIK*

– сегнетоэлектрик бўлмагани ҳолда диэлектрик сингдирувчанлигининг ҳароратга боғланишида сезиларли аномалияга эга бўлган фазавий ўтишли диэлектрик кристалл

АНТИФЕРРОМАГНЕТИЗМ – *ANTIFERROMAGNETIZM* – **анти ва ферромагнетизм** – модданинг магнитик тартибланган ҳолати; ундаги атомлар ёки ионларнинг магнитик моментлари антипараллел бўлган ҳолдаги магнетизм ташки магнитик майдон йўқлигида магнитланганлиги нолга тенг бўлиши билан тавсифланади

АНТИФЕРРОМАГНИТИК – *ANTIFERROMAGNITIK* – **антиферромагнетизми** ошқор қилувчи модда

АНТИФЕРРОМАГНИТИК ДОМЕНЛАР – *ANTIFERROMAGNITIK DOMENLAR* – **Антиферромагнитные домены** – антиферромагнитик кристаллнинг антиферромагнетизм вектори ёки тузилмасининг модуланган спин зичлиги тўлқин вектори биржинсли бўладиган соҳалари (доменлари)

АНТИФЕРРОМАГНИТИК РЕЗОНАНС – *ANTIFERROMAGNITIK REZONANS* – **Антиферромагнитный резонанс** – антиферромагнетикдан ўтувчи электромагнитик тўлқинлар энергиясининг муайян такрорийликлар қийматида ҳамда унга қўйилган магнитик майдоннинг муайян кучланганликларида танлаб ютилиши

АПЕРТУРА – *APERTURA* – лот. *apertura* – *тешик* – оптик тизимнинг ёруғлик дастаси кенлигини белгиловчи тирқиш диаметри

АПЕРТУРАВИЙ БУРЧАК – *APER-TURAVIY BURChAK* – **Апертурный угол** – жисм текислиги билан бош оптик ўқ кесишадиган нуқтадан оптик тизимнинг кириш тирқиши диаметри кўринадиган бурчак

АИЕРТУРАВИЙ ДИАФРАГМА – *APERTURAVIY DIAFRAGMA* – **Апертурная диафрагма** – оптик тизимдан ўтувчи нурлар

дастасининг бир вақтда ҳам ўқ бўйича, ҳам қия йўналганларни чекловчи диафрагма

АПЕРТУРАВИЙ СИНТЕЗ – *APERATURAVIY SINTEZ* – **Апертурный синтез** – радиointерферометр мажмуини ташкил қилувчи нисбатан кичик антенналардан фойдаланиш йўли билан юксак бурчак ажратишга эришиш усули

АПЛАНАТ – *APLANAT* – *юнон. arplanetos* – *хатосиз, оғинмайдиган* – астигматизм ва тасвир эгрлигининг мумкин бўлган четгараларида, сферик абберрация ва команди тугатиш орқали кескин тасвирни яратувчи оптиквий тизим

АНОДИЗАЦИЯ – *APODIZATSIYA* – оптик тизим устидати ёрузлагувчи нуқтанинг дифракциявий манзарасида жадаллик тақсимланиши ўзгаришига олиб келувчи ўзгартиришлар

АПОСТИЛЬ – *APOSTILB* – *юнон. apostilbo* – *ярқайман, чақрайман* – равшанликнинг тизимдан ташқари бирлиги

АПОХРОМАТ – *APOXROMAT* – *юнон. apo* – *бу ерда кичрайтиришни билдирадиган олд қўшимча ва chroma* – *ранг* – оптик тизимларнинг сферавий ва сферохроматик абберациялари туғрилангандан сўнг қолдик хроматик абберрация *ахроломат*дагидан кичик бўладиган объектив

АППАРАТ ФУНКЦИЯ – *APPARAT FUNKTSIYA* – **Аппаратная функция** – асбобнинг чиқишида ўлчанган катталик киймати шу катталикнинг киришдаги хақиқий киймати билан боғловчи ўлчагич асбоб тавсифи

АРАЛАШ НУРЛАНИШ – *ARALASH NURLANISH* – **Смешанное излучение** – ҳар хил тур зарралардан ёки зарралар ва квантлардан ташкил топган нурланиш

АРАЛАШ РЕЗОНАТОР – *ARALASH REZONATOR* – **Смешанный резонатор** – ҳар хил кўринишдаги икки кутбдош кўзулардан ҳосил қилинган *резонатор*

АРАЛАШ ЯРИМЎТКАЗГИЧ – *ARALASH YARIMO'TKAZGICH* – **Смешанный полупроводник** – бир вақтнинг ўзида ҳам ион ўтказувчанлик, ҳам электрон ўтказувчанлик хоссаларига эга бўлган яримўтказгич

АРАЛАШ ҲОЛАТ – *ARALASH HOLAT* – **Смешанное состояние** –

намунадаги магнитик майдон ўса бориб, у критик магнитик майдоннинг иккита кийматидан пасткисига эришганда иккинчи жинс ўтказгич-ўтаўтказгич ўталган янги ҳолат

АРЕОМЕТР – *AREOMETR* – *юнон. araios* – *бу ерда суюқ ва metrio* – *ўлчамайман* – иши *Архимед қонунига* асосланган, каттик жисм ва суюкликларнинг зичлигини аниқлайдиган асбоб

“АРОМАТ” – *“AROMAT”* – *юнон. aroma* – *хушбўй, муаттар* – кваркнинг рангидан бошқа барча квант сонлари мажмуини ўз ичига олувчи тавсифи

АРРАСИМОН КУЧЛАНИШ ГЕНЕРАТОРИ – *ARRASIMON KUCHLANISH GENERATORI* – **Генератор пилообразного напряжения** –

аррасимон шаклида лаврий тебранувчи кучланиш (ток)ни шакллантирувчи электрон қурилма, чизигий ўзгарувчи кучланиш (ток) генератори

АРХИМЕД ҚОНУНИ – *ARXIMED QONUNI* – **Закон Архимеда** – оғирлик кучи майдонида жойлашган суюклик ёки газ томонидан уларга ботирилган жисмга тасвир этувчи кучни аниқловчи гидростатика ва аэростатика қонуни

АСИМПТОТИК ЭРКИНЛИК – *ASIMPTOTIK ERKINLIK* – **Асимптотическая свобода** – кварклар орасидаги масофанинг камайиши билан кварклар ва глюонларнинг рангвий заряди камайиши ҳамда кичик масофаларда кварклар ўзини худди эркин зарралар-партоилар каби тутати, дейилувчи кварклар назарияси тахмин

АСЛИК – *ASLLIK* – **Добротность** – реактив қувватнинг диэлектрик йўқотишлар бурчаги котангенсига тенг кучланиш остида турган изоляциядаги диэлектрик йўқотишларга нисбати

АСОСИЙ БИРЛИК – *ASOSIY BIRLIK* – **Основная единица** – физикавий катталикнинг бирор тизимга оид ихтиёрий танлаб олинган бирлиги

АСОСИЙ КИНЕТИК ТЕНГЛАМА – *ASOSIY KINETIK TENGLAMA* – **Основное кинетическое уравнение** – квант тизимнинг квант ҳолатлар бўйича тақсимланиш эҳтимоли тенгламаси

АСОСИЙ НУҚТА – *ASOSIY NUQTA* – Главная точка – тизим оптик ўқи билан асосий текислик кесинган нуқта

АСОСИЙ РАНГЛАР – *ASOSIY RANGLAR* – Основные цвета – иккитасини қўшиш билан учинчисини ҳосил қилиб бўлмайдиган, лекин уларни маълум микдорларда қўшиш туфайли кўз билан чамалаб муайян ранглардан фарк қишмайдиган ранг ҳосил қилиш мумкин бўлган учта ранг

АСОСИЙ ТЕКИСЛИК – *ASOSIY TEKISLIK* – Главная плоскость – бир-бирида бирга тенг чизигий катталашш билан тасвирланувчи, тизимнинг оптик ўқиغا тик иккита текислиكنинг ҳар бири

АСОСИЙ ТОН – *ASOSIY TON* – Основной тон – 1) мураккаб акустик сигналнинг энг кичик такрорийлиги, 2) акустик тизим ўзи учун мумкин бўлган энг кичик такрорийлик билан теб-ранганда вужудга келтирилган тон

АСОСИЙ ҲОЛАТ – *ASOSIY HOLAT* – Основное состояние – муайян тизим учун мумкин бўлган энергия кийматларининг дискрет қаторидан энг кичик энергияга мос келган квант тизим ҳолати

АСПЕРОМАГНЕТИЗМ – *ASPEROMAGNETIZM* – аморф магнетикнинг муайян тартибланиш ҳароратидан настрокда тартибсиз жамланган магнитик моментлар имтиёзли ориентацияга эга бўладиган магнитик ҳолатлар

АСТЕРИЗМ – *ASTERIZM* – *юнон. aster* – *юлдуз* – кристаллар деформацияланганда лауэграммада рефлексларнинг ёйилиб кетиши

АСТЕРОИДЛАР – *ASTEROIDLAR* – ақсарият Марс ва Юпитер орбиталари орасида, сайёралар ораликлари қонунига кўра нормал ўлчовли сайёра жойлашиши лозим бўлган жойларда ҳаракатланувчи кичик сайёралар

АСТИГМАТИЗМ – *ASTIGMATIZM* – *юнон. a* – *манфий ва stigma* – *нуқта* – ёрузлик нуқтавий манбанинг тасвири бита текисликда ётмайдиган иккита ўзаро тик кесмада кузатиладиган оптик тизим *абберацияси*

АСТРОНОМИК РЕФРАКЦИЯ – *ASTRONOMIK REFRAKTSIYA* –

Астрономическая рефракция – Ер ёки бошқа сайёра атмосферасида самовий жисмнинг кўринувчи ва чин йўналишлари тафовутига олиб келувчи ёрузлик сишиш

АСТРОСПЕКТРОСКОПИЯ – *ASTROSPETSROSKOPIYA* – космик объекتلарнинг спектрларини спектрнинг ультрабинафша, кўринувчи ва яқин инфракизит соҳаларида тадқиқ қилишга бағишланган амалий астрофизика бўлими

АСТРОФИЗИКА – *ASTROFIZIKA* – самовий жисмлар ва улар тизимларининг, юлдузларо ва галактикаларо мухитларининг физикавий ҳоссаларини, шунингдек, уларда содир бўладиган жараёнларни ўрганувчи астрономия бўлими

АСТРОФОТОМЕТРИЯ – *ASTROFOTOMETRIYA* – астрономик объектлар электромагнитик нурланишларининг асосий энергиявий-физикавий таъсирларини ўрганитишга бағишланган амалий астрофизика бўлими

АТМОСФЕРА – *ATMOSFERA* – *юнон. atmos* – *буг ва sphaira* – *шар* – 1) Ер ва баъзи бир бошқа сайёраларни ўраб олган газ қобини; 2) 101325 Па ёки 760 мм сим. устунига тенг бўлган тизимдан ташқари босим бирлиги

АТМОСФЕРА АКУСТИКАСИ – *ATMOSFERA AKUSTIKASI* – **Атмосферная акустика** – товушнинг реал атмосферада генерациялавиши ва тарқалиши жараёнлари, шунингдек, атмосферани таъкиқ қилишнинг акустик усулларни ўрганиладиган акустика бўлими

АТМОСФЕРА БОСИМИ – *ATMOSFERA BOSIMI* – атмосферада жойланган жисмларга таъсир қилувчи босим

АТМОСФЕРА ОПТИКАСИ – *ATMOSFERA OPTIKASI* – **Атмосферная оптика** – Ер ва сайёралар атмосферасидаги ультрабинафша, кўринадиган ва инфракизит нурланишдаги сочилиш, ютилиш, сишиш, қайтиш ва *дифракцияни* ўрганишга бағишланган атмосфера физикаси бўлими

АТМОСФЕРА ЭЛЕКТРИ – *ATMOSFERA ELEKTRI* – **Атмосферное электричество** – 1) атмосферадаги электрик ходисалар ва жараёнлар мажмуи; 2) геофизиканинг атмосферадаги

электрик ҳодисалар ва жараёнларни, унинг
электрик хоссалари ва тавсифларини
ўрганувчи бўлими

**АТМОСФЕРАВИЙ ТЎЛҚИН
ЎТКАЗИЧ** - *ATMOSFERAVIY
TO'LQIN O'TKAZGICH* - **Атмосферный
волновод** - Ер сирти яқинидаги рефракция
туфайли электромагнитик тўлқинларни
каналлаш қобилиятига эга бўлган
атмосфера қатлами

**АТМОСФЕРАДАН ТАШҚИ АСТРО-
НОМИЯ** - *ATMOSFERADAN TASHQI
ASTRONOMIYA* - **Внеатмосферная
астрономия** - космик объектларни
тадкиқ қилиш учун Ер атмосферасидан
ташқарига чиқариладиган асбоблардан
фойдаланувчи кузатув астрономияси
бўлими

АТМОСФЕРИКЛАР - *ATMOSFE-
RIKLAR* - **Атмосферики** - яшин
разрядда нурланадиган радиотўлқинлар
ярададиган электрик сигналлар

АТОМ - *ATOM* - **юнон. atomos** -
бўлинмайдиган - кимёвий элементнинг
хоссаларини ўзида сақлайдиган унинг энг
кичик қисми

**АТОМ ВА МОЛЕКУЛАЛАР
ДИФРАКЦИЯСИ** - *ATOM VA
MOLEKULALAR DIFRAKSIYASI* -
Дифракция атомов и молекул -
молекулалар дастасининг газ зарраларида
ёки қаттиқ жисм сиртида сочилиш
жадаллигининг йўналишга нотекис
боғланиши

**АТОМ ВА МОЛЕКУЛАНИ УЙФО-
ТИШ** - *ATOM VA MOLEKULANI
UYG'OTISH* - **Возбуждение атома и
молекулы** - атом ёки молекуланинг
фотонларни ютганида (фототуйғотиш) ёки
электронлар ва бошқа зарралар билан
тўқнашганида (зарбий уйғониш) пастрок
энергия сатҳидан юқорирок энергия
сатҳига қанг ўтиши

АТОМ ВАҚТ - *ATOM VAQT* - **Атомное
время** - физик секундга асосланган вақт
тизими

АТОМ ГЕНЕРАТОР - *ATOM GENERA-
TOR* - **Атомный генератор** -
тебранишларни уйғотиш учун атомларнинг
мажбурий нурланишидан фойдаланувчи
автотебранишли тизим; бошқача айтганда,

фаол моддаси атомар газ ёки атомлар
дастасидан иборат бўлган квантгенератор
АТОМ ЗОНД - *ATOM ZOND* -
Атомный зонд - қаттиқ жисмларнинг
текшириладиган сиртидан узиб олинган ҳар
бир ионни қайд қилиш имконини берувчи
ион проекторнинг масс-спектрометр
билан бирлашмаси

АТОМ ИНТЕРФЕРОМЕТР - *ATOM
INTERFEROMETR* - **Атомный
интерферометр** - атом ҳолатиниң бир-
биридан фаза жиҳатдан силжинган иккита
компоненти интерференцияси билан
стаблон манзарасини кузатиш имконини берувчи
асбоб

АТОМ КРИСТАЛЛИ - *ATOM KRISTALL*
- **Атомный кристалл** - панжарасининг
туғулирида бетараф атомлар жойлашган
кристалл

АТОМ МАССА - *ATOM MASSA* -
Атомная масса - атом массасининг атом
масса бирликларида ифодаланган қиймати
АТОМ ОРБИТАЛЛАРИ - *ATOM
ORBITALLARI* - **Атомные орбитали** -
атомлар ҳар бир электронининг урта
квант сон-бош квант сон n , импульс
моментининг орбитал квант сони l ва
орбитал магнитик квант сон m ларнинг
тўлқин функциялари

АТОМ ОФИРЛИК - *ATOM OG'IRLIK*
- **Атомный вес** - даставвал атом массаси
атамаси ўрнига ишлатилиб келинган атома
АТОМ РАДИУС - *ATOM RADIUS* -
Атомный радиус - молекулалар ва
кристалларда атомлараро масофаларни
тақрибан баҳолаш имконини берувчи
тавсиф

АТОМ РАҚАМИ - *ATOM RAQAMI* -
Атомный номер - кимёвий элементнинг
элементлар даврий тизимидаги тартиб
рақами; у муайян элементнинг атом ядроси
таркибига кирувчи протонлар сонига тенг
АТОМ СОАТ - *ATOM SOAT* - **Атомные
часы** - асосий қисми тақрорийликнинг
квант стандартидан иборат бўлган вақтни
аниқ ўлчаш қурилмаси

АТОМ СПЕКТРИ - *ATOM SPEKTRI* -
Атомный спектр - эркин атомнинг
энергия сатҳлари орасидаги қанг ўтиш-
ларда вужудга келувчи ютилиш спектри ёки
чиқариш спектри

Nizomiy nomli

T D P U
kutubxonasi

17

14282



АТОМ ТЎҚНАШУВЛАР – *ATOM TO'QNASHUVLAR* – **Атомные столкновения** – атомлар, молекуларар ёки электронларнинг атом ядролари тузилишининг ўзгаришига олиб келмайдиган ўзаро тўқнашувлари
АТОМ ФИЗИКАСИ – *ATOM FIZIKASI* – **Атомная физика** – атомлар тузилишини ва хоссаларини ҳамда атомлар иштирок килувчи элементар жараёнларни ўргатишга бағишланган физика бўлими
АТОМ ЯДРОЛАРИ ИЗОМЕРИЯСИ – *ATOM YaDROLARI IZOMERIYASI* – **Изомерия атомных ядер** – баъзи бир атом ядроларида нисбатан катта яшаш вақтига эга бўлган ҳолатларнинг мавжуд бўлиши
АТОМ ЯДРОСИ – *ATOM YaDROSI* – **Атомное ядро** – атомнинг протонлар ва нейтронлардан иборат марказий қисми
АТОМ ЯДРОСИНИНГ БЎЛИНИШИ – *ATOM YaDROSINING BO'LINISHI* – **Деление атомного ядра** – атом ядросининг бир неча енгилроқ ядро бўлакларига парчаланиш жараёни
АТОМИЗМ – *ATOMIZM* – материянинг дискрет тузилганлиги ҳақидаги таълимот
АТОМИЙ ИССИҚЛИК СИҒИМИ – *ATOMIY ISSIQLIK SIG'IM* – **Атомная теплоёмкость** – оддий моддadan ташкил топган жисм иссиқлик сифимининг шу жисмдаги модданин грам атомларда ифодаланган микдорига нисбати
АТОМИЙ ОМИЛ – *ATOMIY OMIL* – **Атомный фактор** – атомнинг ўзига тушаётган рентген нурланиши, электронлар ёки нейтронларни сочиш қобилиятини тавсифловчи катталиқ
АТОМЛАРАРО ЎЗАРО ТАЪСИР – *ATOMLARARO O'ZARO TA'SIR* – **Межатомное взаимодействие** – ҳам эркин атомлар орасидаги, ҳам бирдай ёки турлича молекулар, кристаллар ва б. таркибига кирувчи атомлар орасидаги ўзаро таъсир
АТОМЛАРНИНГ АВТОИОНЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ – *ATOMLARNING AVTOIONLANISH HOLATLARI* – **Автоионизационные состояния атомов** – иккита ёки ундан ортиқ электрон уйфонган ҳамда бунда йиғинди уйғониш

энергияси атомни бир қарра ионлаш энергиясидан катта бўладиган ҳолатлар
АТОМНИНГ БАРҚАРОР ҲОЛАТИ – *ATOMNING BARQAROR HOLATI* – **Стационарное состояние атома** – муайян ички энергияга эга бўлса-да, атом нурланмасдан мувозанатда қоладиган ҳолат

АТОМНИНГ ВАЛЕНТ ҲОЛАТИ – *ATOMNING VALENT HOLATI* – **Валентное состояние атома** – молекула таркибига кирувчи атомнинг ҳолатини тавсифлашда фойдаланиладиган тушунча
АТОМНИНГ НУРЛАНИШИ – *ATOMNING NURLANISHI* – **Излучение атома** – атомнинг уйғотилган ҳолатдан кичикроқ энергияли ҳолатга ўтиши

АТОМНИНГ ОРБИТАЛ МАГНИТИК МОМЕНТИ – *ATOMNING ORBITAL MAGNITIK MOMENTI* – **Орбитальный магнитный момент атома** – атом магнитик моментининг электронларнинг атом ичида ҳаракати билан боғлиқ қисми
АТТЕНЮАТОР – *ATTENYUATOR* –

электрик сигналлар амплитудасини ёки электромагнитик тебранишлар қувватини камайтиришга ёки ўзгартиришга мўлжалланган қурилма
АФОКАЛ ТИЗИМ – *AFOKAL TIZIM* –

Афокальная система – фокус масофаси чексиз ҳамда катталаштириши бирга яқин бўлган телескоп тизимини хусусий холи
АХБОРОТНИ КОДЛАШ – *AXBOROTNI KODLASH* – **Кодирование информации** – хабар элементлари билан сигналлар орасида мослик ўрнатиш асосида шу элементларни қайд қилиш

АХБОРОТШУНОСЛИК – *AXBOROT-ShUNOSLIK* – **Информатика** – ахборотнинг умумий хоссалари, уни излаш ва олиш, ёзиб олиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш, инсон фаолиятининг турли доираларида тарқатиш ва фойдаланиш қонуниятлари ва усуллари ҳақидаги фан
АХРОМАТ – *AXROMAT* – *юн. achromatos* – *рангсиз* – хроматик *абберацияси* иккита тўлқин узунлик учун тўла йўқотилган, қолганлари учун эса анча камайтирилган объектив
АХРОМАТИК ЙЎЛЛАР – *AXROMATIK Yo'LLAR* – **Ахроматические полосы** –

узлуксиз нурланиш спектрли ёруғлик манбаидан *интерференция* холида барча тўлқин узунликлар учун интерференция тартиби бирдай бўлганда юзага келувчи рангсиз интерференция йўллари

АЭРОАКУСТИКА – *AEROAKUSTIKA* – товушнинг аэродинамик генерацияси, ҳаракатланувчи газ оқимлари акустикаси, товушнинг оқим билан ўзаро таъсири ва аэрошовкинларни пасайтириш усуллари ўрганиладиган, аэродинамика ва акустика оралиғида жойлашган физика бўлими

АЭРОДИНАМИК КОЭФФИЦИЕНТЛАР – *AERODINAMIK Koeffitsientlar* – **Аэродинамические коэффициенты** – суюқлик ёки газда ҳаракатланаётган жисмга таъсир қилувчи аэродинамик куч ва моментларни тавсифловчи катталиклар

АЭРОДИНАМИК КУЧ ВА МОМЕНТ – *AERODINAMIK Kuch va Moment* – **Аэродинамические сила и момент** – суюқ ёки газсимон муҳитнинг унда ҳаракатланаётган жисмга куч таъсирини тавсифловчи катталиклар

АЭРОДИНАМИК МОМЕНТ – *AERODINAMIK Moment* – **Аэродинамический момент** – жисм газсимон муҳитда ҳаракатланаётганда вужудга келувчи кучлар жуфтнинг натижавий моменти

АЭРОДИНАМИК СИФАТ – *AERODINAMIK Sifat* – **Аэродинамическое качество** – атмосферада ҳаракатланаётган учиш қурilmасининг юк ташиш қобилиятини ifodalovchi ўлчамсиз катталик

АЭРОДИНАМИК ТАРОЗИ – *AERODINAMIK Tarozl* – **Аэродинамические веса** – газ оқимидаги қаттиқ жисмга таъсир қилувчи кучлар ва куч моментларини ўлчаш асбоби

АЭРОДИНАМИК ФОКУС – *AERODINAMIK Fokus* – **Аэродинамический фокус** – учиш қурilmасининг бирор ўққа нисбатан айланишини юзага келтирувчи, аэродинамик кучлардан бири(мас., кўтариш кучи)нинг қўйилиш нуктаси

АЭРОДИНАМИК ЭКСПЕРИМЕНТ – *AERODINAMIK Eksperiment* – **Аэродинамический эксперимент** – вазифаси газ оқимини, шунингдек, газда ҳаракатланаётган жисмга куч, иссиқлик ва

бошқа шаклдаги таъйикларни тадқиқ қилишдан иборат илмий асосда қўйилган тажриба

АЭРОДИНАМИК ҚАРШИЛИК – *AERODINAMIK QARSHILIK* – **Аэродинамическое сопротивление** – газнинг ўзида ҳаракатланаётган жисмга таъсир кучи

АЭРОДИНАМИК ҚИЗИШ – *AERODINAMIK Qizish* – **Аэродинамический нагрев** – ҳаво ёки бошқа газда катта тезлик билан ҳаракатланаётган жисмларнинг қизиши

АЭРОДИНАМИК ҚУВУР – *AERODINAMIK QUVUR* – **Аэродинамическая труба** – жисмлар сўйрилиги ўрганилаётганда содир бўлувчи ҳодисаларни экспериментал тадқиқ қилиш учун ҳаво ёки бошқа газ оқимини яратувчи қурilма

АЭРОДИНАМИКА – *AERODINAMIKA* – **юнон. aer – ҳаво va dynamis – куч** – *аэромеханиканинг* газсимон муҳитлар ҳаракати ва шу муҳитларнинг ўзида ҳаракатланаётган қаттиқ жисмлар билан ўзаро таъсири қонуниятларини ўрганувчи бўлими

АЭРОЗОЛ – *AEROZOL* – **юнон. aer – ҳаво va lot. solutio – эритма** – ҳавода ёки бошқа газсимон муҳитларда муаллақ жойлашган майда қаттиқ ёки суюқ зарралардан ташкил топган *дисперс тизим*

АЭРОЛОГИЯ – *AEROLOGIYA* – эркин атмосферадаги, яъни Ер сиртининг таъсири бевосита сезиладиган сатҳлардан юқоридagi физикавий жараёнлар ўрганиладиган метеорология бўлими

АЭРОМЕХАНИКА – *AEROMECHANIKA* – **юнон. aer – ҳаво va mechanike (techne) – машиналар ҳақидаги фан, машиналарни қуриш санъати** – механиканинг газсимон муҳитларнинг мувозанати ва ҳаракати ҳамда шу муҳитларнинг ўзида турган қаттиқ жисмларга механик таъсирини ўрганувчи бўлими

АЭРОНОМИЯ – *AERONOMIYA* – юқори атмосферада юзага келувчи турли ҳодисаларнинг табици ва механикани ўрганиладиган, газлардаги ва қисман ионланган плазмадаги элементар физикавий ва кимёвий жараёнлар ҳақидаги тасаввурлардан фойдаланиш асосида

ходисаларнинг вақт бўйича ўзгаришлари ҳамда сайёравий тақсимланиши ўрганиладиган фан бўлими

АЭРОСТАТИКА – *AEROSTATIKA* – *юнон aer. – ҳаво va statos – тик турган, ҳаракатсиз* – гидроаэромеханиканинг газсимон муҳитларнинг мувозанат шартларини ва шу ҳаракатсиз муҳитларнинг уларда тинч турган қаттиқ jismlарга таъсирини ўрганувчи бўлими

АЭРОЭЛАСТИКЛИК – *AEROELASTIKLIK* – *Аэроупругость* – эластик тизимнинг газ (хаво) окими билан ўзаро таъсири ўрганиладиган талбикий механика бўлими

АҒДАРУВЧИ ТИЗИМ – *AG'DARUVCHI TIZIM* – *Оборачивающая система* – мураккаб оптик тизимнинг унинг олдинги қисми ҳосил қилган буюм оптик таъсирини 180° га бурувчи қисми

Б

БАЗА – *BAZA* – *юнон. basis – асос, таянч* – яримўтказгич асбобнинг эмиттер ҳамда коллектор р-п ўтиши орасидаги соҳа билан электик боғланиши таъминловчи электрод

БАЗА СОҲАСИ – *BAZA SOHASI* – *Базовая область* – яримўтказгич асбобнинг эмиттери томонидан асоси бўлмаган заряд ташувчилар инжекция қилинадиган (кириштиладиган) соҳа

БАЗА СОҲАСИНИНГ СУСТ ҚИСМИ – *BAZA SOHASINING SUST QISMI* – *Пассивная часть базовой области* – асосий бўлмаган заряд ташувчиларнинг жамғарилиши ёки сўрилиши учун уларнинг эмиттердан коллекторгача учиб бориши вақтидан каттароқ вақт зарур бўладиган база соҳаси қисми

БАЗА СОҲАСИНИНГ ФАОЛ ҚИСМИ – *BAZA SOHASINING FAOL QISMI* – *Активная часть базовой области* – асосий бўлмаган заряд ташувчиларнинг эмиттердан коллекторгача учиб бориши вақтида улар жамғариладиган ёки сўриладиган база соҳаси қисми

БАЗА ЭЛЕКТРОДИ – *BAZA ELEKTRODI* – *Электрод базы* – яримўтказгич асбобнинг база соҳаси билан электик алоқани таъминловчи электрод

БАЗА ҚАЛИНЛИГИНИ МОДУЛЛАШ – *BAZA QALINLIGINI MODULLASH* – *Модуляция толщины базы* – электик ўтишлар ҳажмий заряди қатламлари қалинлигининг (улардаги қучланиш ўзгарганида) ўзгариши туфайли яримўтказгич триод (диод) базаси қалинлигининг ўзгариши

БАЛАНС ТЕНГЛАМАСИ, КИНЕТИК ТЕНГЛАМАЛАР – *BALANS TENGLAMASI, KINETIK TENGLAMALAR* – *Уравнение баланса, кинетические уравнения* – энергетик сатхларнинг банд қилинганлиги вақт бўйича ўзгариши билан уйғонишни ҳисобга олган ҳолдаги ўтишлар эҳтимоллиги орасидаги боғлиқлиқни ифодаловчи тенгламалар

БАЛЛИСТИК ТЕБРАНГИЧ – *BALLISTIK TEBRANGICH* – *Баллистический маятник* – ўқ ёки снарядлар тезлигини ўлчашда ишлатиладиган тебрангич

БАЛЛИСТИК ФОНОНЛАР – *BALLISTIK FONONLAR* – *Баллистические фононы* – кристаллда сочилмасдан тарқалаётган мувозанатсиз акустик фононлар

БАЛЬМЕР ДЕКРЕМЕНТИ – *BALMER DEKREMENTI* – *Бальмеровский декремент* – газ туманликлари ва бошқа астрофизик объектларнинг спектрларидаги водород эмиссиявий спектрал Бальмер серияси чизиклари жадалликларининг нисбати

БАЛЬМЕР САКРОВИ – *BALMER SAKROVI* – *Бальмеровский скачок* – кўпчилик астрофизик объектларнинг узлуксиз нурланишида Бальмер серияси чегараси (3646Å) яқинидаги кичик ораликда жадалликларнинг кескин ўзгариши

БАЛЬМЕР СЕРИЯСИ – *BALMER SERIYASI* – *Бальмера серия* – водород атомлари учун кузатиладиган спектрал серия

БАНД ҚИЛИНИШ ИНВЕРСИЯСИ – *BAND QILINISH INVERSIYASI* – **Инверсия населенности** – модданинг уни ташкил этувчи зарраларнинг юкорирок энергия сатхлари пастки сатхларига нисбатан кўпроқ банд қилинганлиги билан боғлиқ номувозатан ҳолати

БАР – *BAR* – **юнон. baros** – *огирлик* – босимнинг тизимдан ташқари бирлиги. $10^5 \text{ Па} = 0,986923 \text{ атм}$; $1 \text{ мбар} = 1 \text{ гПа}$.

БАРДИН-КУПЕР-ШРИФФЕР МОДЕЛИ – *BARDIN-KUPER-SHRIFFER MODELI* – **Бардина-Купера-Шриффера модель** – кристалл жисмлар ўтаутказувчанлигининг Купер электронлари жуфтларининг ўтаоқувчанлиги тасаввурига асосланган назарияси

БАРДОШЛИЛИК ЧЕГАРАСИ – *BARDOSHILILIK CHEGARASI* – **Предель выносливости** – материалга такрорий юклармагар берилаятганда бу такрорлашларнинг ҳар қандай қийматида ҳам хали материалнинг бузилишига олиб келмайдиган даврий ўзгарувчи механик кучланишларнинг энг катта қиймати

БАРИОН – *BARION* – **юнон. barys** – *огир* – яримбутун спинга ва протон массасидан кичик бўлмаган массага эга бўлган элементар зарра

БАРИОН ЗАРЯД, БАРИОН СОН, В – *BARION ZARYAD, BARION SON, B* – **Барионный заряд, барионное число, В** – элементар зарраларнинг ички тавсифларидан бири; барионлар учун B нодан фаркли ва барча бошқа зарралар учун нолга тенгдир

БАРКГАУЗЕН САМАРАСИ – *BARKGAUZEN SAMARASI* – **Эффект Баркгаузена** – ташки шароитларни, масалан, магнитик майдонни узлуксиз ўзгартираётганда ферромагнетиклар магнитланганлигининг сакраб-сакраб ўзгариши

БАРН – *BARN* – **инг. barn** – *омбор, бу ерда гоаят кичик нишон маъносиди ишлатилган* – ядровий жараёнларнинг самарали кесимини ифодалаш учун қўлланиладиган юза бирлиги. $1\text{Б.} = 10^{-24} \text{ см}^2 = 10^{-28} \text{ м}^2$.

БАРНЕТ САМАРАСИ – *BARNET SAMARASI* – **Эффект Барнета** – магнетик

майдон бўлмаганда ферромагнетикни айлантирганда унинг магнитланиши

БАРОГРАФ – *BAROGRAF* – **юнон. baro's** – *огирлик ва grapho* – *ёзмаман* – атмосфера босимини узлуксиз ёзиб бориш учун муължалланган ўзиззар асбоб
БАРОДИФУЗИЯ – *BARODIFFUZIYA* – босим ёки огирлик кучи таъсирида юз берувчи *диффузия*

БАРОМЕТР – *BAROMETR* – **юнон. baro's** – *огирлик ва metro* – *ўлчайман* – атмосфера босимини ўлчаш асбоби

БАРОМЕТРИК ФОРМУЛА – *BAROMETRIK FORMULA* – **Барометрическая формула** – огирлик кучи майдонида газ босими ёки зичлигининг баландликка боғлиқлигини ифодаловчи формула

БАРОТРОП ХОДИСА – *BAROTROP HODISA* – **Баротропное явление** – суюқлик-суюқлик, суюқлик-газ ёки газ-газ икки тартибли ёки кўп тартибли тизимларда катта босимлар ва муайян ҳароратларда огирлик кучи майдонида мавжуд фазаларнинг жойлари алмашиб, одатдаги шароитда зичлиги камроқ бўлган фазанинг огирроқ бўлиб қолиб чўкиши

БАУШЕНГЕР САМАРАСИ – *BAUSHENGER SAMARASI* – **Эффект Баушенгера** – бошлангич юклама пластик деформация ҳосил қилганда юклаш ишорасини узгартириш натижасида материалларнинг эластиклик ва оқувчанлик чегаралари пасайиши

БЕВОСИТА ЯДРОВИЙ РЕАКЦИЯЛАР – *BEVOSITA YADROVIY REAKSIYALAR* – **Прямые ядерные реакции** – ядрога киритиладиган энергия кўпинча битта нуклонга ёки кичик гуруҳ нуклонларга узатиладиган жараёнлар

БЕГОНА КУЧЛАР – *BEGONA KUCHLAR* – **Сторонние силы** – ўтказгичлардаги заряд ташувчиларга таъсир қилувчи ва ноэлектростатик табиатга эга бўлган кучлар

БЕИХТИЁР ФОТОН ЧИҚАРИШ, КВАНТ РАДИОФИЗИКАДА – *BEIXTIYO R FOTON CHIQARISH, kvant radio fizikada* – **Спонтанное испускание фотона** – тизимнинг ташки электромагнетик майдон билан таъсирлашуви натижасида уйгонган

ҳолатдан кичик энергияли ҳолатга ўтиши жараёнида фотоннинг когерент чиқарилиши

БЕККЕРЕЛ, *BEKKEREL* (**Бк**, **Bq**) – радиофаол нуклиднинг СИ бирликлар тизимидаги фаоллик бирлиги. 1Бк 1 секунддаги 1 бўлинишни билдиради.

БЕЛ, *BEL* (**B**, **b**) – энергия ёки қувватлар нисбатининг логарифми билан ўлчанадиган бирлик

БЕННЕТ ДАСТАСИ – *BENNET DASTASI* – Беннетовский пучок – дасталаги электронлар ва ионлар Максвелл тақсимотига эга бўлган ўрточа тинчликдаги ионлар билан қисман бетарафланувчи, ўз-ўзидан фокусланувчи (яъни ўзаро таъсир кучлари билан тўтилиб турган) релятивистик электронлар дастаси

БЕННЕТ ФОКУСЛАШИ – *BENNET FOKUSLASHI* – Беннетовская фокусировка – релятивистик электронлар дастасини уларнинг даста ичига жойлаштирилган ионлар билан ўзаро таъсири ва дастанинг магнитик қисилишини юзага келтирадиган фокуслашиши

БЕРГМАН СЕРИЯСИ – *BERGMAN SERIYASI* – Серия Бергмана – ишқорий металлларнинг атом спектрларидаги спектрал серия

БЕТА-ЕМИРИЛИШ – *BETA-YEMIRILISH* – β-емирилиш – Бета-распад, β-распад – атом ядроларининг радиофаол емирилиши, шуниингдек, эркин нейтроннинг протонга радиофаол айланиши; бу жараёнда ядролар электронлар ва антинейтринолар ёки позитронлар ва нейтринолар чиқаради

БЕТА-ЕМИРИЛИШНИНГ ЮҚОРИ ЧЕГАРАСИ – *BETA-YEMIRILISHNING YUQORI CHEGARASI* – Верхняя граница

бета-распада – муайян радионуклиднинг бета-емирилишида чиқариладиган бета-зарралар энергиясининг энг катта қиймати

БЕТА-ЗАРРА, β-зарра – *BETA-ZARRA* – Бета-частица, β-частица – атом ядроларининг бета-емирилишларида улар чиқарадиган электрон ёки позитрон

БЕТА-НУРЛАР – *BETA-NURLAR* – Бета-излучение – атом ядроларининг бета-емирилишида улар чиқарадиган бета-зарралар оқими

БЕТАРАФ ТОК – *BETARAF TOK* – Нейтральный ток – заиф ўзаро таъсирда зарралар электрик зарядларининг ўзгаришсиз ўтишларини тавсифловчи ток

БЕТАРАФ ЎҚ – *BETARAF O'Q* – Нейтральная ось – намуна эгилганда бетараф қатламнинг намуна кўндаланг кесими текислиги билан кесилиш қизиги

БЕТАРАФ ҚАТЛАМ – *BETARAF QATLAM* – Нейтральный слой – намуна эгилганда унинг толалари ўз узунлигини ўзгартирмайдиган қатлам

БЕТА-СПЕКТРОМЕТР – *BETA-SPEKTROMETR* – бета-зарраларнинг энергиялар бўйича тақсимланишини қайд қилиш асбоби

БЕТА-СПЕКТРОМЕТРИЯ – *BETA-SPEKTROMETRIYA* – бета-зарраларнинг энергиялар бўйича тақсимланишини тадқиқ қилиш

БЕТАТРОН – *BETATRON* – электронлар ўзгарувчан магнитик майдон ҳосил қилган уюрмавий электрик майдонда тезлаштириладиган даврий индукциявий тезлатгич

БЕТАТРОН МАРОМ – *BETATRON MAROM* – Бетатронный режим – электронларни уюрмавий электрик майдонда тезлатиш мароми

БЕТАТРОН НУРЛАНИШ – *BETATRON NURLANISH* – Бетатронное излучение – зарядларнинг циклик тезлатгичларда ҳаракатида юзага келувчи электромагнитик нурланиш

БЕТАТРОН ТЕБРАНИШЛАР – *BETATRON TEBRANISHLAR* – Бетатронные колебания – зарядланган зарраларнинг циклик тезлатгичларда оний ёки мувозанатий орбиталарга нисбатан тебранишлари

БЕТАТРОН ТЕБРАНИШЛАР ТАКРОРИЙЛИГИ – *BETATRON TEBRANISHLAR TAKRORIYLIGI* – Частота бетатронных колебаний – бир айланиш давомидаги бетатрон тебранишлар сони

БЕТАТРОН ТЕБРАНИШЛАРНИНГ ЭГУВЧИСИ – *BETATRON TEBRANISHLARNING EGUVCHISI* – Огибающая бетатронных колебаний – зарранинг орбита бўйлаб бетатрон тебранишлари жараёнида унинг ҳаракат соҳасини чекловчи сирт

БЕТАТРОН ТУТУВ – *BETATRON TUTUV* – Бетатронный захват – зарраларни тезлатишнинг бетатрон маромидаги тутув

БЕТАТРОН ШАРТИ – *BETATRON SHARTI* – Бетатронное условие – бетатронда мувозанатли орбита радиусивинг доимийлигини таъминлаш учун орбитани кесиб ўтувчи ўртача магнитик майдоннинг ўзгариш тезлиги орбиталаги етакчи магнитик майдоннинг ўзгариш тезлигидан икки марта катта бўлиши дозимлиги

БЕФАРҚ МУВОЗАНАТ – *BEFARQ MUVOZANAT* – Безразличное равновесие – тизим нукталарининг унча катта бўлмаган ўзгаришлари нукталар ҳолатини ўзгартиришга интилувчи кучларнинг юзага келишига олиб келмайдиган тизим механик ҳолати

БИКЎЗГУ – *BIKO'ZGU* – Бизеркало – нуктавий манбадан чиққан ёруғлик 180° дан кичикроқ бурчак остида жойлашган иккита кўзудан қайтиб, ёруғликнинг когерент дастасини ҳосил қилувчи асбоб

БИЛВОСИТА АЛМАШИНУВ ЎЗАРО ТАЪСИРИ – *BILVOSITA ALMAShINUV O'ZARO TA'SIRI* – Косвенное обменное взаимодействие – маҳаллийлашган электронлар (ёки атом ядролари)нинг спин эркинлик даражалари орасида бошқа ёндош электрон тизимларни, диамагнитик ионларни, магнитик диэлектриклардаги магнитик ионларни қуршаган электронларни ёки яримўтқазич ва металллардаги ўтқазувчанлик электронларини галаёнлаш орқали алмашинув ўзаро таъсири

БИЛИНЗА – *BILINZA* – нуктавий манбадан чиққан ёруғликнинг битта йиғувчи линзани кесиши натижасида бир-биридан биров ажратилган иккита ярим линза ёрдамида когерент ёруғлик дастаси ҳосил қилувчи асбоб

БИНАР ЦИКЛ – *BINAR SIKL* – Бинарный цикл – биринчи циклнинг ишловчи жисми иккинчи циклнинг ишловчи жисми учун иссиқлик берувчи сифатида фойдаланиладиган, иккита ишловчи жисм билан амалга ошириладиган икки цикл йиғиндиси

БИНАР ЭРИТМАНИНГ КРИТИК НУҚТАСИ – *BINAR ERITMANING*

KRITIK NUQTASI – Критическая точка бинарного раствора – эрвчанлик диаграммасида критик ҳолатга мос келувчи ҳамда бу ҳолатда бирга мавжуд бўлувчи ҳар иккала мувозанат фазалари айнан бирдай бўладиган нукта

БИНАУРАЛ САМАРА – *BINAURAL SAMARA* – лот. *bini* – жуфт, *ikki va auris* – қулоқ – Бинауральный эффект – ўнг ва чап қулоқ билан эшитилаётган товушларни яхлит хис қилишдан иборат рухий ва физиологик ҳодиса

БИНАФША СИЛЖИШ – *BINAFShA SILJISH* – Фиолетовое смещение – нурланиш манбаи ва нурланиш кузатувчисининг ўзаро яқинлашуви туфайли эталон спектрга нисбатан манбанинг электромагнитик нурланиш спектрида чизиклар тўлқин узунликларининг қисқариши

БИНОКУЛЯР КЎРИШ – *BINOKULYAR KO'RISH* – лот. *bini* – жуфт, *ikki va oculus* – кўз – Биноккулярное зрение – объектни ягона тимсол сифатида қабул қилишга олиб келувчи икки кўз билан кўриш

БИНОКУЛЯР ПАРАЛЛАКС – *BINOKULYAR PARALLAKS* –

Биноккулярный параллакс – икки нуктанинг параллактик бурчаклари фарқи

БИО ҚОНУНИ – *BIO QONUNI* – Закон Био – табиий оптик фаолликка эга бўлганнокристалл моддалар (суюқлик ёки нофаол эритувчидаги эритма) қатлаидан ўтувчи чизигий кутбланган ёруғликнинг кутбланиш текислиги ф айланиш бурчагини аниқлаш қондаси

БИОЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ – *BIO-LYUMINESSENSIYA* – организмнинг ҳаёт фаолияти жараёнлари билан боғлиқ бўлган *хемиллюминесценция*

БИО-САВАР-ЛАПЛАС ҚОНУНИ – *BIO-SAVAR-LAPLAS QONUNI* – Закон Био-Савара-Лапласа – ток элементининг фазонинг бир нуктасида ҳосил қилган магнитик майдон индукциясини аниқловчи қонун

БИОФИЗИКА – *BIOFIZIKA* – жонли табиат асосида ётувчи асосий жараёнларни, биологик объектлардаги физикавий ва физик-кимёвий ҳодисаларни ўрганишга бағишланган фан бўлими

БИПОЛЯРОН – *BIPOLYaRON* – мухит билан кучли ўзаро таъсир туфайли бир-бири билан боғланган иккита ўтказувчанлик электронидан ташкил топган тизим

БИПРИЗМА – *BIPRIZMA* – нуктавий манбадан чиққан ёруғликнинг кичик сиңдириш бурчақли, асослари тугашпирилган икки призма ёрдамида икки дастага ажратиш орқали когерент ёруғлик дасталари ҳосил қилувчи асбоб

БИР ВАҚТЛИЛИКНИНГ НИСБИЙЛИГИ – *BIR VAQTLILIKNING NISBIYLIGI* – **Относительность одновременности** – бир кузатувчи учун бир вақтда содир бўлаётган иккита ёки бир нечта воқеаларнинг биринчи кузатувчига нисбатан ҳаракатланаётган иккинчи кузатувчи учун бир вақтда содир бўлмаётган бўлиб қолиш имкони

БИР ДОМЕНЛИ ФЕРРОМАГНИТИК ЗАРРАЛАР – *BIR DOMENLI FERROMAGNITIK ZARRALAR* – **Однодоменные ферромагнитные частицы** – ферромагнитик моддаларнинг яқка доменлардан иборат бўлган кичик зарралари

БИР ЖИНСЛИ МАЙДОН – *BIR JINSLI MAYDON* – **Однородное поле** – фазонинг қаралаётган соҳаси барча нукталаридаги ҳар қандай тавсифи бирдай қийматга эга бўлувчи физикавий майдон

БИР ЖИНСЛИ МУҲИТ – *BIR JINSLI MUHIT* – **Однородная среда** – муайян физикавий хоссалари координатларга боғлиқ бўлмаган мухит

БИР ЖИНСЛИ ТИЗИМ – *BIR JINSLI TIZIM* – **Однородная система** – ҳамма қисмларида хусусияти бир хил бўлган тизим

БИР ХИЛ ТЕБРАНИШЛИ РЕЗОНАНС ТИЗИМ – *BIR XIL TEBRANISHLI REZONANS TIZIM* – **Резонансная система с одним типом колебания** – бир кўринишдаги тебранишларнинг асллиги бошқаларнинг асллигидан кўп марта катта бўлган тақсимланган резонанс тизим

180° ЛИК ИМПУЛЬС – *180° LIK IMPULS* – **180° ный импульс** – амплитудаси ва давомийлиги спин тизимининг инверсиясини таъминловчи резонанс электромагнитик импульс

БИР ЎТИШЛИ ТРАНЗИСТОР – *BIR O'TISHLI TRANZISTOR* – **Однопереходный транзистор** – бир p–n–ўтишли, уч электродли яримўтказгич асбоб

БИР ЎҚЛИ КРИСТАЛЛ – *BIR O'QLI KRISTALL* – **Одноосный кристалл** – фақат битта оптик ўққа эга бўлган кристалл

БИРДАЙ ЭНТАЛЬПИЯДАГИ ЖАРАЁН – *BIRDAY ENTALPIYADAGI JARAYoN* – **Изоэнтальпийный процесс** – тизимнинг ўзгармас энтальпиясида ўтувчи жараён

БИРДАЙ ЭНТРОПИЯДАГИ ЖАРАЁН – *BIRDAY ENTROPIYADAGI JARAYoN* – **Процесс равной энтропии** – тизимнинг ўзгармас энтропиясида ўтувчи жараён

БИРДАЙ ҚАЛИНЛИК ЙЎЛЛАРИ – *BIRDAY QALINLIK Yo'LLARI* – **Полосы равной толщины** – ўзарувчан қалинликли шаффоф қатлам сиртида уни монохроматик ёруғлик билан ёритилганда кузатиладиган *интерференция* йўллари тизими

БИРДАЙ ҚИЯЛИКЛИ ЙЎЛЛАР – *BIRDAY QIYALIKLI Yo'LLAR* – **Полосы равного наклона** – ясси параллел пластинкани нопараллел монохроматик ёруғлик дастаси билан ёритилганда кузатиладиган *интерференция* йўллари тизими

БИРИКТИРИЛГАН УЮРМА – *BIRIKTIRILGAN UYURMA* – **Присоединенный вихрь** – суюқлик ёки газ оқимида жойлашган қаттиқ жисмга пухта бириктирилган, деб ҳисобланувчи ҳамда тезлик циркуляцияси катталиги бўйича чегаравий қатламда ёпишқоқлик туфайли вужудга келувчи ҳақиқий уюрмаланишни алмаштирувчи шартли уюрма

БИРИНЧИ ЖИНС ЎТКАЗГИЧ – *BIRINCHI JINS O'TKAZGICH* – **Проводник первого рода** – электрик токнинг ўтишида кимёвий жараёнлар юз бермайдиган, токнинг ўзи эса фақат электронларнинг ҳаракатига боғлиқ бўладиган ўтказгич

БИРИНЧИ КОСМИК ТЕЗЛИК – *BIRINCHI KOSMIK TEZLIK* – **Первая космическая скорость** – жисмни ернинг

сунъий йўлдошига айлантириш учун унга бериш зарур бўлган энг кичик тезлик (7,9 км/сек)

БИРИНЧИ ТУР АБАДИЙ ЮРИТИЧ – *BIRINChI TUR ABADIY YuRITGICH* – Вечный двигатель первого рода – бир марта ишга туширилгандан кейин ташқаридан энергия олмастан чексиз узок вақт иш бажариш қобилиятига эга деб тасаввур қилинадиган тизим

БИРИНЧИ ТУР ФАЗАВИЙ ҲТИШ – *BIRINChI TUR FAZAVIY O'TISH* – Фазовый переход первого рода – ички энергия ёки зичликнинг сакрашсимон ўзгариши билан юз берувчи фазавий Ҳтиш

БИРЛАМЧИ НУРЛАНИШ – *BIRLAMChI NURLANISH* – Первичное излучение – қаралаётган ўзаро таъсир жараёнида бирламчи бўлган ёки дастлабки деб олинадиган нурланиш

БИРЛИКЛАР ТИЗИМИ – *BIRLIKLAR TIZIMI* – Система единиц – табиатда мавжуд бўлган физикавий катталиклар орасидаги ўзаро боғланишларни акс эттирувчи физикавий назариялар асосида ҳосил қилинган бирор физикавий катталиқнинг асосий ва ҳосилавий бирликлари тизими мажмуи

БИРЛИКЛАРНИНГ ГАУСС ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING GAUSS TIZIMI* – Гаусса система единиц – асосий бирликлари сантиметр, грамм, секунддан иборат ва унда диэлектрик магнитик синдирувчанликлар ўлчамсиз катталиклар бўлган ҳамда вакуумда бирга тенг бўладиган электрик ва магнитик катталиклар бирликларининг мутлак тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ ДИНАМИК ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING DINAMIK TIZIMI* – Динамическая система единиц – асосий катталиклари қаторига масса бирлиги ҳам қирадиган, куч бирлиги эса ҳосилавий бирлик бўлиб, Ньютоннинг иккинчи қонуни асосида аниқланадиган бирликлар тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ ЖОРЖИ ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING JORJI TIZIMI* – Система единиц Джорджи – асосий бирликлар сифатида метр, килограмм, секунд ва электродинамик бирликлардан бири олинган бирликлар тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ КОГЕРЕНТ ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING KOGERENT TIZIMI* – Когерентная система единиц – бир катталиқни олдиндан аниқланган бошқа катталиқ орқали аниқлашга хизмат қилувчи тенгламалар фақатгина 1 га тенг бўлган ўлчамсиз коэффициентларга эга бўладиган бирликлар тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ МКГСС ТИЗИМИ (МКГСС ТИЗИМИ) – *BIRLIK-LARNING MKGSS TIZIMI* – Система единиц МКГСС – асосий бирликлар сифатида метр, килограмм-куч ва секунд олинган механик катталиклар бирликлари тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ МКС ТИЗИМИ (МКС ТИЗИМИ) – *BIRLIKLARNING MKS TIZIMI* – Система единиц МКС – асосий бирликлар сифатида метр, килограмм ва секунд олинган механик катталиклар бирликлари тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ МКСА ТИЗИМИ (МКСА ТИЗИМИ) – *BIRLIKLARNING MKSA TIZIMI* – Система единиц МКСА – асосий бирликлар сифатида метр, килограмм, секунд ва ампер олинган электрик ва магнитик катталиклар бирликлари тизими ёки бирликларнинг Жоржи тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ МКСА_n ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING MKSA_n TIZIMI* – Система единиц МКСА_n – асосий бирликларнинг МКСА нораціонал тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ МКСА_p ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING MKSA_p TIZIMI* – Система единиц МКСА_p – бирликларнинг МКСА раціоналланган тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ МКСК ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING MKSK TIZIMI* – Система единиц МКСК – асосий бирликлар сифатида метр, килограмм, секунд ва Кельвин градуси (Кельвин) олинган иссиқлик катталиклари бирликлари тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ МСШ ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING MSSh TIZIMI* – Система единиц МСШ – асосий бирликлар сифатида метр, секунд ва шам олинган ёруғлик катталиклари бирликлари тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ МТС ТИЗИМИ (МТС ТИЗИМИ) – *BIRLIKLARNING MTS TIZIMI* – Система единиц МТС –

асосий бирликлар сифатида метр, тонна ва секунд олинган механик катталиклар бирликлари тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ МУТЛАҚ ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING MUTLAQ TIZIMI* – Абсолютная система единиц

– 1) чекли сон асосий бирликларни ўз ичига олган бирликлар тизими; 2) асосий механик бирликлар сифатида узунлик, масса ва вақт бирликлари олинган бирликлар тизими; 3) асосий бирликлар сифатида сантиметр, грамм ва секунд олинган катталик бирликлари тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ ПЛАНК ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING PLANK TIZIMI* – Система единиц Планка

– асосий бирликлар сифатида ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги, гравитациявий доимий, Болцман доимийси ва Планк доимийси олинган бирликлар табиий тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ РАЦИОНАЛ-ЛАНГАН ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING RATSIONALLANGAN TIZIMI* –

Рационализиrowанная система единиц – ҳосилавий бирликларни олиш учун тенгламалар ҳосил қилишда 4 кўринишдаги коэффициентларга эга бўлмаган Максвелл тенгламаларидан фойдаланиладиган бирликлар тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ СГС ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING SGS TIZIMI* – Система единиц СГС

– асосий бирликлар сифатида сантиметр, грамм ва секунд олинган механик катталиклар бирликлари тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ СГСБ ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING SGSB TIZIMI* – Система единиц СГСБ

– асосий бирликлар сифатида сантиметр, грамм ва секунд ва био олинган механик ва электродинамик катталиклар бирликлари тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ СГС_{ε₀} ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING SGSe₀ TIZIMI* – Система единиц СГС_{ε₀}

– асосий бирликлар сифатида сантиметр, грамм, секунд ҳамда вакуумнинг диэлектрик синдирувчанлиги олинган механик ва электродинамик катталиклар бирликлари тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ СГС_{μ₀} ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING SGSμ₀ TIZIMI* – Система единиц СГС_{μ₀}

– асосий бирликлар сифатида метр, тонна ва секунд ва вакуумнинг магнитик синдирувчанлиги олинган механик ва электродинамик катталиклар бирликлари тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ СГСМ ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING SGSM TIZIMI* – Система единиц СГСМ

– электродинамик катталиклар бирликлари Кулон қонуни асосида аниқланувчи ҳосилавий бирликлар бўладиган, шунингдек, магнитик синдирувчанлик вакуум ҳолида ўлчамсиз ва 1 га тенг бўладиган бирликларнинг мутлақ тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ СГСФ ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING SGSF TIZIMI* – Система единиц СГСФ

– асосий бирликлар сифатида сантиметр, грамм, секунд ва Франклин олинган механик ва электродинамик катталиклар бирликлари тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ СГСЭ ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING SGSE TIZIMI* – Система единиц СГСЭ

– электродинамик катталиклар бирликлари Кулон қонуни асосида аниқланувчи ҳосилавий бирликлар бўладиган, шунингдек, диэлектрик синдирувчанлик вакуум ҳолида ўлчамсиз ва 1 га тенг бўладиган бирликларнинг мутлақ тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ ТАБИИЙ ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING TABIIY TIZIMI* –

Естественная система единиц – асосий бирликлар сифатида асосий физикавий доимийларни танлаш орқали асосий бирликлар ўлчовларини табиат ҳодисалари билан боғловчи бирликлар тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING XALQARO TIZIMI* – (*Systeme International de unites*)

– Международная система единиц – фан ва техниканинг барча соҳаларини ўз ичига олувчи, асосий бирликлар сифатида метр, килограмм, секунд, ампер, Кельвин, қандил (шам) ва моль олинган бирликларнинг когерент рационалланган тизими

БИРЛИКЛАРНИНГ ХАРТРИ ТИЗИМИ – *BIRLIKLARNING XARTRI TIZIMI* – Система единиц Хартри

– асосий бирликлар сифатида Бор радиуси, электроннинг тинчлик массаси, электрон заряди ва Планк доимийси олинган бирликларнинг табиий тизими

БИРЛИКНИНГ МИҚЁСИ – *BIRLIKNING MIQYO'SI* – Размер единицы – физикавий катталикнинг унинг бирлигидаги миклорий қўлами

БИФУРКАЦИЯ – *BIFURKATSIYA* – динамик тизим параметрларининг кичик ўзгаришлари натижасида унинг ҳаракатида янги хусусиятларнинг вужудга келиши

БИЭКСИТОН – *BIEKSIYON* – икки экситоннинг боғланган ҳолати; Френкел экситонлари ёки Ване-Мотт экситонлари бундай энг содда экситон мажмуиға мисол бўла олади

БИҚСИМА РАЗРЯД – *BIQSIMA RAZRYAD* – Тлеющий разряд – катоднинг паст ҳароратида, нисбатан кичик зичликли тоқда ва атмосфера босимиға нисбатан пастроқ босимда мустақил газ разряди

БЛОКИНГ-ГЕНЕРАТОР – *BLOCKING-GENERATOR* – трансформаторли тескари боғланишға эға бир каскадли кучайтиргич тарзида ясалган киска (= 1 мкс) электрик импульслар релаксацион генератори

БЛОХ ДОМЕНИ ЧЕГАРАСИ – *BLOX DOMENI CHEGARASI* – Блоховская доменная граница – магнитик тартибланган модда (ферромагнетик, ферримангнетик ёки заиф ферромагнетик ичида қўшни доменларни ажратувчи соға)

БЛОХ ТЕОРЕМАСИ – *BLOX TEOREMASI* – Теорема Блоха – к а т т и к ж и с м н и н г к в а н т н а з а р и я с и д а даврий потенциалли майдонда, хусусан, кристалл панжарада жойлашган электрон тўлкин функциясининг кўринишини аниқлаб берувчи асосий теорема

БЛОХ ЧИЗИГИ – *BLOX CHIZIG'I* – Линия Блоха – ферромагнетик ёки ферримангнетикла домен деворининг бир хил қўтланган қисмидан бошқача қўтланган қисмиға ўтишда унинг магнитланганлик йўналишини ўзгартирадиган қатлам

БОГОЛЮБОВ ТЕНГЛАМАЛАРИ – *BOGOLYUBOV TENGLAMALARI* – Уравнения Боголюбова – жуфт ўзаро таъсир потенциалли классик зарралар тизимининг бир заррала, икки заррала ва ҳоказо таксимот функциялари учун тенгламалар занжири

БОГОЛЮБОВ-ПАРАСЮК ТЕОРЕМАСИ – *BOGOLYUBOV-PARASYUK TEOREMASI* – Теорема Боголюбова-Парасюка – қайта пармаланган Грин функциялари ва майдон квант назариясидаги сочилиш матрицалари матрица элементларининг ультрабинафшавий ёйилишдан ҳолидир, дейилувчи даъво

БОЗЕ-ГАЗ – *BOZE GAZ* – (ҳинд физиги Ш.Бозе номидан) – эркин бозонлар мажмуи

БОЗЕ-СУЮҚЛИК – *BOZE-SUYUQLIK* – Бозе-жидкость – квазизарралари бозонлардан иборат бўлган квант суюқлик

БОЗЕ-ЭЙНШТЕЙН КОНДЕНСАЦИЯСИ – *BOZE-EYNSHTEYN KONDENSATSIYASI* – Конденсация Бозе-Эйнштейна – Бозе-Эйнштейн статистикасига бўйсинувчи қўп сонли зарралар тизими (бозе-газ ёки бозе-суюқлик)да айниш ҳароратидан пастроқ ҳароратларда тизим зарралари айрим хиссасининг нолинчи импульсли ҳолатда жойлашувидан иборат квант ҳолиса

БОЗЕ-ЭЙНШТЕЙН СТАТИСТИКАСИ – *BOZE-EYNSHTEYN STATISTIKASI* – Статистика Бозе-Эйнштейна – нолинчи ёки бутун спинли (η бирликларда) айний зарраларға қўлланиладиган квант статистикаси

БОЗЕ-ЭЙНШТЕЙН ТАКСИМОТИ – *BOZE-EYNSHTEYN TAQSIMOTI* – Распределение Бозе-Эйнштейна – бирдай бозонларнинг энергия сатхлари бўйича таксимланиши

БОЗОН – *BOZON* – нол ёки бутун сонли спинға эға бўлган зарра ёки квазизарра

БОЙИГАН ҚАТЛАМ – *BOYIGAN QATLAM* – Обогащенный слой – потенциал тўсиқ борлиги туфайли, яримўтказгичнинг асосий ташувчилари концентрацияси ионлашган донорлар ва акцепторлар концентрацияси айирмасидан катта бўладиган қатлам

БОЙЛ НУҚТАСИ – *BOYL NUQTASI* – Точка Бойля – p-pv координаталардаги реал газ изотермасидаги минимум нуқта

БОЙЛ-МАРИОТ ҚОНУНИ – *BOYL-MARIOTT QONUNI* – Закон Бойля-Мариотта – газнинг муайян массаси учун

ўзгармас ҳароратда газ босимининг у эгаллаган ҳажмга кўпайтмаси ўзгармасдир, дейилувчи идеал газ қонуни

БОЛОМЕТР - *BOLOMETR* - *юн.* *bole* - *нур ва метрео* - ўлчайман - ишлаши

электрик қаршилиқнинг ҳароратга боғланишига асосланган электромагнитик нурланиш энергиясини ўлчаш асбоби

БОЛЬЦМАН ДОИМИЙСИ - *BOLSMAN DOIMIYSI* - *Постоянная Больцмана* - асосий физикавий константалардан бири; универсал газ доимийсининг *Авогадро сонига* нисбатига тенг

БОЛЬЦМАН КИНЕТИК ТЕНГЛАМАСИ - *BOLSMAN KINETIK TENGLAMASI* - *Кинетическое уравнение Больцмана* - кўп сонли зарралардан ташкил топган тизимнинг номувозатий бир заррали таксимот функцияси қаноатлантирадиган интеграл-дифференциал тенглама

БОЛЬЦМАН СТАТИСТИКАСИ - *BOLSMAN STATISTIKASI* - *Статистика Больцмана* - ўзаро таъсирлашмайдиган кўп сонли зарраларга эга бўлган, яъни мумтоз идеал тизимлар статистикаси

БОЛЬЦМАН ТАҚСИМОТИ - *BOLSMAN TAQSIMOTI* - *Распределение Больцмана* - молекулалари ташқи потенциал майдонда мумтоз механика қонунларига кўра ҳаракатланаётган идеал газ зарраларининг импульслар ва координаталар бўйича тақсимланиши

БОМ ДИФФУЗИЯСИ - *BOM DIFFUZIYASI* - *Диффузия Бома* - магнитланган плазманинг \vec{H} кучланганликка эга магнитик майдонга қўндаланг йўналишда *диффузия*нинг аъъанавий (классик) тезлигидан аномал катта тезлик билан турбулент кўчиши

БОР МАГНЕТОНИ - *BOR MAGNETONI* - *Магнетон Бора* - атом тизимларининг магнитик моментларини ўлчаш бирлиги

БОР ПОСТУЛАТЛАРИ - *BOR POSTULATLARI* - *Постулаты Бора* - атомнинг турғун ҳолатлари ва нурланиши квант ўтишлари мавжудлиги хақидаги асосий қоидалар; Нильс Бор томонидан 1913 йили атомнинг квант назариясида киритилган

БОР РАДИУСИ - *BOR RADIUSI* - *Бора радиус* - водород (водород) атомида ядрога энг яқин электрон орбита радиуси

БОРН ЯҚИНЛАШИШИ - *BORN YAQINLASHISHI* - *Приближение Борновское* - ғалаёнланиш назарияси доирасида ўзаро таъсир потенциалига кўра, биринчи яқинлашишда микроразрларнинг эластик сочилиши ва ноэластик ўзаро таъсири амплитудаларини тақрибий ҳисоблаш усули

БОРН-ОППЕНГЕЙМЕР ТЕОРЕМАСИ - *BORN-OPPENGEYMER TOOREMASI* - *Теорема Борна-Оппенгеймера* - ядролар ҳаракатига нисбатан электронлар ҳаракати билан молекуланинг яхлит айланиши энергиясининг молекула тўла энергиясига ҳиссаси орасидаги нисбатни аниқловчи теорема

БОСИМ - *BOSIM* - *Давление* - бирор жисмнинг бошқа жисм сиртига тик таъсири кучларини тавсифловчи физикавий катталиқ

БОСИМ МАРКАЗИ - *BOSIM MARKAZI* - *Центр давления* - суюқлик ёки газ босими кучларининг жисмга тенг таъсири тушадиган нукта; самолёт қаноти учун қанот хордалари текислиги билан кесишадиган нукта

БОСИМЛАРНИНГ КРИТИК НИСБАТИ - *BOSIMLARNING KRITIK NISBATI* - *Критическое отношение давлений* - бошланғич тезлиги нолга тенг бўлганда газ босими критик қийматининг каналнинг кириш кесимидаги босимга нисбати

БОСИМНИНГ ТЕРМИК КОЭФФИЦИЕНТИ - *BOSIMNING TERMIK KOEFFITSIENTI* - *Термический коэффициент давления* - тизим ҳароратини изохорик (ҳажмини ўзгартирмай) ўзгартирганда унинг босими ўзгаришини шу ҳарорат ўзгаришига ва тизимнинг шу жараён утаётган ҳолдаги босимига нисбати

БОШ ИНЕРЦИЯ ҲАВАЛАРИ - *BOSH INERSIYA O'QLARI* - *Главные оси инерции* - каттик жисмда шундай бир нукта борки, ташқи кучлар бўлмаганда, уни шу нуктада бириктириб қўйиб, ундан ўтувчи учта ўзаро тик ҳавалялар бири атрофида айланишга келтирилса, у худди кўзгалмас ўқ атрофида айлангандек айланаверди

БОШ КВАНТ СОН - *BOSH KVANT SON* - *Главное квантовое число* - атом электронининг энергиясини белгилловчи *квант сон*

БОШ НУР – *BOSH NUR* – Главный луч – апертуравий диафрагма маркази орқали ўтувчи кия даста нури

БОШ СЕРИЯ – *BOSH SERIYA* – Главная серия – ишкорий металллар атомлари спектрида юкориги р-энергия сатхи (орбитал квант сон $l=1$) ва асосий S-сатх орасидаги ўтишга мос келган спектрал серия

БОШ ЯДРО – *BOSH YADRO* – Материнское ядро – радиофаол емирилаётган атом ядроси

БОШЛАНҒИЧ ФАЗА – *BOSHLANG'ICH FAZA* – Начальная фаза – вақтнинг бошланғич пайтидаги тебранишлар фазаси

БОШҚАРИЛУВЧИ ТЕРМОЯДРОВИЙ СИНТЕЗ – *BOSHQARILUVCHI TERMOYADROVIY SINTEZ* – Управляемый термоядерный синтез – бошқариладиган шароитларда ўтувчи термоядровий синтез

БОҒЛАНҒАН КОНТУРЛАР – *BOG'LANGAN KONTURLAR* – Связанные контуры – контурлардан биридаги ток ўзгариши иккинчи контурда электр юритувчи кучнинг вужудга келишига олиб келадиган электрик контурлар

БОҒЛАНҒАН ТИЗИМЛАР – *BOG'LANGAN TIZIMLAR* – Связанные системы – ҳар бири битта эркинлик даражасига эга бўлган, ўзаро таъсирлашаётган тизимлар мажмуидан иборат кўп сонли эркинлик даражасига эга тебраниш тизимлари

БОҒЛАНИШ КАРРАЛИГИ – *BOG'LANISH KARRALIGI* – Кратность связи – молекуланинг икки қўшни атомлари ковалент кимёвий боғланиши натижасида умумлашган электрон жуфтлари сони

БОҒЛАНИШ РЕАКЦИЯСИ – *BOG'LANISH REAKSIYASI* – Реакция связи – таъсири механик тизимга қўйилган боғланиш таъсирига эквивалент бўлган куч

БОҒЛАНИШ РЕЗОНАНСИ – *BOG'LANISH REZONANSI* – Резонанс связи – тебранишлар амплитудалари бир вақтда иккита ёки ундан ортқ эркинлик даражалари бўйича содир бўлувчи резонанс

БОҒЛАНИШ ЭНЕРГИЯСИ – *BOG'LANISH ENERGIYASI* – Энергия связи – зарралар мажмуи боғланган ҳолати энергияси билан пу зарралар бир-биридан ажратилиб, ҳечсиз узоклашпирилган ҳолатнинг энергияси орасидаги айирма

БОҒЛАНИШЛАРНИНГ ҚЎШМАЛАНИШИ – *BOG'LANISHLARNING QO'SHMALANISHI* – Сопряжение связей – молекулалардаги оддий боғланишлар қаррали боғланишлар билан навбатлашадиган электрон ўзаро таъсир хили

БОҒЛАНИШНИНГ АЙИРМА РЕЗОНАНСИ – *BOG'LANISHNING AYIRMA REZONANSI* – Разностный резонанс связи – тебраниш амплитудалари бир вақтда иккита эркинлик даражаси бўйича содир бўлувчи бетатрон тебранишлари боғланишлари резонанси

БРАВЕ ПАНЖАРАСИ – *BRAVE PANJARASI* – Решетка Браве – кристалл панжара симметриясининг мумкин бўлган хилларини тавсифловчи уч ўлчовли геометрик панжаралардан бири

БРЕЙТ-ВИҒНЕР ФОРМУЛАСИ – *BREYT-VIGNER FORMULASI* – Формула Брейта-Вигнера – изоляцияланган резонанс ҳолида энергиянинг резонанс қймати яқинида ядровий реакция ёки элементар зарралараро реакциянинг кесими хусусиятини тавсифловчи формула

БРЕКЕТ СЕРИЯСИ – *BREKET SERIYASI* – Брекета серия – водород атоми спектрининг инфрақизил соҳада жойлашган спектрал серияси

БРИЛЮЭН СОҲАСИ – *BRILLYuEN SOHASI* – Зона Бриллюэна – тўлқин векторларининг фазовий соҳаси; унинг ичида кристаллдаги электрон энергияси узлуксиз ўзгара боради, чегараларида эса узилди

БРОУН ҲАРАКАТИ – *BROUN HARAKATI* – Броуновское движение – суюқлик ёки газларда муаллақ турган кичик зарраларнинг узлуксиз тартибсиз ҳаракати

БРЭГГ ҚАЙТАРИШ – *BREGG QAYTARISH* – Брэгтовское отражение – рентген нурулар дифракциясининг тулувчи ва дифракцияланган нурулар кристалл сирлигини бир томонида жойлашган манзараси

БРЭГГ-ВУЛФ ШАРТИ – *BREGG-VULF ShARTI* – Условие Брэгга-Вульфа – кристалда эластик сочилган рентген нурланишнинг дифракциявий максимумлари вужудга келиши йўналишларини аниқловчи шарт

БРЮСТЕР БУРЧАГИ – *BRYuSTER BURChAGI* – Угол Брюстера – диэлектрик сиртидан қайтувчи ёруғликнинг тўла кутбланидиган тушиш бурчаги

БРЮСТЕР ҚОНУНИ – *BRYuSTER QONUNI* – Закон Брюстера – диэлектрик сиртидан қайтувчи ёруғлик тўла кутбланган бўлиши учун табиий (кутбланмаган) ёруғликнинг тушиш бурчаги билан диэлектрикнинг синдириш кўрсаткичи орасидаги муносабат

БУДКЕР ҲАЛҚАСИ – *BUDKER HALQASI* – Кольцо Будкера – релятивистик электронларнинг бирор микдор мусбат ионлар билан аралашмаси ҳалқа дастасининг ўзфокусланиши туфайли эришиладиган барқарор ҳолати

БУРАЛИШ – *BURALIsh* – Кручение – бирор жойидан маҳкамланган стерженга унга тик текисликда ётувчи ва маҳкамланмиш жойидан нарироқда жуфт қуч қўйилганда стерженда юзага келувчи деформация

БУРАЛМА ТАРОЗИ – *BURALMA TAROZI* – Крутильные весы – юкнинг оғирлигини эластик ипнинг ёки спирал пружинанинг буровчи моментга мутаносиб бўлган буралиш бурчаги бўйича аниқловчи тарози

БУРАЛМА ТЕБРАНИЧ – *BURALMA TEBRANGIch* – Крутильный маятник – эластик таёқда ёки ичда осилган ва буралма тебранишлар бажара оладиган қаттиқ жисм

БУРАЛМА ТЕБРАНИШЛАР – *BURALMA TEBRANIShLAR* – Крутильные колебания – эластик тизим алоҳида элементларнинг даврий ўзгарувчи буралма тебранишлари билан ифодаланувчи тебранишлар

БУРИЛИШ ИЗОМЕРИЯСИ – *BURILISh IZOMERIYaSI* – Поворотная изомерия – молекула айрим қисмларининг уларни боғловчи кимёвий боғланишларга нисбатан бурилиш бурчаги фаркли бўлган молекула фазовий шакллари бир нечта бўлиши

БУРОВЧИ МОМЕНТ – *BUROVChI MOMENT* – Крутильный момент – бурилиш деформациясини вужудга келтирувчи қучлар жуфти моментги

БУРЧАГИЙ АПЕРТУРА – *BURChAGIY APERTURA* – Угловая апертура – оптик тизимга кирувчи конуссимон ёруғлик дастасининг чекка нурлари орасидаги бурчак

БУРЧАГИЙ ДАРАЖА – *BURChAGIY DARAJA* – Угловой градус – тўғри бурчакнинг 1/90 қисмига тенг бўлган ясси бурчак бирлиги

БУРЧАГИЙ ТЕБРАНИШЛАР – *BURChAGIY TEBRANIShLAR* – Угловые типы колебаний – буйлама турдан бошқа барча очик резонаторлардаги тебранишлар

БУРЧАК КАТТАЛАШИШ – *BURChAK KATTALASHIsh* – Угловое увеличение – тасвирлар фазосида ёруғлик нури оптик ўққа қиялик бурчаги тангенсининг буюмлар фазосидаги унга қўшма нурнинг бурчаги тангенсига нисбати

БУРЧАК ТЕЗЛАНИШ – *BURChAK TEZLANISh* – Угловое ускорение – бурчак тезлик ўзгаришининг шу ўзгариш содир бўлган вақт оралиғига нисбати билан ўлчанадиган бурчак тезлик ўзгариши суръати

БУРЧАК ЎЛЧОВЛАР – *BURChAK O'LChovLAR* – Угловые меры – берилган ўлчовлардаги бурчакларни қайд қилиш жараёни

БУРШТЕЙН-МОСС САМАРАСИ – *BURShTEYN-MOSS SAMARASI* – Эффект Бурштейна-Мосса – ўтказувчанлик электронлари концентрациясининг ортishi ва уларнинг ўтказувчанлик зонасини тўлдирishiда яримўтказиқнинг ёруғликни хусусий ютиш соҳаси чеккасининг юқори такрорийликлар томонига силжиши

БУСТЕР – *BUSTER* – катта циклик тезлаткич учун инжектордик вазифасини ўтовчи оралик циклик тезлатгич

БУТУН ОЛАМ ТОРТИШИШ ҚОНУНИ – *BUTUN OLAM TORTIShIsh QONUNI* – Закон всемирного тяготения – бир моддий нукта ўзига бошқасини тортишидан иборат универсал ўзаро таъсир кучини ифодаловчи қонун

БУТУН ТЎЛҚИН ПЛАСТИНКА – *BUTUN TO'LOQIN PLASTINKA* – Пластинка в целую волну – қўш синдирувчи кристаллдан унинг оптик ўқига параллел, қалинлигини эса оддий ва нооддий нурлар оптик йўл фарқи тўлқин узунлигига қаррали бўладиган қилиб кесиб олинган пластинка

“БУЮК БИРЛАШУВ” – *“BUYUK BIRLASHUV”* – “Великое объединение” (Grand Unification) – кучли, заиф ва электромагнитик ўзаро таъсирларнинг ягона табиатта эга эканлиги ҳақидаги тасаввурга асосланган фундаментал физикавий ҳодисаларнинг назарий модели

БУЮМ ТЎЛҚИНИ – *BUYUM TO'LOQINI* – Волна тела – голографияда ёруғлик манбаи ёритиб турган буюмдан қайтгандан кейин қайд қилувчи муҳитга тушувчи тўлқин

БУЮМЛАР ФАЗОСИ – *BUYUMLAR FAZOSI* – Пространство предметов – буюмнинг оптик тизим ёрдамида тасвирлари ҳосил қилиши мумкин бўлган нуқталари мажмуи

БУҒ – *BUG'* – Пар – газ фазаси ўша модданинг суюқ ёки қаттиқ фазаси билан мувозанатда бўла оладиган шароитдаги модда газ ҳолати

БУҒ ҲОСИЛ БЎЛИШИ – *BUG' HOSIL BO'LISHI* – Парообразование – модданинг суюқ ҳолатдан буғ ҳолатга фазавий ўтиши

БУҒ ҲОСИЛ БЎЛИШ ЭҒРИ ЧИЗИҒИ – *BUG' HOSIL BO'LISH EGRI CHIZIG'I* – Кривая парообразования – суюқ ва буғ фазаларнинг бирга мавжуд бўлишига мос келувчи фазавий мувозанат эгри чизиги

БУҒЛАНИШ 1 – *BUG'LANISH 1* – Парообразование – модданинг суюқ ёки қаттиқ ҳолатдан газсимон ҳолатга ўтиши

БУҒЛАНИШ 2 – *BUG'LANISH 2* – Испарение – суюқлик ёки қаттиқ жисмнинг фақат эркин сиртидан содир бўлувчи буғланиш

БУҒЛАНИШ ИССИҚЛИГИ – *BUG'LANISH ISSIQLIGI* – Теплота испарения – суюқликнинг муайян ҳароратда буғланиши жароёнида у ютадиган иссиқлик

БУҒЛАНИШ МАРКАЗИ – *BUG'LANISH MARKAZI* – Центр парообразования – қайнашда буғ пуфакчаларининг ҳосил бўлишини бошлаб берадиган зарра

БУҒНИНГ ҚУРУҚЛИК ДАРАЖАСИ – *BUG'NING QURUQLIK DARAJASI* – Степень сухости пара – тўйинган нам будгади тўйинган қуруқ буғнинг массивий улуши

БЎКБЕНДИНГ – *BEKBENDING* – оғир ядролар инерция моментларининг уларнинг айланиш бурчак тезлигига боғлиқлиги

БЎЁҚДА ИШЛОВЧИ ЛАЗЕР – *BO'YOQDA ISHLOVCHI LAZER* – Лазер на красителе – фаол муҳит сифатида қўшма боғланишлар ривожланган тизимга эга бўлган органик бирикмалардан фойдаланиладиган лазер

БЎЙЛАМА ГАЛЬВАНОТЕРМОМАГНИТИК САМАРА – *BO'YLAMA GALVANOTERMOMAGNITIK SAMARA* – Продольный гальванотермомангнитный эффект – яримўтказгичдан j_z зичликли электрик ток ўтиб, унга B_k индукцияли қўндаланг магнитик майдон таъсир этиб турганда электронлар ёки коваклар тезликлари таркоқлиги туфайли dv/dz буйлама ҳарорат градиентининг пайдо бўлиши

БЎЙЛАМА КАТТАЛАШИШ – *BO'YLAMA KATTALASHISH* – Продольное увеличение – оптик ўқ бўйича жойлашган кесма тасвири узунлигининг шу кесма узунлигига нисбати

БЎЙЛАМА МАССА – *BO'YLAMA MASSA* – Продольная масса – кучнинг тангенциал таъкил этувчисининг зарра тангенциал тезланишига нисбати билан ифодаланувчи инерт масса

БЎЙЛАМА РЕЛАКСАЦИЯ – *BO'YLAMA RELAKSATSIYA* – Продольная релаксация – магнитланганлик қўндаланг таъкил қилувчисининг мувозанатлашуви жароёни

БЎЙЛАМА ТЕБРАНИШЛАР – *BO'YLAMA TEBRANISHLAR* – Продольные колебания – зарядланган зарраларнинг даста ўқ бўйича мувозанатли заррага нисбатан тебраниши

ИККИ ЎЛЧОВЛИ ЭЛЕКТРОН ГАЗ – *IKKI O'LCHOVLI ELEKTRON GAZ* – Двухмерный электронный газ – электронларнинг энергиявий ҳолатлари уларнинг муайян текисликлар бўйичагина эркин ҳаракатига мос келадиган тизими

ИККИ ЎЛЧОВЛИ ЎТКАЗГИЧЛАР – *IKKI O'LCHOVLI O'TKAZGICHLAR* – Двухмерные проводники – икки ёмон ўтказадиган муҳит, масалан, вакуум-диэлектрик, яримўтказгич-диэлектрикнинг бўлиниш чегарасида сунъий яратилган электр ўтказувчи тизимлар

ИККИ ЎҚЛИ КРИСТАЛЛ – *IKKI O'QLI KRISTALL* – Двухосный кристалл – иккита оптик ўққа эга бўлган кристалл

ИКС-БИРЛИК – *IKS-BIRLIK* – Иксединица – кристаллар физикасида қўлланиладиган тизимдан ташқари узунлик бирлиги

ИЛГАРИЛАНМА ҲАРАКАТ – *ILGARILANMA HARAKAT* – Поступательное движение – жисмда ўтказилган ҳар қандай тўғри чизик ўз-ўзига параллел кўчадиган ҳаракат; бунда жисмнинг барча нуқталари бир хил траектория чизади

ИЛГАРИЛАНМА ҲАРАКАТ ДИНАМИКАСИНING АСОСИЙ ҚОНУНИ – *ILGARILANMA HARAKAT DINAMIKASINING ASOSIY QONUNI* – Основной закон динамики

поступательного движения – моддий нуқталар тизими билан импульснинг вақт бўйича ўзгаришини тизимга қўйилган ташки кучлар вектори билан боғловчи қонун

ИММЕРСИЯВИЙ ОБЪЕКТИВ – *IMMERSIYAVIY OB'EKTIV* – лот. *immersio* – ботириш, чўктириш – Иммерсионный объектив – объектив билан ёшқич шиша орасидаги соҳа катта мутлак синдириш кўрсаткичига эга суюклик билан тўлдирилган объектив

ИММЕРСИЯВИЙ ТИЗИМ – *IMERSIYAVIY TIZIM* – Иммерсионная система – буюм билан биринчи линза орасидаги соҳа катта синдириш кўрсаткичига эга иммерсион суюклик билан тўлдирилган оптик тизим

ИМПЕДАНС – *IMPEDANS* – ингл. *impedance*, лот. *impedio* – тўсқинлик қиламан – гармоник жараёнлар учун тўлиқ электрик қаршилик

ИМПЛОЗИЯ – *IMPLOZIYA* – моддани кучли ёруғлик нурланиши ёки тезлаштирилган зарралар оқимлари билан нурлаш туфайли сиртидан моддаларнинг сочилиши оқибатида унинг бирор ҳажмда фавқулодда тез қисилиши

ИМПУЛЬС – *IMPULS* – лот. *impulsis* – зарба, туртки – 1) барча кўринишдаги материя ҳаракатининг умумий ўлчови-ҳаракат миқдори; физикавий тизимлар ўзаро таъсирлашганда уларнинг механик импульси ўзгаришидан намоён бўлади; 2) қисқа муддатли сигнал

ИМПУЛЬС ГЕНЕРАТОР – *IMPULS GENERATOR* – Импульсный генератор – импульслар кетма-кетлигини ёки яққа видеоимпульсларни вужудга келтирувчи электрон қурилма

ИМПУЛЬС ГОЛОГРАФИЯ – *IMPULS GOLOGRAFIYA* – Импульсная голография – жадал лазер импульслар воситасида голограммалар ёзиб олиш

ИМПУЛЬС ЕЛКАСИ – *IMPULS YELKASI* – Плечо импульса – импульс моменти нисбатан қаралаётган нуқтадан импульс йўналган тўғри чизикка туширилган тик чизик узунлиги

ИМПУЛЬС МОДУЛЯЦИЯ – *IMPULS MODULYATSIYA* – Импульсная

модуляция – импульс сигналлар параметрларини вақт бўйича ёки фазовий ўзгартириш

ИМПУЛЬС МОМЕНТИНИНГ САҚЛАНИШ ҚОНУНИ – *IMPULS MOMENTINING SAQLANISH QONUNI* –

Закон сохранения момента импульса – агар тизимга қўйилган кучларнинг ҳаракатсиз нуктага нисбатан бош моменти айнан нолга тенг бўлса, механик тизимнинг шу нуктага нисбатан импульс моменти ўзгаришсиз қолади, дейилувчи механика қонуни

ИМПУЛЬС РАЗРЯД – *IMPULS RAZRYAD* – **Импульсный разряд** – кучланиш импульси таъсирида электрик мухит(газда, вакуумда, суоқлик ва қаттик диэлектрик)да юзага келувчи электрик разряд

ИМПУЛЬС РЕАКТОР – *IMPULS REAKTOR* – **Импульсный реактор** – нейтронлар оқими давомийлиги бир неча ўн мкс дан бир неча с гача бўлган қисқа импульсларни генерациялайдиган ядровий реактор

ИМПУЛЬС СИГНАЛ – *IMPULS SIGNAL* – **Импульсный сигнал** – физикавий катталик(майлон, моддий мухит параметри ва шу кабилар)нинг қисқа муддатли ўзгариши

ИМПУЛЬС ТЕЗЛАТГИЧ – *IMPULS TEZLATGICH* – **Импульсный ускоритель** – тезлатувчи кучланиш импульслар тарзида бериладиган юқори вольтли тезлатгич

ИМПУЛЬС ФАЗО – *IMPULS FAZO* – **Импульсное пространство** – фазавий фазонинг бир қисмини ташкил қилувчи умумлашган импульсларнинг куп ўлчовли фазоси

ИМПУЛЬС ФОТОМЕТРИЯ – *IMPULS FOTOMETRIYA* – **Импульсная фотометрия** – импульсий ёруғлик оқимларини ва улар ёрдамида жисмларнинг оптик таъсирлари(қайтариш коэффициенти, ўтказиш коэффициенти ва б.)ни ўрганувчи фотометрия йўналиши

ИМПУЛЬС ҚУРИЛМАЛАР – *IMPULS QURILMALAR* – **Импульсные устройства** – импульс сигналларни генерациялаш ва ўзгартиришга, шуниндек, секин борувчи жараёнлар билан тез алмашинувчи, шакли

тез ўзгарувчи сигналларни ўзгартиришга мўлжалланган қурилмалар

ИМПУЛЬСНИНГ САҚЛАНИШ ҚОНУНИ – *IMPULSNING SAQLANISH QONUNI* – **Закон сохранения импульса** – ёпик тизимнинг импульси вақт ўтиши билан ўзгармайди, дейилувчи механика қонуни

ИНВАР ҚОТИШМАЛАР – *INVAR QOTISHMALAR* – **Инварные сплавы** – иссиқликдан қизигий кенгайиш коэффициенти жуда кичик бўлган, магнитик тартибланган қотишмалар гуруҳи

ИНВАРИАНТ – *INVARIANT* – объектнинг хоссалари таъсирланган санок тизимида муайян ўзгаришлар юз берганда объектда ўзгаришсиз қолувчи хоссаларни ифодаловчи сон ёки функция

ИНВАРИАНТ ЗАРЯД – *INVARIANT ZARYAD* – **Инвариантный заряд** – майдоннинг квант назариясида ренормализацион гуруҳ усулининг асосий тушунчаларидан бири

ИНВАРИАНТЛИК – *INVARIANTLIK* – лот. *invariants* – **ўзгармайдиган** – **Инвариантность** – физикавий шароитлар ўзгарганда физикавий катталикнинг ўзгармаслиги

ИНВЕРС БАНД ҚИЛИНГАНЛИК – *INVERS BAND QILINGANLIK* – лот. *inversio* – **ўрин алмаштириш** – **Инверсная населенность** – мувозанатсиз ҳолатда зарралар (атомлар, молекулалар ва х.к.)нинг аксарияти юқори энергияли вазиятда бўлиши

ИНВЕРСИЯ ҲАРОРАТИ – *INVERSIYA HARORATI* – **Температура инверсии** – **Жоуль-Томсон самараси** ишорасини ўзгартирадиган ҳарорат

ИНВЕРСИЯ ЭГРИ ЧИЗИФИ – *INVERSIYA EGRI CHIZIG'I* – **Кривая линии инверсии** – модда ҳолатини ифодаловчи термодинамик диаграммада дроссел самараси ўз ишорасини ўзгартирадиган нукталарнинг геометрик ўрни

ИНВЕРСИЯВИЙ ҚАТЛАМ – *INVERSIYAVIY QATLAM* – **Инверсионный слой** – яримўтказгич сиртидаги асосий заряд ташувчилар ишораси унинг ҳажмидаги асосий заряд ташувчилар ишорасига қарама-қарши бўладиган қатлам

ИНДИКАТРИСА – *INDIKATRISA* – лот. *indico* – кўрсатмадан, аниқлайман – Урганилаётган ҳодисанинг бирор бир хоссасини йўналишга боғлиқ тарзда кўргазмали тавсифловчи чизик ёки сирт

ИНДУКТИВ ҚАЙДЛАГИЧ – *INDUKTIV QAYDLAGICH* – Индуктивный датчик – зарядланган зарралар куюклашмаси учиб ўтаётганда электрик юритувчи куч юзига келадиган ғалтак кўринишидаги даста ҳақида ахборотни қайд қилувчи асбоб

ИНДУКТИВ ҚАРШИЛИК – *INDUKTIV QARSHILIK* – Индуктивное сопротивление – 1) қанот аэродинамик қаршилигининг қанотдан чикувчи уюрмалар вужудга келтирган қисми; 2) индуктивликка эга бўлган занжирнинг реактив электрик қаршилиги

ИНДУКТИВЛИК – *INDUKTIVLIK* – лот. *inductio* – таъсирлаш, индукциялаш – Индуктивность – электрик занжирнинг магнитик хоссалари тавсифи; контурда оқётган электрик ток кучи билан шу контурни кесиб ўтувчи тула магнитик оқим орасидаги мутаносиблик коэффициентини орқали аниқланади

ИНДУКТИВЛИК ҒАЛТАГИ – *INDUKTIVLIK G'ALTAGI* – Катушка

ИНДУКТИВНОСТИ – электрик занжирнинг берилган индуктивлигини таъмиловчи электротехник қурилма

ИНДУКЦИЯВИЙ ТЕЗЛАТИШ – *INDUKSIYAVIY TEZLATISH* – Индукционное ускорение – уюрмавий электрик майдон воситасида зарядланган зарраларни тезлатиш

ИНДУКЦИЯВИЙ ТЕЗЛАТГИЧ – *INDUKSIYAVIY TEZLATGICH* – Индукционный ускоритель – зарядланган зарралар уюрмавий электрик майдонда тезлаштирилладиган тезлатгич

ИНДУКЦИЯВИЙ ТОК – *INDUKSIYAVIY TOK* – Индукционный ток – ёпик контурда индукциявий электрик юритувчи куч юзига келтирган электрик ток

ИНДУКЦИЯЛАНГАН ЭЛЕКТРИК ЗАРЯД – *INDUKSIYALANGAN ELEKTRIK ZARYAD* – Индуцированный электрический заряд – бетагаф ўтказгичнинг бир қисмида ундаги мавжуд

мусбат ва манфий электрик зарядларни ажратиш натижасида вужудга келувчи электрик заряд

ИНЕРТ МАССА – *INERT MASSA* – Инертная масса – Ньютоннинг иккинчи қонуни билан аниқланувчи масса

ИНЕРЦИАЛ САНОҚ ТИЗИМИ – *INERSIAL SANOQ TIZIMI* –

Инерциальная система отсчёта – бошқа бир жисмлар (кучлар) таъсир қилмаётган моддий нукталар ўз тезлигини нисбатан доимий сақлаб қоладиган санок тизими

ИНЕРЦИЯ – *INERSIYA* – лот. *inertia* – ҳаракатсизлик – жисмга ташқи таъсир бўлмаганда ёки бу таъсирлар бир-бирини мувозанатлаганда жисмларнинг инерциал санок тизимига нисбатан ўз ҳаракат ҳолатини ўзгартирмадан сақлаш хоссаси

ИНЕРЦИЯ КУЧИ – *INERSIYA KUCHI* – Сила инерции – 1) ноинерциал санок

тизимининг инерциал тизимга нисбатан ҳаракати билан боғлиқ бўлган, Ньютоннинг иккинчи қонуни ифодаси ноинерциал тизимда ҳам ўринли бўлиши учун киритиладиган кўшимча ҳад; 2) Д'аламбер тамойилини ишлатишда кучлардан бири сифатида қўлланувчи, моддий нукта массасининг шу нукта тезлишига тесқари ишора билан олинладиган қўлаймаси

ИНЕРЦИЯ МАРКАЗИ – *INERSIYA MARKAZI* – Центр инерции – ноинерциал санок тизими инерциал санок тизимига

нисбатан тезланиш билан илгариланма ҳаракат қилаётганда унга таъсир қилувчи барча инерциал кучларнинг тенг таъсир қилувчиси қўйилган ҳамда массалар марказига мос тулувчи нукта

ИНЕРЦИЯ МАРКАЗИНИНГ САНОҚ ТИЗИМИ – *INERSIYA MARKAZINING SANOQ TIZIMI* – Система отсчёта

центра инерции – физикавий тизимнинг инерция маркази тинчликда қоладиган санок тизими

ИНЕРЦИЯ МОМЕНТИ – *INERSIYA MOMENTI* – Момент инерции –

жисмнинг илгариланма бўлмаган ҳаракатида унинг инертлигини ифодаловчи ва жисмда массаларнинг тақсимотига боғлиқ бўлган катталиқ

ИНЕРЦИЯ РАДИУСИ – *INERSIYA RADIUSI* – Радиус инерции – узунлик

ўлчамлинига эга бўлган ва унинг ёрдамида жисмнинг муайян ўққа нисбатан инерция momenti жисм массасининг шу катталик квадратига кўпайтмаси орқали ифодаланган катталик

ИНЕРЦИЯ ЭЛЛИПСОИДИ – *INERSIYA ELLIPSOIDI* – Эллипсоид инерции – бирор нуктадан ўтиши мумкин бўлган жисм инерция моментларининг тақсимлавишнинг ифодаловчи тузилма

ИНЕРЦИЯ ЎҚЛАРИ – *INERSIYA O'QLARI* – **Оси инерции** – жисмнинг бирор нуктаси орқали ўтказилган ҳамда уларни координата ўқлари сифатида қаралганда жисмнинг шу ўқларга нисбатан марказдан қочма инерция моментлари нолга тенг бўладиган ўзаро тик учта бош ўқ

ИНЖЕКТОР – *INJEKTOR* – *франц. injecteur, лот. injectio* – *ташлайман* – тезлатгичга ёки жамлагичга киритиладиган зарядланган зарралар дастасини ҳосил қилувчи ва уларга дастлабки тезланиш беришга мўлжалланган қурилма

ИНЖЕКЦИЯ – *INJEKSIYA* – 1) зарядланган зарралар дастасини тезлатгичга киритиш; 2) электик майдон таъсирида номувозанат заряд ташувчиларнинг яримўтказгичга кириши

ИНЖЕКЦИЯ ТОКИ – *INJEKSIYA TOKI* – **Ток инъекции** – тезлатгичга киритилувчи зарядланган зарралар дастаси токи

ИНЖЕКЦИЯ ЭНЕРГИЯСИ – *INJEKSIYA ENERGIYASI* – **Энергия инъекции** – зарраларнинг тезлатгичга кириш олдидаги энергияси

ИНЖЕКЦИЯВИЙ ЛАЗЕР – *INJEKSIYAVIY LAZER* – **Инжекционный лазер** – бандлик инверсиясига эришиш мақсадида электрон-ковак ўтиш орқали заряд ташувчилар инъекциясидан фойдаланиладиган яримўтказгич лазер

ИНКЛЮЗИВ ЖАРАЁН – *INKLYuZIV JARAYON* – *ингл. inclusioe* – *ўз ичига олиш* – **Инклюзивный процесс** – юқори энергияли зарраларнинг ўзаро таъсири жараёни; бунда реакциядаги бошқа зарраларнинг сони ва хилидан қатъий назар, иккиламчи зарраларнинг фақат бир қисми ҳоссаларигина ўрганилади

ИНСТАНТОН – *INSTANTON* – вакуум тебранишларининг унда ўз-ўзидан глюон

майдон ҳосил бўлиши ва ўчишидан иборат алоҳида ҳоли

ИНТЕГРАЛ ДОЗА – *INTEGRAL DOZA* – **Интегральная доза** – нурлантирилаётган жисм томонидан ютилган ионловчи нурланишнинг умумий микдори

ИНТЕГРАЛ ОПТИКА – *INTEGRAL OPTIKA* – **Интегральная оптика** – ёруғлик оқимларини бошқаришга мўлжалланган оптик ва оптоэлектрон элементларни яративи ва бирлаштириш усулларини ўрганувчи оптика бўлими

ИНТЕГРАЛ СЕЗГИРЛИК – *INTEGRAL SEZGIRLIK* – **Интегральная чувствительность** – қабул қилгичнинг мураккаб спектрал таркибли нурланишга сезгирлиги

ИНТЕГРАЛ СХЕМА – *INTEGRAL SXEMA* – **Интегральная схема** – бир гуруҳ асбобларга ва уларнинг ягона пластинка(таглик)да йиғилмасига эга бўлган каттик жисмдан иборат қурилма

ИНТЕРВАЛ – *INTERVAL* – 1) акустикада: икки тон баландликларининг нисбий фарқлари, шу тонлар такрорийликлари нисбати билан аниқланади; 2) нисбийлик назариясида: икки воқеани, яъни ажратувчи фазовий ма-софалар билан вақт ораликлари орасидаги боғланишни ифодаловчи катталик

ИНТЕРКОМБИНАЦИЯВИЙ КВАНТ ЎТИШЛАР – *INTERKOMBINASIYAVIY KVANT O'TISHLAR* – **Интеркомбинационные квантовые переходы** – тизимнинг ҳолатлари орасида унинг тула S спини ўзгариши ($S \neq 0$) билан содир бўлувчи квант ўтишлари

ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ – *INTERFERENSIYA* – *лот. inter* – *ўзаро ва fer* – *урилиш, аралашши* – тўлқинлар (товуш, ёруғлик, электр ва ҳ.к.)нинг устма-уст тушиб, бир-бирини қучайтириши ёки сусайтириши

ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ ЗАРАБИНИ – *INTERFERENSIYA ZARRABINI* – **Интерференционный микроскоп** – шаффоф буюмларни интерференциявий зидма-зидлик усули билан кузатишга асосланган оптик асбоб

ИНТЕРФЕРЕНЦИЯВИЙ ЗИДМА-ЗИДЛИК УСУЛИ – *INTERFERENSIYAVIY ZIDMA-ZIDLIK USULI* – **Метод интерференционного контраста** – заррабинда буюмлар тасвирини ҳосил

қилишнинг буюмдан ўтган ва буюмдан ўтмаган ёруглик тўлқинлари интерференциясига асосланган усули

ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ ЙЎЛЛАРИ – *INTERFERENSIYA Yo'LLARI* –

Интерференционные полосы – ёруглик интерференциясида кузатиладиган ёруғ ва қоронғу йўллар тизими

ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ МАНЗАРАСИ – *INTERFERENSIYA MANZARASI* –

Интерференционная картина – когерент ёруғлик дасталарининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлувчи ва паст жадалликли ёруғлик соҳаларининг мунтазам навбатлашуви

ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ ТАРТИБИ – *INTERFERENSIYA TARTIBI* –

Порядок интерференции – муайян нуктада интерференциялашувчи нурлар йўллари фарқининг шу нурларнинг вакуумдаги тўлқин узунлигига нисбати

ИНТЕРФЕРОГРАММА – *INTERFEROGRAMMA* –

текширилайётган электромагнитик нурланиш жадаллиги модуляциясининг қайди; интерферометрда нурнинг йўл фарқини текис ўзгартириш орқали амалга оширилади

ИНТЕРФЕРОМЕТР – *INTERFEROMETR* –

тўлқинларнинг интерференцияси ҳодисаси асосида ишлайдиган ўлчаш асбоби

ИНФЛЕКТОР – *INFLEKTOR* –

тезлатгич камерасига киритилаётган зарядланган зарраларни орбитага йўналтириш мақсадида оғдиришга мўлжалланган қурилма

ИНФРАТОВУШ – *INFRATOVUSH* –

лот. infra – қуйи, пасм – **Инфразвук** – инсон эшитадиган такрорийликлар соҳасидан пастроқдаги такрорийликка эга қайишқоқ тўлқинлар

ИНФРАҚИЗИЛ АСТРОНОМИЯ – *INFRAQIZIL ASTRONOMIYA* –

Инфракрасная астрономия – астрономик манбаларнинг инфрақизил диапазондаги (0,7мкм–1мм) нурланишларини тадқиқ қилиш билан шуғулланган астрофизика соҳаси

ИНФРАҚИЗИЛ НУРЛАНИШ – *INFRAQIZIL NURLANISH* –

Инфракрасное излучение – тўлқин

узунликлари 1–2мм+0,74мкм ораликда бўлган, оддий кўзга кўринмайдиган электромагнитик нурланиш

ИНФРАҚИЗИЛ СПЕКТРОСКОПИЯ – *INFRAQIZIL SPEKTROSKOPIYA* –

Инфракрасная спектроскопия – спектр инфрақизил соҳасидаги спектрнинг чиқишини, ютилишини ва сочилишини ҳосил қилишни, тадқиқ қилиш ва қўллашни ўз ичига олувчи оптик спектроскопия бўлими

ИОН – *ION* – *юнон. ion – бораётган* – атом ва молекула электрон йўқотганда ёки қўшиб олганда ҳосил бўлувчи электрик зарядланган зарра

ИОН АСБОБЛАР – *ION ASBOBLAR* –

Ионные приборы – бирор инерт газ (He, Ne, Ar, Kr, Xe), симоб буги ёки водород билан тўлдирилган, ишлаши электродлараро соҳада вужудга келган газ разряд плазмадан электрик ток ўтишига асосланган асбоблар

ИОН БИЛАН УРИШ – *ION BILAN URISH* –

Ионная бомбардировка – ионларнинг ҳажмий ва сиртий сочилишига, турлича конденсатланган муҳитлардан зарядланган ва бетараф зарраларнинг эмиссияга кенг такрорийлик спектрида электромагнитик нурланиш чиқаришига,

қаттиқ жисм ҳажмида ва унинг сиртида нуксонлар ҳосил қилиш каби турли радиациявий жараёнларнинг юзга келишига сабаб бўлувчи ҳодиса

ИОН БОҒЛАНИШ – *ION BOG'LANISH* –

Ионная связь – ионлараро электростатик ўзаро таъсир юзга келтирадиган кимёвий боғланиш

ИОН ДАСТА – *ION DASTA* –

Ионный пучок – мусбат (бир ёки кўп зарядли) ёки манфий ионларнинг одатда оқим узунлигига нисбатан кичик кўндаланг ўлчовли ва зарралари тартибсиз иссиқлик тезлигидан анча катта тезлик билан ҳаракатланувчи йўналган оқими

ИОН ЕДИРИШ – *ION YEDIRISH* –

Ионное травление – ионлар билан урганда (бомбардимон қилганда) қаттиқ жисм сиртидан моддаларнинг ажралиб чиқиши

ИОН ЗАРРАБИН – *ION ZARRABIN* –

Ионный микроскоп – тасвир ҳосил қилишда ионлар дастасидан фойдаланиладиган линзасиз заррабин

ИОН ИМПЛАНТАЦИЯ – *ION IMPLANTASIYA* – **Ионная имплантация**

– қаттиқ жисм сиртини ионлар билан уриш орқали унинг ичига тургун атомлар киритиш

ИОН КРИСТАЛЛИ – *ION KRISTALL* –

Ионный кристалл – кристалл панжарасининг тугунларида мусбат ва манфий ионлар жойлашган кристалл

ИОН МАНБАИ – *ION MANBAI* –

Источник иона – вакуумда ионларнинг йуналган ҳаракат тезлиги уларнинг иссиқлик ҳаракат тезликларидан анча катта бўлган фазовий шаклланган ионлар окими-ион дастасини ҳосил қилувчи қурилма

ИОН МИКРОТАҲЛИЛ – *ION MIKROTAHLIL* –

Ионный микроанализ – моддани ионларнинг ингичка бирламчи дастаси билан урганда ундан

учиб чикувчи иккиламчи ионларнинг массавий спектрини қайд қилишга асосланган маҳаллий кимёвий таҳлил усули

ИОН ПРОЕКТОР – *ION PROEKTOR* –

Ионный проектор – қаттиқ жисм сиртининг бир неча миллион марта катталаштирилган тасвирини ҳосил қилишнинг линзасиз ион-оптик асоби

ИОН СУПЕРЎТКАЗГИЧЛАР – *ION SUPERO'TKAZGICHLAR* – **Ионные суперпроводники** – қаттиқ ҳолатида суперэлектродитлар ва туз эритмалари ўтказувчанлиги билан таққосланувчи юқори ион ўтказувчанликка эга бўлган моддалар

ИОН ТЕРМОЯДРОВИЙ СИНТЕЗ – *ION TERMOYADROVIY SINTEZ* –

Ионный термоядерный синтез – нишонни тезлатилган ионлар дасталари билан уриш йули билан қисилш ва қиздириш орқали дейтерий-триций нишонда термоядровий синтез реакциясини уйғотиш

ИОН ЭЛЕКТРИК ЎТКАЗУВЧАНЛИК –

ION ELEKTRIK O'TKAZUVCHANLIK – **Ионная электропроводность** – моддадаги ионларнинг кўчиши билан боғлиқ электрик ўтказувчанлик

ИОН ЭМИССИЯ – *ION EMISSIYA* –

Ионная эмиссия – иссиқлик уйғотиш (термоион эмиссия) таъсирида, ё сиртни зарралар окими билан (ион-ион ва электрон-

ион эмиссиялар) ёки фотонлар окими билан нурлаш (фотодесорбция) таъсирида конденсатланган муҳит сиртидан мусбат ва манфий ионлар чиқиши

ИОН ЎТКАЗУВЧАНЛИК – *ION O'TKAZUVCHANLIK* –

Ионная проводимость – ионларнинг ҳаракати билан боғлиқ булган электрик ўтказувчанлик

ИОН ҚУТБЛАНИШ – *ION QUTBLANISH*

– **Ионная поляризация** – ташқи электрик майдон таъсирида пайдо бўладиган ва ионларнинг мувозанат ҳолатидан сўзқилишга боғлиқ қутбланиш

ИОН ҲАРОРАТ – *ION HARORAT* –

Ионная температура – ионларнинг плазмада тартибсиз ҳаракатининг ўртача кинетик энергиясини ифодаловчи шартли параметр

ИОН-ИОНИЙ ЭМИССИЯ – *ION-IONIY EMISSIYA* –

Ионно-ионная эмиссия – қаттиқ жисм ионлар окими (бирламчи) билан нурланганда унинг сиртидан ионларнинг (иккиламчи) чиқиши

ИОНЛАНГАН ГАЗ – *IONLANGAN GAZ* –

Ионизированный газ – атомлари (барчаси ёки анчагина қисми) ўзларига тегишли биттадан ёки бир нечтадан электронларни йўқотиб ионларга айланган газ

ИОНЛАНИШ – *IONLANISH* –

Ионизация – электрик бетараф атомлар ва молекулалардан ионлар ва эркин электронлар ҳосил бўлиши

ИОНЛАНИШ КАРРАЛИГИ –

IONLANISH KARRALIGI – **Кратность ионизации** – ион электрик зарядининг электрон зарядига нисбати

ИОНЛАНИШ МУВОЗАНАТИ –

IONLANISH MUVOZANATI –

Ионизационное равновесие – газ зарраларининг тўқнашишларида ионланиш содир бўладиган юқори ҳароратли газ ҳолати мувозанати

ИОНЛАНИШ ПОТЕНЦИАЛИ –

IONLANISH POTENSIALI – **Потенциал ионизации** – электронлар энергиясини

ионлаш ишпа тенг қиймагача етказиш учун зарур электрик потенциаллар айирмаси

ИОНЛАНИШ ЭНЕРГИЯСИ –

IONLANISH ENERGIYASI – **Энергия ионизации** – асосий энергетик ҳолатда

турган атомнинг бигта ташқи электронини узиб олиш (атомни ионлаш) учун сарфланадиган ишга тенг бўлган энергия

ИОНЛАНИШНИНГ ЧИЗИҒИЙ ЗИЧЛИГИ – *IONLANISHNING CHIZIG'YI ZICHLIGI*

– **Линейная плотность ионизации** – зарранинг ёки нурланиш квантининг мухитда йўлнинг узунлик бирлигига ҳосил қиладиган ионлар жуфтлари сони

ИОНЛАР ВА ЭЛЕКТРОНЛАРНИНГ ХАРАКАТЧАНЛИГИ – *IONLAR VA ELEKTRONLARNING HARAKAT-CHANLIGI*

– **Подвижность ионов и электронов** – электронлар ва ионларнинг электрик майдон таъсирида оладиган йўналган ҳаракати ўртача тезлигининг шу майдон кулланганлигига нисбати

ИОНЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШИ ТЕЗЛИГИ – *IONLAR HOSIL BO'LISHI TEZLIGI*

– **Скорость ионообразования** – модда ҳажм бирлигига вақт бирлиги ичида ионлаштирувчи нурланиш ҳосил қилган муайян ишорали ионлар сони

ИОНЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШИ ЎРТАЧА ЭНЕРГИЯСИ – *IONLAR HOSIL BO'LISHI O'RTACHA ENERGIYASI*

– **Средняя энергия ионообразования** – ионлаштирувчи нурланишнинг мухитда ҳосил бўлган бир жуфт ионга мос келган ютилган энергияси

ИОНЛАРНИНГ ЭСТАФЕТАВИЙ ХАРАКАТИ – *IONLARNING ESTAFETAVIY HARAKATI*

– **Эстафетное движение ионов** – ўз газида ҳаракатланаётган ионлар электрик майдонда тезлаштирилганда уларнинг ўз зарядларини резонанс қайта зарядланишда йўқотиши

ИОНЛАРНИНГ ҚАЙТА ЗАРЯДЛАНИШИ – *IONLARNING QAYTA ZARYADLANISHI*

– **Перезарядка ионов** – мусбат зарядланган ионларнинг бетараф атомлар, молекулалар ёки каттик жисм сирти билан ўзаро таъсирлашиши вақтида таъсирлашувчи зарралар орасида электронлар алмашинуви

ИОНЛАРНИНГ ҲАЖМИЙ КОНЦЕНТРАЦИЯСИ – *IONLARNING HAJMIY KONSENTRATSIYASI*

– **Объемная концентрация ионов** – нур

тушаётган мухит ҳажм бирлигига мавжуд бўлган муайян ишорали ионлар сони

ИОНЛАШ ИШИ – *IONLASH ISHI*

– **Работа ионизации** – электронни атом ёки молекуладан унинг атом ёки молекула билан ўзаро таъсирини назарга олмаса бўладиган масофага узоклаштиришда сарфланадиган энергия

ИОНЛАШ КАЛОРИМЕТРИ – *IONLASH KALORIMETRI*

– **Ионизационный калориметр** – зарралар (адронлар, электронлар, фотонлар) энергиясини ўлчаш асбоби; модданинг қалин қатламида ҳам бирламчи зарралар энергиясини, ҳам модда билан ўзаро таъсирда вужудга келувчи барча зарралар энергиясини тула ютишга асосланган

ИОНЛАШ КАМЕРАСИ – *IONLASH KAMERASI*

– **Ионизационная камера** – ядро зарралари ва нурланишларини талқик қилиш ва қайд қилиш асбоби; унинг иши уларнинг газни ионлаш қобилиятига асосланган

ИОНЛАШ НОТУРГУНЛИГИ – *IONLASH NOTURGUNLIGI*

– **Ионизационная неустойчивость** – электрон ташкил этувчининг Жоул киздирилишлари флукутациясининг ўса боришида ва, демак, ионланишнинг кейинги ўса боришида юзага келувчи паст ҳароратли неизотермик плазманинг кенг тарқалган нотурғунлиги

ИОНЛАШ ТЎЛҚИНЛАРИ – *IONLASH TO'LQINLARI*

– **Ионизационные волны** – одатда заиф ионланган ёки ионланмаган мухитдан торгина бўлиниш сирти-тулқин fronti билан ажралган юқори концентрацияли зарядланган зарралар соҳаси

ИОНЛАШГАН ЙЎҚОТИШЛАР – *IONLASHGAN YO'QOTISHLAR*

– **Ионизационные потери** – моддadan ўтаётган зарядланган зарраларнинг модда атомларини ионлаш ва уйғотиш учун энергия йўқотишлари

ИОНЛОВЧИ НУРЛАНИШ – *IONLOVCHI NURLANISH*

– **Ионизирующее излучение** – мухит билан ўзаро таъсири мухит атомлари ва молекулаларининг ионланишига олиб келувчи нурланиш

ИОНОСФЕРА – *IONOSFERA* – Ер юқори атмосферасининг ионланган қисми

ИОНОСФЕРАВИЙ ТЎЛҚИН ҲТКАЗИЧ – *IONOSFERAVIY TO'LQIN O'TKAZGICH* – Ионосферный волновод – Ер сирти билан ионосфера орасидаги радиотўлқинларнинг локалланиши юз берадиган фазо соҳаси

ИОНСИЗЛАШ – *IONSIZLASH* – Деионизация – модда эгаллаган ҳажмдан эркин заряд ташувчиларнинг йўқолиши

ИОН-ТОВУШ ТЕБРАНИШЛАРИ – *ION-TOVUSH TEBRANISHLARI* – Ионно-звуковые колебания – плазмада товуш такрорийлигига боғлиқ бўлмаган тезликда паст такрорийликли акустик бўйлама тўлқинларнинг тарқалиши

ИОН-ФОТОН ЭМИССИЯ – *ION-FOTON EMISSIYA* – Ионно-фотонная эмиссия – каттик жисм(нишон)ни ионлар билан урганда уларнинг сиртидан фотонларнинг чиқиши

ИОН-ЭЛЕКТРОН РЕКОМБИНАЦИЯ – *ION-ELEKTRON REKOMBINATSIYA* – Ионно-электронная рекомбинация – мусбат ионнинг эркин электрон билан қўшилиши натижасида бетаграф атом ёки молекуланинг вужудга келиш элементар жараёни

ИОН-ЭЛЕКТРОН ЭМИССИЯ – *ION-ELEKTRON EMISSIYA* – Ионно-электронная эмиссия – ионлар оқими воситасида каттик жисм сиртидан электронларнинг уриб чиқарилиши

ИОН ҲТКАЗИЧ – *ION O'TKAZGICH* – Ионпровод – ионларни ташиш йўлидаги вакуум най

ИПСИЛОН-ЗАРРАЛАР – *IPSILON-ZARRALAR* – Ипсилон частицы – айнан бетаграф зарралар бўлган, ~ 10 ГэВ энергияли ҳамда 1 спинли обигр мезонлар гуруҳининг умумий номи

ИПСИМОН КРИСТАЛЛ – *IPSIMON KRISTALL* – Нитовидный кристалл – бир йўналишдаги ўлчамлари қолган йўналишдагилардан анча катта бўлган монокристалл

ИРАСТ-САТХ – *IRAST-SATX* – Ираст-уровень – асосий ҳолатга энг яқин жойлашган, яъни берилган спин катталигида ядронинг барча сатҳлари орасида энг кичик уйғонш энергиясига эга бўлган сатҳ

ИРНШОУ ТЕОРЕМАСИ – *IRNSHOU TEOREMASI* – Теорема Ирншоу – бир-биридан чекли масофада жойлашган тинч ҳолатдаги нуктавий зарядлар тизими тургун бўла олмайди, дейилувчи электростатика теоремаси

ИССИҚ КОИНОТ НАЗАРИЯСИ – *ISSIQ KOINOT NAZARIYASI* – Теория горячей вселенной – кенгайבורувчи коинотдаги физикавий жараёнларнинг ўтмишда коинот ҳозиргига нисбатан анча катта модда зичлигига ва жуда юкори ҳароратга эга бўлган, деб ҳисобловчи назарияга таянувчи ҳозирги замон назарияси

ИССИҚ ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ – *ISSIQ LYUMINESSENSIYA* – Горячая люминесценция – уйғотилган электрон ҳолатдаги квант тизим(молекула, каттик жисм) атроф муҳит билан иссиқлик мувозанати ўрнатиши жараёнида(олатдаги люминесценция тизимнинг атроф муҳит билан иссиқлик мувозанати шароитида юз беради) ёрутлик чиқариши

ИССИҚ ЭЛЕКТРОНЛАР – *ISSIQ ELEKTRONLAR* – Горячие электроны – каттик ўтказгичда энергиявий тақсимланиши Ферми–Диракнинг мувозанатий тақсимланишидан катта энергиялар томон жиддий тарзда силжиган ҳаракатчан заряд ташувчилар

ИССИҚЛИК – *ISSIQLIK* – Тепло – 1) жисмни ташкил қилган микроразрларнинг тартибсиз ҳаракат тарзида иссиқлик алмашинувида ёки жисмнинг ўзида содир бўлувчи бирор жараёнда олинган ёки узатишган энергия; 2) жисмни ташкил қилган микроразрларнинг тартибсиз (иссиқлик) ҳаракати шакли; 3) жисм ички энергиясининг микроразрларнинг тартибсиз (иссиқлик) ҳаракати билан боғлиқ қисми

ИССИҚЛИК АЖРАТУВЧИ ЭЛЕМЕНТ – *ISSIQLIK AJRATUVCHI ELEMENT* – Теплоделяющий элемент – ядровий реактор қурилмасининг ядровий ёнилга эга бўлган қисми

ИССИҚЛИК АЛМАШИНГИЧ – *ISSIQLIK ALMASHINGICH* – Теплообменник – иссиқлик алмашинув қурилмаси

ИССИҚЛИК АЛМАШНИШИ – *ISSIQLIK ALMASHINISH* – **Теплообмен** – 1) микрозарравиң тартибсиз ҳаракати билан боғлиқ бўлган, энергиянинг бир жисмдан бошқасига микроскопик иш бажармасдан узатилишига олиб келувчи микроскопик жараёнлар мажмуи; 2) иссиқлик узатишнинг ҳарорат градиенти билан боғлиқ бўлган ўз-ўзидан содир бўлувчи қайтмас жараёни

ИССИҚЛИК БЕРИШ – *ISSIQLIK BERISH* – **Теплоотдача** – каттик жисм сирти билан унга тегишиб турган иссиқлик ташиғич орасидаги иссиқлик алмашениш

ИССИҚЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОБИЛИЯТИ – *ISSIQLIK IshLAB ChIQARISH QOBILIYATI* – **Жаропродуцируемость** – ёқилғининг ҳавода тўла ёнишида эриштиладиган ҳарорат

ИССИҚЛИК МАНБАИ – *ISSIQLIK MANBAI* – **Источник тепла** – турли кўринишдаги энергияни иссиқликка айлантирувчи қурилма

ИССИҚЛИК МАШИНАСИ – *ISSIQLIK MASHINASI* – **Тепловая машина** – иситгичдан олинган энергия ҳисобига иш бажарувчи машина

ИССИҚЛИК МИҚДОРИ – *ISSIQLIK MIQDORI* – **Количество теплоты** – иссиқлик алмашинув пайтида бир жисмдан иккинчисига узатилган ички энергиянинг бир қисми

ИССИҚЛИК НАСОСИ – *ISSIQLIK NASOSI* – **Тепловой насос** – иссиқликни пастроқ ҳароратли муҳитга узатишда механик энергиядан фойдаланувчи қурилма

ИССИҚЛИК НЕЙТРОНЛАР – *ISSIQLIK NEYTRONLAR* – **Тепловые нейтроны** – кинетик энергияси $5 \cdot 10^{-3}$ – 0,5 эВ бўлган нейтронлар

ИССИҚЛИК НУРЛАНИШ – *ISSIQLIK NURLANISH* – **Тепловое излучение** – жисм зарраларининг иссиқлик ҳаракати нурланиш энергиясига айланишида вужудга келувчи электромагнитик нурланиш

ИССИҚЛИК ОҚИМИ – *ISSIQLIK OQIMI* – **Тепловой поток** – бирор вақт бирлиги оралиғида доимий ҳароратли сиртдан ўтган иссиқлик миқдори

ИССИҚЛИК ПОРТЛАШ – *ISSIQLIK PORTLASH* – **Тепловой взрыв** – бирор

ҳажмдан иссиқлик олиб кетилиши тезлиги иссиқликнинг ажралиш тезлигидан анча катта бўлган шароитларда содир бўлувчи портлаш

ИССИҚЛИК САҚЛАГИЧ ИДИШ – *ISSIQLIK SAQLAGICH IDISH* – **Тепловой резервуар** – ўзгармас ҳароратда иссиқлик олиш ёки бериш қобилиятига эга бўлган жисм

ИССИҚЛИК СИФИМИ – *ISSIQLIK SIG'IMI* – **Теплоёмкость** – жисмни 1 даража (1°C ёки 1K) иситганда унинг ютган иссиқлик миқдори

ИССИҚЛИК СОПЛО – *ISSIQLIK SOPLO* – **Тепловое сопло** – ташиқ муҳит билан иссиқлик алмашениш натижасида газнинг ҳаракат тезлиги ортадиган сопо

ИССИҚЛИК ТАШИГИЧ – *ISSIQLIK TASHIGICH* – **Теплоноситель** – иссиқликни кўчирарётган ҳаракатланувчи муҳит

ИССИҚЛИК УЗАТИШ – *ISSIQLIK UZATISH* – **Теплопередача** – икки иссиқлик ташиғични бўлувчи каттик девор ёки улар ўртасидаги бўлиниш сирти орасида иссиқлик алмашениш

ИССИҚЛИК ШОВҚИНИ – *ISSIQLIK SHOVQINI* – **Тепловой шум** – ярим-ўтказгичлардаги заряд ташувчиларнинг иссиқлик ҳаракатидан юзага келувчи электик *флуктуация*

ИССИҚЛИК ЎТКАЗУВЧАНЛИК – *ISSIQLIK O'TKAZUVCHANLIK* – **Теплопроводность** – жисмнинг кўпроқ кизиган қисмларидан камроқ кизиган қисмларига иссиқликнинг йўналган кўчиши; уларнинг ҳароратларини тенглаштиришга олиб келади

ИССИҚЛИК ЎТКАЗУВЧАНЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ – *ISSIQLIK O'TKAZUVCHANLIK KOEFFITSIENTI* –

Коэффициент теплопроводности – иссиқлик оқими зичлиги билан уш вужудга келтирган моддадаги ҳарорат градиенти орасидаги мутаносиблик коэффиенти

ИССИҚЛИК ЎТКАЗУВЧАНЛИК ТЕНГЛАМАСИ – *ISSIQLIK O'TKAZUVCHANLIK TENGLAMASI* –

Уравнение теплопроводности – туташ муҳит(газ, суюқлик ёки каттик жисм)да иссиқликнинг тарқалиши жараёнини ифодаловчи тенглама

ИССИҚЛИК ҚАБУЛ ҚИЛГИЧ – *ISSIQLIK QABUL QILGICH* – Теплоприемник – ишловчи жисмдан иссиқлик қабул қиладиган тизим

ИССИҚЛИК ҚУВУРИ – *ISSIQLIK QUVURI* – **Тепловая труба** – кичик ҳарорат градиентларида катта иссиқлик кувватларини узатишга қодир бўлган иссиқлик узатиш қурилмаси

ИССИҚЛИК ҲАРАКАТИ – *ISSIQLIK HARAKATI* – **Тепловое движение** – атомлар, молекулалар ва бошқа кичик зарраларнинг жадаллиги ҳарорат билан белгилагувчи тартибсиз ҳаракати

ИССИҚЛИКДАН КЕНГАЙИШ – *ISSIQLIKDAN KENGAYISH* – **Тепловое расширение** – жисмларни иситганда уларнинг қизигий ўлчови ўзгариши

ИССИҚЛИКНИНГ МЕХАНИК ЭКВИВАЛЕНТИ – *ISSIQLIKNING MEKANIK EKVALENTI* – **Механический эквивалент теплоты** – иссиқлик бирлиги микдорига эквивалент иш микдори

ИЧКИ АЙЛАНИШ – *ICHKI AYLANISH* – **Внутреннее вращение** – молекулалар муайян атом гуруҳларининг кимёвий боғланишлар атрофида ёки баъзи бир айланиш ўқлари атрофида айланиши

ИЧКИ БОСИМ – *ICHKI BOSIM* – **Внутреннее давление** – идеал ва реал газ молекулалари концентрациялари ва ҳароратлари бирдай бўлганда уларнинг босимлари фарқи

ИЧКИ ДАСТА – *ICHKI DASTA* – **Внутренний пучок** – тезлатгичнинг ичида ҳаракатланаётган зарядланган зарралар дастаси

ИЧКИ ЖУФТЛИК – *ICHKI JUFTLIK* – **Внутренняя четность** – зарранинг унинг тўлқин функцияси фазовий инверсиясидаги (барча координата ўқлари бошланғич тизим ўқларига тесқари йўналган тизимга ўтишганда) ҳолатини аниқловчи ички тавсифи

ИЧКИ ИШҚАЛАНИШ – *ICHKI IshQALANISH* – **Внутреннее трение** – қаттиқ жисмлар деформацияланганда уларга таъсир қиладиган механик энергиянинг иссиқликка айланиш хоссаси; суюқлик ва газларда ковулоқлик деб аталади

ИЧКИ ИШҚАЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИ – *ICHKI IshQALANISH KOEFFICIENTI* – **Коэффициент внутреннего трения** – суюқлик ёки газнинг бир-бирига тегишиб турган бирлик сатҳига таъсир қиладиган ички ишқаланиш кучи билан шу қатламларнинг тезлик градиентлари орасидаги мутаносиблик коэффициенти

ИЧКИ КОНУСЛИ РЕФРАКЦИЯ – *ICHKI KONUSLI REFRAKSIYA* – **Внутренняя коническая рефракция** – икки ўқли кристаллда ёруғлик нурлари синиб, кристалл ташқарисидаги нур йўналишларидан бирига синган нурнинг кристалл ичида конус сирти ҳосил қилувчи кўшлаб йўналишларига мос келиши

ИЧКИ КРИСТАЛЛИ МАЙДОН – *ICHKI KRISTALL MAYDON* – **Внутрикристаллическое поле** – кристалл ичидаги атом(ион)га панжара ва қиришмалар томонидан таъсир қилувчи электрик майдон

ИЧКИ КУЧЛАР – *ICHKI KUCHLAR* – **Внутренние силы** – қаралаётган тизимга кирувчи жисмлар таъсири билан боғлиқ кучлар

ИЧКИ МОДУЛЛАШ – *ICHKI MODULLASH* – **Внутреннее модулирование** – квант генераторининг параметрларига таъсир қилиш орқали чиқариш жараёнини модуллаш

ИЧКИ СИММЕТРИЯ – *ICHKI SIMMETRIYA* – **Внутренняя симметрия** – фазо-вақт координатлари ўзгаришсиз қолгани ҳолда квантланган майдонлар устидаги ўзгаришларга нисбатан *инвариантлик*

ИЧКИ ТЎЛҚИНЛАР – *ICHKI TO'LQINLAR* – **Внутренние волны** – зичлиги чуқурлик ортиши билан ўса борадиган қатламланган суюқлик(газ)даги тўлқин ҳаракатлар кўриниши

ИЧКИ ФОТОСАМАРА – *ICHKI FOTOSAMARA* – **Внутренний фотоэффект** – нурланаётган модданинг электрик ўтказувчанлиги ўзгарадиган ёки эюк ҳосил буладиган фотосамара

ИЧКИ ЭНЕРГИЯ – *ICHKI ENERGIYA* – **Внутренняя энергия** – ҳар қандай жараёнда ўзгариши тизимга берилган иссиқлик ва унинг устида бажарилган ишнинг йўғиндисини тавсифловчи тизим ҳолат функцияси

ИЧКИ ҚАРШИЛИК – *ICHKI QARSHILIK* – Внутреннее сопротивление – ток манбаининг электрик қаршилиги

ИШ – *ISH* – Работа – термодинамикада – 1) термодинамик тизим(физикавий жисм)нинг ўз атрофидаги жисмлар билан энергия (иссиқлик) алмашиши шакли; 2) физикавий жараёнларда энергия узаришининг миқдорий тавсифи

ИШОНЧ ИНТЕРВАЛИ – *ISHONCH INTERVALI* – Доверительный интервал – статистик тақсирот параметрини қийматлар интервали орқали баҳолашда юзага келадиган тушунча

ИШОРАСИ ҲАДАЛАНЧАН ФАЗАЛАШ – *ISHORASI O'ZGARUVCHAN FAZALASH* – Знакопеременная фазировка – фазаловчи ва фазасизловчи майдонларнинг ҳавфлашуви ҳамда фазасизловчи фазаловчи мавжуд бўладиган ҳолларда дастан фазалаш

ИШОРАСИ ҲАДАЛАНЧАН ФОКУСЛАШ – *ISHORASI O'ZGARUVCHAN FOKUSLASH* – Знакопеременная фокусировка – фокусловчи ва фокуссизловчи магнитик ёки электрик майдонларни(фаза ва вақт давомия) навбатлаштириш йўли билан тезлаткичларда ёки транспорт йўлларида зарядли зарралар дастасини қучли фокуслаш

ИШЧИ ЖИСМ – *ISHCHI JISM* – Рабочее тело – термодинамик жараёндаги иштирокчилардан бири; у орқали иссиқлик ишга айланади ва аксинча

ИШҚАЛАНИШ БУРЧАГИ – *ISHQALANISH BURCHAGI* – Угол трения – тангенс сирпаниш ишқаланиши коэффициентига тенг бўлган бурчак

ИШҚАЛАНИШ ҚУЧИ – *ISHQALANISH KUCHI* – Сила трения – тегишишиб турувчи жисмлар, суюқлик ва газлар қатламларининг нисбий қучишига қаршилиқ қилувчи қуч

Й

ЙИГИЛГАН ПАРАМЕТРЛИ ТИЗИМ – *YIG'ILGAN PARAMETRLI TIZIM* – Система с сосредоточенными параметрами – содир бўлаётган жараёнларни тавсифлаш учун уни чекли сон нукталарнинг ёки нукта дейиш мумкин бўлган объектларнинг мажмуаси дейиш мумкин бўлган тизим

ЙИГУВЧИ ЛИНЗА – *YIG'UVCHI LINZA* – Собирающая линза – параллел ёруғлик дастасини йигилувчи дастага айлантириб берувчи оптик линза

ЙИГУВЧИ ФОТОМЕТР – *YIG'UVCHI FOTOMETR* – Интегрирующий фотометр – манбадан барча йўналишларда тарқалаётган йиғинди ёруғлик оқимини ўлчашга мўлжалланган фотометр

ЙЎЛ – *YO'L* – Путь – ҳаракатланаётган моддий нукта траекторияси бўйича ҳисобланган икки геометрик нукта орасидаги масофа

ЙЎЛДОШ ИЗ – *YO'LDOSH IZ* – Спутный след – тўхталган суюқлик ёки газда суйри жисм орқасида вужудга келувчи кенг соҳа

ЙЎЛЛАР ФАРҚИ – *YO'LLAR FARQI* – Разность хода – умумий бош ва охири нукталарга эга бўлган икки ёруғлик йўллариининг оптик узунликлари айирмаси

ЙЎЛНИНГ ОПТИК ҲАДАЛАНЧАН – *YO'LNING OPTIK UZUNLIGI* – Оптическая длина пути – ёруғлик шаффоф муҳитнинг икки нуктаси орасидаги масофани босиб ўтишига кетадиган вақт оралиғида унинг вакуумда ўтиши мумкин бўлган масофа узунлиги

ЙЎНАЛГАН ТАЪСИР КОЭФФИЦИЕНТИ – *YO'NALGAN TA'SIR KOEFFISIEN TI* – Коэффициент направленного действия – муайян йўналишдаги товуш босимининг энг катта товуш нурланишида нурлангичдан ўша масофадаги босимга нисбати

ЙЎНАЛТИРИЛГАН НУРЛАНИШ – *YO'NALTIRILGAN NURLANISH* – Направленное излучение – танланган йўналишда тарқалаётган нурланиш

ЙУНАЛТИРИЛГАН ЯДРОЛАР –
Yo'NALTIRILGAN YaDROLAR –
Ориентированные ядра – спинлари

тартибсиз йўналмай, аксарият танланган
томонга муайян бурчак остида йўналган
атом ядролари мажмуи

К

КАБИББО БУРЧАГИ – *KABIBBO BURChAGI* – Угол Кабиббо – ажибликнинг ўзгаришсиз ва ўзгариш билан юз берувчи жараёнларнинг эхтимолликлари нисбатини тавсифловчи заиф ўзаро таъсир назариясининг параметри

КАВИТАЦИЯ – *KAVITASIYa* – лот. *cavitas* – бўшиқ – суюқликда газ, буг ёки уларнинг аралашмаси билан тўлган ковакларнинг ҳосил бўлиши

КАЛИБРЛАШ – *KALIBRLASH* – франц. *calibre* – қатталик, ўлчов – Калибровка – битта ўлчовни ёки ўлчовлар мажмуини намунавий ўлчов билан таққослаш орқали хатоликни аниқлаш

КАЛИБРЛАШ АЛМАШТИРИШЛАРИ – *KALIBRLASH ALMASH-TIRISHLARI* – Калибровочные преобразования – зарраларнинг бир тўлқин функцияси қўшилишини бошқача қўшилишга ўтказувчи, фазо-вакт координаталарига боғлиқ бўлган алмаштиришлар

КАЛИБРЛАШ ИНВАРИАНТЛИГИ – *KALIBRLASH INVARIANTLIGI* – Калибровочная инвариантность – квант-механик ҳаракат тенгламаларининг калибрлаш ўзгартиришларига нисбатан инвариантлиги (қ. *Инвариантлик*)

КАЛИБРЛАШ МАЙДОНИ – *KALIBRLASH MAYDONI* – Калибровочное поле – квант-механик ҳаракат тенгламаларининг калибрлаш ўзгаришларига нисбатан инвариантлигини таъминловчи вектор майдон

КАЛОРИМЕТР – *KALORIMETR* – лот. *calor* – иссиқлик ва юнон. *metreo* – ўлчаيمان – бирор физикавий жараёнда ажраладиган ёки ютиладиган иссиқлик микдорини ўлчаш асбоби

КАЛОРИМЕТРИЯ – *KALORIMETRIYa* – турлича физикавий, кимёвий ва биологик жараёнларда содир бўлувчи

иссиқлик ходисалари(иссиқлик микдори)-ни ўлчаш усуллари мажмуи

КАЛУЦ-КЛЕЙН НАЗАРИЯСИ – *KALYS-KLEYN NAZARIYaSI* – Теория Калущы-Клейна – электромагнитик ва гравитациявий ўзаро таъсирларни геометрик асосда бирлаштирувчи беш ўлчовли фазо-вакти (битта вақт ва тўртта фазовий координаталар) майдон назарияси

КАМЕРА-ОБСКУРА – *KAMERA-OBSKURA* – лот. *camera obscura* – қоронги хона – буюмлар тасвирини ҳосил қилиш учун ишлатилувчи оддий оптик мослама; у қоронги қутидан иборат бўлиб, деворларидан бири кузатиш экранни вазифасини ўтайди, қарама-қарши томондаги деворда эса тиркиш очилиб унинг рўпарасига буюм жойлаштирилади

КАНАЛ – *KANAL* – лот. *canalis* – қуёур, тарнов – мавжуд сигналлар ичидан муайян тўда сигналларни узатиш ва ошқор қилиш хизматини ўтовчи электрик занжир

КАНАЛ НУРЛАРИ – *KANAL NURLARI* – Каналовые лучи – эркин ҳаракатланаётган мусбат ионлар дастаси

КАНДЕЛА – *KANDELA* – лот. *candela* – шам (kg, cd) – СИ да ёруғлик қучи бирлиги (қандил)

КАНОНИК КВАНТЛАШ – *KANONIK KVANTLASH* – Каноническое квантование – мумтоз механиканинг гамилтон расмиятига ўхшаш гамилтон расмияти асосида қвантлаш

КАПИЛЛЯР БОСИМ – *KAPILLYaR BOSIM* – Капиллярное давление – икки суюқлик ёки суюқлик ва буг эгриланган бўлиниш сиртининг икки томондаги босимлар фарқи

КАПИЛЛЯР КОНДЕНСАЦИЯ – *KAPILLYaR KONDENSASIYa* – Капиллярная конденсация – бутнинг

капиллярларда ва ғовак жисмларнинг микродарзарларида, шунингдек, бир-бирига зичланган каттик заррачалар ва жисмлар ораликларида конденсатланиши

КАПИЛЛЯР ТўЛҚИНЛАР – *KAPILLYAR TO'LOQINLAR* – Капиллярные волны – суюклик сиртида мувозанат ҳолатининг тиклашпишда сирт таранглик кучлари асосий ўрин тутадиган сиртний тўлқинлар

КАПИЛЛЯР ҲОДИСАЛАР – *KAPILLYAR HODISALAR* – Капиллярные явления – аралашмайдиган мухитларнинг бўлиниш чегарасида сирт тарангликдан юзага келувчи ҳодисалар

КАПИЦА ҲАРОРАТ САКРОВИ – *KAPISA HARORAT SAKROVI* – Капицы скачок температуры – қаттик жисмдан суюқ гелийга (ёки аксинча) иссиқлик узатилаётганда бўлиниш чегарасида ҳароратлар айирмасининг вужудга келиши

КАРДИНАЛ НУҚТАЛАР – *KARDINAL NUQTALAR* – Кардинальные точки – марказлаштирилган оптик тизимнинг оптик ўқи яқинида жойлашган буюмлар фазосининг ихтиёрий нуқтаси тасвирини ясашга хизмат қилувчи нуқталар

КАРНО ТЕОРЕМАСИ – *KARNO TEOREMASI* – Теорема Карно – Карно циклининг фойдали иш коэффициенти максимал ва у ишчи жисм табиатига боғлиқ, дейилувчи теорема

КАРНО ЦИКЛИ – *KARNO SIKLI* – Цикл Карно – иссиқлик ишга (ёки иш иссиқликка) айланувчи қайтувчан айланма жараён; икки изотермик ва икки адиабатик жараёнлардан ташкил топган термодинамик цикл

КАРРАВИЙ БИРЛИКЛАР – *KARRAVIY BIRLIKLAR* – Кратные единицы – бошланғич физик бирликдан 10^{11} карра ортиқ бўлган бирликлар

КАСКАД ГЕНЕРАТОР – *KASKAD GENERATOR* – Каскадный генератор – махсус схема воситасида кучланишни кўпайтириш орқали доимий юқори кучланиш олиннадиган юқори вольтли қурилма

КАСКАД ТЕЗЛАТГИЧ – *KASKAD TEZLATGICH* – Каскадный ускоритель – тезлаштирувчи потенциаллар айирмаси кучланишни кўпайтириш схемаси воситасида яратиладиган юқори вольтли тезлаттич

КАТИОН – *KATION* – *юнон. kata – настга ва ion – юрувчи* – электрик майдонда катод томон ҳаракатланувчи мусбат зарядланган ион

КАТОД – *KATOD* – *юнон. kathodos – настга юриш, қайтиш* – 1) электронлар манбаи вазифасини ўтовчи манфий электрод; 2) электрик ток манбаининг манфий кутбига уланган асбобнинг электроди; 3) электрик ток манбаининг манфий кутби

КАТОД ДОҒИ – *KATOD DOG'I* – Катодное пятно – *биқсима разряд ёй разрядга ўтаётганда катод сиртида юзага келувчи ёруғланувчи доғ*

КАТОД НУРЛАРИ – *KATOD NURLARI* – Катодные лучи – *биқсима разряда вакуум найда катоддан чиқаётган электронлар дастаси*

КАТОД ТЎЗҒИШ – *KATOD TO'ZG'ISH* – Катодное распыление – каттик жисмлар сиртини атомлар, ионлар ва нейтронлар билан урганда уларнинг сирти бузилиши

КАТОД ҚОРОНҒИ ФАЗОСИ – *KATOD QORONG'I FAZOSI* – Тёмное катодное пространство – газнинг паст босимларида *биқсима разряда* кузатиладиган катод олди қоронғи фазоси

КАТОД-ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ – *KATOD-LYUMINESSENSIYA* – каттик жисмларни тез электронлар билан уриш таъсирида уларнинг ёруғланиши

КАУЛИНГ СОНИ – *KAULING SONI* – Число Каулинга – магнитик гидродинамикада оқишни тавсифловчи ўлчамсиз катталиқ

КАУСТИКА – *KAUSTIKA* – *юнон. kaustikos – иссиқ, ловиллаган* – ёруғланувчи нуқтадан чиқиб, оптик тизимдан ўтган ёруғлик нурлари мажмуини ўрвчи сирт

КВАДРАНТ – *KVADRANT* – циклик тезлатгич ёки жамлағичнинг азимуг бўйича 90° га яқинни эгалловчи халқавий электромагнитнинг чораги

КВАДРУПОЛ КОНДЕНСАТОР – *KVADRUPOL KONDENSATOR* – Квадрупольный конденсатор – майдони квадрупол симметрияга эга бўлган электростатик сараловчи тизим

КВАДРУПОЛ ЛИНЗА – *KVADRUPOL LINZA* – Квадрупольная линза – майдони марказий қисмда 2-тартибли симметрия ўқига эга бўлган, яъни 90° га бурганда аввалгидек шакли сақлаган ҳолда карама-қарши ишорали бўладиган электрик ёки магнитик линза

КВАДРУПОЛ МОМЕНТ – *KVADRUPOL MOMENT* – Квадрупольный момент – бирор майдон манбаини тавсифловчи 2-тартибли мультипол момент

КВАДРУПОЛ НУРЛАНИШ – *KVADRUPOL NURLANISH* – Квадрупольное излучение – нурланаётган тизимнинг вақт ўтиши билан квадрупол (электрик, магнитик, акустик, гравитациявий) моментининг ўзгариши билан боғлиқ нурланиш

КВАДРУПОЛ СПЕКТРОМЕТР – *KVADRUPOL SPEKTROMETR* – Квадрупольный спектрометр – ядровий квадрупол резонансни текширишда ишлатиладиган радиоспектрометр

КВАДРУПОЛ ФОКУСЛАШ – *KVADRUPOL FOKUSLASH* – Квадрупольная фокусировка – квадрупол (электрик ёки магнитик) линзалар ёрдамида зарядланган зарралар дасталарини тезлатгичлар ва ташиш йўлларида ишора алмашинувчи фокуслаш

КВАДРУПОЛ ЭЛЕКТРИК МОМЕНТ – *KVADRUPOL ELEKTRIK MOMENT* – Квадрупольный электрический момент – атом ядросида электрик заряд тақсимланишининг сферик симметриядан четлашиш мезони

КВАДРУПОЛ ЎЗАРО ТАЪСИР – *KVADRUPOL O'ZARO TA'SIR* – Квадрупольное взаимодействие – квадрупол моментли тизимнинг ташқи майдон (ёки уни вужудга келтирувчи манба) билан ўзаро таъсири

КВАДРУПОЛ – *KVADRUPOL* – лот. *quadrum* – *тўртбурчак ва polos* – *қутб* – нол йиғинди зарядга ва дипол электрик моментга эга бўлган, лекин квадрупол momenti нолдан фарқли зарядларнинг чекли тизими

КВАЗАР – *KVAZAR* – инг. *quasar* – радионурланишининг квазиюлдуз манбаи – узоклашган галактиканинг фоал

ўзагидан иборат бўлган қудратли космик электромагнитик нурланиш манбаи

КВАЗИБАРҚАРОР ЖАРАЁН – *KVAZIBARQAROR JARAYON* – Квазистационарный процесс – тизимда жараён тарқалаётганда унинг ичидаги ҳолат ўзгаришга улгурмайдиган ҳол

КВАЗИБАРҚАРОР ТЕРМОЯДРОВИЙ РЕАКТОР – *KVAZIBARQAROR TERMOYADROVIY REAKTOR* – Квазистационарный термоядерный реактор – давомийлиги юзларча секундга тенг импульслар билан ишлайдиган термоядровий реактор

КВАЗИБАРҚАРОР ТОК – *KVAZIBARQAROR TOK* – Квазистационарный ток – вақтнинг ҳар бир пайтида ўзгармас ток қонуни ўринли бўладиган даражада секин-аста ўзгарадиган ўзгарувчан электрик ток

КВАЗИБАРҚАРОР ЯҚИНЛАШИШ – *KVAZIBARQAROR YAQINLASHISH* – Квазистационарное приближение – ўзгарувчан электромагнитик майдонни у вақт ўтиши билан етарлича секин ўзгарганда ишлатиладиган тақрибий тавсифлаш

КВАЗИ БИР ЎЛЧОВЛИ БИРИКМАЛАР – *KVAZI BIR O'LCHOVLI BIRIKMALAR* – Квазиодномерные соединения – қўшни занжирларнинг электрон тўлқин функцияларини заиф ёпувчи занжир тузилишга эга бўлган бирикмалар

КВАЗИЁПИҚ ТИЗИМ ҚИСМИ – *KVAZIYOPIQ TIZIM QISMI* – Квазизамкнутая подсистема – ўртача олганда тизим қисмининг хусусий энергияси унинг ёпиқ тизими қолган қисми билан ўзаро таъсир энергиясига нисбатан катта бўлган ёпиқ тизим қисми

КВАЗИЗАРРА – *KVAZIZARRA* – Квазичастица – ўзини баъзи жиҳатлардан айнан квант зарра каби тутувчи қўп зарралар тизимининг элементар уйғониши

КВАЗИЗАРРАЛАРНИ АВТОЛОКАЛЛАШ (қаттиқ жисмларда) – *KVAZIZARRALARNI AVTOLOKALLASH (qattiq jismlarda)* – Автолокализация квазичастиц (в твёрдых телах) – ўтказувчанлик электрони, ковак, экситон

атрофида кристалл панжаранинг кучли деформацияси юзага келиши оқибатида квазизарранинг деформация юзага келтирилган потенциал ўрада яқкаланиб қолиши

КВАЗИ ИККИ ҲЎЛЧОВЛИ БИРИКМАЛАР – *KVAZI IKKI O'LCHOVLI BIRIKMALAR* – **Квазидвумерные соединения** – кристалл жойлашуви қатламдорлик хилнига мансуб ва тегишлича электронлар ҳаракатида кучли *анизотропияга* эга бўлган кристаллар

КВАЗИИМПУЛЬС – *KVAZIIMPULS* – кристалл панжара даврий майдонидаги квазизарра ёки зарранинг ҳолатини тавсифловчи вектор катталиқ

КВАЗИКЛАССИК ЯҚИНЛАШИШ – *KVAZIKLASSIK YAQINLASHISH* – **Квазиклассическое приближение** – тизим зарралари *де-Бройль* тўлқини узунлиги потенциал ўзгаришларининг ўзига ҳос ўлчовларидан анча кичик бўлган ҳолида тўлқин функцияни ва квант тизимнинг энергия сатҳларини топининг тақрибий усули

КВАЗИКРИСТАЛЛ – *KVAZIKRISTALL* – атомлари кристалл панжара ташкил қилмагани ҳолда тушувчи нурланишни когерент сочиш қобилиятига эга бўлган узок координациявий тартибли қаттиқ жисм

КВАЗИОПТИКА – *KVAZIOPTIKA* – тўлқини оптика ва геометрик оптика орасидаги оралик ҳолатни эгалловчи кенг тўлқинли такрорийликлар оптикаси

КВАЗИПОТЕНЦИАЛ ЁНДАШИШ – *KVAZIPOTENTIAL YONDASHISH* – **Квазипотенциальный подход** – релятивистик квант назарияда бир нечта зарралардан иборат тизимни уч ўлчовли тавсифлаш усули

КВАЗИСТАТИК ЖАРАЁН – *KVAZISTATIK JARAYON* – **Квазистатический процесс** – термодинамик тизимнинг бир мувозанат ҳолатдан бошқасига чексиз секин ўтиши; бунда вақтнинг исталган пайтида тизим ҳолати мувозанат ҳолатдан чексиз кичик фарқ қилади

КВАЗИЭЛАСТИК КУЧ – *KVAZIELASTIK KUCH* – **Квазипрутая сила** – моддий нуктага таъсир қилувчи, нуктанинг мувозанат ҳолатидан силжишига мутаносиб ва йўналишига қарама-қарши куч

КВАЗИЭЛАСТИК СОЧИЛИШ – *KVAZIELASTIK SOCHILISH* – **Квазиупругое рассеяние** – икки бошланғич зарранинг икки кейинги ҳолатга ўтишида локал улардан биттасининг бошқача ҳолатда бўлиши

КВАЗИЭНЕРГИЯ – *KVAZIENERGIYA* – гамилтониани вақтнинг даврий функцияси бўлган квант-механик тизим ҳолатини тавсифловчи физикавий катталиқ

КВАЗИЎРТАЧАЛАР – *KVAZIO'RTAChALAR* – **Квазисредние** – статистик мувозанати айланиган ҳолатда бўлган тизимлар учун статистик ўртача кийматлар

КВАНТ БУЗМАС ҲЎЛЧАШЛАР – *KVANT BUZMAS O'LCHASHLAR* – **Квантовые неразрушающие измерения** – ўлчанадиган катталиқнинг оператори учун ҳос ўлчашда тадқиқ қилинувчи, тизим ҳолатини ўзгартирмайдиган ўлчашлар

КВАНТ ГАЗ – *KVANT GAZ* – **Квантовый газ** – зарраларнинг *де-Бройль* тўлқин узунлиги уларнинг ўзаро таъсир радиусидан анча катта бўлган сийрақланган газ

КВАНТ ГЕНЕРАТОР – *KVANT GENERATOR* – **Квантовый генератор** – мажбурий нурланишлар ҳодисаси асосида электромагнитик тўлқинлар ишлаб чиқарувчи манба; улар қаторига лазер ва мазерлар қиради

КВАНТ ГИРОСКОП – *KVANT GIROSKOP* – **Квантовый гироскоп** – ишлаши электронлар, атом ядролари ва фотонларнинг квант хоссаларидан фойдаланишга асосланган *гироскоп*

КВАНТ ДИФФУЗИЯ – *KVANT DIFFUZIYA* – **Квантовая диффузия** – зарралар ва нуктавий нуксонлар (вакансиялар, киришмавий ва тугунлараро атомлар)нинг қаттиқ жисмлардаги тўсик ости когерент туннел ўтишлар билан боғлиқ *диффузияси*

КВАНТ КОГЕРЕНТЛИК – *KVANT KOGERENTLIK* – **Квантовая когерентность** – нурланиш майдони квант ҳолатлари *интерференциясининг* тавсифи

КВАНТ КРИСТАЛЛ – *KVANT KRISTALL* – **Квантовый кристалл** – атомларнинг нолинчи тебранишлари атомлараро масофалар билан тавсифланувчи кристалл

КВАНТ КУЧАЙТИРГИЧ – *KVANT KUCĤAYTIRGICH* – **Квантовый усилитель** – ўтақори такрорийлик соҳадаги электромагнитик тўқилар кучайтиргичи; ишлаши ўйотилган квант тизимлар (атомлар, ионлар, молекулалар)нинг электромагнитик нурланишларни мажбурий чиқариш ҳодисасига асосланган

КВАНТ МАГНИТОМЕТР – *KVANT MAGNITOMETR* – **Квантовый магнетометр** – занф магнитик майдонларни парамагнитик зарраларнинг бир Зеeman кичик сатҳидан бошқасига квант ўтиши такрорийлигини аниқлашга асосланган ўлчаш асбоби

КВАНТ МЕТРОЛОГИЯ – *KVANT METROLOGIYA* – **Квантовая метрология** – квант ҳодисаларга таянувчи ўлчашлар ҳақидаги фан

КВАНТ МЕХАНИКА – *KVANT MEKANIKA* – **Квантовая механика** – микрозарралар ва уларнинг тизимлари ҳаракати назарияси

КВАНТ НУРЛАНИШ – *KVANT NURLANISH* – **Квантовое излучение** – электромагнитик нурланиш

КВАНТ НУҚСОН – *KVANT NUQSON* – **Квантовый дефект** – атомдаги электрон энергиясининг гидрогенсимон атомдаги ўшандай квант сонли электрон энергиясидан фарқини тавсифловчи катталик

КВАНТ ОПТИКА – *KVANT OPTIKA* – **Квантовая оптика** – ёруғлик билан модланинг ўзаро таъсирларида ёруғлик ва модда атомларининг квант хоссалари муҳим ўрин тутадиган ҳодисаларни ўрганувчи оптика бўлими

КВАНТ ОСЦИЛЛЯТОР – *KVANT OSSILLYATOR* – **Квантовый осциллятор** – энергия спектри дискрет бўлган осциллятор

КВАНТ ОСЦИЛЛЯТОРНИНГ КОГЕРЕНТ ҲОЛАТИ – *KVANT OSSILLYATORNING KOGERENT HOLATI* – **Когерентное состояние квантового осциллятора** – осцилляторнинг муайян ҳолатида ноаникликлар муносабати доирасида координаталар ва импульслар ноаникликларни (*дисперсия*) кўпайтмаси энг кичик қийматни олганлиги тўғрисида классик осциллятор вазиятига энг яқин бўладиган ҳолат

КВАНТ ОСЦИЛЛЯЦИЯЛАР – *KVANT OSSILLYASYALAR* – **Квантовые осцилляции** – бир қатор металлларнинг магнитик сийдирувчанликлари ёки электрик каршилликларининг паст ҳароратларда магнитик майдоннинг ўтказувчанлик электронлари ҳаракатига таъсири тўғрисида магнитик майдон кучланганлигига осцилляционувчи боғлиқлиги

КВАНТ ПАРАМАГНИТИК КУЧАЙТИРГИЧ – *KVANT PARAMAGNITIK KUCĤAYTIRGICH* – **Квантовый парамагнитный усилитель** – парамагнитик резонанс сатҳлари орасидаги ўтишда индукцияланган ўтишдан фойдаланиладиган квант кучайтиргич

КВАНТ РАДИОФИЗИКА – *KVANT RADIOFIZIKA* – **Квантовая радиофизика** – квант ва радиофизик ҳодисаларни бирлаштирувчи физика соҳаси

КВАНТ РАДИОЭЛЕКТРОНИКА – *KVANT RADIOELEKTRONIKA* – **Квантовая радиоэлектроника** – квант жараёнларни ўрганувчи ва улардан радиоэлектроникада фойдаланувчи фан ва техника соҳаси

КВАНТ СОН – *KVANT SON* – **Квантовое число** – квант тизим физикавий катталикларининг мумкин бўлган дискрет қийматларини белгиловчи бутун ёки яримбутун сон

КВАНТ СТАТИСТИКА – *KVANT STATISTIKA* – **Квантовая статистика** – квант механика қонунарига бўйсунувчи кўп зарралар тизимини тадқиқ қилувчи статистик механика бўлими

КВАНТ СУЮҚЛИК – *KVANT SUYUQLIK* – **Квантовая жидкость** – хоссалари квант самаралар, хусусан ўтақувчанлик билан ажралиб турувчи суюқлик

КВАНТ ТИЗИМ – *KVANT TIZIM* – **Квантовая система** – квант механика қонунарига бўйсунувчи бир неча ёки кўп сонли зарралар тизими

КВАНТ ХРОМОДИНАМИКА – *KVANT XROMODINAMIKA* – **Квантовая хромодинамика** – кварк ва глюонлар кучли ўзаро таъсирининг “ранг” калибровка симметриясига асосланган тузилган майдон квант назарияси

КВАНТ ЭЛЕКТРОДИНАМИКА – *KVANT ELEKTRODINAMIKA* – Квантовая электродинамика – майдон квант назариясининг электромагнитик майдоннинг ва зарядланган зарраларнинг ўзаро таъсири ўрганиладиган бўлими
КВАНТ ЭЛЕКТРОНИКА – *KVANT ELEKTRONIKA* – Квантовая электроника – мажбурий нурланишга ёки нурланишнинг модда билан ночизигий ўзаро таъсирига асосланиб, электромагнитик тебранишлар ва тўлқинларни кучайтириш, генерациялаш ва такрорийлигини ўзгартириш усулларини тадқиқ қилишни ўз ичига олувчи физика соҳаси
КВАНТ ҲИСОБЛАГИЧ – *KVANT O'LCHAGICH* – Квангометр – кимёвий спектрал таҳлилда спектрларни фотографик қайд қилиш кўп канали асбоби
КВАНТ ҲИСОБЛАГИЧ – *KVANT O'TISH* – Квантовый переход – квант тизим (атом, молекула ва б.)нинг бир ҳолатдан бошқасига сакрашисмон ўтиши
КВАНТ ҲИСОБЛАГИЧ – *KVANT HISOBLAGICH* – Квантовый счетчик – кичик энергияли квантларни қатта энергияли квантларга айлантирувчи ҳамда инфракизил ва оптик ораликдаги фотонларни қабул қилувчи асбоб
КВАНТ ҲОЛАТ – *KVANT HOLAT* – Квантовое состояние – ўзаро таъсирланувчи зарралар тизимининг мумкин бўлган дискрет тургун ҳолатларидан бири
КВАНТЛАНГАН УЮРМАЛАР – *KVANTLANGAN UYURMALAR* – Квантованные вихри – ўтаоқувчи ^4He ($\text{He}=\text{II}$)да ва ^3He нинг ўтаоқувчи фазаларидаги тартиб параметрларининг чизигий хусусиятлари
КВАНТЛАШ – *KVANTLASH* – Квантование – физикавий катталиклар қўйишнинг квант механика қонунларига мос тарзда танланиши
КВАРК-ГЛЮОН ПЛАЗМА – *KBARK-GLYUON PLAZMA* – Кварк-глюонная плазма – юкори энергияларда оғир ядроларнинг ўзаро тўқнашуви натижасида юзага келувчи ядровий модда ҳолати
КВАРКЛАР – *KVARKLAR* – Кварки – ҳозирги тасавурларга кўра, барча

адронларнинг таркибий қисмларини ташкил қилувчи фундаментал зарралар
КВАРКОНИЙ – *KVARKONIY* – антикварк жуфтидан ташкил топган атомсимон тизим
КВАРЦ ГЕНЕРАТОР – *KVARS GENERATOR* – Кварцовый генератор – пьезоэлектрик самара асосида юкори такрорийликли электрик тебранишлар ишлаб чиқарувчи манба
КВАРЦ ЛАМПА – *KVARS LAMPA* – Кварцовая лампа – симоб бугли ва спектрли ультрабинафша нурланишга эга бўлган кварц деворли қолбадан иборат ёруғлик газ разряд манба
КЕЛДИШ-ФРАНЦ САМАРАСИ – *KELDISH-FRANTS SAMARASI* – Эффект Келдыша-Франца – ёритилаётган яримўтказгичга электрик майдон таъсир қилса, унинг шаффофлик соҳасида ёруғликнинг ютилиши, тушувчи фотон энергияси таққиланган зона кенглигидан қатта бўлганда эса берилган майдон ва ёруғлик такрорийлиги функцияси сифатида ютилиш (ва қайтариш) коэффициентининг осцилляцияси юз бериши
КЕЛТИРИЛГАН БОСИМ – *KELTIRILGAN BOSIM* – Приведенное давление – модда босимининг критик босимга нисбати
КЕЛТИРИЛГАН МАССА – *KELTIRILGAN MASSA* – Приведенная масса – икки моддий нуктадан иборат иккиланган тизимнинг нисбий ҳаракати учун нукталар массалари кўпайтмасининг уларнинг йиғиндисига нисбати
КЕЛТИРИЛГАН ҲАЖМ – *KELTIRILGAN HAJM* – Приведенный объем – модда солиштирма ҳажмининг критик ҳажмига нисбати
КЕЛТИРИЛГАН ҲАРОРАТ – *KELTIRILGAN HARORAT* – Приведенная температура – модда термодинамик ҳароратининг критик ҳароратига нисбати
КЕЛТИРИШ МАРКАЗИ – *KELTIRISH MARKAZI* – Центр приведения – жисмга таъсир қилаётган учрашувчи кучлар тизими тенг таъсир қилувчисининг қўйилиш нуктаси
КЕЛЬВИН (К) – *KELVIN (K)* – сувнинг учланма нуктаси термодинамика ҳарора-

тининг $1/273,16$ қисмига тенг бўлган СИ даги ҳарорат бирлиги ($1\text{K}=1^\circ\text{C}$)

КЕЛЬВИН ТЕНГЛАМАСИ – *KELVIN TENGLAMASI* – Уравнение Кельвина – суюклик буғи босими ёки қаттиқ жисмлар эрувчанлигининг икки ёндош фазалар(суюклик-буғ, қаттиқ жисм-суюклик)нинг булиниш сирти эгрилигига боғлиқлиги

КЕЛЬВИН ШКАЛАСИ – *KELVIN ShKALASI* – Шкала Кельвина – термодинамик ҳарорат шкаласининг кўпинча қўлланиладиган номи

КЕЛЬВИН ҲАРОРАТ ШКАЛАСИ – *KELVIN HARORAT ShKALASI* – Температурная шкала Кельвина – ҳарорат бирлиги сифатида Кельвин танлаб олинган термодинамик ҳарорат шкаласи

КЕНГ АТМОСФЕРАВИЙ СЕЛ – *KENG ATMOSFERAVIY SEL* – Широкий атмосферный дивень – катта йиғинди энергияли, умумий келиб чиқишга эга бўлган зарралар тўдаси; $1-10$ ТэВ тартибдаги энергияли космик зарраларнинг атмосфера билан ўзаро таъсирида вужудга келади ва бир неча квадрат километр кенликдаги атмосфера қатламини қамраб олади

КЕНОТРОН – *KENOTRON* – юнон. *kenos* – бўш ва ...*трон* – ўзгарувчан токни тўғрилашда ишлатиладиган икки электродли вакуум лампа

КЕПЛЕР ҚОНУНЛАРИ – *KEPLER QONUNLARI* – Законы Кеплера – моддий нуктанинг марказий куч майдонида, хусусан сайёраларнинг Куёш атрофида ҳаракати қонуллари

КЕРМА – *KERMA* – ингл. – *моддада ажралган кинетик энергия* – нейтронлар, рентген нурлари ва гамма-квантлар ҳосил қилган барча зарралар бошланғич тўла кинетик энергияларининг улар нурлантираётган модда массасига нисбати

КЕРР САМАРАСИ – *KERR SAMARASI* – Эффект Керра – электрик майдон таъсирида муҳитда иккиланма нур синиши юзага келиши

КЕРР ШЎЪБАСИ – *KERR Sho'BASI* – Ячейка Керра – ишлаши Керр самарасига асосланган ҳамда ёруғлик дастасини узишда ёки унинг жадаллигини модуля-

циялашда оптик ёпқич сифатида ишлатиладиган электрооптикавий қурилма

КЕСКИНЛИК ЧУҚУРЛИГИ – *KESKINLIK ChUQURLIGI* – Глубина резкости – оптик тизим кескин тасвирлаган нуқталар орасидаги масофанинг оптик ўқ бўйича ҳисобланган энг катта қиймати

КЕЧИКУВЧИ ПОТЕНЦИАЛЛАР – *KEChIKUVChI POTENSIALLAR* – Западывающие потенциалы – майдон ўзгаришлари уларни вужудга келтирувчи манбадаги ўзгаришларга нисбатан кечикишини ҳисобга олувчи ўзгарувчан электромагнитик майдон потенциаллари

КИКОИН-НОСКОВ САМАРАСИ – *KIKOIN-NOSKOV SAMARASI* – Эффект Кикоина-Носкова – муайян кучланганликка эга магнитик майдонга жойлаштирилган яримўтказгични ёритганда электрик майдоннинг вужудга келиши

КИМЁВИЙ БОҒЛАНИШ – *KIMYoVIY BOG'LANISH* – Химическая связь – молекуланинг турли атомларига оид электронларнинг умумлашуви натижасида вужудга келувчи боғланиш

КИМЁВИЙ ЛАЗЕР – *KIMYoVIY LAZER* – Химический лазер – банд қилишлар инверсияси кимёвий реакциялар натижасида вужудга келадиган газ лазер

КИМЁВИЙ ПОТЕНЦИАЛ – *KIMYoVIY POTENSIAL* – Химический потенциал – тизимда зарралар сонинг ўзгаришида термодинамик потенциалларнинг ўзгаришини аниқловчи термодинамик ҳолат функцияси

КИМЁВИЙ СИЛЖИШ – *KIMYoVUY SILJISH* – Химический сдвиг – молекула таркибига қирувчи атом энергия сатҳлари ва спектрал қизикларининг эркин атомнинг ўша кўрсаткичларига нисбатан силжиганлиги

КИМЁВИЙ ТЕРМОДИНАМИКА – *KIMYoVIY TERMODINAMIKA* – Химическая термодинамика – модда термодинамик хоссаларининг унинг таркибига, тузилишига ва таъқи шароитларига боғлиқлигини, шунингдек турли физик-кимёвий жараёнларни ўрганувчи термодинамика ва физикавий кимё бўлими

КИМЁВИЙ ЭЛЕМЕНТ – *KIMYoVIY ELEMENT* – Химический элемент – бирдай тартиб номерига эга, лекин атом

ядроларнинг массаси бир-биридан фарк қилиши мумкин бўлган атомлар мажмуи
КИНЕМАТИК ҚОВУШОҚЛИК – *KINEMATIK QOVUSHOQLIK* –
Кинематическая вязкость – динамик қовушқоқликнинг суюқлик ёки газ зичлигига нисбати

КИНЕМАТИК ИШҚАЛАНИШ – *KINEMATIK IshQALANISH* –
Кинематическое трение – ҳаракатланаётган жисмлар орасидаги ташқи ишқаланиш
КИНЕМАТИКА – *KINEMATIKA* –
юн. kinematos – ҳаракат – жисмларнинг массаларини ва уларга таъсир қилувчи кучларни ҳисобга олмаган ҳолда уларнинг геометрик хоссаларини ўрганувчи механика бўлими

КИНЕСКОП – *KINESKOP* – телевизион тасвирларни, шунингдек бошқариладиган ЭХМлар (дисплейлар)нинг ахборотни акс эттирувчи тизимларида рақам-ҳарф ва график маълумотларни ҳосил қилишга хизмат қилувчи электрон-нур асбоб

КИНЕТИК КОЭФФИЦИЕНТ – *KINETIK KOEFFITSIENT* – **Кинетический коэффициент** – номувозанатий термодинамиканинг физикавий катталиклар оқимини ҳарорат, концентрация ва б. градиентлари билан боғловчи бирор тенгламасидаги мутаносиблик коэффициенти

КИНЕТИК ЭНЕРГИЯ – *KINETIK ENERGIYA* – **Кинетическая энергия** – механик тизимнинг унинг нукталари тезлигига боғлиқ бўлган энергияси; моддий нукта учун шу нукта массасининг унинг тезлиги квадратига кўпайтмасининг ярмига тенг бўлган механик ҳаракат ўлчови

КИНЕТИКА – *KINETIKA* – *юн. kinetikos* – ҳаракатга келтирувчи – динамика ва статикани ўз ичига олувчи механика бўлими

КИНЕТОСТАТИКА – *KINETOSTATIKA* – *юн. kinetos* – ҳаракатланувчи ва статика – динамика масалаларини статика усуллари ёрдамида ечиш йўллари

КИНОФОРМ – *KINOFORM* – объект тўлқинининг фазавий ташкил этувчиси ҳақида бир қийматли ахборот ташувчи ва таянч тўлқин билан ёритилганда ахборотни тўла тиклаш имконини берувчи юпка синтезланган фазавий *голограмма*

КИРАЛ СИММЕТРИЯ – *KIRAL SIMMETRIYA* – **Киральная симметрия** – жуфтликни алмаштирувчи ўзгартиришларга нисбатан кучли ўзаро таъсирнинг тақрибий симметрияси

КИРИШ ТИРҚИШИ – *KIRISH TIRQISHI* – **Входной зрачок** – олдида оптик тизимнинг қисмлари ёки олдин жойлашган оптик тизим қисмлари ҳосил қилган апертуравий диафрагма тасвири бўлмаган ҳолдаги апертуравий диафрагма
КИРИШМАВИЙ САТҲЛАР – *KIRISHMAVIY SATHLAR* – **Примесные уровни** – яримўтказгичнинг таққикланган зонасида жойлашган ҳамда киришмалар, тузилиш нуқсонлари мавжудлиги билан боғлиқ электрик ўтказувчанлик

КИРИШМАВИЙ ЯРИМЎТКАЗГИЧ – *KIRISHMAVIY YARIMO'TKAZGICH* – **Примесный полупроводник** – сунъий тарзда киришмалар қiritилган яримўтказгич
КИРИШМАВИЙ ЎТКАЗУВЧАНЛИК – *KIRISHMAVIY O'TKAZUVCHANLIK* – **Примесная проводимость** –

яримўтказгичда акцептор ёки донор киришманинг мавжудлиги билан боғлиқ электрик ўтказувчанлик

КИРХГОФ УСУЛИ – *KIRXGOF USULI* – **Метод Кирхгофа** – тўлқинлар экрандаги катта тирқишдан ўтганида дифракциялашган майдонни топишга яроқли бўлган тўлқинлар дифракцияси назарияси масалаларини ечишнинг тақрибий усули

КИРХГОФ ҚОНДАЛАРИ – *KIRXGOF QOIDALARI* – **Правила КИРХГОФА** – мураккаб электрик ва магнитик зағжирларни ҳисоблаш усуллари

КИРХГОФНИНГ НУРЛАНИШ ҚОНУНИ – *KIRXGOFNING NURLANISH QONUNI* – **Закон излучения Кирхгофа** –

муайян ҳароратли жисмнинг электромагнитик нурланишини чиқариши ва ютиши орасидаги боғланишини ўрнатувчи иссиқлик нурланиши асосий қонуларидан бири

КИРХГОФНИНГ УМУМЛАШГАН ҚОНУНИ – *KIRXGOFNING UMUMLASHGAN QONUNI* –

Обобщенный закон Кирхгофа – қиздирилган жисмлар юзага келтирадиган ва ёрдамчи манбалар майдонининг аралаш

иссиқлик йўқотишлари пайдо қиладиган электромагнитик майдон *флуктуация*ларининг спектрал зичлиги орасидаги боғланишни ўрнатувчи конун

КЛАСТЕР – *KLASTER* – бир-бири билан заиф боғланган кўп сонли атомлар ёки молекулалар тизими

КЛИСТРОН – *KLISTRON* – *юнон. klyeo* – *ураман ва ...трон* – ўта юқори такрорийликли электромагнитик тебранишларни кучайтириш ва ишлаб чиқариш электрон асбоби

К-МЕЗОНЛАР (К) – *K-MEZONLAR (K)* – **К-МЕЗОНЫ (К)** – нолинчи спинли ва массаси электрон массасидан тақрибан 970 марта катта бўлган икки бетараф ва икки зарядланган нотургун адронлардан иборат туркум

КНУДСЕН СОНИ – *KNUDSEN SONI* – **Число Кнудсена** – сийракланган газларнинг ўхшашлик белгиларидан бири

КОАГУЛЯЦИЯ – *KOAGULYaTSIYA* – *лот. coagulatio* – *ивши, қуюқланиш* – коллоид тизимларда дисперс фаза зарраларининг ёпишиши

КОАЛЕСЦЕНЦИЯ – *KOALESENSIYA* – *лот. coalesco* – *қўшиламан, бирлашман* – эмульсия ва кўникларда томчи ёки пуфакларнинг ўз-ўзидан қўшилиши

КОВАК – *KOVAK* – **Дырка** – яримўтказгичнинг валент соҳасида электрон эгалламаган энергиявий ҳолат

КОВАК ЎТКАЗУВЧАНЛИК – *KOVAK O'TKAZUVChANLIK* – **Дырочная проводимость** – яримўтказгичда ковакларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган электрик ўтказувчанлик

КОВАКЛАРНИНГ ДИРАК НАЗАРИЯСИ – *KOVAKLARNING DIRAK NAZARIYasi* – **Теория дырок Дирака** – релятивистик квант назариясининг қийинчиликларини бартараф қилиш учун П. Дирак томонидан таклиф қилинган электроннинг физикавий вакуум модели

КОВАЛЕНТ БОҒЛАНИШ – *KOVALENT BOG'LANISH* – *лот. co* – *биргаликда ва valens* – *кучи бор* – **Ковалентная связь** – битта молекуляр орбита эгалловчи, спинлари қарама-қарши вазиятларга эга

жуфтланмаган электронларнинг ўзаро таъсири билан белгиланувчи кимёвий боғланиш

КОВАЛЕНТ КРИСТАЛЛАР – *KOVALENT KRISTALLAR* – **Ковалентные кристаллы** – ковалент кимёвий атомлараро боғланиш кристаллар

КОВАРИАНТЛИК – *KOVARIANTLIK* – *лот. со* – *биргаликда ва varians* – *ўзгарувчан* – **Ковариантность** – муайян ходисани ёки ходисалар тўпламини таъсирловчи физикавий катталикларнинг шу тўплам учун ўрнатилган ёки ўрнатиш мўлжалланган *инвариантлик* гуруҳи таъсирларини бўйича ўзгара олиши хоссаси

КОГЕЗИЯ – *KOGEZIYA* – *лот. cohaesus* – *боғланган* – жисм қисмларининг молекулалараро таъсир кучлар ва улар орасидаги кимёвий боғланишлар сабабли бирлашиб, энг катта мустақамликли бир бутун бўлиб туғиниши

КОГЕРЕНТ ЁРУҒЛИК ТЎЛҚИНЛАРИ – *KOGERENT YoRUG'LIK TO'LQINLARI* – **Когерентные световые волны** – ёруғлик тебранишларида берилган вақт оралигида доимий фазалар фарқига эга бўлувчи ёруғлик тўлқинлари

КОГЕРЕНТ НОТУРҒУНЛИК – *KOGERENT NOTURG'UNLIK* – **Когерентная неустойчивость** – жамлама самаралар натижасида когерент тебранишлар амплитудасининг ўсиши

КОГЕРЕНТ НУРЛАНИШ – *KOGERENT NURLANISH* – **Когерентное излучение** – тебранишлари вақтга боғлиқ бўлмаган доимий фаза фарқига эга бўлган электромагнитик нулланиш

КОГЕРЕНТ ОПТИКА – *KOGERENT OPTIKA* – **Когерентная оптика** – тор йўналган когерент ёруғлик дасталарини ҳосил қилиш ва уларни бошқариш усулларини ўрнатувчи оптика бўлими

КОГЕРЕНТ СИНХРОТРОН НУРЛАНИШ – *KOGERENT SINXROTRON NURLANISH* –

Когерентное синхротронное излучение – куввати дастадаги зарралар сонининг квадратига мутаносиб бўлган гуруҳланган зарралар дастасининг синхротрон нулланиши қисми

КОГЕРЕНТ СОЧИЛИШ – *KOGERENT SOCHILISH* – Когерентное рассеяние – тушувчи тўлқиннинг фазаси сочилган тўлқиннинг фазасини бир қийматли аниқлаб берадиган ёруғлик сочилиши

КОГЕРЕНТ ТЕБРАНИШЛАР – *KOGERENT TEBRANISHLAR* – Когерентные колебания – бирдай такрорийлик ва вақт давомида доимий фаза фарқи билан юз берувчи икки ёки ундан ортиқ гармоник тебранишлар

КОГЕРЕНТ ТЕЗЛАТИШ – *KOGERENT TEZLATISH* – Когерентное ускорение – ҳар бир заррага таъсир қилувчи куч қуюқланмадаги зарралар сонига мутаносиб бўладиган зарядли зарралар қуюқланмаси тезлатгичи

КОГЕРЕНТЛИК – *KOGERENTLIK* – Когерентность – бир нечта тебранма ёки тўлқин жараёнларнинг уларнинг қўшилишида намоён бўлувчи вақт ва фазода уйғун кечиши

КОГЕРЕНТЛИК ВАҚТИ – *KOGERENTLIK VAQTI* – **Время когерентности** – когерентлик шартлари бажарилиши мумкин бўлган муддат

КОГЕРЕНТЛИК СОҲАСИ – *KOGERENTLIK SOHASI* – **Область когерентности** – берилган вақт ичида когерентлик шартлари бажарилиши мумкин бўлган фазо соҳаси

КОГЕРЕНТЛИК УЗУНЛИГИ – *KOGERENTLIK UZUNLIGI* – **Длина когерентности** – тўлқиннинг тарқалиш йўналишида майдоннинг вақт бўйича фазалар фарқи сақланидиган энг катта узунлиги

КОГЕРЕНТЛИК ҲАЖМИ – *KOGERENTLIK HAJMI* – **Объем когерентности** – фазонинг тўлқин ўз когерентлигини тақрибан сақлаб турадиган қисми

КОИНОТ – *KOINOT* – **Вселенная** – моддий дунёнинг бизни ўраган, кузатиш мумкин бўлган, замон ва маконда чексиз қисми, олам

КОИНОТНИНГ БАРИОН АССИММЕТРИЯСИ – *KOINOTNING BARION ASSIMMETRIYASI* – **Барийонная асимметрия вселенной** – бизнинг алоҳида қаралган галактикаларимизда

кузатилувчи модданинг антимоддани устунлиги ҳолатини яхлит олинган коинотга ёйиш

КОИНОТНИНГ “ИССИҚЛИК ҲАЖМИ” – *KOINOTNING ISSIQLIK O'LIMI* – “Тепловая смерть” вселенной – коинотдаги барча тур энергиялар оқибатда иссиқлик характери энергиясига ўтиши, у эса коинот моддаси бўйича текис тақсимланиши натижасида барча макроскопик жараёнлар сўнади, дейилувчи нотўғри хулоса

КОЛЛАЙДЕР – *KOLLAYDER* – зарядланган зарраларнинг қарама-қарши дасталари учрашуви юз берадиган тезлатгич

КОЛЛЕКТОР – *KOLLEKTOR* – *лот. collector* – йиғувчи – электрик вакуум асбобларда электрон ёки ион дастаси олиб келган зарядларни йиғишга хизмат қилувчи электрод

КОЛЛИМАТОР – *KOLLIMATOR* – *лот. collineo* – тўғри чизиқ бўйлаб йўналтириш – параллел нурлар дастаси ҳосил қилиш оптик қурилмаси

КОЛЛОИД – *KOLLOID* – *юн. kolla* – елим ва *eidōs* – кўриниш – дисперс фазанинг зарралари ўлчовлари 10^5 см гача бўлган дисперс тизим

КОЛОРИМЕТР – *KOLORIMETR* – *лот. color* – ранг ва *...метр* – рангни ўлчаш асбоби

КОЛОРИМЕТРИЯ – *KOLORIMETRIYA* – *лот. color* – ранг ва *...метрия* – рангни микродрий ифодалаш ва уни ўлчаш усуллари ҳақидаги фан

КОМА – *KOMA* – *юн. kome* – соч, комета думи – оптик тизимларнинг қия даста ҳосил қилган нуқта тасвири носимметрик доғ кўринишига эга бўладиган аберрацияларидан бири

КОМПАРАТОР – *KOMPARATOR* – *лот. comparo* – таққослайман – ўлчанадиган катталикларни ўлчов ёки шкалалар билан таққослаш учун ишлатиладиган ўлчагич асбоб

КОМПТОН САМАРАСИ – *KOMPTON SAMARASI* – **Эффект Комптона** – юқори такрорийликли электромагнитик нурланишнинг эркин ёки заиф боғланган электронларда

сочилишида нурланишнинг тўлқин узунлиги тушувчи тўлқин узунлигидан катта бўладиган эластик сочилиш

КОМПТОН ТЎЛҚИН УЗУНЛИГИ – *KOMPTON TO'LQIN UZUNLIGI* – **Комптоновская длина волны** – релятивистик квант жараёндар учун хос бўлган узунлик ўлчамлиги катталиги

КОМПТОННИНГ ТЕСКАРИ САМАРАСИ – *KOMPTONNING TESKARI SAMARASI* – **Обратные эффекты Комптона** – юқори такрорийликли электромагнитик нурланишнинг ўтаюқори энергияли электронларда сочилиб, сочилган нурланишнинг тўлқин узунлиги тушувчи тўлқин узунлигидан кичик бўладиган эластик сочилиш

КОНВЕКТИВ ИССИҚЛИК АЛМАШИНУВ – *KONVEKTIV ISSIQLIK ALMASHINUV* – **Конвективный теплообмен** – *конвекция* ва молекуляр ҳаракатнинг биргаликдаги таъсири билан боғлиқ бўлган бир жинсли бўлмаган ҳарорат майдонида ҳаракатланувчи мухитларда иссиқликнинг қайтмас кўчирилиш жараёни

КОНВЕКТИВ НОТУРГУНЛИК – *KONVEKTIV NOTURGU'NLIK* – **Конвективная неустойчивость** – 1) тақсимланган параметрли тизимда кичик бошланғич ғалаёнланиш вақт давомида фазода тарқала борадиган нотургушлик тури; 2) оғирлик кучи майдонида жойлашган ва унинг устидан ўтаётган иссиқлик оқимининг бу кучга қарама-қарши ташкил қилувчиси мавжудлигида газ ёки суюқликнинг нотургушлиги

КОНВЕКТИВ СОҲА – *KONVEKTIV SOHA* – **Конвективная зона** – юлдузларда иссиқликнинг кўчиши ва кимёвий таркибининг тенглашишига олиб келувчи ривожланган *конвекция*ли соҳа

КОНВЕКЦИЯ – *KONVEKSIYA* – *лот. convectio* – *келтириш* – модда оқимлари ёрдамида суюқлик, газ ёки сочилувчи мухитлардан иссиқликнинг ўтиши

КОНВЕКЦИЯ ТОКИ – *KONVEKTSIYA TOKI* – **Конвекционный ток** – зарядланган микроскопик жисмнинг кўчишида содир бўлувчи электрик зарядлар кўчирилиши

КОНВЕРСИЯВИЙ ЭЛЕКТРОНЛАР – *KONVERSIYAVIY ELEKTRONLAR* –

Конверсионные электроны – уйғотишган атом ядроси ўзининг орбитка энергиясини атом электронларидан бирига бериб, кичик энергияли ҳолатта электромагнитик ўтиш вақтида атом чиқарадиган электронлар

КОНДЕНСАТОР – *KONDENSATOR* – *лот. condense* – *зичлашман, қуйилтираман* – 1) моддани газсимон ёки бугсимон ҳолатдан суюқ ёки қаттиқ ҳолатга ўтказиш қурилмаси; 2) *электрик конденсатор*

КОНДЕНСАТОРЛАР БАТАРЕЯСИ – *KONDENSATORLAR BATAREYASI* – **Батарея конденсаторов** – кетма-кет ва параллел уланган электрик конденсаторлардан тузилган батарея

КОНДЕНСАЦИЯ – *KONDENSATSIYA* – *лот. condense* – *satio* – *қуюқлашиш* – совутиш ёки сиқиш воситасида модданинг газсимон ҳолатдан суюқ ёки қаттиқ ҳолатга ўтиши

КОНДЕНСАЦИЯ ИССИҚЛИГИ – *KONDENSATSIYA ISSIQLIGI* – **Теплога конденсации** – тўйинган буг конденсатланаётганда ажраладиган иссиқлик

КОНДЕНСАЦИЯ МАРКАЗИ – *KONDENSATSIYA MARKAZI* – **Центр конденсации** – тўйинган бугнинг конденсатланиши бошланишига олиб келувчи зарра

КОНДЕНСАЦИЯ САКРОВИ – *KONDENSATSIYA SAKROVI* – **Скачок конденсации** – газнинг тезлашаётган ўтатовуш оқимида сув бугларининг конденсатланиши натижасида юзага келувчи зарбавий тўлқиннинг алоҳида шакли

КОНДЕНСАЦИЯ ҲАРОРАТИ – *KONDENSATSIYA HARORATI* – **Температура конденсации** – модданинг ўзгармас босимда газ ҳолатдан суюқлик ёки қаттиқ ҳолатга мувозанатий фазавий ўтишидаги ҳарорат

КОНДЕНСАЦИЯЛАНГАН МУХИТ – *KONDENSATSIYALANGAN MUHIT* – **Конденсированная среда** – қаттиқ ёки суюқ мухит

КОНДЕНСАЦИЯЛАНГАН ТИЗИМ – *KONDENSATSIYALANGAN TIZIM* – **Конденсированная система** – фақат қаттиқ ёки суюқ фазадан иборат бўлган тизим

КОНДЕНСАЦИЯЛАНГАН ХОЛАТ – *KONDENSATSIIYaLANGAN HOIAT* – Конденсированное состояние – модданинг каттик ва суюқ холати

КОНДЕНСОР – *KONDENSOR* – лот. *condenso* – зичлайман, қўйилтираман – қаралаётган ёки проекцияланаётган буюмларни ёритишда оптик асбобларда ишлатиладиган қиска фокуси линза ёки линзалар тизими

КОНДО ПАНЖАРАЛАР – *KONDO PANJARALAR* – Кондо решетки – ионлар, металл бирикмалари ёки парамагнитик ионнинг номагнитик металллар билан қотишмаларидан тузилган мушгазам панжаралар

КОНДО САМАРАСИ – *KONDO SAMARASI* – Эффект Кондо – бироз микдор магнитик киришмалар-ўтувчи атомлар(Fe, Cr, Co, V)га ёки ноёб ер элементлари(Ge, Yb, Tm)га эга бўлган номагнитик металллар (Cu, Al, Ag, La, Lu ва б.)нинг қотишмалари электрик қаршилигининг аномал ҳароратий боғликлиги

КОНДУКТОР – *KONDUKTOR* – юкори кучланишли тезлатгичнинг Ерга нисбатан энг катта потенциаллар айирмасига эга бўлган электроди

КОНОСКОПИК ШАКЛЛАР – *KONOSKOPIK SHAKLLAR* – Коноскопические фигуры – кутблагич ва анализатор айқаш ёки параллеллигида кристалл пластинкалардан ўтган нурлардан пайдо бўлган йиғилувчи кутбланган ёруғликда ҳосил бўлувчи ва заррабин объективи фокал текислигида кузатиладиган *интерференция* манзаралари

КОНОСКОПИЯ – *KONOSKOPIYa* – юнон. *konos* – конус ва *skopeo* – кузатаман, қарайман – кристаллар оптик хоссаларини кутбланма заррабинларда кузатиладиган *интерференция* манзаралари ёрдамида ўрганиш

КОНСЕРВАТИВ КУЧ – *KONSERVATIV KUCH* – лот. *conservo* – сақлайман – Консервативная сила – бажарадиган иши куч қўйилиш нуктасининг бошланғич ҳолатдан охириги ҳолатга ўтиш йўлига боғлиқ булмайдиган куч

КОНСЕРВАТИВ ТИЗИМ – *KONSERVATIV TIZIM* – лот. *conservo* –

сақлайман – Консервативная система – барча ташки кучлар тургун ва потенциал, барча ички кучлар эса потенциал бўлган ҳолдаги механик тизим

КОНТАКТ КУЧЛАНИШЛАР – *KONTAKT KUChLANISHLARI* – Контактные напряжения – деформацияланувчи жисмларнинг тегишиш сиртларида юзага келувчи механик кучланишлар

КОНТАКТ ЛИНЗА – *KONTAKT LINZA* – Контактная линза – кўришни созлашга мўлжалланган, бевосита кўз шох пардасига қийдирилиб, унда тутиниш кучлари ҳисобига ушланиб туриладиган кўзойнак линза

КОНТАКТ ПОТЕНЦИАЛЛАР АЙИРМАСИ – *KONTAKT POTENTIALLAR AYIRMASI* – Контактная разность потенциалов – турли жинсли ўтказгичлар термодинамик мувозанат шароитида ўзаро тегишишаётганда вужудга келувчи электрик потенциаллар айирмаси

КОНТАКТ ХОДИСАЛАР – *KONTAKT HODISALAR* – Контактные явления – металллар ёки яримўтказгичлар бир-бирига тегишганда юзага келувчи электрик ходисалар

КОНТИНУУМ – *KONTINUUM* – лот. *continuum* – узлуксиз – 1) туташ мухит; 2) эркин зарра энергия сатҳларининг узлуксиз кетма-кетлиги

КОНТРАСТ – *KONTRAST* – франц. *contraste* – қарама-қаршилик – объект равшанликлари фарқининг фон равшанлигига нисбати

КОНТУРНИНГ СЎНИШИ – *KONTURNING SO'NISHI* – Затухание контура – электрик контурда хусусий тебранишлар амплитудасининг кичрая бориш тезлигини аниқловчи ва шунинг билан бирга мажбурий тебранишларда унинг резонанс хоссаларини тавсифловчи катталиқ

КОНУССИМОН ОҚИШ – *KONUS-SIMON OQISH* – Коническое течение – газ оқилини тавсифловчи барча параметрлар (босим, зичлик, тезлик ва б.) фазонинг бир нуктасидан ўтувчи нурларда (тўғри чизикларда) доимий қолиши ва фақат бир нурдан бошқасига ўтишидагина ўзгариши мумкинлиги билан ажралиб

турувчи идеал газнинг автомодел ўтатовуш турғунлашган ҳаракатлари синфи

КОННУССИМОН РЕФРАКЦИЯ – *KONNUSSIMON REFRAKSIYA* – **Коническая рефракция** – икки ўкли кристаллда дастанинг йўналиши бу кристаллнинг оптик ўқларилан бирига мос келганда ёруғлик нурунинг кристалл чегарасида синиши

КОНФАЙНМЕНТ – *KONFAYNMENT* – рангли кварклар ва глюонларнинг тутилиши, уларнинг рангсиз адронлар ичида боғланиб қолиши

КОНФИГУРАЦИЙВИЙ ФАЗО – *KONFIGURATSIIYA VIY FAZO* – **Конфигурационное пространство** – фазавий фазонинг бир қисмини ташкил қилувчи умумлашган координаталарнинг кўп ўлчовли фазоси

КОНФОКАЛ РЕЗОНАТОР – *KONFOKAL REZONATOR* – **Конфокальный резонатор** – ўқлари ва фокуслари мос тушувчи сферик кўзгулардан ясалган *резонатор*

КОНФОРМ АКСЛАНИШ – *KONFORM AKSLANISH* – **Конформное отображение** – η -ўлчовли *Евклид фазоси* соҳаларининг чизиклар орасидаги бурчакларни сақлаган ҳолда ўзаро бир қийматли аксланиши

КОНФОРМ ИНВАРИАНТЛИК – *KONFORM INVARIANTLIK* – **Конформная инвариантность** – ўлчамли параметрларга эга бўлмаган релятивистик массасиз майдонлар тенгламаларининг конформ ўзгартиришлар гуруҳига нисбатан инвариантлиги

КОНФУЗОР – *KONFUZOR* – оқувчи каналнинг суюклик ёки газ оқими тезлашадиган торайган қисми

КОНЦЕНТРАЦИЯ – *KONSENTRATSIIYA* – *лот. concentratio – туплаш* – аралаш-манинг маълум ташкил этувчиларни нисбий миқдорини тавсифловчи катталик

КОНЦЕНТРАЦИЙВИЙ ҚУТБЛАНИШ – *KONSENTRATSIIYA VIY QUTBLANISH* – **Концентрационная поляризация** – электродлар сирти яқинидаги модда концентрациясининг унинг электролит ҳажмидаги концентрациясидан фарк қилишдан вужудга келувчи электродлар қутбланиши

КОНЦЕНТРИК РЕЗОНАТОР – *KONSENTRIK REZONATOR* – **Концентрический резонатор** – ўқлари ва эгрилик марказлари мос тушувчи сферик кўзгулардан ясалган *резонатор*

КОНЦЕНТРИК ЧУЛҒАМ – *KONSENTRIK CHULG'AM* – **Концентрическая обмотка** – циклик тезлаткичларда магнитик майдоннинг радиал тақсимланишини тартиблашга мўлжалланган тартибловчи чулғам

КООПЕРАТИВ ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ – *KOOPERATIV LYUMINESSENSIYA* – **Кооперативная люминесценция** – оптик нурулавишли уйғотувчи қатплар юлган иккита ёки ундан ортик марказлардан битта люми-несценция марказига энергия узатилганда вужудга келувчи *люминесценция*

КООПЕРАТИВ ҲОДИСАЛАР – *KOOPERATIV HODISALAR* – **Кооперативные явления** – кўп заррали тизимда кўп сонли зарраларнинг когерент ўзаро таъсири билан боғлиқ ҳодисалар

КОРБИНО ДИСКИ – *KORBINO DISKI* – **Диск Корбино** – марказда тирқиш ва туташувлари бўлган металл ёки ярим-ўтказгич диск; бунда туташувлардан бири тирқишнинг ички деворида, бошқаси диск чеккасида жойлашган

КОРИОЛИС КУЧИ – *KORIO LIS KUCHI* – **Кориолиса сила** – инерциал тизимга нисбатан илгариланма бўлмаган тарзда ҳаракатланаётган инерциал санок тизи-мидаги моддий нуктага таъсир қилувчи ҳамда Кориолис тезланиши туфайли вужудга келувчи инерция кучи

КОРИОЛИС ТЕЗЛАНИШИ – *KORIO LIS TEZLANISHI* – **Кориолиса ускорение** – нукта мултак тезланишининг унинг бир кўчма тезликли соҳадан бошқа кўчма тезликли соҳага кўчиши билан боғлиқ ташкил қилувчиси

КОРПУСКУЛА – *KORPUSKULA* – *лот. corpusculum – зарра* – ноквант физикадаги зарра

КОРПУСКУЛЯР ОПТИКА – *KORPUSKULAR OPTIKA* – **Корпускулярная оптика** – зарядланган зарралар (электрон ва ионлар)нинг электрик ва магнитик майдонларда ҳаракат қонуларини ўрганувчи физика бўлими

КОРПУСКУЛЯР НУРЛАНИШ – *KORPUSKULYAR NURLANISH* – **Корпускулярное излучение** – атом ядролари ва космик жисмлар чиқарадиган зарядланган зарралар, нейтронлар оқими

КОРПУСКУЛЯР-ТЎЛҚИН ДУАЛИЗМИ – *KORPUSKULYAR-TO'LQIN DUALIZMI* – **Корпускулярно-волновой дуализм** – квант назария асосида ётувчи, микрообъектларда ҳам зарра, ҳам тўлқин хоссалар намоён бўлади, дейишувчи тасаввур

КОРРЕКЦИЯЛОВЧИ ЧУЛҒАМ – *KORREKSIYA LOVCHI CHULG'AM* – **Корректирующая обмотка** – асосий магнитик майдонни тартиблашни таъминловчи қўшимча чулғам

КОРРЕЛЯЦИЯ – *KORRELYATSIIYA* – *lot. correlatio* – *munosabat* – катталиклар орасидаги, умуман олганда, функционал боғланишга келтирилмайдиган боғланиш

КОРРЕЛЯЦИЯВИЙ ЭНЕРГИЯ – *KORRELYATSIIYA VIY ENERGIYA* – **Корреляционная энергия** – электронлар гази (ферми гази)нинг пастки энергиявий ҳолати энергиясидан уларнинг ўртача кинетик энергияси (ферми энергия) ва алмашинув узоро таъсир энергиясини айиргандан сўнг қолган қисми

КОСМИК НУРЛАНИШ – *KOSMIK NURLANISH* – **Космическое излучение** – космик манбалардан чиқувчи нурланиш

КОСМИК НУРЛАР – *KOSMIK NURLAR* – **Космические лучи** – Ерга коинот фазосидан келувчи нурлар, шунингдек у Ер атмосферасида вужудга келтирган иккиламчи зарралар ёки гамма-нурланишлар оқими

КОСМИК ПЛАЗМА – *KOSMIK PLAZMA* – **Космическая плазма** – космик фазо ва космик объектлардаги плазма

КОСМИК РАДИОНУРЛАНИШ – *KOSMIK RADIONURLANISH* – **Космическое радиоизлучение** – космик объектларнинг радиотўлқинлар соҳасида электромагнитик нурланиш

КОСМИК СЕЛ – *KOSMIK SEL* – **Космический ливень** – космик нурлар зарраларининг Ер атмосфераси атомлари

билан кўн-қарравий электромагнитик ва ядровий узоро таъсирлари натижасида вужудга келувчи ва умумий келиб чиқишига эга бўлган микрозарралар тўдаси

КОСМОЛОГИК МОДЕЛЛАР – *KOSMOLOGIK MODELLAR* – **Космологические модели** – коинотнинг тузилишини ва эволюциясини (ёки шу эволюциянинг айрим босқичларини) тавсифловчи физика-математика модели

КОСМОСДА МАЗЕР САМАРАСИ – *KOSMOSDA MAZER SAMARASI* – **Мазерный эффект в космосе** – космосдан ўтувчи нурланишни индукцияланган нурланиш ҳисобига кучайтириш

КОСМОХРОНОЛОГИЯ – *KOSMOXRONOLOGIYA* – турли астрономик объектлар (сайёралар, Куёп, юлдузлар, галактикалар) ва бутун коинотнинг ёшини аниқлаш билан шугулланувчи космология тармоқларидан бири

КОТТОН-МУТОН САМАРАСИ – *KOTTON-MUTON SAMARASI* – **Эффект Коттона-Мутона** – ташки магнитик майдонга жойлаштирилган мухитда ёруғлик нури майдонга тик тарқалаётганда ёруғликнинг кўш нур синиши юзага келишидан иборат магнитооптика самараларидан бири

КОШИ УҒҚИ – *KOSHI UFQI* – **Горизонт Коши** – бирор фазосимон ўлчовли сиртда берилган бошланғич маълумотлар (бошланғич шартлар)га кўра физикавий ҳодисалар келажагини сабабий башорат қилиш соҳасининг чегараси бўлган сирт

КОЭРЦИТИВ КУЧ – *KOERSITIV KUCH* – *lot. coercitio* – *тутиб қолиш* – **Коэрцитивная сила** – бошда тўйинишгача магнитланган ферромагнитик намуна тўла магнитсизланадиган магнитик майдон қучланганлиги

КОЭРЦИТИМЕТР – *KOERSITIMETR* – ферромагнитик материалларнинг коэрцитив кучини ўлчаш асбоби

КРАУДИОН – *KRAUDION* – кристалл панжаранинг бирор қаторидаги атомларнинг қатордаги биринчи атомдан ташқаридан учиб келган зарранинг зарбаси натижасида эстафета тарзида силқиши туфайли нормал ҳолатдагидан зичроқ жойлашуви

КРИОГЕН ПЛАЗМА – *KRIOGEN PLAZMA* – Криогенная плазма – плазмали контейнерни суюк азотли ёки гелийли вашига тушириш натijasида уни паст хароратларгача совутиш

КРИОГЕН ТРАНСТОВУШ АЭРОДИНАМИК КУВУР – *KRIOGEN TRANSTOVUSH AERODINAMIK QUVUR* – Криогенная трансзвуковая аэродинамическая труба – *Рейнольдс сонининг* катта кыйматларига эришиш учун ишчи газининг унинг мувозанат конденсация хароратидан бирозгина юкорироқ бўлган криоген хароратгача совутишда фойдаланиладиган кувур

КРИОСКОПИЯ – *KRIOSKOPIYA* – *юнон. kryos – совуқ ва ...скопия* – суюк эритмаларни ўрганиш усули; соф эритувчининг қотиш хароратига нисбатан эритманинг қотиш хароратининг пасайишини ўлчашга асосланган

КРИОСТАТ – *KRIOSTAT* – *юнон. kryos – совуқ ва statos – турғун, ҳаракатсиз* – паст хароратларни сақлаб турадиган термостат

КРИОЭЛЕКТРОН АСБОБЛАР – *KRIOELEKTRON ASBOBLAR* – Криоэлектронные приборы – паст хароратларда (шартли $T < 100K$) ўтадиган ходиса ва жараёнлардан фойдаланиладиган электрон қурилмалар

КРИСТАЛЛ – *KRISTALL* – *юнон. krystallos – муз* – уч ўлчовли даврий атом ёки молекуляр тузилишга ва мувозанат тузилиш ҳолатлари тўри симметрик кўп ёкли шаклга эга бўлган қаттиқ жисм

КРИСТАЛЛ АКУСТИКАСИ – *KRISTALL AKUSTIKASI* – Кристаллоакустика – товуш тўлкинларининг кристалларда тарқалиш хусусиятларини ўргатувчи акустика бўлими

КРИСТАЛЛ ЖИСМ – *KRISTALL JISM* – Кристаллическое тело – тузилиши узок тартиб мавжудлиги билан тавсифланувчи қаттиқ жисм

КРИСТАЛЛ ИЧКИ МАЙДОНИ – *KRISTALL ICHKI MAYDONI* – Внуткристаллическое поле – кристалл ичда мавжуд бўлган ҳамда электрон ва ядроларга таъсир қилувчи бир жинслимас электрик (баъзида, магнитик) майдон

КРИСТАЛЛ-КИМЁВИЙ РАДИУС – *KRISTALL-KIMYOVIY RADIUS* – Кристаллохимический радиус – атом ва ионларнинг кристалларда атомлараро масофаларни баҳолаш имконини берувчи тавсифи

КРИСТАЛЛ НУҚСОНИ – *KRISTALL NUQSONI* – Дефект кристалла – монокристаллда кристалл тузилиши даврийлигининг бузилиши

КРИСТАЛЛ ОПТИКАСИ – *KRISTALL OPTIKASI* – Кристаллооптика – ёруглик тўлкинларининг кристалларда тарқалиш хусусиятларини ўргатувчи оптика бўлими

КРИСТАЛЛ ПАНЖАРА – *KRISTALL PANJARA* – Кристаллическая решетка – модданинг уни ташкил қилувчи микроразрларнинг фазода даврий такрорий жойлашуви билан тавсифланувчи кристалл ҳолатга хос тузилиши

КРИСТАЛЛ ПАНЖАРА ДАВРИ – *KRISTALL PANJARA DAVRI* – Период кристаллической решетки – кристаллда параллел атом текисликлари орасидаги энг кичик масофа

КРИСТАЛЛ НАНЖАРА ДИНАМИКАСИ – *KRISTALL PANJARA DINAMIKASI* – Динамика кристаллической решетки – қаттиқ жисм физикасининг атомларнинг кристаллдаги ҳаракатини ўрганишга бағишланган бўлими

КРИСТАЛЛ ПАНЖАРА ТЕБРАНИШЛАРИ – *KRISTALL PANJARA TEBRANISHLARI* – Колебания кристаллической решетки – қаттиқ жисм зарраларининг мувозанат ҳолатлари атрофда тебранишлардан иборат бўлган икки ҳаракатнинг асосийларидан бири

КРИСТАЛЛ ПАНЖАРА ТУГУНИ – *KRISTALL PANJARA TUGUNI* – Узел кристаллической решетки – атом ёки ионнинг кристалл панжарада мунтазам жойлашиш ўрни

КРИСТАЛЛ ПАНЖАРА ЭНЕРГИЯСИ – *KRISTALL PANJARA ENERGIYASI* – Энергия кристаллической решетки – кристаллни ташкил қилган зарраларни бир-бирдан чексизга узоклаштириш учун бажариш лозим бўлган иш

КРИСТАЛЛ ТЕКСТУРА – *KRISTALL TEKSTURA* – Кристаллическая текстура

– поликристалларда кристалл доналарнинг импиезли йўналганлиги

КРИСТАЛЛ ТУЗИЛМА – *KRISTALL TUZILMA* – **Кристаллическая структура** – атомлар, ионлар, молекуларнинг кристаллда жойлашуви

КРИСТАЛЛ ТУЗИЛМА БАЗАСИ – *KRISTALL TUZILMA BAZASI* – **База кристаллической структуры** – кристалл тузилманинг симметрик мустақил соҳаларидаги атомлар марказлари координатларининг тўла мажмуи

КРИСТАЛЛ УЮШМАЛАР – *KRISTALL UYUSHMALAR* – **Кристаллические дислокации** – кристалл панжара бир-бирига нисбатан бироз фаркли жойлашган монокристалл соҳалари

КРИСТАЛЛ ФИЗИКАСИ – *KRISTALL FIZIKASI* – **Кристаллофизика** – кристалл хоссаларини ва турли таъсирлар остида бу хоссаларнинг ўзгаришларини ўрганувчи физика бўлими

КРИСТАЛЛ ФОСФОР – *KRISTALL FOSFOR* – **кристалл ва юнон. phos – ёруғлик, phoros – элтувчи – Кристаллофосфор** – анорганик кристалл люминофор

КРИСТАЛЛАНИШ – *KRISTALLANISH* – **Кристаллизация** – буғлар, эритмалар, қотишмалардан каттиқ ҳолатдаги (аморф ёки б. кристалл ҳолдаги) электролизда электролитлар, шунингдек, кимёвий реакцияларда кристалларнинг ҳосил бўлиши

КРИСТАЛЛАНИШ МАРКАЗИ – *KRISTALLANISH MARKAZI* – **Центр кристаллизации** – суюқликнинг кристалланиши бошланишига олиб келувчи зарра

КРИСТАЛЛАНИШ ҲАРОРАТИ – *KRISTALLANISH HARORATI* – **Температура кристаллизации** – суюқ ҳолатдан кристалл ҳолатга фазавий ўтиш юз берадиган ҳарорат

КРИСТАЛЛАР – *KRISTALLAR* – **юнон. krystallos – муз – Кристаллы** – ташкил қилувчи зарралари тартибланган, даврий жойлашган каттиқ моддалар

КРИСТАЛЛАР СИММЕТРИЯСИ – *KRISTALLAR SIMMETRIYASI* – **Симметрия кристаллов** – кристалларнинг

буралишида, қайтишида, параллел кўчишида ёки бу амалларнинг комбинациясида ўз-ўзига мослиги сақланиши

КРИСТАЛЛАР СПЕКТРИ – *KRISTALLAR SPEKTRI* – **Спектры кристаллов** – кристалл ҳолатдаги модда билан ёруғликнинг ўзаро таъсирида юзага келувчи ва тўққин узунликларининг оптик диапазонда жойлашган ютиш, қайтиш, люминесценция, фотоўтказувчанлик ва ёруғликнинг комбинациявий сочилиши спектрлари

КРИСТАЛЛАР СПЕКТРОСКОПИЯСИ – *KRISTALLAR SPEKTROKOPIYASI* – **Спектроскопия кристаллов** – кристалларнинг хоссалари ва тузилиши ҳақида маълумотлар олиш учун уларнинг турли хил оптик спектрлари ўрганиладиган спектроскопия бўлими

КРИСТАЛЛАРДАГИ БОШ КЕСИМ – *KRISTALLARDAGI BOSH KESIM* – **Главное сечение в кристалле** – 1) бир ўқли кристалларда муайян ёруғлик нури ва оптик ўқ орқали ўтувчи текислик; 2) икки ўқли кристалларда бир-бирини кесиб ўтувчи оптик ўқлар орқали ўтувчи текислик

КРИСТАЛЛИЗАЦИЯВИЙ ТўЛҚИНЛАР – *KRISTALLIZATSIVYIY TO'LOQINLAR* – **Кристаллизационные волны** – квант кристалл-ўтаоқувчан квант суюқлик бўлиниш чегарасининг даврий эриш ва кристалланиш билан боғлиқ бўлган заиф сўнувчи тебранишлари

КРИСТАЛЛИТЛАР – *KRISTALLITLAR* – **Кристаллиты** – аниқ кирраларга эга бўлмаган майда кристаллар

КРИСТАЛЛНИНГ БОШ ТЕКИСЛИГИ – *KRISTALLNING BOSH TEKISLIGI* – **Главная плоскость кристалла** – кристаллнинг оптик ўқидан ва кристалл ичидан юрувчи ёруғлик тўққини фазавий тезлиги йўналишидан ўтувчи текислик

КРИСТАЛЛНИНГ ОНТИК ўқи – *KRISTALLNING OPTIK O'QI* – **Оптическая ось кристалла** – кристаллда ёруғлик иккиланма синишга учрамасдан тарқаладиган йўналиш

КРИСТАЛЛОГРАФИК ИНДЕКСЛАР – *KRISTALLOGRAFIK INDEKSLAR* – **Кристаллографические индексы** –

фазода кристалл ёқларининг ва атом текисликларининг жойлашувини (Миллер индекслари), шунингдек, кристаллография ўқларга нисбатан кристалл қирраларининг йўналишини (Вейс индекслари) аниқловчи учта бутун сон

КРИСТАЛЛОГРАФИЯ – *KRISTALLOGRAFIYA* – кристаллар ва юнон. *grapho* – ёзаман – кристалларнинг тузилиши ҳақидаги фан

КРИТИК БОСИМ – *KRITIK BOSIM* – **Критическое давление** – модданинг критик ҳолатига мос келувчи босим

КРИТИК ЁРУҒЛАНИШИИК – *KRITIK YoRUG'LANISHLIK* – **Критическая светимость** – муайян ёруғланишга мос юлдуз моддасига нурланиш босимининг гравитация кучини мувозанатлайдиган ҳолдаги юлдузнинг критик ёруғланиши

КРИТИК ЗИЧЛИК – *KRITIK ZICHLIK* – **Критическая плотность** – модданинг критик ҳолатдаги зичлиги

КРИТИК КЎРСАТГИЧЛАР – *KRITIK KO'RSATGICHLAR* – **Критические показатели** – термодинамик катталиқларнинг 2-хил фазавий ўтиш нуктаси яқинида ҳароратга, босимга, зичликка ва бошқаларга даражали боғланишидаги даража кўрсаткичи

КРИТИК МАГНИТИК МАЙДОН – *KRITIK MAGNITIK MAYDON* – **Критическое магнитное поле** – магнитик майдон кучланганлигининг ўтаўтказгичга тўла ёки қисман киришига олиб келадиган ўзига хос қиймати

КРИТИК МАССА – *KRITIK MASSA* – **Критическая масса** – микдори ортиши билан ядроларнинг бўлиниш ядро реакцияси сўнмай қоладиган чегаравий масса

КРИТИК НУҚТА – *KRITIK NUQTA* – **Критическая точка** – термодинамик мувозанатда турган икки (ёки undan ortiq) фаза ўзининг хоссалари бўйича бирдай бўлиб қоладиган, моддаларнинг ҳолат диаграммасидаги критик ҳолатга мос нукта

КРИТИК ПАРАМЕТР – *KRITIK PARAMETR* – **Критический параметр** – ҳолат параметрининг критик нуктадаги қиймати

КРИТИК ТЕЗЛИК – *KRITIK TEZLIK* – **Критическая скорость** – муҳитнинг оқиш тезлиги товушининг ушбу муҳитдаги маҳаллий тезлигига тенглиги

КРИТИК ТОК – *KRITIK TOK* – **Критический ток** – ўтаўтказгичдаги сўнмайдиган доимий электрик токнинг ўтаўтказгични нормал ҳолатга ўтказадиган чегаравий қиймати

КРИТИК ҲАЖМ – *KRITIK HAJM* – **Критический объём** – модда критик ҳолатда эгаллаб турадиган ҳажм

КРИТИК ҲАРОРАТ – *KRITIK HARORAT* – **Критическая температура** – 1) модданинг критик ҳолатдаги ҳарорати; 2) ўтказгичнинг ўтаўтказувчан ҳолатдан нормал ҳолатга ўтиш ҳарорати

КРИТИК ҲОДИСАЛАР – *KRITIK HODISALAR* – **Критические явления** – иккинчи жисм фазавий ўтишларда критик нукталар ва ҳароратлар яқинида кузатиладиган ўзига хос ҳодисалар

КРИТИК ҲОЛАТ – *KRITIK HOLAT* – **Критическое состояние** – бир-бири билан мувозанатда (масалан, суюқлик ва унинг буғи, икки суюқлик орасида ва б.), фазалар орасидаги фарқнинг йўқолишидан ҳосил бўладиган модда (ёки моддалар аралашмаси) ҳолати

КРОНИГ-ПЕННИ МОДЕЛИ – *KRONIG-PENNI MODELI* – **Модель Кронига-Пенни** – кристалларда энергиявий зоналарнинг вужудга келиши табиатини таъкин қилиб берувчи, электронларнинг даврий майдонлардаги ҳаракатининг бир ўлчовли, аниқ ечилинадиган модели

КРОССОВЕР – *KROSSOVER* – ўлчами бир ёки икки кўндаланг ўқлар бўйича минимал бўлган дастанинг торайиши

К-ТУТИЛУВ – *K-TUTILUV* – **К-захват** – атом ядроларининг радиофаол емирилиш тури; атом ядроси атомнинг ядрога энг яқин электрон қобигидан электронни тортиб олиши билан боғлиқ

КУЛОН ҚОНУНИ (ИШҚАЛАНИШДА) – *KULON QONUNI (ISHQALANISHDA)* – **Закон Кулона (о трении качения)** – думалаб ишқаланиш кучини, нормал босим кучини ва ясси сиртда думаланаётган цилиндр ёки шарнинг радиусини боғловчи қонун

КУЛОН ҚОНУНИ (МАГНИТО-СТАТИКАДА) – *KULON QONUNI (MAGNITOSTATIKADA)* – **Закон Кулона** (в магнитоэлектронике) – вакуумдаги икки магнитик кутбнинг ўзаро таъсир кучи магнитик массалар кўпайтмасига тўғри мутаносиб ва улар орасидаги масофага тесқари мутаносиб, дейилувчи қонун

КУЛОН ҚОНУНИ (ЭЛЕКТРОСТАТИКАДА) – *KULON QONUNI (ELEKTROSTATIKADA)* – **Закон Кулона** (в электростатике) – вакуумдаги икки кўзғалмас нуқтавий электрик заряднинг ўзаро таъсир кучи зарядлар кўпайтмасига тўғри мутаносиб ва улар орасидаги масофага тесқари мутаносиб, дейилувчи қонун

КУЛРАНГ ЖИСМ – *KULRANG JISM* – **Серое тело** – ютилиш коэффициентини ёруғлик тўлқинининг узунлигига, тарқалиш ва кутбланиш йўналишларига боғлиқ бўлмаган ҳолда қиймати бирдан кичик бўладиган жисм

КУМЕТР – *KUMETR* – электрик занжирлар элементларининг аслигини ўлчаида ишлатилувчи асбоб

КУМУЛЯТИВ ЖАРАЁН – *KUMULYATIV JARAYoN* – **Кумулятивный процесс** – атом ядросининг тинч ҳолатда турган битта ядро нуклонин билан тўқнашувида кинематик мумкин бўлган соҳадан анча ташқарида иккиламчи элементар зарранинг ҳосил бўлиши инклюзив (*франц. inclino* – ўз ичига оладиган) жараёни

КУМУЛЯТИВ САМАРА – *KUMULYATIV SAMARA* – *лот. simulatio* – **тўпланиш, йиғилиш** – **Кумулятивный эффект** – портлов таъсирининг бирор муайян йўналишда жиддий ортиши

КУМУЛЯЦИЯ – *KUMULYATSIYA* – *лот. simulatio* – **тўпланиш, йиғилиш** – портловчи модда зарядига махсус шакл бериш орқали муайян йўналишда портлов таъсирини кескин ошириш

КУПЕР ЖУФТИ – *KUPER JUFTI* – **Куперовская пара** – икки фермионнинг Ферми-суюқликка айланиши, масалан, металлдаги *Бозе-Эйнштейн тақсимоти*га бўйсунувчи икки электроннинг металллардаги ўтаўтқазувчанликни ҳамда гелийнинг ўтақувчанлигини таъминловчи қўшилувчи

КУПЕР САМАРАСИ – *KUPER SAMARASI* – **Эффект Купера** – фермионларнинг айнаган тизимида улар орасида жула заиф тортилиш борлигидаёқ зарраларнинг боғланган жуфтлари вужудга келиши

КУТУВЧИ ҚУРИЛМА – *KUTUVCHI QURILMA* – **Ждущее устройство** – тапқи ишга туширувчи сигнал берилганда бошланғич турғун ҳолатдан квазитурғун ҳолатга ўтиб, сўнгра ички жараёнлар таъсирида бошланғич ҳолатга қайтадиган импульс электрон схемаси

КУЧ – *KUCH* – **Сила** – моддий нуқтага ёки жисмга бошқа жисмлар ёки майдонлар томонидан механик таъсир меъёри

КУЧ ЕЛКАСИ – *KUCH YELKASI* – **Плечо силы** – куч моментини ҳисобланаётган нуқтадан куч таъсири йўналган тўғри чизикка туширилган тик чизик узунлиги

КУЧ ИМПУЛЬСИ – *KUCH IMPULSI* – **Импульс силы** – кучнинг таъсир ўлчови; куч ўртача қийматининг унинг таъсир вақтига кўпайтмаси билан ўлчанади

КУЧ МАЙДОНИ – *KUCH MAYDONI* – **Силовое поле** – фазонинг унга киритилган қисмларга кучлар таъсир қилувчи бир қисми

КУЧЛАНИШ КўНАЙТИРГИЧИ – *KUCHLANISH KO'RAYTIRGICHI* – **Умножитель напряжений** – ўзгарувчан ток тўғрилагичи ёрдамида тўғрилланган кучланишнинг кўп қаррали оширилишига эришиш имконини берувчи қурилма

КУЧЛАНИШЛАР ЖАДАЛЛИГИ – *KUCHLANISHLAR JADALLIGI* – **Интенсивность напряжений** – нуқтада бош кучланиш ўқларига бирдай қияланган элементар юзачадаги уринма кучланишнинг ифодаловчи катталиқ

КУЧЛАНИШЛАР РЕЗОНАНСИ – *KUCHLANISHLAR REZONANSI* – **Резонанс напряжений** – индуктивлик галлагини ва электрик конденсаторни кетма-кет улаганда электрик занжирда юзага келувчи *резонанс*

КУЧЛАНИШЛАР РЕЛАКСАЦИЯСИ – *KUCHLANISHLAR RELAKSATSIYASI* – **Релаксация напряжений** – жисм деформацияси ўзгармагани ҳолда бундай

жисмларда вақт ўтиши билан механик кучланишларнинг ўз-ўзидан пасайиши

КУЧЛАНИШЛАРНИ ЙИГИШ – *KUChLANISHLARNI YIG'ish* –

Концентрация напряжений – жисмнинг сирти ёки кесими шакли кескин ўзгарган жойлар яқинидаги кичик соҳаларда механик кучланишларнинг кучайиши

КУЧЛАНИШНИ БЎЛГИЧ – *KUChLANISHNI BO'LGICH* – Делитель напряжений – кучланишни берилган сон марта пасайтирувчи электротехник қурилма

КУЧЛАР ЖУФТИ – *KUChLAR JUFTI* –

Пара сил – қаттиқ жисмга таъсир қилувчи, қатталиклари бирдай ҳамда параллел, бироқ қарама-қарши йўналган икки куч тизими

КУЧЛАР КЎПБУРЧАГИ – *KUChLAR KO'PBURChAGI* – Многоугольник сил – кучлар тизимининг геометрик йиғиндисини аниқлашнинг график тузимаси

КУЧЛАР МАРКАЗИ – *KUChLAR MARKAZI* – Центр сил – марказий кучларнинг кесилиш нуктаси

КУЧЛАР ПАРАЛЛЕЛОГРАММИ – *KUChLAR PARALLELOGRAMMI* – Параллелограмм сил – кучларни қўшиш қонунини ифодаловчи геометрик тузилиш

КУЧЛАР ТАЪСИРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАМОЙИЛИ – *KUChLAR TA'SIRINING MUSTAQILLIGI TAMOYILI* – Принцип независимости действия сил – моддий нуктага таъсир қилувчи кучларнинг ҳар бири нуктага худди бошқа кучлар йўқлиги ҳолидагидек таъсир беради, дейилувчи даъво

КУЧЛАР ТИЗИМИНИНГ БОШ ВЕКТОРИ – *KUChLAR TIZIMINING BOSh VEKTORI* – Главный вектор системы сил – тизимга қирувчи барча кучларнинг вектор йиғиндисига тенг вектор

КУЧЛАРНИ КЕЛТИРИШ – *KUChLARNI KELTIRISH* – Приведение сил – қаттиқ жисмга қўйилган кучлар тизимини бошқа, унга тенг қийматли, хусусан, энг содда тизимга айлантириш

КУЧЛАРНИ ҚЎШИШ – *KUChLARNI QO'ShISH* – Сложение сил – кучлар тизимининг бош векторини аниқлаш амали

КУЧЛАРНИНГ БОШ МОМЕНТИ – *KUChLARNING BOSh MOMENTI* –

Главный момент сил – тизимнинг моддий нукталарига бирор қўзғалмас нуктага нисбатан таъсир қилаётган ташқи кучлар моментлари йиғиндиси

КУЧЛИ ТОК ТЕЗЛАТГИЧИ – *KUChLI TOK TEZLATGICH* –

Сильноточный ускоритель – зарралари энергияси 10^9 эВ дан ортиқ бўлган, $J > 10^4$ А токли қудратли зарядланган зарралар оқими ҳосил қилувчи қурилма

КУЧЛИ ФОКУСЛАШ – *KUChLI FOKUSLASH* – Сильная фокусировка – бетатрон тебранишларининг такрорийлиги зарядланган зарранин айланиш такрорийлигидан ағча катта булган ҳолдаги фокуслаш

КУЧЛИ ЛЕГИРЛАНГАН ЯРИМ-ЎТКАЗГИЧ – *KUChLI LEGIRLANGAN YARIMO'TKAZGICH* – Сильнолегированный полупроводник – жуда катта концентрацияли киришмалар (ёки кристалл панжаранинг тузилмавий нуксонлари)га эга бўлиб, қўшни киришма атомлар орасидаги масофаларнинг кичиклигидан улар яқинида жойлашган электронларнинг куч майдонлари ва тўлқин функциялари бир-бирини ёпадиган яримўтказгич

КУЧЛИ ЎЗАРО ТАЪСИР – *KUChLI O'ZARO TA'SIR* –

Сильное взаимодействие – бир нечта фемтометрдан кичик масофаларда адронлар орасидаги ўзаро таъсир; хусусан, атом ядроларидаги нуклонларнинг ўзаро боғланишини таъминлайди

КУЧНИ АЖРАТИШ – *KUChNI AJRATISH* – Разложение силы – қаттиқ жисм нуктасига қўйилган кучнинг механик таъсирини ўзгартирмаган ҳолда уни ўша жисмнинг бир нечта нукталарига қўйилган кучлар билан алмаштириш

КУЧНИНГ ИШИ – *KUChNING ISHI* –

Работа силы – кучнинг таъсири мезони; куч қўйилиш нуктасининг кўчиши йўналишига проекциясининг шу кўчиш қатталигига қўпайтмасига тенг

КУЧНИНГ ТАЪСИР ЧИЗИҒИ – *KUChNING TA'SIR CHIZIG'I* –

Линия действия силы – куч вектори йўналдиган чизик

КУЧСИЗ ФЕРРОМАГНЕТИЗМ – *KUCHSIZ FERROMAGNETIZM* – Слабый ферромагнетизм – баъзи бир интерферромагнетизмларда кичик ўз-ўзидан магнитланганликнинг мавжуд бўлиши

КУЧСИЗ ФОКУСЛАШ – *KUCHSIZ FOKUSLASH* – Слабая фокусировка – бетатрон тебранишларининг такрорийлиги зарядланган зарранинг айланиш такрорийлигидан катта бўлмаган ҳолдаги фокуслаш

КЮРИ (Ku, Cu) – *KYuRI* – радиофаол манбада нуклид фаоллиги (изотоп фаоллиги)нинг тизимдан ташқари бирлиги. $1\text{Ku}=3,700\cdot 10^{10}\text{Бк}$ (беккерел)

КЮРИ НУҚТАСИ – *KYuRI NUQTASI* – Точка Кюри – муайян доимий термодинамик параметрлар (босим, магнитик майдон, электрик майдон ва б.)да ҳароратнинг ўзгариши туфайли каттик жисмларда тартибланган ҳолатнинг вужудга келиши (бузилиши) билан боғлиқ иккинчи жинс фазавий ўтишлар эгри чизигидаги нукта

КЮРИ ТАМОЙИЛИ – *KYuRI TAMOYILI* – Принцип Кюри – кристалл ташқи таъйик остида ўзининг нуктавий симметриясини фақат таъйик симметрияси элементлари билан умумий бўлган симметрия элементларининггина сақлаб қоладиган қилиб ўзгартиришидан иборат жараён

КЮРИ ҚОНУНИ – *KYuRI QONUNI* – Закон Кюри – парамагнетиклар магнитик қабулчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги

КЮРИ ҲАРОРАТИ – *KYuRI HARORATI* – Температура Кюри – 1) иккинчи жинс фазавий ўтиш ҳароратининг умумий номи; 2) ферромагнетикнинг парамагнетикка фазавий ўтиш ҳарорати; 3) сегнето-электрикларда ўз-ўзидан қутбланиш йўқоладиган ҳарорат

КЎЗ – *KO'Z* – Глаз – оптик ва физиологик тизимлар тўшамини ташқил қилувчи кўриш аъзоси

КЎЗ АСТИГМАТИЗМИ – *KO'Z ASTIGMATIZMI* – Астигматизм глаза – кўз оптик тизимининг турли йўналишларида синдириш кучи бирдай бўлмаслигидан иборат кўз нуксон

КЎЗ КОНВЕРГЕНЦИЯСИ – *KO'Z KONVERGENSIYASI* – Конвергенция глаза – яқин жойлашган объектлар қотириб қўйилганда иккала кўзнинг кўриш ўқлари устма-уст тушиши

КЎЗ ҚОРАЧИГИ (ҚОРАЧИҚ) – *KO'Z QORACHIG'I (QORACHIQ)* – Зрачок – кўзнинг ичига ёрулик ўтадиган рангдор пардалаги доиравий тиркиш

КЎЗГУ – *KO'ZGU* – Зеркало – ёруглик нурларини қайтариб оптик тасвир ҳосил қилиш қобилиятига эга сайқалланган сиртли жисм

КЎЗГУ АНТЕННА – *KO'ZGU ANTENNA* – Зеркальная антенна – йўналганлик диаграммаси қайтарувчи сиртлар ёрдамида шаклантирилувчи антенна

КЎЗГУ СИММЕТРИЯ – *KO'ZGU SIMMETRIYA* – Зеркальная симметрия – фазовий *инверсия*га нисбатан симметрия

КЎЗГУ СИММЕТРИЯ ҚОИДАСИ – *KO'ZGU SIMMETRIYA QOIDASI* – Правило зеркальной симметрии – ютилиш чизиклари ва люминесценциянинг узаро жойлашув қоида

КЎЗГУ ЯДРОЛАР – *KO'ZGU YADROLAR* – Зеркальные ядра – протонларни нейтронлар билан алмаштирилганда бир-бирига айланувчи ядро-изобаралар

КЎЗГУ ҚАЙТИШ – *KO'ZGU QAYTISH* – Зеркальное отражение – икки мухитнинг бўлиниш сиртидан, улчовлари тушувчи тўлқин узунлигидан кичик бўлган нотекистиклардан тўлқинларнинг қайтиши; бунда қайтган тўлқиннинг йўналиши қайтиш қонуни билан аниқланади

КЎЗГУ-ЛИНЗА ТИЗИМИ – *KO'ZGU-LINZA TIZIMI* – Зеркально-линзовая система – қайтарувчи ва синдирувчи сиртларга эга бўлган оптик тизим

КЎЗНИНГ ЁРУҒЛИККА СЕЗГИРЛИГИ – *KO'ZNING YORUG'LIKKA SEZGIRLIGI* – Световая чувствительность глаза – бўсағавий контрастга тесқари катталиқ

КЎЗНИНГ РАНГДОР ПАРДАСИ – *KO'ZNING RANGDOR PARDASI* – Радужная оболочка глаза – кўз сертомир қобиғининг олдинги қисми

КЎЗНИНГ СПЕКТРАЛ СЕЗГИРЛИГИ – *KO'ZNING SPEKTRAL SEZGIRLIGI* – Спектральная чувствительность глаза – кўзнинг турлича тўлқин узунлидаги монохроматик нурланишларга сезгирлиги

КЎНДАЛАНГ МАССА – *KO'NDALANG MASSA* – Поперечная масса – куч нормал ташкил килувчисининг зарра нормал телланишига нисбати билан аниқланувчи инерт масса

КЎНДАЛАНГ РЕЛАКСАЦИЯ – *KO'NDALANG RELAKSATSIYA* – Поперечная релаксация – магнитланганлик кўндаланг ташкил килувчисининг йўқолиш жараёни

КЎНДАЛАНГ ТЕБРАНИШЛАР – *KO'NDALANG TEBRANISHLAR* – Поперечные колебания – зарядланган зарраларнинг даста ўқига тик тебраниши

КЎНДАЛАНГ ТУРГУНЛИК – *KO'NDALANG TURGU'NLIK* – Поперечная устойчивость – зарядланган зарранинг даста ўқига тик йўналишдаги харакатининг турғунлиги

КЎНДАЛАНГ ТЎЛҚИН – *KO'NDALANG TO'LQIN* – Поперечная волна – мухит ҳолатининг ўзгаришларини ифодаловчи вектор катталиги тўлқиннинг тарқалиш йўналишига тик бўлган текисликда ётувчи тўлқин

КЎНДАЛАНГ КИСИЛИШ КОЭФФИЦИЕНТИ – *KO'NDALANG QISILISH Koeffitsienti* – Коэффициент поперечного сжатия – нисбий кўндаланг деформациянинг нисбий бўйлама деформацияга нисбатига тенг катталик

КЎНДАЛАНГИГА КАТТАЛАШИШ – *KO'NDALANGIGA KATTALASHISH* – Поперечное увеличение – оптик ўқка тик кесма тасвири узудлигининг шу кесма узунлигига нисбати

КЎП ЗАРРАЛАР КВАНТ НАЗАРИЯСИ – *KO'P ZARRALAR KVANT NAZARIYASI* – Квантовая теория многих частиц – иккитадан ортик зарралардан ташкил толган квантмеханик тизимларни тавсифлашга мўлжалланган квант назарияси бўлими

КЎПАЙТИРИШ СОҲАСИ – *KO'PAYTIRISH SOHASI* – Зона воспроизводства – ядровий реакторда

кўпайтиригичнинг бўлинувчи ядролар ишлаб чиқариладиган соҳаси

КЎПЛАБ ТУҒИЛИШ – *KO'PLAB TUG'ILISH* – Множественное рождение – адронлар ва бошқа зарраларнинг юқори энергиялар(бир неча гигаэлектронвольт ва ундан юқори қийматлар)да битта тўқнапиш жараёнида кўп сонли адронларнинг вужудга келиши

КЎПЛИК ЖАРАЁНЛАРИ – *KO'PLIK JARAYONLARI* – Процессы множественности – юқори энергияда битта ўзаро таъсир жараёнида кўп сонли иккиламчи адронларнинг ҳосил бўлиши

КЎП ФОТОНЛИ ЖАРАЁН – *KO'P FOTONLI JARAYON* – Многофотонный процесс – электромагнитик нурланишнинг модда билан ўзаро таъсирида юз берувчи битта элементар ҳодисада бир нечта фотон ютилиши ёки чиқарилишдан иборат жараёнлар

КЎП ФОТОНЛИ ИОНЛАНИШ – *KO'P FOTONLI IONLANISH* – Многофотонная ионизация – атом ёки молекуланинг бир вақтда бир нечта фотонни ютиши натижасида юз берувчи ионланиш

КЎП ЎЛЧОВЛИ ФАЗО – *KO'P O'LCHOVLI FAZO* – Многомерное пространство – физикавий тизимнинг ҳолатини аниқловчи ўзгарувчан катталар жойлашган соҳаларнинг геометрик образи; бу кўп ўлчовли фазонинг координаталари вазифасини шу ўзгарувчиларнинг қиймати ўтаб, унинг ҳар бир нуқтасига қандайдир ҳолат мос келали

КЎРИНИШЛИК ЭГРИ ЧИЗИҒИ – *KO'RINISHLIK EGRI Chizig'i* – Кривая видности – монохроматик нурланиш ёруғлик оқимининг тегишли нурланиш тула оқимига нисбати нурланиш тўлқин узунлигига боғлиқлиги

КЎРИНУВЧАН ҚИЛИШ – *KO'RINUVCHAN QILISH* – Визуализация – манбанинг кўринмайдиган нурланиш майдонини кўринадиган тасвирга айлантириш

КЎРИНУВЧАН КАТТАЛАШТИРИШ – *KO'RINUVCHAN KATTALASHTIRISH* – Видимое увеличение – оптик тизим ҳосил қилган тасвирнинг кузатувчи кузи кўрадиган бурчак тангенсин билан буюм-

нинг қуроиланмаган кўзга кўринадиган бурчаги тангенс орасидаги нисбат
КЎРИНУВЧАН НУРЛАНИШ – *KO'RINUVCHAN NURLANISH* – Видимое излучение – 0,40 дан 0,76 мкм гача ораликдаги тўлқинлар узунликлари билан тавсифланувчи оптик нурланиш
КЎРИШ – *KO'RISH* – Зрение – инсоннинг турли буюмлардан равшанлик, ранг ва шакл ҳислари тарзида келувчи ёруғликни қабул қилиш орқали атроф-муҳит ҳақида турли-туман маълумотларни олиш қобилияти
КЎРИШ БУРЧАГИ – *KO'RISH BURChAGI* – Угол зрения – буюм ёки унинг тасвири чекка нукталардан чиқувчи нурларнинг кўз марказида учрашув бурчаги
КЎРИШ ИНЕРЦИЯСИ – *KO'RISH INERTSIYASI* – Инерция зрения – кўзнинг ёруғлик шароитлари ўзгаришларини кечикиб сезиш хоссаси
КЎРИШ МАЙДОНИ – *KO'RISH MAYDONI* – Поле зрения – фазонинг оптик тизим томонидан тасвирланаётган қисми
КЎРИШ НАЙИ – *KO'RISH NAYI* – Зрительная труба – узокдаги буюмларни визуал кузатиш оптик асбоби (телескоп, дурбин, перископ ва б.)
КЎРИШ СОҲАСИ ДИАФРАГМАСИ – *KO'RISH SOHASI DIAFRAGMASI* – Диафрагма области видимости – кўриш соҳасини чегараловчи *диафрагма*
КЎРИШ ЎТКИРЛИГИ – *KO'RISH O'TKIRLIGI* – Острота зрения – кўзнинг қаралаётган буюмларнинг майда қисмларини ажрата олиш қобилияти; у кўз иккита буюм оралигини кўриши мумкин бўлган энг кичик бурчакка тесқари катталиқ билан ифодаланadi
КЎРИШ ЎҚИ – *KO'RISH O'QI* – Зрительная ось – қаралаётган буюмлар кўз билан қайд қилинадиган кўз пардаси марказий чизиқчаси ўртасидан ўтувчи чизиқ
КЎРИШГА МОСЛАШУВ – *KO'RISHGA MOSLASHUV* – Зрительная адаптация – кўзнинг ёруғликка сезгирлиги ўзгариши билан ифодаланувчи, таъсир қилувчи ёруғлик жадаллигига мослашиш
КЎТАРИШ КУЧИ – *KO'TARISH KUCHI* – Подъёмная сила – газ ёки суюқликда ҳаракатланаётган жисмга

таъсир қилувчи тула босим кучининг жисм тезлигига тик йўналган ташқил қилувчиси
КЎЧИРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ – *KO'ChIRILISH JARAYONLARI* – Процессы переноса – тизимда масса, импульс, энергия, энтропия ёки бошқа физикавий катталиқларнинг фазовий кўчишига олиб келувчи қайтмас жараёнлар
КЎЧИРИЛИШ ҲОДИСАЛАРИ – *KOChIRILISH HODISALARI* – Явления переноса – бирор физикавий катталиқ (энергия, электрик заряд, импульс ва ҳ.к.)нинг фазовий кўчишига олиб келувчи, ташқи куч майдонлари ёки таркиб, ҳарорат ва бларнинг фазовий нобиржинслиги мавжудлиги туфайли юзага келувчи қайтмас жараёнлар
КЎЧИШ – *KO'ChISH* – Перемещение – ҳаракатланаётган моддий нукта бирор вақт оралигининг бошланғич пайтида эгаллаб турган нуктасидан шу вақт оралигининг охирида эгаллаган ҳолатга ўтказилган вектор
КЎЧКИ РАЗРЯД – *KO'ChKI RAZRYAD* – Лавинный разряд – газдаги ионланишда юзага келувчи электронлар келгусида ўзлари навбатдаги ионланишларни вужудга келтирадиган электрик разряд
КЎЧКИ-УЧУВ ДИОДИ – *KO'ChKI-UChUV DIODI* – Лавиннопролетный диод – ўта юқори такрорлиқ диапазонда кўчки-учув нотурғунликнинг ривожланиши оқибатида манфий дифференциал қаршиликка эга бўладиган яримўтказгич диод
КЎЧМА ТЕЗЛАНИШ – *KO'ChMA TEZLANISH* – Переносное ускорение – 1) нисбий санок тизимнинг мутлақ санок тизимга нисбатан тезланиши; 2) мутлақ тезланишнинг кўчма тезликнинг ўзгариши билан боғлиқ ташқил қилувчиси
КЎЧМА ТЕЗЛИК – *KO'ChMA TEZLIK* – Переносная скорость – 1) нисбий санок тизими нукталарининг мутлақ санок тизимига нисбатан тезлиги; 2) нукта мутлақ тезлигининг кўчма ҳаракат билан боғлиқ ташқил қилувчиси
КЎЧМА ҲАРАКАТ – *KO'ChMA HARAKAT* – Переносное движение – ҳаракатчан санок тизимининг муайян пайтда қаралаётган нукта ўтаётган кичик соҳасининг мутлақ ҳаракати

ЛАВАЛ НАЙИ – *LAVAL NAY* – Соғло **Лаваля** – биринчи (тораяётган) қисмида газ оқимининг тезлиги шу жойдаги товуш тезлигича ортадиган ва иккинчи (кенгаяётган) қисмида тезлик яна ортадиган геометрик қурилма (соғло)

ЛАГРАНЖ ФУНКЦИЯСИ – *LAGRANJ FUNKSIYASI* – **Функция Лагранжа** – механик тизимнинг умумлашган координаталар, умумлашган тезликлар ва вақт орқали ифодаланган ҳос функцияси

ЛАЗЕР – *LAZER* – инг. *laser* – *Light Amplification by Stimulated Emission of Radiation* – “мажбурий нурланиш туйфайли ёруғликнинг кучайиши” сўзларининг бош ҳарфларидан – оптик резонаторда жойлашган фаол муҳитнинг мажбурий нурланиши натижасида когерент электромагнитик тўлқинлар чиқарувчи **квант генератор**

ЛАЗЕР ГИРОСКОП – *LAZER GIROSKOP* – **Лазерный гироскоп** – ишлаши ёпиқ канал бўйича бир-бири томон учувчи икки лазер дастасидан фойдаланишга асосланган **квант гироскоп**

ЛАЗЕР КИМЁСИ – *LAZER KIMYO SI* – **Лазерохимия** – лазер нурланиши рағбатлантирадиган кимёвий реакцияларни ҳамда кимёвий лазерларда фаол муҳитни вужудга келтирадиган кимёвий жараёнларни ўрганадиган кимёвий физика соҳаси

ЛАЗЕР МИКРОПРОЕКТОР – *LAZER MIKROPROEKTOR* – **Лазерный микропроектор** – олиннадиган тасвирларнинг равшанлигини ошириш учун рағбатлантирилган (мажбурий) нурланиш асосида ишловчи равшанлик кучайтиргичидан фойдаланиладиган проекциявий заррабин

ЛАЗЕР ПЛАЗМАСИ – *LAZER PLAZMASI* – **Лазерная плазма** – кудратли лазер нурланиш моддага таъсир қилганда вужудга келадиган нобарқарор плазмавий муҳит

ЛАЗЕР СПЕКТРОСКОПИЯ – *LAZER SPEKTROSKOPIYA* – **Лазерная**

спектроскопия – лазер нурланиш ёрдамида олинган ёруғликнинг чиқариш, ютилиш ва сочилиш спектрларини ўрганувчи **спектроскопия** бўлими

ЛАЗЕР ТЕРМОЯДРО СИНТЕЗИ – *LAZER TERMOYADRO SINTEZI* – **Лазерный термоядерный синтез** – моддани лазер ёруғлиги ёрдамида нурлантириб сикишда юқори ҳарорат ҳосил қилиш орқали вужудга келтирилган **термоядервий синтез**

ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯ – *LAZER TEXNOLOGIYA* – **Лазерная технология** – лазерлардан фойдаланиб материаллар ва буюмларга ишлов бериш йўллари ва усуллари мажмуи

ЛАЗЕР ЎТИШ – *LAZER O'TISH* – **Лазерный переход** – атом ёки молекула энергия сатҳлари орасида лазернинг нурланиш генерациясини таъминлайдиган ўтиш

ЛАЗЕР ШИШАЛАР – *LAZER SHISHALAR* – **Лазерное стекло** – каттик жисм; лазерларнинг фаол муҳити турларидан бири

ЛАЙМАН СЕРИЯСИ – *LAYMAN SERIYASI* – **Серия Лаймана** – водород атоми (ва водородсимон ионлар) спектрдаги ультрабинафшавий соҳада жойлашган спектрал серия

ЛАМБЕРТ (Лб, Lb) – *LAMBERT (Lb, Lb)* – равшанлик (одатда, ёруғлик сочувчи сирт равшанлиги)нинг тизимдан тапқари бирлиги, $1 \text{ Лб} \sim 3,18 \cdot 10^3 \text{ кг/м}^2 \sim 0,308 \text{ стильб} \sim 10^4 \text{ апостильб}$

ЛАМБЕРТ ҚОНУНИ – *LAMBERT QONUNI* – **Закон Ламберта** – ёруғлик сочувчи (диффуз) сиртнинг равшанлиги барча йуналишларда бирдай бўлади, деб таъкидловчи қонун

ЛАМЕ ДОИМИЙСИ – *LAME DOIMIYSI* – **Постоянная Ламе** – изотроп модданинг қайишоқлик хоссаларини ифодаловчи катталиқлар

ЛАМИНАР ОҚИШ – *LAMINAR OQISH* – лот. *lamina* – **пластинка, йўл** – **Ламинарное течение** – суюқлик ёки

газнинг оқиш йўналишига параллел қатламланиб тартибли оқиши
ЛАМПА – *LAMPA* – 1) ёруғлик манбаи; 2) электрик вакуум асбоб
ЛАМПАЛИ ГЕНЕРАТОР – *LAMPALI GENERATOR* – Ламповый генератор – электрон лампалардан фойдаланиладиган электромагнитик тўлкинлар манбаи
ЛАМПАНИНГ ЁПИЛИШ КУЧЛАНИШИ – *LAMPANING YoPILISH KUCHLANISHI* – Напряжение записания лампы – анод токи тўла ёпиладиган тўр кучланиши
ЛАНДАУ ДИАМАГНЕТИЗМИ – *LANDAU DIAMAGNETIZMI* – Диамагнетизм Ландау – модал эркин электронларининг ташқи магнитик майдон таъсирида квантланган спирал орбиталар бўйича ҳаракати натижасида вужудга келувчи *диамагнетизм*
ЛАНДАУ САТҲЛАРИ – *LANDAU SATHLARI* – Уровни Ландау – магнитик майдонга тик текисликда ҳаракатланувчи зарядланган зарралар (электронлар, ионлар ва б.) электронларининг квантланган қийматлари
ЛАНДАУ СЎНИШИ – *LANDAU SO'NISHI* – Затухание Ландау – зарраларнинг тебраниш такрорийликлари ёки айланиш такрорийликлари бўйича *дисперсияси* туфайли когерент нотурғунликнинг сусайиши
ЛАНДАУ-ЛИФШИЦ ТЕНГЛАМАСИ – *LANDAU-LIFSHITS TENGLAMASI* – Уравнение Ландау-Лифшица – ферромагнитик магнитланган векторининг магнитик майдонда сочилувсиз ҳаракатининг макроскопик тенгламаси
ЛАНДАУНИНГ ЎТАОҚУВЧАНЛИК НАЗАРИЯСИ – *LANDAUNING O'TAOQUVCHANLIK NAZARIYASI* – Теория сверхтекучести Ландау – Не II квант суюқликнинг, яъни λ ўтиш деб аталувчи ҳолатдан пастдаги ҳароратлардаги (гелийнинг тўйинган бузлари босимида $T_\lambda=2.17\text{K}$) суюқ гелийнинг ўтаоқувчанлик хоссаларини тушунтириш учун Л.Д.Ландау тавсия қилган назария
ЛАНДЕ КЎПАЙТИРУВЧИСИ – *LANDE KO'PAYTIRUVCHISI* – Множитель Ланде – атом энергия

сатҳларининг магнитик майдонда ажралиши формуласидаги ажралини кўламини аниқловчи кўпайтирувчи
ЛАНЖЕВЕН ТЕНГЛАМАСИ – *LANJEVEN TENGLAMASI* – Уравнение Ланжевена – термостат зарралари билан ўзаро таъсирлашувчи макроскопик жисмининг ҳаракат тенгламаси
ЛАНЖЕВЕН-ДЕБАЙ ФОРМУЛАСИ – *LANJEVEN-DEBAY FORMULASI* – Формула Ланжевена-Дебая – кутбый диэлектрик синдирувчанлигининг уни ташкил қилган молекулаларнинг дипол электрик моментига боғланишини ифодаловчи формула
ЛАПЛАС БОСИМИ – *LAPLAS BOSIMI* – Лапласово давление – суюқликка унинг сирт таранглиги ва сирт эгрилиги билан боғлиқ қўшимча босим
ЛАПЛАС ҚОНУНИ – *LAPLAS QONUNI* – Закон Лапласа – капилляр босимнинг икки суюқлик ёки суюқлик ва газнинг ажралиш сиртидаги тарангликка ва сиртнинг уртача эгрилигига тўғри муносаиб боғланиши
ЛАРМОР ПРЕЦЕССИЯСИ – *LARMOR PRETSESSIYASI* – Ларморова прецессия – тизимга бир жинсли магнитик майдон берилганда шу майдон йўналиши атрофида бирдай зарядланган зарраларнинг бутун тарзда қўшимча айланиши
ЛАРМОР ТАКРОРИЙЛИГИ – *LARMOR TAKRORIYLIGI* – Ларморовская частота – Лармор прецессиясининг бурчағий тезлиги
ЛАУЭ УСУЛИ – *LAUE USULI* – Метод Лауэ – рентген нурларининг *дифракцияси* усули билан монокристалларни тадқиқ қилиш усули
ЛАУЭГРАММА – *LAUEGRAMMA* – монокристаллнинг узлуксиз спектрли рентген нурлари ёрдамида олинган дифракциявий таъсир
ЛЕ ШАТЕЛЬЕ-БРАУН ТАМОЙИЛИ – *LE SHATELYE-BRAUN TAMOYILI* – Принцип ле Шателье-Брауна – тизимни термодинамик мувозанат ҳолатидан чиқарувчи ташқи таъсир самарасини заифлаштиришга қаратилган жараёнларни юзага келтиради, дейилувчи даъво
ЛЕВШИН ҚОНДАСИ – *LEVSHIN QOIDASI* – Правило Левшина –

ютилиш ва люминесценция спектрларининг жойлашув қондаси

ЛЕНГМЮР ТЎЛҚИҲЛАРИ – *LENGMYUR TO'LQINLARI* – Волны Ленгмюра – плазмада электрон зичлигининг кундаланг тебранишлари

ЛЕНГМЮР ФОРМУЛАСИ – *LENGMYUR FORMULASI* – Формула Ленгмюра – вакуумда иккита электрод орасидаги электрик токнинг улар орасидаги потенциаллар айирмасига боғланишни ифодаловчи формула

ЛЕНГМЮР-САҲА ТЕНГЛАМАСИ – *LENGMYUR-SAH TENGLAMASI* – Уравнение Ленгмюра-Саха – ионланиш даражасининг металл сирти ҳароратида, унинг чиқиш ишига ва ионланувчи атомларнинг ионланиш потенциалига боғланишни аниқловчи тенглама

ЛЕНЦ ҚОНДАСИ – *LENS QOIDASI* – Правило Ленца – электромагнитик индукция ҳодисаси туфайли юзага келувчи индукция токининг йўналишини аниқловчи қоида

ЛЕПТОКВАРЛАР – *LEPTOKVARKLAR* – Лептоқварки – спини 1 га тенг бўлган фаразий элементар зарралар гуруҳининг умумий номи; уларни чиқариш ёки ютиш лептонларни кваркка ёки аксига ўтказида

ЛЕПТОН ЗАРЯДИ – *LEPTON ZARYADI* – Лептонный заряд – лептонларнинг ички тавсифларидан бири; лептонлар заряди $L=+1$ ва антилептонлар учун $L=-1$

ЛЕПТОН СОНИ – *LEPTON SONI* – Лептонное число – лептонларнинг ҳар бир оиласи (авлоди) учун хос бўлган аддитив ички квант сон

ЛЕПТОНЛАР – *LEPTONLAR* – Лептоны – кучли ўзаро таъсирда иштирок этмайдиган элементар зарраларнинг умумий номи

ЛИБРОН – *LIBRON* – молекуляр кристаллнинг молекула ўқларининг мувозанат ориентациясидан бир вақтда огиши билан юз берувчи ориентация (либрациявий) элементар уйғонишига мос келувчи квазизарра

ЛИНЗАВИЙ АНТЕННА – *LINZAVIY ANTENNA* – Линзовая антенна – оптик

линза жараёнида ишловчи, яъни электромагнитик тулкининг фазовий фронтини ўзгартириб борувчи антенна қурилмаси

ЛИНЗАНИНГ БОШ ОПТИК ҲЎҚИ – *LINZANING BOSH OPTIK O'QI* – Главная оптическая ось линзы – линзани чекловчи сиртларнинг эгрилик марказларидан ўтуви тўғри қизик

ЛИНЗАНИНГ ОПТИК КУЧИ – *LINZANING OPTIK KUCHI* – Оптическая сила линзы – линза фокус масофасига тесқари бўлган катталиқ

ЛИОФИЛЛИК – *LIOFILLIK* – юнон. *lyo* – эритаман, *phileo* – севаман – Лиофильность – модданинг муайян суюқликда эришга ёки ундан ҳўлланишга мойиллиги

ЛИОФОБЛИК – *LIOFOBLIK* – юнон. *lyo* – эритаман, *phobos* – қўрқиш – Лиофобность – модданинг муайян суюқликда эримасликка ёки ундан ҳўлланмасликка мойиллиги

ЛИССАЖУ ШАҚЛЛАРИ – *LISSAJU SHAKLLARI* – Фигуры Лиссажу – тақрорийликларнинг қулай ҳисбатларида ўзаро тик икки йўналишда уйғун тебранаётган нуқталарнинг ёпиқ траекториялари

ЛИФШИЦ-ОНСАҒЕР КВАНТЛАШИ – *LIFSHITS-ONSAGER KVANTLASHI* – Квантование Лифшица-Онсагера – металллардаги заряд ташувчиларнинг ихтиёрй дисперсия қонуни ҳоли учун электронларни магнитик майдонда орбитал квантлашининг умумлаштирилган қондаси

ЛИХТЕНБЕРГ ШАҚЛЛАРИ – *LIXTENBERG SHAKLLARI* – Фигуры Лихтенберга – разряд оралиғида диэлектрик ва газнинг бутилиш чегарасида сирпанма учун разряд ҳолида қаттиқ диэлектрик сиртида учқун каналларининг тақсимланиш маъзараси

ЛОКАЛ ОПЕРАТОР – *LOKAL OPERATOR* – Локальный оператор – фазо-вақтнинг x нуқтасида ва уларнинг x буйича исталган чекли тартибли (u ша нуқтасида) ҳосиласи буйича квант майдонларнинг функцияси

ЛОКАЛ СИММЕТРИЯ – *LOKAL SIMMETRIYA* – Локальная симметрия – физикавий тизимни тавсифловчи ўзгарув-

чилар устидаги ўзгартиришларда бу ўзгартирилди параметри фазо-вақтнинг тегишли динамика доимий берилган нуктасига боғлиқ бўладиган *инвариантлик*

ЛОКАЛ ТЕРМОДИНАМИК МУВОЗАНАТ – *LOKAL TERMODINAMIK MUVOZANAT* – Локальное термодинамическое равновесие – номувозанат жараёнлар термодинамикаси ва туташ муҳитлар механикасининг асосий тушунчаларидан бири

ЛОКАЛ ЎЗАРО ТАЪСИР – *LOKAL O'ZARO TA'SIR* – Локальное взаимодействие – майдонлар ва зарралар назариясида яқиндан таъсир физикавий жараённинг рўёбга чикарилиши

ЛОКАТОР – *LOKATOR* – *лот. loco* – жойлаштираман – радиолокация, оптиквий локация ва товуш локациясини амалга ошириш имконини берувчи қурилма

ЛОКАЦИЯ – *LOKATSIYA* – *лот. locatio* – жойлаштириши – объект ҳосил қилаётган ёки қайтараётган акустик ёки электромагнитик майдонга кўра унинг йўналишини ва унғача бўлган масофани аниқлаш

ЛОНДОНЛАР ТЕНГЛАМАСИ – *LONDONLAR TENGLAMASI* –

Уравнение Лондонов – ўтаўтказичларда магнетик майдоннинг тақсимланишини тавсифловчи феноменологик тенглама

ЛОРЕНЦ АЛМАШТИРИШЛАРИ – *LORENS ALMAshTIRISHLARI* –

Преобразования Лоренца – бир-бирига нисбатан ҳаракатланаётган инерциал санок тизимларида кўчаётган моддий нукталар координаталари ва вақтни боғловчи махсус нисбийлик назарияси тенгламалари

ЛОРЕНЦ КУЧИ – *LORENS KUCHI* – **Сила Лоренца** – ҳаракатланаётган электрик зарядга электромагнитик майдон томонидан таъсир қилувчи куч

ЛОРЕНЦ-ДИРАК ТЕНГЛАМАСИ – *LORENS-DIRAK TENGLAMASI* –

Уравнение Лоренца-Дирака – нуктавий зарядланган зарранинг электромагнитик майдондаги ҳаракатида унинг хусусий нурланиш майдони реакция кучини ҳисобга олувчи релятивистик ҳаракат тенгламаси

ЛОРЕНЦ-МАКСВЕЛЛ ТЕНГЛАМАЛАРИ – *LORENS-MAKSVELL TENGLAMALARI* – **Уравнения Лоренца-**

Максвелла – электродинамиканинг зарядланган алоҳида зарралар ҳосил қиладиган микроскопик электромагнитик майдонларни аниқловчи асосий тенгламалари

ЛОУСОН ШАРТИ – *LOUSON shARTI* – **Критерий Лоусона** – юқори ҳароратли плазмада термоэдровий реакциянинг юзага келиш шarti

ЛОШМИДТ ДОИМИЙСИ – *LOShMIDT DOIMIYSI* – **Постоянная Лошмидта** – нормал шароитда (P=101325 Па (1 атм.) босим ва T=273,75K (0°C) ҳароратда) турган идеал газнинг 1 см³ даги молекулалари (атомар газ ҳолидаги атомлари) сони

ЛУПА – *LUPA* – *франц. loupe* – фокус масофаси унча катта бўлмаган битта ёки бир неча сферик линзалар тизими

ЛЪЕНАР-ВИХЕРТ ПОТЕНЦИАЛЛАРИ – *LENAR-VIXERT POTENSI-ALLARI* – **Потенциалы Лъенара-Вихерта** – вакуумда ихтиёрий ҳаракатланувчи заряд ҳосил қилаётган электромагнитик майдонни аниқловчи

скаляр ва вектор кечикувчи потенциаллар

ЛЪЮИС СОНИ – *LYuIS SONI* – **Число Льюиса** – сууюкликлар ва газларда иссиқлик ва диффузия жараёнларининг ўхшашлик мезонларидан бири

ЛЭМБ СИЛЖИШИ – *LEMB SILJISHI* – **Лэмбовский сдвиг** – водроген атоми ва водрогенсимон атомлар электронлари айниган энергия сатҳларининг электроннинг физик вакуум билан ўзаро таъсири виртуал зарралар (фотонлар ва электрон-позитрон жуфтлар) тугилиши ва ютилиши билан боғлиқ парчаланиши

ЛЭМБ ТЎЛҚИНЛАРИ – *LEMB TO'LQINLARI* – **Волны Лэмба** – чегаралари эркин бўлган қаттик пластинка(қатлам)да тарқаладиган ва бу тарқалишда зарраларнинг тебранма

силжишлари ҳам тўлқиннинг тарқалиш йўналишида, ҳам пластинка текислигига тик содир бўладиган эластик тўлқинлар

ЛЮКС – *LYuKS* – *лот. lux* – ёруғлик (лк, lx) – Си да ёритилганлик бирлиги; 1 м² сиртнинг 1 люменга тенг ёруғлик оқими нурланиши билан ёритилганлигига тенг

ЛЮКСЕМБУРГ-ГОРЬКИЙ САМАРАСИ – *LYUKSEMBURG-GORKKIY SAMARASI* – **Эффект Люксембург-Горьковский** – ташувчи такрорийлиги бўлган кудратли радиотўлқинлар модуляциясининг ион сферанинг кудратли тўлқин ўтаётган ўша соҳада ўтувчи такрорийликли бошқа радиотўлқинга кўчиб ўтиши
ЛЮКСМЕТР – *LYUKSMETR* – лот. *lux* – ёруғлик ва юнон. *metreo* – ўлчайман – ёритилганликни ўлчаш асбоби
ЛЮМЕН – *LYUMEN* – лот. *lumen* – ёруғлик (лм, lm) – СИ да ёруғлик оқими бирлиги; ёруғлик кучи 1 кандела бўлган нуқтавий бурчақда чиқариладиган ёруғлик оқими а тенг
ЛЮМЕР-ГЕРКЕ ПЛАСТИНКАСИ – *LYUMER-GERKE PLASTINKASI* – **Пластика Люмера-Герке** – юкори даражада аниқлик билан ишланган шиша ёки кварц ясси-параллел пластинкадан иборат бўлган кўп нури оптик *интерферометр*

ЛЮМИНЕСЦЕНТ ЗАРРАБИН – *LYUMINESSENT ZARRABIN* – **Люминесцентный микроскоп** – ўрганилаётган микробуюмнинг люминесценциясини кузатиш имконини берувчи заррабин
ЛЮМИНЕСЦЕНТ КАМЕРА – *LYUMINESSENT KAMERA* –

Люминесцентная камера – зарядланган зарраларнинг изларини люминофорда кузатиш ва қайд қилиш асбоби
ЛЮМИНЕСЦЕНТ ЛАМПА – *LYUMINESSENT LAMPA* – **Люминесцентная лампа** – спектрал таркиби электрик газ разрядида чиқарилаётган ёруғлик таъсирида люминофорнинг ёруғланиши билан белгиланувчи нурланиш чиқарувчи ёруғлик манбаи

ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ – *LYUMINESSENSIYA* – лот. *lumen* – ёруғлик ва *escere* – заиф таъсирини *ифодаловчи суффикс* – жисмларнинг бирдай ҳароратда иссиқлик

нурланиши устига кўшимча ва ёруғлик тебранишлари давридан анча ортик вақт давом этадиган ёруғлик нурланиши
ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ МАРКАЗИ – *LYUMINESSENSIYA MARKAZI* – **Центр люминесценции** – люминофорнинг ёруғланишига сабаб бўлувчи кристалл панжара нуқсони

ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯНИНГ КВАНТ ЧИҚИШИ – *LYUMINESSENSIYANING KVANT CHIQISHI* – **Квантовый выход люминесценции** – люминесценцияда нурланган квантлар сонининг модда ютган квантлар сонига нисбати

ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯНИНГ СЎНИШ ВАҚТИ – *LYUMINESSENSIYANING SO'NISH VAQTI* – **Время затухания люминесценции** – люминесценциянинг ёруғланиш жадаллиги е марта камайишига кетадиган вақт

ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯНИНГ ЧИКУВИ – *LYUMINESSENSIYANING CHIQUVI* – **Выход люминесценции** – квант тизим люминесценция энергиясининг у ютган уйғотиш энергиясига нисбати

ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯНИНГ ЭНЕРГИЯВИЙ ЧИҚИШИ – *LYUMINESSENSIYANING ENERGIYAVIY CHIQISHI* – **Энергетический выход люминесценции** – люминесценцияда нурланган энергиянинг уни уйғотувчи ва модда томонидан ютилган ёруғлик энергиясига нисбати

ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯНИНГ УЧИРИЛИШИ – *LYUMINESSENSIYANING O'CHIRILISHI* – **Тушение люминесценции** – люминофорга турлича таъсир кўрсатилганда ҳамда унга бегона қиришмалар кўшганда люминесценция чиқилишининг камайиши

ЛЮМИНОФОР – *LYUMINOFOR* – лот. *lumen* – ёруғлик ва юнон. *phoros* – элтувчи – турлича уйғотишлар таъсирида люминесценциялашга кодир модда

М

МАВҲУМ ТАСВИР – *MAVHUM TASVIR* – **Мнимое изображение** – объектдан келувчи нурларнинг тарқалиш

йўналишига қарама-қарши йўналишда борувчи нурларнинг кесилишидан ҳосил бўлган оптик тасвир

МАГНЕТИЗМ – *MAGNETIZM* – *юнон. magnetis – магнит* – 1) электрик тоқлараро, тоқлар билан магнитлар ҳамда магнитлараро ўзаро таъсирларнинг моддийлашиш шакли; 2) магнитик ходисаларни ўрганувчи физика бўлими
МАГНЕТИК – *MAGNETIK* –

моддаларнинг магнитик хоссалари қаралаётганда ишлатиладиган атама
МАГНЕТОН – *MAGNETON* – магнитик моментнинг атом ва ядро физикасида қўлланиладиган ўлча ширлиги
МАГНЕТРОН – *MAGNETRON* – *юнон. magnetron – магнит ва ...трон* – ўтаюқори такрорийликли электромагнитик тебранишларни генерациялайдиган электрон асбоб

МАГНИТ ҲАРИТОВЧИ КУЧ – *MAGNIT YurITUVCHI KUCH* – **Магнитодвижущая сила** – электрик токнинг магнитик таъсирини ифодалайдиган катталики; магнитловчи ғалтақда оқувчи электрик ток кучининг унинг ўрамлари сонига кўпайтмасига тенг

МАГНИТ ҚАРШИЛИК – *MAGNIT QARSHILIK* – **Магнитосопротивление** – ташки магнитик майдон таъсирида қаттиқ ўтказгич электрик қаршилиги ўзгаришининг унинг майдон йўқ ҳолдаги қийматига нисбати

МАГНИТ-АКУСТИКАВИЙ РЕЗОНАНС – *MAGNIT-AKUSTIKAVIY REZONANS* – **Магнитоакустический резонанс** – доимий магнитик майдонга жойлаштирилган металлларнинг ультратовушни ютиш коэффициентини майдон катталигига боғлиқлиги

МАГНИТ-ГИДРОДИНАМИК ГЕНЕРАТОР – *MAGNIT-GIDRODINAMIK GENERATOR* – **Магнитогиродинамический генератор** – иссиқлик энергиясини бевосита электрик энергияга айлантириш қурилмаси; унинг ишлаши электрик ўтказувчи суюқлик ёки плазмада содир бўлувчи электромагнитик *индукция* ходисасига асосланган

МАГНИТ-ГИДРОДИНАМИК НОТУРҒУНЛИКЛАР – *MAGNIT-GIDRODINAMIK NOTURG'UNLIKLAR* – **Магнитогиродинамические неустойчивости** – магнитик майдондаги фазовий

нобиржинс плазманинг, ё магнитик куч чизикларининг ноқулай эгрелигидаги босим градиенти ёки куч чизиклар бўйича оқувчи ток туфайли юзага келувчи макроскопик нотурғунликлар

МАГНИТИК АЖРАЛИШ ОМИЛИ – *MAGNITIK AJRALISH OMILI* – **Фактор магнитного расщепления** – энергия сатҳларининг ажралиш формуласида ажралиш катталигини кўрсатувчи. *Бор* магнетонида ифодаланган кўпайтирувчи
МАГНИТИК АЙЛАНМА ДИХРОИЗМ – *MAGNITIK AYLANMA DIXROIZM* – **Магнитный круговой дихроизм** – ўнг ва чап айлана бўйича қуёбланган ёруқлик муҳитнинг магнитланганлиги йўналиши бўйича тарқалаётганда турлича ютилишидан иборат бўлган магнитооптика самараларидан бири

МАГНИТИК АККОМОДАЦИЯ – *MAGNITIK AKKOMODATSIYA* – *лот. accomodatio – мослашиш* – **Магнитная аккомодация** – ташки магнитик майдоннинг катталигини ёки хусусиятини тегишлича ўзгарттиргандан сўнг ферромагнетикда барқарор магнитик ҳолатнинг ўрнашиши жараёни

МАГНИТИК АНИЗОМЕТР – *MAGNITIK ANIZOMETR* – **Магнитный анизометр** – магнитик *анизотропия*ни аниқлашда ишлатилувчи асбоб

МАГНИТИК АНИЗОТРОПИЯ – *MAGNITIK ANIZOTROPIYA* – **Магнитная анизотропия** – жисм магнитик хоссаларининг турли йўналишларда бирдай бўлмаслиги

МАГНИТИК АНОМАЛИЯ – *MAGNITIK ANOMALIYA* – **Магнитная аномалия** – Ер магнитик майдонининг қиймати кузатишлардан ва унинг нормал тақсимотидан ҳисоблаб топилган қийматларидан фарқ қилиши

МАГНИТИК АСЛИК – *MAGNITIK ASLLIK* – **Магнитная добротность** – парамагнетикда жамланган юқори такрорийликли магнитик майдон энергиясининг битта тебраниш даврида мажбурий нурланишга кетган энергияга нисбати

МАГНИТИК БОСИМ – *MAGNITIK BOSIM* – **Магнитное давление** – музлатилган магнитик майдоннинг

плазмага (ўтказувчан суюкликка) курсатадиган, майдон куч чизикларига тик йўналган таъсири

МАГНИТИК БҲРОНЛАР – *MAGNETIK BO'RONLAR* – Магнитные бури – Ер магнитик майдонининг Куёш шамоли ва Куёшдаги номултазам жараёнлар билан боғлиқ магнитик вариацияларининг алоҳида хили

МАГНИТИК ВАРИАЦИЯЛАР – *MAGNETIK VARIATSIYALAR* – Магнитные вариации – Ер магнитик майдонининг вақт ўтиши билан узлуксиз ўзгаришлари

МАГНИТИК ВЕКТОР – *MAGNETIK VEKTOR* – Магнитный вектор – ёруғлик тўлкинидаги магнитик майдон кучланганлиги вектори

МАГНИТИК ГИДРОДИНАМИКА – *MAGNETIK GIDRODINAMIKA* – Магнитная гидродинамика (МГД) – электрик ўтказувчи суюкликлар ва газлар(суюқ металллар, электролитлар, плазмалар)нинг магнитик майдон мавжудлигида харакатини ўрганувчи физика бўлими

МАГНИТИК ГИСТЕРЕЗИС – *MAGNETIK GISTEREZIS* – Магнитный гистерезис – магнетик магнитланганлигининг ташқи магнитик майдон кучланганлигига бир қийматли боғлиқ эмаслиги

МАГНИТИК ДИПОЛЬ – *MAGNETIK DIPOL* – Магнитный диполь – ёпик контур бўйича оқувчи электрик ток; бундай контурнинг ўлчовлари ундан қаралаётган магнитик майдон нукталаригагача масофага нисбатан кичик бўлиши лозим; магнитик диполнинг асосий тавсифи магнитик моментдир

МАГНИТИК ДИПОЛЬ НУРЛАНИШИ – *MAGNETIK DIPOL NURLANISH* – Магнитное дипольное излучение – манбаи ўзгарувчан магнитик моментли магнитик диполдан иборат бўлган электромагнитик нурланиш

МАГНИТИК ДИПОЛЬ ҲТИШИ – *MAGNETIK DIPOL O'TISH* – Магнитный дипольный переход – магнитик дипол моментининг тапқи магнитик майдон билан ўзаро таъсирлашуви натижасида бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши

МАГНИТИК ДИЭЛЕКТРИКЛАР – *MAGNETIK DIELEKTIKLAR* – Магнитные диэлектрики – жуда паст электрик ўтказувчанликка эга бўлган магнитик тартибланган моддалар (ферро-, ферри- ва антиферромагнетиклар)

МАГНИТИК ДОИМИЙ – *MAGNETIK DOIMIY* – Магнитная постоянная – электродинамиканиннг бир қатор формулаларига кирувчи, катталиги бирликлар тизимини танлаш билан боғлиқ бўлган мутаносиблик коэффициенти

МАГНИТИК ДОМЕН ТУЗИЛИШИ – *MAGNETIK DOMEN TUZILISH* – Магнитная доменная структура – магнитик тартибланган модданиннг магнитик тартибланганлик хилига боғлиқ равишда бир-биридан магнитланганлик, антиферромагнетизм вектори йўналиши ёки уларнинг бир вақтдаги йўналишларига боғлиқ бўлган макроскопик доменлар мажмуи

МАГНИТИК ЁПИШҚОҚЛИК – *MAGNETIK YO'PISHQOQLIK* – Магнитная вязкость – ферромагнетик магнитик ҳоссаларининг ташқи магнитик майдон кучланганлиги ўзгаришларидан орқала қолиши

МАГНИТИК ЗАНЖИР – *MAGNETIK ZANJIR* – Магнитная цепь – магнитик индукция оқими ўтадиган жисмлар ёки фазо соҳалари мажмуи

МАГНИТИК ЗАРЯД – *MAGNETIK ZARYAD* – Магнитный заряд – статик магнитик майдонларни ҳисоблашда ишлатиладиган тушунча

МАГНИТИК ИККИЛАНМА НУР СИНИШИ – *MAGNETIK IKKILANMA NUR SINISHI* – Магнитное двойное лучепреломление – ёруғлик тарқалаётган модада магнитик майдоннинг таъсири юзага келтирган иккиланма нур синиши

МАГНИТИК ИНДУКЦИЯ – *MAGNETIK INDUKSIYA* – Магнитная индукция – магнитик майдоннинг асосий тавсифи бўлган вектор; унинг катталиги ва йўналиши магнитик майдоннинг уда жойлаштирилган токли ўтказгичга таъсири билан аниқланади

МАГНИТИК ИНДУКЦИЯ ЧИЗИКЛАРИ – *MAGNETIK INDUKSIYA*

ChIZIQLARI – Линии магнитной индукции – ҳар бир нуктасига ўтказилган уринма магнитик индукция вектори йўналишига мос келувчи эгри чизик

МАГНИТИК КАТТАЛИКЛАР ЭТАЛОНЛАРИ – *MAGNETIK KATTALIKLAR ETALONLARI* – Эталонны магнитных величин – давлат стандарти ўрнатган магнитик катталиклар бирликларини сақлашни ва улардан нусха кўчиришни таъминловчи эталонлар

МАГНИТИК КВАНТ СОН – *MAGNETIK KVANT SON* – Магнитное квантовое число – атомдаги электрон импульси моментининг бирор йўналишга проекциясини белгиловчи *квант сон*

МАГНИТИК КОРРЕКТОР – *MAGNETIK KORREKTOR* – Магнитный корректор – зарралар силжишини ва ҳаракат йўналишини тартиблашни токли ўтказгичларнинг магнитик майдони воситасида таъминловчи қурилма

МАГНИТИК КЎЗГУ – *MAGNETIK KO'ZGU* – Магнитное зеркало – бошқарилувчи термоядро синтези қурилмаларида зарраларни плазма эгаллаган ҳажмининг марказий қисмига қайтариш учун қўлланиладиган магнитик майдон шакли

МАГНИТИК ЛИНЗА – *MAGNETIK LINZA* – Магнитная линза – зарядланган зарралар дастасини магнитик майдон ёрдамида фокусилаш қурилмаси

МАГНИТИК МАЙДОН – *MAGNETIK MAYDON* – Магнитное поле – магнитик ўзаро таъсир содир бўладиган куч майдони

МАГНИТИК МАЙДОН КУЧЛАНГАНЛИГИ – *MAGNETIK MAYDON KUCHLANGANLIGI* – Напряженность магнитного поля – магнитик майдоннинг ёпик контур бўйича айланишида факат контурни кесиб ўтувчи ўтказувчанлик тоқининг алгебраик йиғиндиси билан белгиланувчи ёрдамчи тавсифи

МАГНИТИК МАЙДОННИНГ КИРИШ ЧҲҚУРЛИГИ – *MAGNETIK MAYDONNING KIRISH CHUQURLIGI* – Глубина проникновения магнитного поля – ўтказгич сиртки қатламининг ташқи магнитик майдон нолгача тушадиган ўзига хос қалинлиги

МАГНИТИК МАЙДОННИНГ МУЗЛАГАНЛИГИ – *MAGNETIK MAYDONNING MUZLAGANLIGI* – **Вмороженность магнитного поля** – юқори (идеал ҳолда чексиз) ўтказувчанликка эга бўлган ва магнитик майдонга кўндаланг ҳаракатланаётган суюқ ва газсимон муҳитлар (масалан, суюқ металл ва плазмалар) учун хос бўлган самаралардан бири

МАГНИТИК МАЙДОННИНГ ТЕЗ ИНВЕРСИЯСИ – *MAGNETIK MAYDONNING TEZ INVERSIYASI* – **Быстрая инверсия магнитного поля** – магнитик майдон йўналишининг шу майдондаги *Лармор прецессияси* даврига нисбатан кичикроқ вақт ичида бурилиши

МАГНИТИК МАТЕРИАЛ – *MAGNETIK MATERIAL* – Магнитный материал – магнитик майдонга киритилганда майдонни жиддий ўзгартирувчи модда

МАГНИТИК МЕДИАН СИРТ – *MAGNETIK MEDIAN SIRT* – Магнитная медианная поверхность – тезлатгичнинг магнитик кутблари орасидаги барча нукталарида магнитик майдоннинг радиал ташкил килувчилари нолга тенг бўлган сирт

МАГНИТИК МОНОПОЛ – *MAGNETIK MONOPOL* – Магнитный монопол – мусбат ёки манфий магнитик зарядга эга бўлган зарраларнинг мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввур

МАГНИТИК НЕЙТРОНОГРАФИЯ – *MAGNETIK NEYTRONOGRAFIYA* – Магнитная нейтронография – тўлқин узунликлари кристаллардаги атомлараро масофаларга тенг ($\lambda \sim 10^5$ мкм) бўлган секин ҳаракатланувчи нейтронларнинг эластик когерент сочилиши усуллари ёрдамида кристалларнинг атом магнитик тузилишини тадқиқ қилиш усуллари мажмуи

МАГНИТИК ОҚИМ – *MAGNETIK OQIM* – Магнитный поток – магнитик индукциянинг бирор сирт орқали оқими вектори

МАГНИТИК ОҚИМ КВАНТИ – *MAGNETIK OQIM KVANTI* – **Квант магнитного потока** – ток оқаетган ўтказувчан халқанинг энг кичик қиймати

МАГНИТИК ОФИШ – *MAGNITIK OG'ISH* – Наклонение магнитное – Ер магнитик майдони кучланганлиги вектори билан Ер сиртининг қаралаётган нуқтасидаги горизонтал текислик орасидаги бурчак

МАГНИТИК ПАНЖАРАДОШЛИК – *MAGNITIK PANJARADOSHLIK* – Магнитная подрешетка – ферромагнетикларда бирдай катталик ва йўналишли магнитик моментларга эга бўлган ҳамда даврий жойлашган бирдай магнитик атомлар ёки ионлар тизими

МАГНИТИК ПАРДА – *MAGNITIK PARDA* – Магнитная пленка – қалинлиги нанометр улушларидан бир неча микрометргача бўлган ҳамда атом кристалли тузилишида магнитик, электрик ва бошқа физикавий хоссаларида пардани яхлит магнетиклардан ажратувчи магнетик модда (одатдаги ферро- ва ферромагнетиклар) қатлами

МАГНИТИК ПОТЕНЦИАЛ – *MAGNITIK POTENSIAL* – Магнитный потенциал – магнитостатик майдонни тавсифлашда ишлатиладиган бир қийматли бўлмаган скаляр функция

МАГНИТИК ПОТЕНЦИАЛ ҲАҚИ – *MAGNITIK POTENSIAL O'LGACH* – Магнитный потенциалометр – магнитланган намуна сиртидаги турли нуқталарнинг магнитик майдон кучланганлиги фарқини ўлчаш асбоби

МАГНИТИК РЕЗОНАНС – *MAGNITIK REZONANS* – Магнитный резонанс – магнетикдан ўтувчи электромагнитик тўлқинлар энергиясининг модда зарралари магнитик моментлари вазиятининг ўзгариши билан боғлиқ тарзда муайян тақрорийликда танлаб ютилиши

МАГНИТИК СИММЕТРИЯ – *MAGNITIK SIMMETRIYA* – Магнитная симметрия – кристалларнинг магнетик хоссаларидаги симметрияни ҳисобга олувчи кристаллар симметрияси бўлими

МАГНИТИК СИНГДИРУВЧАНЛИК – *MAGNITIK SINGDIRUVCHANLIK* – Магнитная проницаемость – модда магнитик индукциясининг магнитик майдон таъсирида ўзгаришини тавсифловчи катталик

МАГНИТИК СОВУТИШ – *MAGNITIK SOVUTISH* – Магнитное охлаждение – парамагнитик моддаларни адиабатик магнитсизлаш йўли билан паст ва ўта паст ҳароратлар олиш усули

МАГНИТИК СОЧИЛИШ – *MAGNITIK SOCHILISH* – Магнитное рассеяние – магнитик индукция окимининг қисман ёки тўла магнитик ўтказгич ташқарисидан ўтиши

МАГНИТИК СПЕКТРОМЕТР – *MAGNITIK SPEKTROMETR* – Магнитный спектрометр – зарядланган зарралар импульсларини уларнинг магнитик майдондаги траекториялари эгрилиги бўйича ўлчаш асбоби

МАГНИТИК СТРИКЦИЯ – *MAGNITIK STRIKSIYA* – магнит ва лот. *strictio* – қисши, чузиши – Магнитострикция – жисмларни магнитлаганда уларнинг шакли ва ўлчамлари ўзгариши

МАГНИТИК СУЮҚЛИКЛАР – *MAGNITIK SUYUQLIKLAR* – Магнитные жидкости – турлича суюқликларда дисперсланган ва жадал Броун бўйича ҳаракатланаётган (қ. Броун ҳаракати) ферро- ва ферромагнитик бир доменли зарраларнинг ультрадисперс тургун коллоидлари

МАГНИТИК СФЕРА – *MAGNITIK SFERA* – Магнитная сфера – шакли, ўлчамлари ва физикавий хоссалари Ернинг магнитик майдони ҳамда унинг Куёш шамоли билан ўзаро таъсири орқали белгиладиган Ерга яқин фазонинг муайян соҳаси

МАГНИТИК СЎНИШ – *MAGNITIK SO'NISH* – Магнитное затухание – магнитик асликка тесқари катталик

МАГНИТИК ТАРОЗИЛАР – *MAGNITIK TAROZILAR* – Магнитные весы – жисмларнинг магнитик қабулчанлигини ўлчашда қўлланиладиган асбоблар

МАГНИТИК ТАҲЛИЛЛАГИЧ – *MAGNITIK TAHLILLAGICH* – Магнитный анализатор – зарраларга муайян магнитик индукцияли магнитик майдон таъсирида уларнинг траекториялари эгрилиниши бўйича зарядланган элементар зарралар импульсини аниқлаш қурилмаси

МАГНИТИК ТЕКСТУРА – *MAGNITIK TEKSTURA* – Магнитная текстура – поликристалл ферромагнетикларда ва

ферромагнитик намуналарда фаол магнитланиш ўқларининг магнитик анизотропияга олиб келувчи фазовий йўналганлиги

МАГНИТИК ТЕРМОМЕТРИЯ – *MAGNETIC THERMOMETRY* – Магнитная термометрия – бир қатор моддалар магнитик хоссаларининг ҳароратга кучли боғлиқлиги мавжудлигига асосланган паст ҳароратларни ўлчаш усули

МАГНИТИК ТЕШИЛИШ – *MAGNETIC TESHILISH* – Магнитный пробой – магнитик майдон мавжудлигида металлларда ҳаракатланаётган электроннинг бир орбитадан бошқасига ўтиши

МАГНИТИК ТИЗИМ ДАВРИ – *MAGNETIC TIZIM DAVRI* – Период магнитной системы – тузилиши траектория бўйлаб даврий такрорланувчи магнитик тизим қисми

МАГНИТИК ТУЗИЛИШ – *MAGNETIC TUZILISH* – Магнитная структура – кристаллда атом магнитик моментларининг даврий фазовий жойлашуви ва йўналганлиги

МАГНИТИК ТУТҚИЧ – *MAGNETIC TUTQICH* – Магнитная ловушка – магнитик майдоннинг зарядланган зарраларни чекланган ҳажмда тутиб туриш имконини берувчи шакли

МАГНИТИК ТҮЙИНИШ – *MAGNETIC TO'YINISH* – Магнитное насыщение – ферромагнитик ёки парамагнетикнинг чегаравий қийматга эришган, магнитловчи магнитик майдон кучланганлигининг кейинги ортинда ўзгаришсиз қоладиган ҳолати

МАГНИТИК ФАЗАВИЙ ҲАВАЛАШ – *MAGNETIC FAZAVIY O'TISH* – Магнитный фазовый переход – қаттиқ жисмининг магнитик фазаси ёки магнитик тизимчаси бутун ёки бир қисмининг макроскопик ҳолати ўзгарадиган фазавий ҳава

МАГНИТИК ФОКУСЛАШ – *MAGNETIC FOKUSLASH* – Магнитная фокусировка – зарядланган зарралар дастасини магнитик майдон воситасида фокуслаш

МАГНИТИК ШҲҲБА – *MAGNETIC SHO'BA* – Магнитная ячейка – магнитик тартибланган кристалл тузилмасининг

ўҳта ўлчовда параллел кўчириш билан кристаллнинг магнитик атом тузилмасини тўла яратиш мумкин бўладиган элементи

МАГНИТИК ЭСКИРИШ – *MAGNETIC ESKIRISH* – Магнитное старение – ферро- ва ферромагнитик материаллар магнитик хоссаларининг вақт ўтиши билан ўз-ўзи билан ёки ҳар хил таъсир омили билан доимий ва ўзгаришчан магнитик майдонлар, ҳарорат тебранишлари, механик зарбалар, титрашлар, радиация таъсирида ўзгариши

МАГНИТИК ЯПРОҚ – *MAGNETIC YAPROQ* – Магнитный листок – магнитик диполлар ҳосил қилган чексиз юққа кўш магнитик қатлам

МАГНИТИК ЯРИМЎТКАЗГИЧ – *MAGNETIC YARIMOTKAZGICH* – Магнитный полупроводник – паст ҳароратларда тартибланган магнитик тузилмалар ҳосил қилувчи, таркибига оралик ёки ноёб ер элементлари кирувчи яримўтказгич материал

МАГНИТИК ҲЛЧАШЛАР – *MAGNETIC O'LCHASHLAR* – Магнитные измерения – магнитик майдоннинг параметрларини ёки моддалар (материаллар)нинг магнитик хоссаларини аниқлаш ишлари

МАГНИТИК ҲТАЎТКАЗГИЧЛАР – *MAGNETIC O'TAOTKAZGICHLAR* – Магнитные сверхпроводники – бир вақтда ҳам ҳтаўтказувчанлик ва магнитик хоссаларга эга бўлган бирикмалар

МАГНИТИК ҲТКАЗУВЧАНЛИК – *MAGNETIC O'TKAZUVCHANLIK* – Магнитная проводимость – магнитик занжирнинг бирор қисмидаги магнитик оқимнинг шу қисмда таъсир қилаётган магнитик юритувчи кучга нисбати

МАГНИТИК ҚАБУЛЧАНЛИК – *MAGNETIC QABULCHANLIK* – Магнитная восприимчивость – магнитикнинг магнитик майдонда магнитланиш қобилиятини кўрсатувчи тавсифи. Магнитик қабулчанлик ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Диаммагнетиклар салбий ҳисобланади: улар магнитик майдонга қарши йўналишда магнитланади. Парамагнетиклар ва ферромагнетиклар ижобий: улар майдон йўналишида магнитланади.

МАГНИТИК ҚАТТИҚЛИК – *MAGNETIK QATTIQLIK* – Магнитная жёсткость – магнитик майдон йўналишига тик текисликда ҳаракатланаётган зарядланган зарранинг магнитик индукция билан зарра траекторияси эгрилик радиусига кўпайтмасига тенг бўлган импульси ўлчови

МАГНИТИК ҚУТБ – *MAGNETIK QUTB* – Магнитный полюс – магнитланган жисмнинг магнитланганликнинг нормал ташкил қилувчиси нолдан фарқли бўлган сиртки қисми

МАГНИТИК-ЮМШОҚ МАТЕРИАЛ – *MAGNETIK-YUMSHOQ MATERIAL* – Магнитномягкий материал – нисбатан заиф магнитик майдонлардагина тўйинишгача магнитланадиган ва қайта магнитланадиган магнитик материал (ферромагнетик)

МАГНИТИК-ҚАТТИҚ МАТЕРИАЛ – *MAGNETIK-QATTIQ MATERIAL* – Магнитнотвердый материал – нисбатан кучли магнитик майдонлардагина тўйинишгача магнитланадиган ва қайта магнитланадиган магнитик материал (ферромагнетик ва ферромагнетик)

МАГНИТ-ИССИҚЛИК ҲОДИСАЛАР – *MAGNIT-ISSIQLIK HODISALAR* – Магнитотепловые явления – жисмлар магнитик ҳолатларининг ўзгаришида уларнинг иссиқлик ҳолатлари ўзгариши

МАГНИТ-КАЛОРИК САМАРА – *MAGNIT-KALORIK SAMARA* – Магнитокалорический эффект – магнитик майдоннинг кучланганлигини адиабатик (иссиқлик алмашинувисиз) ўзгартирганда магнетик ҳароратларнинг ўзгариши

МАГНИТЛАНГАНЛИК – *MAGNITLANGANLIK* – Намагниченность – макроскопик жисмнинг магнитик ҳолати таъсифи; жисм магнитик моментининг унинг ҳажмига нисбати билан белгиланади

МАГНИТЛАНГАНЛИК ВЕКТОРИ – *MAGNITLANGANLIK VEKTORI* – Вектор намагниченности – модданинг бирор ҳажмида жойлашган микроразралар магнитик моментлари йиғиндисининг шу ҳажм катталигига нисбатига тенг бўлган вектор

МАГНИТЛАНИШ ЭГРИ ЧИЗИҚЛАРИ – *MAGNITLANISH EGRI*

CHIZIQLARI – Кривые намагничивания – магнитланганликнинг ёки магнитик индукциянинг магнитик майдон кучланганлигига боғлиқлиқни кўрсатувчи графиклар

МАГНИТЛАШ – *MAGNITLASH* – Намагничивание – моддага ўсиб боровчи ташки магнитик майдон таъсир қилганда унда содир бўлувчи жараёнлар

МАГНИТ-МЕХАНИК ҲОДИСАЛАР – *MAGNIT-MEXANIK HODISALAR* – Магнитомеханические явления – магнетизм ташувчилари бўлган микроразраларнинг магнитик моменти билан механик моменти орасидаги ўзаро боғлиқлиқга доир ҳодисалар турухи

МАГНИТОГИДРОДИНАМИК ТЎЛҚИНАР – *MAGNITOGIDRODINAMIK TO'LQINLAR* – Магнитогидродинамические волны – музлатилган магнитик куч чизиқларининг кўндаланг тебранишлари билан боғлиқ бўлган плазма zichлиги тебранишлари

МАГНИТОГРАФ – *MAGNITOGRAF* – Ер магнитик майдонининг вақт ўтиши билан ўзгаришларини узлуксиз қайд қилувчи асбоб

МАГНИТОДИНАМИКА – *MAGNITODINAMIKA* – вақт ўтиши билан ўзгараборадиган магнитик майдонларда магнитланиш жараёнларини ўрганувчи магнетизм бўлими

МАГНИТОДИЭЛЕКТРИК – *MAGNITODIELEKTRIK* – диэлектрик билан яхлит массага уюшган ферромагнитик зарраларидан ташкил топган магнитик материал

МАГНИТОМЕТР – *MAGNITOMETR* – магнитик майдонни ва модданинг магнитик хоссаларини ўлчаш асбоби

МАГНИТОПТИКА – *MAGNITOPTIKA* – магнитик майдон таъсирида модданинг оптик хоссалари ўзгаришларини ўрганувчи оптика бўлими

МАГНИТОСТАТИК МАЙДОН – *MAGNITOSTATIK MAYDON* – Магнитостатическое поле – ўзгармас магнитлар ва ўзгармас электрик тоқлар ҳосил қилаётган, вақт ўтиши давомида ўзгармай турадиган магнитик майдон

МАГНИТОСТАТИКА – *MAGNITOSTATIKA* – ўзгармас электрик тоқларнинг

ёки доимий магнитларнинг барқарор магнитик майдонини ўрғанувчи физика бўлими

МАГНИТРЕЗИСТИВ САМАРА – *MAGNITREZISTIV SAMARA* –

Магниторезистивный эффект – каттик ўтказгичлар электрик қаршилигининг магнитик майдон таъсирида ўзгариши
МАГНИТРЕЗОНАНС МАСС-СПЕКТРОМЕТР – *MAGNITREZONANS MASS-SPEKTROMETR* – **Магниторезонансный масс-спектрометр** – массанинг зарядга нисбати буйича ионларни тақсимлашда бир жинсли магнитик майдонда модулятордан шакллантириладиган ионлар “тор” дастаси қўлланиладиган қурилма

МАГНИТСИЗЛАШ – *MAGNITSIZLASH* – **Размагничивание** – ферромагнитик қолдиқ магнитланганлигининг ташқи магнитик майдон олиб ташлангандан кейинги қамайиши

МАГНИТСИЗЛОВЧИ ОМИЛ – *MAGNITSIZLOVCHI OMIL* – **Размагничивающий фактор** – намунаи магнитсизловчи магнитик майдон қучланганлиги билан унинг магнитланганлиги орасидаги мутаносиблик коэффициенти

МАГНИСТРИКЦИЯВИЙ МАТЕРИАЛЛАР – *MAGNITSTRIKSIYAVIY MATERIALLAR* – **Магнитострикционные материалы** – магнитострикциявий ўзгартиргичлар ясашда қўлланиладиган ферромагнитик металлар ва қотишмалар, шунингдек ферритлар

МАГНИСТРИКЦИЯВИЙ ТЕБРАНИШЛАР – *MAGNITSTRIKSIYAVIY TEBRANISHLAR* –

Магнитострикционные колебания – ферромагнетиклар даврий ўзгарувчи магнитик майдонда магнитланганда уларда юзага келувчи тебранишлар

МАГНИСТРИКЦИЯВИЙ ЎЗГАРТИРГИЧ – *MAGNITSTRIKSIYAVIY O'ZGARTIRGICH* –

Магнитострикционный преобразователь – ишлаши магнитострикция самарасига асосланган электр-механик ёки электр-акустик ўзгартиргич

МАГНИТ-ТОВУШ ТЎЛҚИНЛАР – *MAGNIT-TOVUSH TO'LQINLAR* –

Магнитозвуковые волны – магнитланган плазмада ташқи магнитик майдон йўналишига қўндаланг тарқалувчи бўйлама электромагнитик тебранишлар
МАГНИТ-ЭЛАСТИК САМАРА – *MAGNIT-ELASTIK SAMARA* – **Магнитоупругий эффект** – деформация (чўзилиш, бурилиш, эгилиш ва х.к.)ларнинг ферромагнетикнинг магнитланганлигига таъсири

МАГНИТ-ЭЛАСТИК ТЎЛҚИНЛАР – *MAGNIT-ELASTIK TO'LQINLAR* –

Магнитоупругие волны – магнитик тартибланган кристаллар ферромагнетик ва антиферромагнетикларда магнитоэластик ўзаро таъсир натижасида юзага келувчи тўлқинлар

МАГНИТ-ЭЛЕКТРИК ЎЛЧАГИЧ МЕХАНИЗМИ – *MAGNIT-ELEKTRIK O'LCAGICH MEXANIZMI* – **Магнитоэлектрический измерительный механизм** – ўзгармас электрик токни механик қўчишга айлаштирувчи асбоб; унда ҳаракатланувчи ток контурининг ўзгармас магнитнинг магнитик майдони билан ўзаро таъсирдан фойдаланилади

МАГНИТ ЎТКАЗГИЧ – *MAGNIT O'TKAZGICH* – **Магнитопровод** –

магнитик индукция оқимиини жамлашга мўлжалланган магнитик занжир элементи

МАГНОН – *MAGNON* – магнитик тартибланган тизимлардаги спин тўлқинига мос келувчи *квизазарра*

МАГНОН-ФОНОН ЎЗАРО ТАЪСИР – *MAGNON-FONON O'ZARO TA'SIR* –

Магнон-фононное взаимодействие – каттик жисмда эластик ва спин тўлқинларининг ўзаро таъсирлашуви

МАГНУС КУЧИ – *MAGNUS KUCHI* – **Сила Магнуса** – ўзига рўпара келаётган суюқлик ёки газ оқимида айланаётган жисмга, оқимга ва айланиш ўқига тик таъсир қилувчи куч

МАГНУС САМАРАСИ – *MAGNUS SAMARASI* – **Эффект Магнуса** – келиб урилаётган суюқлик (ёки газ) оқими таъсирида айланаётган жисмга таъсир қилувчи қўндаланг қучнинг юзага келиши;

немис олими Г.Г.Магнус кашф этган
МАЖБУРИЙ БЕТАТРОН ТЕБРАНИШЛАР – *MAJBURIY BETATRON*

TEBRANISHLAR – **Вынужденные бета-тронные колебания** – зарядланган зарраларнинг галаёнланган майдонларга боғлиқ бетатрон тебранишлари
МАЖБУРИЙ НУРЛАНИШ – **MAJBURIY NURLANISH** – **Вынужденное излучение** – уйғонган холатдаги квант тизимга тушувчи ташки нурланиш таъсирида юзага келувчи электромагнитик нурланиш
МАЖБУРИЙ СИНХРОТРОН ТЕБРАНИШЛАР – **MAJBURIY SINXROTRON TEBRANISHLAR** – **Вынужденные синхротронные колебания** – зарядланган зарраларнинг электрик майдон галаёнларига боғлиқ синхротрон тебранишлари
МАЖБУРИЙ СОЧИЛИШ – **MAJBURIY SOCHILISH** – **Вынужденное рассеяние** – модда таркибига кирувчи микроразраларнинг катта жадалликли ёруғлик тулкини таъсирида харакати ўзгариши натижасида ёруғликнинг моддада сочилиши
МАЖБУРИЙ ТЕБРАНИШЛАР – **MAJBURIY TEBRANISHLAR** – **Вынужденные колебания** – бирор тизимда ўзгарувчан ташки таъсир остида вужудга келувчи тебранишлар
МАЖБУРИЙ ЧИКАРИШ – **MAJBURIY CHIQARISH** – **Вынужденное испускание** – уйғонган атомлар, молекулалар ва бошқа квант тизимлар томонидан муайян такрорийликли фотонларнинг ушандай такрорийликли фотонлар (ташки нурланиш) таъсирида чиқарилиши
МАЖБУРИЙ ЎТИШ – **MAJBURIY O'TISH** – **Вынужденный переход** – квант тизим(атом, молекула ва б.)нинг ташки нурланиш таъсирида юқорирок энергияли сатхдан пастрок энергияли сатхга ўтиши
МАЖБУРЛОВЧИ КУЧ – **MAJBURLOVCHI KUCH** – **Вынуждающая сила** – тизимнинг мажбурий тебранишларини юзага келтирувчи даврий ўзгарувчи куч
МАЖИ-РИГИ-ЛЕДЮК САМАРАСИ – **MAJI-RIGI-LEDYUK SAMARASI** – **Эффект Маджи-Риги-Ледюка** – магнитик майдон таъсирида ўтказгич иссиқлик ўтказувчанлигининг ўзгариши;

италиялик физиклар Ж.Мажи, А.Риги ва улардан мустақил равишда француз олими С.А.Ледюк кашф этган
МАЗЕР – **MAZER** – квант генераторлар ва радиотулкиларнинг кучайтиргичлари учун умумий атама
МАЙДОН ВОСИТАСИДА ДЕСОРБЦИЯЛАШ – **MAYDON VOSITASIDA DESORBSIYALASH** – *лот. de* – **узоқлашишни билдирувчи олд қўшимча ва sorbeo** – **ютаман** – **Десорбция** – полем – ўтказгич сиртидаги адсорбцияланган атомлар ва молекулаларни кучли электрик майдон ($E \sim 10^7 - 10^8$ В/см кучланганликли) воситасида чиқариш
МАЙДОН КВАНТ НАЗАРИЯСИ – **MAYDON KVANT NAZARIYASI** – **Квантовая теория поля** – чексиз кўп сонли эркинлик даражаларига эга булган микроразраларни, уларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирига айланишини тавсифлашга назарий асос бўлувчи релятивистик физикавий тизимларнинг квант назарияси
МАЙДОН КВАНТИ – **MAYDON KVANTI** – **Квант поля** – фундаментал ўзаро таъсирлардан бирини ташувчи зарра ёки фотон
МАЙДОН НОЛОКАЛ НАЗАРИЯСИ – **MAYDON NOLOKAL NAZARIYASI** – **Нелокальная теория поля** – ўзаро таъсирнинг нонуктавийлиги тахминига асосланган майдон квант назария барча умумлашмаларининг умумий номи
МАЙДОН НОЧИЗИФИЙ НАЗАРИЯСИ – **MAYDON NOCHIZIG'IY NAZARIYASI** – **Нелинейная теория поля** – ўзаро таъсирловчи майдонларни тавсифловчи майдон квант назарияси учун умумий ном
МАЙДОН ЭГРИЛИГИ – **MAYDON EGRILIGI** – **Кривизна поля** – ясси буюмининг тасвири эри сиртда жойлашган ҳолдаги **абберация**
МАЙДОН ЯГОНА НАЗАРИЯСИ – **MAYDON YAGONA NAZARIYASI** – **Единая теория поля** – элементар зарралар хоссалари ва ўзаро таъсирларининг барча хилма-хиллигини унча кўп сонли булмаган универсал тамойилларга келтирилга қаратилган материянинг ягона назарияси

МАЙКЕЛЬСОН ИНТЕРФЕРО-
МЕТРИ – *MAJKELSON INTERFERO-*
METRI – **Интерферометр Майкельсона**
– ёруғликнинг тулкин узунлигини ва унинг
спектрал таркибини ўлчаш учун қўллани-
ладиган икки нурли оптик асбоб
МАЙКЕЛЬСОН ТАЖРИБАСИ –
MAJKELSON TAJRIBASI – **Опыт**
Майкельсона – Ер ҳаракатининг ёруғлик
тезлигига таъсирини ўлчашга бағишланган
тажриба; америкалик физик А.А.Майкельсон
томонидан 1881 йилда амалга оширилган
МАЙКЕЛЬСОН ЭШЕЛONI –
MAJKELSON EShELONI – **Эшелон**
Майкельсона – бирдай қалинликдаги
пшша ёки кварц пластинкалар дастасидан
иборат бўлган, пластинка учлари эса
бирдай баландлиқдаги нарвон погоналари
ҳосил қилувчи оптик асбоб; спектрал
асбобларда, электр-магнитик нурланиш-
ларни, ультрабинафша ва инфрақизил
нурланишларни тадқиқ қилишда
қўлланилади
МАКРОМОЛЕКУЛА – *MAKRO-*
MOLEKULA – *юнон. makros – катта*
ва лот. moles – масса – узаро кимёвий
кўп сонли атомлар мажмуи
МАКСВЕЛЛ НАЗАРИЯСИ – *MAK-*
SVELL NAZARIYASI – **Теория Максвелла**
– электромагнитик майдон назарияси
МАКСВЕЛЛ ТАҚСИМОТИ –
MAKSVELL TAQSIMOTI –
Распределение Максвелла –
термодинамик мувозанат ҳолатидаги
идеал газ молекулаларининг тезликлари
бўйича тақсимланиши
МАКСВЕЛЛ ТЕНГЛАМАЛАРИ –
MAKSVELL TENGLAMALARI – **Уравнения**
Максвелла – электродинамиканинг
ихтиёрий муҳитдаги ва вакуумдаги барча
электромагнитик ҳодисаларни тулик
тавсифловчи фундаментал тенгламалари;
электромагнитик майдонни тавсифловчи
катталикларнинг ўзгаришларини майдон
манбалари, яъни электрик зарядлар ва
тоқларнинг жойлашуви ва ҳаракати билан
боғлайди
МАЛЮС ҚОНУНИ – *MALYUS*
QONUNI – **Закон Малюса** – чизигий
қутбланган ёруғликнинг анализатордан
ўтгандан кейинги жадаллиги тушувчи

ёруғликнинг қутбланиш текислиги билан
анализатор текислиги орасидаги α
бурчакка боғлиқлиги
МАНДЕЛЬШТАМ-БРИЛЛЮ ЭН
СОЧИЛИШИ – *MANDELShTAM-*
BRILLYuEN SOChILISHi – **Рассеяние**
Мандельштама-Бриллюэна –
ёруғликнинг конденсатланган муҳитнинг
хусусий эластик тебранишлари билан
узаро таъсирлашиши натижасида шу
муҳит томонидан сочилиши
МАНОМЕТР – *MANOMETR* – *юнон.*
manos – сийрак ва ...метр – суюқликлар
ва газлар босимларини ўлчаш асбоби
МАНОМЕТРИК ТЕРМОМЕТР –
MANOMETRIK TERMOMETR –
Манометрический термометр –
пружинавий манометр билан капилляр
воситасида боғланган баллон
МАНТИҚИЙ ТУЗИЛМАЛАР –
MANTIQIY TUZILMALAR – **Логические**
схемы – математик мантик функциясини
рўёбга чиқарувчи физикавий қурилма
МАНФИЙ ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ҚАРШИЛИК – *MANFIY DIFFE-*
RENSIAL QARSHILIK – **Отрицательное**
дифференциальное сопротивление –
электрик занжирнинг баъзи бир эле-
ментларидан ўтувчи тоқ ортиши (ёки
камайиши) натижасида уларда қучланиш
тушишининг камайиши (ёки ортиши)
ҳоссаси
МАНФИЙ ЁРУҒЛАНИШ – *MANFIY*
YoRUG'LANISH – **Отрицательное свечение**
– газ разряд найидаги *биксима разряд*нинг
катоди яқинидаги ёруғланувчи соҳа
МАНФИЙ КРИСТАЛЛ – *MANFIY*
KRISTALL – **Отрицательный кристалл**
– оддий ёруғлик нурининг тарқалиш
тезлиги ғайриоддий нурнинг тарқалиш
тезлигидан кичик бўладиган бир ўқли
кристалл
МАНФИЙ МУТЛАҚ ҲАРОРАТ –
MANFIY MUTLAQ HARORAT –
Отрицательная абсолютная тем-
пература – квант тизимнинг энергия
сатҳлари инверс банд қилинганлик ҳоли
учун *Больцман тақсимоти*дан ҳисоблаб
топилган мутлақ ҳарорат
МАНФИЙ ЭЛЕКТРИК ҚАРШИЛИК
– *MANFIY ELEKTRIK QARSHILIK* –

Отрицательное электрическое сопротивление – электрик занжирнинг баъзи бир элементларидан ўтувчи электрик ток кучи ортганда улардаги кучланишнинг камайишидан иборат хоссаси

МАНФИЙ ЮТИЛИШ КЎРСАТКИЧИ – *MANFIY YUTILISH KO'RSATGICHI* –

Показатель отрицательного поглашения – нуруланиш оқими жадаллигининг е марта кўпаядиган йўл узунлигига тескари бўлган катталиқ

МАРКАЗГА ИНТИЛМА КУЧ – *MARKAZGA INTILMA KUCH* –

Центростремительная сила – нуктага таъсир қилувчи барча кучлар умумий ташкил қилувчисининг нукта траекторияси эгрилик маркази томон йўналган ташкил қилувчиси

МАРКАЗГА ИНТИЛМА ТЕЗЛАНИШ – *MARKAZGA INTILMA TEZLANISH* –

Центростремительное ускорение – айлана бўйлаб ҳаракатланаётган нукта тезланишининг айлана радиуси бўйлаб унинг маркази томон йўналган ташкил қилувчиси

МАРКАЗДАН ҚОЧМА ИНЕРЦИЯ МОМЕНТИ – *MARKAZDAN QOCHMA INERSIYA MOMENTI* –

Центробежный момент инерции – жисмда массаларининг тақсимланишини тавсифловчи катталиклардан бири

МАРКАЗДАН ҚОЧМА КУЧ – *MARKAZDAN QOCHMA KUCH* –

Центробежная сила – 1) инерциал санок тизимга нисбатан айланаётган санок тизимдаги моддий нуктага таъсир қилувчи марказга интилма кўчма тезланиш тугайли вужудга келувчи инерция кучи; 2) *Д'аламбер тамойилини* қўллаш ҳолидаги, нукта ҳаракат траекториясига бош нормал бўйича йўналган инерция кучи ташкил қилувчиси; 3) айланма ҳаракатда моддий нуктанинг боғланишга кўрсатадиган таъсир кучи

МАРКАЗИЙ ЗАРБА – *MARKAZIY ZARBA* –

Центральный удар – урилишга таъсир қилувчи жисмларнинг инерция марказлари урилиш чизиғида ётадиган ҳолдаги зарба

МАРКАЗИЙ ИНЕРЦИЯ ЭЛЛИПСОИДИ – *MARKAZIY INERSIYA*

ELLIPSOIDI – **Центральный эллипсоид инерции** – жисмнинг инерция марказига мос келган инерция эллипсоиди

МАРКАЗИЙ КУЧ – *MARKAZIY KUCH* –

Центральная сила – таъсир чизиғи ҳамма вақт ягона ҳаракатсиз нуктадан ўтувчи куч

МАРКАЗИЙ МАЙДОН – *MARKAZIY MAYDON* –

Центральное поле – майдонда ихтиёрий тарзда жойлашган моддий нукталарга таъсир қилувчи кучларнинг йўналиши бирдан-бир қўзғалмас марказдан ўтадиган куч майдони

МАРКАЗИЙ ЧУҚУРЧА – *MARKAZIY CHUQURCHA* –

Центральная ямка – энг катта кўриш ўткирлиги ўрни бўлган сариф доғининг ўрта қисми

МАССА – *MASSA* – *лот. massa* – *ҳарфий* – *булак* – материянинг инертлик ва тортишиш хоссаларини белгиловчи

асосий тавсифларидан бири

МАССА АЛМАШИНУВ – *MASSA ALMASHINUV* –

Массообмен – номувозанат термодинамик тизимларда модданинг бир фазадан бошқасига кўчиши

МАССА ВА ЭНЕРГИЯНИНГ ЎЗАРО БОҒЛАНИШИ ҚОНУНИ – *MASSA VA ENERGIYANING O'ZARO BOG'LANISHI QONUNI* –

Закон взаимосвязи массы и энергии – релятивистик динамиканинг жисмнинг тула энергияси жисм массасининг

ёрузлик тезлиги квадратига кўпайтмасига тенгдир, дейдлувчи қонуни

МАССАВИЙ КОНЦЕНТРАЦИЯ – *MASSAVIY KONSENTRATSIYA* –

Массовая концентрация – аралашма ташкил этувчиси массасининг бутун

аралашма массасига нисбати билан ифодаланувчи *концентрация*

МАССАВИЙ СОН – *MASSAVIY SON* –

Массовое число – атом ядросидаги нуклонларнинг йиғинди сони

МАССАЛАР ЕТИШМАСЛИГИ – *MASSALAR YETISHMASLIGI* –

Дефект масс – атом ядросини ташкил қилувчи нуклонлар массалари йиғиндисидан

билан атом масса бирликларида ифодаланган ядро массаси орасидаги фарқ

МАССАЛАР МАРКАЗИ – *MASSALAR MARKAZI* –

Центр масс – механик тизимда массаларнинг тақсимланишини

тавсифловчи, тизим кўчаётганда унинг бутун массаси жамланган моддий нуктадек ҳаракатланувчи нукта

МАССАЛАР СПЕКТРИ – *MASSALAR SPEKTRI* – Спектр масс – модда таркибига кирувчи, масс-спектрометр ёрдамида аниқланган атомлар ёки молекулалар қийматлари мажмуи

МАСС-АНАЛИЗАТОР – *MASS-ANALIZATOR* – массанинг электрик зарядига нисбати турлича бўлган ионларни фазовий ёки вақт бўйича ажратиш қурилмаси

МАССАНИНГ АТОМ БИРЛИГИ – *MASSANING ATOM BIRLIGI* – Атомная единица массы – атом ва ядро физикасида атомлар, молекулалар ва элементар зарралар массаларини ифодалаш учун ишлатиладиган ҳамда углерод нуклиди ^{12}C массанинг $1/12$ қисмига тенг бўлган бирлик

МАССАНИНГ ТЕХНИКАВИЙ БИРЛИГИ – *MASSANING TEXNIKAVIY BIRLIGI* – Техническая единица массы – массанинг МКГСС бирликлар тизимидаги бирлиги

МАСС-САРАЛАГИЧ – *MASS-SARALAGICH* – Масс-сепаратор – зарядланган зарралар тезлаткичларида ёки ядро реакторларида ҳосил бўлувчи нуклидларнинг массавий сонларини ўлчаш асбоби

МАСС-СПЕКТРОМЕТР – *MASS-SPEKTROMETR* – модданинг ионлашган зарраларини массалари бўйича ажратиш асбоби; ишлаши вакуумда учаётган ионлар дастасига электрик ва магнитик майдонларнинг таъсирига асосланади

МАСС-СПЕКТРОСКОПИЯ – *MASS-SPEKTROSKOPIYA* – моддани модда ионлари массасининг ёки ионлар массасининг уларнинг зарядига нисбатини аниқлаш йўли билан тадқиқ қилиш усули

МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШ – *MATEMATIK MODELASH* – Математическое моделирование – физикавий ҳодисаларни математик моделлар ёрдамида ва шу моделларни электрон машиналарда ҳисоблаш орқали тадқиқ қилиш усули

МАТЕМАТИК ТЕБРАНГИЧ – *MATEMATIK TEBRANGICH* –

Математический маятник – вазнсиз, чўзилмайдиган ипда қўзғалмас нуктага осилган ҳамда тик текисликда ҳаракатлана оладиган моддий нукта

МАТЕРИАЛНИНГ ЁЙИЛУВЧАНЛИГИ – *MATERIALNING YOYILUVCHANLIGI* – Полнучесть материалов – каттик жисмнинг доимий юклама ёки механик кучланиш таъсирида аста-секин узлуқсиз пластик деформацияси (ёйилиши)

МАТЕРИАЛНИНГ ЧАРЧОВИ – *MATERIALNING CHARCHOVI* – Усталость материалов – вақт давомида даврий ўзгарадиган кучланишлар ва деформацияларнинг узок муддатли таъсирида механикавий ва физикавий хоссаларнинг ўзгариши туфайли тузилмаларнинг емирлиши

МАФТУНКОР ЗАРРА – *MAFTUNKOR ZARRA* – Очарованная частица – нолдан фарқли мафтуник қийматига эга бўлган адрон ёки кварклар

“МАФТУНЛАШ” – *“MAFTUNLASH”* – “Очарование” – адронлар ёки кваркларни тавсифловчи доимий *квант сон*

МАХ БУРЧАГИ – *MAX BURChAGI* – Угол Маха – Мах конуси ясовчиси билан унинг ўқи орасидаги бурчак

МАХ КОНУСИ – *MAX KONUSI* – Конус Маха – ўтаговуш тезликки газ окимида нуқтавий ғалаёнлаш манбаидан чиқувчи товуш тўлқинлари жамланадиган соҳани чегараловчи конуссимон сирт

МАХ СОНИ – *MAX SONI* – Число Маха – жисмнинг бирор муҳитдаги ҳаракат тезлиги билан ўша муҳитдаги товуш тезлиги нисбати

МАХ ТЎЛҚИНЛАРИ – *MAX TO'LQINLARI* – Волны Маха – жисмлар муайян муҳитдаги қайшок тўлқинларнинг фазавий тезлигидан катта тезликлар билан ҳаракатланганида вужудга келувчи тўлқинлар

МАХЕ (Махе бирлиги) (махе, ME) – *MAXE (Maxe birligi) (maxe, ME)* – радиофаол нуклидлар концентрациясининг тизимдан ташқари эски бирлиги

МАХСУС НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ – *MAXSUS NISBIYLIK NAZARIYASI* – Специальная теория

относительности – торғишиш майдонини назарга олмаслик мумкин бўлган ҳол учун фазо-вақт физика назарияси

МАШЪАЛА РАЗРЯД – *MASH'ALA RAZRYAD* – **Факельный разряд** – юқори такрорийликли тож разрядда токни ва такрорийликни ошира борганда ($>10^6$ Гц) юзага келувчи разряд

МАЯТНИК – *МАЯТНИК* – **тебрангич, маятник**

М-Д-Я ТУЗИЛМА (металл-диэлектрик-яримўтказгич тузилма) – *M-D-Ya TUZILMA* (*metall – dielektrik – yarimo'ikazgich tuzilma*) – **М-Д-П-структура** (структура металл-диэлектрик-полупроводник) – яримўтказгич пластинка, диэлектрик қатлам ва металл электроддан ташкил топган электрик конденсатор

МЕГА... – *MEGA* – **юнон. megas – катта** – бошлангич бирликнинг 10^6 қисмига тенг карравий бирлик номини ясаш учун физикавий катталиқ бирлиги номи олдига қўйиладиган қўшимча

МЕЗОАТОМ – *MEZOATOM* – **кобигининг электронларидан бири манфий зарядланган мюон билан алмашган атом**

МЕЗОН КИМЁСИ – *MEZON KIMYOСИ* – **Мезонная химия** – модда тузилишини ўрганишда молекулаларнинг электрон кобигидан, моддаларнинг кристалл ва магнитик тузилишида кимёвий реакциялар тезлиги ва б. ҳақида маълумотлар олишда мюонлар ($\mu\pm$), π ва К-мезонларнинг маълум хоссаларидан фойдаланиладиган усул

МЕЗОН ФАБРИКАСИ – *MEZON FABRIKASI* – **Мезонная фабрика** – юқори жадалликли мезон дасталарини ҳосил қилишга мўлжалланган тезлатгич

МЕЗОНЛАР – *MEZONLAR* – **бутун сонли ёки нолга тенг спинли нотўғун адронлар**

МЕЗОРЕНТГЕН НУРЛАНИШ – *MEZORENTGEN NURLANISH* – **Мезорентгеновское излучение** – мюон ёки пионнинг мезоатомларда квант ўтишларида содир бўлувчи қаттиқ электромагнитик нулланиш

МЕЙСНЕР САМАРАСИ – *MEYSNER SAMARASI* – **Эффект Мейснера** – металл ўтказгич ўтаўтказгич бўлиб қолганда

(ҳарорат ва магнитик майдон кучланганлиги критик қийматдан пасайганда) магнитик майдоннинг ўтказгичдан тўла сиқиб чиқарилиши

МЕМБРАНА – *MEMBRANA* – **лот. membrana – нарда** – таранг ҳолга келтирилган ва шу сабабли қайишоқликка эга бўлган эгилувчан юпка парда

МЕМБРАНАВИЙ ПОТЕНЦИАЛ – *MEMBRANAVIY POTENSIAL* – **Мембранный потенциал** – ионлар учун шаффоф мембрана билан бўлинган иккита электролит орасидаги электрик потенциаллар айирмаси

МЕНИСК – *MENISK* – **юнон. meniskos – яримой** – 1) суюқликнинг қаттиқ жисмга теккан жойи яқинидаги эгриланган эркин сирт; 2) икки сферик сирт билан чегараланган қабарик-ботик линза

МЕНИСК ТИЗИМЛАР – *MENISK TIZIMLAR* – **Менисковые системы** – оптик кўзгу-линза тизимларнинг сферик кўзгу олдига (ёки кўзгу ва линзалар тизими олдига) битта ёки бир нечта ахроматик менисклар (сферик сиртлар билан чекланган қабарик-ботик линзалар) жойлаштирилган хиллари

МЕРИДИОНАЛ ТЕКИСЛИК – *MERIDIONAL TEKISLIK* – **Меридиональная плоскость** – тизимнинг оптик ўқи жойлашган текислик

МЕССБАУЭР САМАРАСИ – *MESSBAUER SAMARASI* – **Эффект Мессбауэра** – қаттиқ жисмларда боғланган атом ядролари томонидан гамма-квантларнинг чиқарилиши ёки ютилиши; бунда жисмининг ички энергияси ўзгармайди, яъни фонлар чиқарилмайди ва ютилмайди

МЕССБАУЭР СПЕКТРОСКОПИЯСИ – *MESSBAUER SPEKTROKOPIYASI* – **Мессбауэровская спектроскопия** – атом ядроларининг уларни қуршовчи муҳит томонидан ҳосил қилинган электрик ва магнитик майдонлар билан ўзаро таъсирини ўрганиш усули; *Мессбауэр самарасидан* фойдаланишга асосланган

МЕТАЛЛ БИРИКМАЛАР – *METALL BIRIKMALAR* – **Металлические соединения** – металл хоссасига эга бўлган моддалар атомларидаги кимёвий боғланиш хили

МЕТАЛЛ БОҒЛАНИШ – *METALL BOG'LANISH* – **Металлическая связь** – мусбат ионлар билан электрон газнинг ўзаро таъсири белгилайдиган металл хоссали моддалардаги атомларнинг кимёвий боғланиши

МЕТАЛЛ КРИСТАЛЛ – *METALL KRISTALL* – **Металлический кристалл** – кристалл панжарасининг туғунларида мусбат ионлар жойлашган кристалл

МЕТАЛЛ ТЎЛКИН ЎТКАЗГИЧ – *METALL TO'LQIN O'TKAZGICH* – **Металлический волновод** – ичида электромагнитик тўлқинлар тарқатиши мумкин бўлган цилиндрик ёки эгилган металл най

МЕТАЛЛ ШИША – *METALL ShISHA* – **Металлическое стекло** – металл суюклангани ўта тез совутишда (совутиш тезлиги $\geq 10^6$ К/с) вужудга келувчи мўрт металл қотишма

МЕТАЛЛАР – *METALLAR* – **юнон. metallon** – *шахта, руда, қон* – **Металлы** – одатдаги шароитларда юқори электик ва иссиқлик ўтказувчанликка, электик ўтказувчанликнинг манфий ҳароратий коэффициентига, электромагнитик тўлқинларни яхши қайтариш қобилиятига (ялтироқлик ва шаффоқлик), пластиклик каби ўзига хос хусусиятларга эга бўлган оддий моддалар

МЕТАЛЛАРДАГИ НАСЛДОШЛИК – *METALLARDAGI NASLDOSHLIK* – **Наследственность в металлах** – металлнинг полиморф ўзгаришларидан сўнг унинг тузилиш элементларининг шакли ва кристаллографик йўналишлари сакланиб қолиши

МЕТАЛЛОГРАФИК ЗАРРАВИН – *METALLOGRAFIK ZARRABIN* – **Металлографический микроскоп** – турли сиртларни қайтувчи ёруғликда кузатиш оптик асбоби

МЕТАЛЛОПТИКА – *METALLOPTIKA* – оптик соҳалаги электромагнитик тўлқинларнинг металл билан ўзаро таъсирини урганувчи оптика бўлими

МЕТАЛЛОФИЗИКА – *METALLOFIZIKA* – металлларнинг тузилиши ва хоссаларини урганувчи физика бўлими

МЕТАМАГНЕТИК – *METAMAGNETIK* – заиф магнитик майдонларда

антиферромагнетиклик, кучли магнитик майдонларда эса ферромагнетиклик хоссаларига эга бўлувчи модда

МЕТАМАРКАЗ – *METAMARKAZ* – **Метацентр** – сузаётган жисмнинг мувозанати турғунлигини белгиловчи нуқтаси

МЕТАМАРКАЗИЙ БАЛАНДЛИК – *METAMARKAZIY BALANDLIK* – **Метацентральная высота** – сузувчи жисм метамарказининг оғирлик марказидан юқори жойлашуви

МЕТАТУРПУН МУВОЗНАТ – *METATURG'UN MUVOZANAT* – **Метастабильное равновесие** – тизимнинг баъзи бир чексиз кичик таъсирлар унинг ҳолатида чексиз кичик ўзгаришларни вужудга келтириб, бошқа чексиз кичик таъсирлар эса чекли ўзгаришларга олиб келадиган мувозанати

МЕТАТУРПУН САТҲ (МЕТАТУРПУН ҲОЛАТ) – *METATURG'UN SATH (METATURG'UN HOLAT)* – **Метастабильный уровень, метастабильное состояние** – фотон чиқариш билан ўтиш таққиланган сатҳ (электик дипол; ўзаро таъсир яқинлашуви бўйича)

МЕТАТУРПУН ҲОЛАТ – *METATURG'UN HOLAT* – **Метастабильное состояние** – 1) термодинамик тизимнинг муайян шароитларда янада турғунроқ ҳолатга ўтмай, узок вақт яшай оладиган нотурғун мувозанат ҳолати; 2) квант тизимнинг узок вақт яшай оладиган уйғонган ҳолати

МЕТРДА ГЕНРИ (Гн/м, Н/м) – *METRDA GENRI* – **Генри на метр** – мутлак магнитик синдирувчанликнинг СИ даги бирлиги; 1А/м магнитик майдон кучланганлигида 1 Тл магнитик индукция юзага келганда магнитик синдирувчанлик 1 Гн/м га тенг

МЕТРДА ФАРАД (Ф/м, F/m) – *METRDA FARAD* – **Фарад на метр** – мутлак диэлектрик синдирувчанликнинг СИ даги бирлиги; муҳит диэлектрик синдирувчанлиги 1 Ф/м га тенг бўлади, 1В/м электик майдон кучланганлиги 1 КВ/м² электик силжишни юзага келтиради

МЕТРИК ТЕНЗОР – *METRIK TENZOR* – **Метрический тензор** – нисбийлик

назариясида фазонинг ёки фазо-вақтнинг геометрик хоссаларини аниқловчи катталиклар мажмуи

МЕТРОЛОГИЯ – *METROLOGIYA* – *юн. metron – ўлчов va logos – таълимот* – ўлчашлар ва ҳамма жойда уларнинг бир хиллиги ҳамда зарурий аниқлигини таъминлаш усуллари ҳақидаги фан

МЕТРОЛОГИК ХИЗМАТ – *METROLOGIK XIZMAT* – *Метрологическая служба* – ўлчашлар бир хиллигини, физикавий катталиклар бирликларини стандартлашни, давлат эталонларидан нухалар кўчиришни, мамлакатдаги ўлчаш воситаларига бирликни узатишни, янги ўлчаш намуналарини синашни ва бошқа метрология тадбирларини бажарувчи хизмат

МЕХАНИК БОҒЛАНИШЛАР – *МЕХАНИК BOG'LANISHLAR* – *Механические связи* – қаралаётган механик тизимнинг ҳолатига ёки ҳаракатига қўйилган чеклашлар

МЕХАНИК ИМПУЛЬС – *МЕХАНИК IMPULS* – *Механический импульс* – механик ҳаракат ўлчови; моддий нукта учун шу нукта массасининг унинг тезлигига кўпайтмасига тенг; тизим моддий нукталари учун тизимни ташкил қилган айрим нукталар механик импульслари йингидисидан иборат

МЕХАНИК КАЛОРИЯВИЙ САМАРА – *МЕХАНИК KALORIYAVIY SAMARA* – *Механокалорический эффект* – суюқ гелийда ўтаоқувчан ҳолатга ўтиш ҳароратидан пастроқда (нормал босимда ва 2,19К ҳароратдан пастроқда) гелий оқиб чиқаётганда идишда қолаётган гелийнинг исий бориши

МЕХАНИК КУЧЛАНИШ – *МЕХАНИК KUCHLANISH* – *Механическое напряжение* – деформацияланган жисмда вужудга келадиган, куч катталигининг жисм сиртида ёки ичида танланган сирта нисбати билан ифодаланувчи ички кучлар мезони

МЕХАНИК ОҚИБАТ – *МЕХАНИК OQIBAT* – *Механическое последствие* – жисмлар деформациясининг ўзгармас механик кучланишлардаги ўзгариши

МЕХАНИК ТИЗИМ – *МЕХАНИК TIZIM* – *Механическая система* – мумтоз

механика қонунларига кўра ҳаракатланувчи ҳамда бир-бирлари ва бу мажмуа таркибига кирмайдиган жисмлар билан таъсирлашувчи фикран ажратиб олинган моддий нукталар мажмуи

МЕХАНИК ТИЗИМНИНГ МУВОЗАНАТИ – *МЕХАНИК TIZIMNING MUVOZANATI* – *Равновесие механической системы* – куч таъсиридаги тизимнинг барча нукталари бирор санок тизимга нисбатан тинчликда қоладиган ҳолати

МЕХАНИК ЭНЕРГИЯ – *МЕХАНИК ENERGIYA* – *Механическая энергия* – жисмларнинг механик ҳаракати ва ўзаро таъсири энергияси

МЕХАНИК ЭНЕРГИЯНИНГ САҚЛАНИШ ҚОНУНИ – *МЕХАНИК ENERGIYANING SAQLANISH QONUNI* – *Закон сохранения механической энергии* – физикавий консерватив кучларгина мавжуд бўлган ёпиқ механик тизимнинг кинетик ва потенциал энергиялари вақт ўтиши билан ўзгармайди, дейилувчи механика қонуни

МЕХАНИК ҚАТТИҚЛИК – *МЕХАНИК QATTIQLIK* – *Механическая жесткость* – жисмнинг муайян хил ёки муайян катталиқдаги юкламада деформацияга берилишдаги ўлчови

МЕХАНИК ҲАРАКАТ – *МЕХАНИК HARAKAT* – *Механическое движение* – жисмлар ёки улар қисмларининг бири-бирига нисбатан кучиши

МЕХАНИКА – *МЕХАНИКА* – *юн. mechanike (technie)* – *машиналар ҳақидаги фан, машиналарни яшаш санъати* – моддий жисмларнинг механик ҳаракати ва бу ҳаракат вақтида улар орасида содир бўлувчи ўзаро таъсирлар ҳақидаги фан

МЕХАНИКАНИНГ НЬУТОН ҚОНУНЛАРИ – *МЕХАНИКАНИНГ NYUTON QONUNLARI* – *Законы механики Ньютона* – мумтоз механика ёки Ньютон механикаси асосида ётувчи учта қонун

МЕХАНОСТРИКЦИЯ – *МЕХАНОСТRIKSIYA* – ферро, ферри- ва антиферромагнитик намуналарга механик кучланишлар қўйилганда намуналарнинг магнитик ҳолатини ўзгартрувчи деформациянинг юзага келиши

МИДЕЛ КЕСИМ – *MIDEL KESIM* – голл. *middel* – ўрта – Миделевое сечение – гада ёки суюкликда ҳаракатланаётган жисм (масалан, кема, ракета)нинг унинг кесими энг катта бўлган жойда ҳаракат йўналишига тик текислик билан кесилганда ҳосил бўладиган кесим

МИКРО – *MIKRO* – юнон. *mikros* – кичик – бошланғич бирликнинг миллиондан бир қисмига тенг улуш бирлигининг номини ясаш учун физикавий катталиқ бирлиги номи олдига қўйиладиган қўшимча ибора
МИКРОБАРОГРАФ – *MIKRO-BAROGRAF* – атмосфера босими ўзгаришларини юқори аниқликда автоматик қайд қилиш асбоби

МИКРОБУЮМ – *MIKROBUYUM* – Микрообъект – шакли ёки тузилиш қисмлари заррабин ёрдамида қараладиган буюм

МИКРОЗАРРА – *MIKROZARRA* – Микрочастица – тинчлик массаси атом массалари билан таққосланувчи ёки улардан кичик бўлган зарра

МИКРОЗАРРАЛАР МАГНЕТИЗМИ – *MIKROZARRALAR MAGNETIZMI* – Магнетизм микрочастиц – молекулалар, атомлар, атом ядролар ва субъядро зарралар (элементар зарралар)нинг магнитик хоссалари

МИКРОЗАРРАЛАР ХИСОБЛАГИЧЛАРИ – *MIKROZARRALAR HISOBLAGICHLARI* – Счетчики микрочастиц – микрозарралар ва гамма-квантлар импульс электрон детекторлари
МИКРОЗАРРАЛАРИНИНГ СОЧИЛИШИ – *MIKROZARRALARNING SOCHILISHI* – Рассеяние микрочастиц – зарраларнинг тўқнашувлари натижасида зарралар импульсининг, ички ҳолатининг ўзгариш ва бошқа зарраларнинг ҳосил бўлиш жараёни

МИКРОКУЧЛАНИШЛАР – *MIKRO-KUCHLANISHLAR* – Микронапряжения – ташки кучлар йўқлигида кристалларда яхлит кристалл ҳажмига нисбатан кичик ҳажмлардаги мувозанатланган ички кучланишлар

МИКРОПРОЕКЦИЯ – *MIKRO-PROEKSIIYA* – юнон. *mikros* – кичик ва лот. *projectio* – ҳарфий – олдинга

ташлаш – кичик буюмларнинг заррабин ҳосил қилган тасвирларини экранда олиш
МИКРОСАБАБИЯТ – *MIKROSABABIYAT* – Микропричинность – сабабият тамойили исталганча кичик масофалар ва вақт оралиқлар учун бажарилади, дейилувчи даъво

МИКРОСАБАБИЯТ ШАРТИ – *MIKROSABABIYAT SHARTI* – Условие микропричинности – сабабият шarti (сабаб вақт бўйича/ натижадан олдин келиши лозим) исталганча кичик масофалар ва вақт оралиқлари учун бажарилиши лозим, деган талаб
МИКРОСКОП – *MIKROSKOP* – к.

Заррабин
МИКРОТРОН – *MIKROTRON* – вақт ўтиши билан ўзгармайдиган магнитик майдонли ва ҳар бир кейинги тезлатиш цикли олдингисидан бутун сон марта қисқа бўладиган такрорийликка эга тезлатувчи электрик майдонли электронлар циклик тезлаткичи

МИКРОТРОН МАРОМ – *MIKROTRON MAROM* – Микроотронный режим – тезлатувчи кучланишнинг доимий такрорийлигида ва такрорийликнинг ўзгарувчан қарралигида зарраларни вақт бўйича доимий етакчи магнитик майдонда тезлатиш мароми

МИКРОТУЗИЛИШ – *MIKROTUZILISH* – юнон. *mikros* – кичик ва лот. *structura* – тузилиш – Микроструктура – модданинг заррабин (оптик ёки электрон) ёрдамида аниқланувчи тузилиши

МИКРОТЎЛҚИН СПЕКТРОСКОПИЯ – *MIKROTO'LQIN SPEKTROSKOPIYA* – Микроволновая спектроскопия – сантиметрли ва миллиметрли тўлқин узунликлар диапазонларидаги электромагнитик тўлқинлар радиоспектроскопияси

МИКРОТЎЛҚИНЛАР – *MIKROTO'LQINLAR* – Микроволны – миллиметрли, сантиметрли ва дециметрли диапазонлардаги электромагнитик тўлқинлар

МИКРОФОН – *MIKROFON* – юнон. *mikros* – кичик ва *phone* – товуш – товуш тебранишларини электрик ток ёки кучланиш тебранишларига айлантирувчи, ҳавода тарқалувчи тўлқинлар қабул қилгичи

МИКРОФОТОМЕТР – *MIKROFOTOMETR* – ошкорланган (очилтирилган) фотоматериалларнинг кичик қисмларидаги қорайишнинг оптик зичлигини ўлчаш асбоби

МИКРОЭЛЕКТРОНИКА – *MIKROELEKTRONIKA* – электрон қурilmаларни микромитти йиғма кўринишда яратиш муаммоларини камраб оладиган электроника соҳаси

МИКРОҚАТТИҚЛИК – *MIKROQATTIQLIK* – **Микротвердость** – материал микротузилиши алоҳида қисмларининг қаттиқлиги

МИЛЛИ – *MILLI* – *лот. mille* – *минг* – бошланғич бирлиқнинг мингдан бир қисмига тенг улуш бирлиқининг номини яшаш учун физикавий қатталиқ бирлиги номи олдига қўйиладиган қўшимча

МИЛЛИБАР (мбар, mbar) – *MILLIBAR* – босимнинг 10^{-3} барга тенг бўлган тизимдан ташқари бирлиги

МИЛЛИМИКРОН (ммк; μm) – *MILLIMIKRON* – узунлиқнинг 10^{-9} м ёки 10^{-3} микронга тенг бўлган улуш бирлиги номи

МИНИМАЛ СОЛИШТИРМА ҚАРШИЛИК – *MINIMAL SOLISHTIRMA QARSHILIK* – **Минимальное удельное сопротивление** – солиштирма ҳажмий қаршилиги энг кичик қийматга эга бўлган йўналиш бўйича ток оққан ҳолда ўлчанган анизотроп диэлектриқнинг солиштирма ҳажмий қаршилиги

МИҚЁСИЙ ИНВАРИАНТЛИК – *MIQYO SIY INVARIANTLIK* –

Масштабная инвариантность – бирор физикавий ҳодисани тавсифловчи тенгламаларнинг бирданига барча масофалар ва вақт оралиқларини ёки импульслар ва энергияларни бирдай сон марта ўзгартгандаги ўзгаришсиз ҳолати

МОДА – *MODA* – фазовий жойлашув ва хусусий тақрорийлик билан тавсифланувчи мураккаб тебраниш тизимларида уйғунувчи тебранишлар кўриниши

МОДДА – *MODDA* – **Вещество** – ҳозирги замон физикаси тасаввурларига кўра, кварклар ва лептонлар каби асосий зарралардан ташкил топган материя тури

МОДДА ТУЗИЛИШИ – *MODDA TUZILISHI* – **Структура вещества** –

мода макроскопик ва микроскопик тузилиш тавсифлари энг йиғма номи

МОДДАНИ НЕЙТРОНЛАШ – *MODDANI NEYTRONLASH* – **Нейтронизация вещества** – модданинг ўта зич ҳолатидаги жисмнинг асосан электронни ютиш натижасида протонларнинг нейтронларга айланиши

МОДДАНИНГ АГРЕГАТ ҲОЛАТЛАРИ – *MODDANING AGREGAT HOLATLARI* – *лот. aggredo* – *боғлайман, бирлаштираман* – **Агрегатные состояния вещества** – айни бир модданинг ўтишларида унинг эркин энергияси, *энтропияси*, зичлиги ва бошқа асосий физикавий хоссаларининг сакровли ҳолатлари

МОДДАНИНГ АНОМАЛ ДИСПЕРСИЯСИ – *MODDANING ANOMAL DISPERSIYASI* – **Аномальная дисперсия вещества** – модданинг мусбат қийматга эга бўлган сочилиши

МОДДАНИНГ ДИСПЕРСИЯСИ – *MODDANING DISPERSIYASI* – *лот. dispersio* – *сочилиш* – **Дисперсия вещества** – синдириш коэффициентининг ёруғлиқнинг тўлқин узунлигига боғлиқлигини ифодаловчи ҳамда бу коэффициентнинг тўлқин узунлиқ бўйича ҳосиласига тенг бўлган қатталиқ

МОДДАНИНГ НОРМАЛ ДИСПЕРСИЯСИ – *MODDANING NORMAL DISPERSIYASI* – **Нормальная дисперсия вещества** – модданинг манфий қийматга эга бўлган сочилиши

МОДДИЙ НУҚТА – *MODDIY NUQTA* – **Материальная точка** – қаралаётган масалада ўлчовлари ва шакли аҳамиятсиз бўлган жисм

МОДЛАР РАҚОВАТИ – *MODLAR RAQOBATI* – **Конкуренция мод** – нозигий тебранишлар тизимларида бир тур тебранишларнинг бошқалари томонидан сўндирилиши

МОДУЛЛАГИЧ – *MODULLAGICH* – **Модулятор** – қандайдир мунтазам физикавий жараёни тавсифловчи параметрларни вақт давомида мажбурлаб ўзгатириш қуримаси

МОДУЛЛАНГАН ТЕБРАНИШЛАР – *MODULLANGAN TEBRANISHLAR* – **Модулированные колебания** – тебранишлар амплитудаси, тақрорийлиги

ёки фазаси тебранишлар такрорийлигига нисбатан кичик такрорийлик билан муайян қонун бўйича ўзгарадиган тебранишлар **МОДУЛЛАШ** – *MODULLASH* – лот. *modulatio* – бир текислилик – **Модуляция** – қандайдир мунгазам физикавий жараёни тавсифловчи катталикларни вақт давомида берилган қонун бўйича ўзгартириш **МОДУЛЛАШ ДАРАЖАСИ** – *MODULLASH DARAJASI* – **Глубина модуляции** – амплитудавий модуллашда тебранишларнинг энг қатта ва энг кичик амплитудалари айирмасининг уларнинг йиғиндисига нисбати **МОДУЛЛАШ КОЭФФИЦИЕНТИ** – *MODULLASH KOEFFITSIENTI* – **Коэффициент модуляции** – амплитудавий модуллаш вақтида модуловчи сигнал амплитудасининг модуллаувчи тебранишлар амплитудасига нисбати **МОДУЛЛОВЧИ ТИЗИМ** – *MODULOVCHI TIZIM* – **Модуляторная система** – тезлатувчи майдон импульсининг муайян шаклда бўлишини таъминлайдиган тизим **МОЗЛИ ҚОНУНИ** – *MOZLI QONUNI* – **Закон Мозли** – элементнинг тавсифий рентген нурланиши такрорийлигидан олинган квадрат илдиз унинг атом номери билан чизигий боғланган, дейилувчи даво **МОЛЕКУЛА** – *MOLEKULA* – лот. *moles* – **масса** – муайян модданинг энг кичик, кимёвий хоссаларини сақлаган турғун зарраси **МОЛЕКУЛА КОНФОРМАЦИЯЛАРИ** – *MOLEKULA KONFORMATSIIYaLARI* – **Конформации молекулы** – молекула ички геометрияси параметрларининг ўзгаришлари натижасида атомлари фазода бирдай жойлашмаган молекулаларнинг турлича ҳолатлари **МОЛЕКУЛА СИММЕТРИЯСИ** – *MOLEKULA SIMMETRIYaSI* – **Симметрия молекулы** – молекуланинг мувозанатий шакл олиши учун мумкин бўлган нуктавий симметрия амаллари сони мажмуи билан аниқланадиган хоссаси **МОЛЕКУЛАЛАР УЮШМАСИ** – *MOLEKULALAR UYuShMASI* – **Ассоциация молекул** – эритмаларда Вандер-Ваальс ва бошқа нисбатан заиф кучлар билан боғланган молекулалардан ташкил

топган нисбатан нотурғун молекула гуруҳларининг ҳосил бўлиши **МОЛЕКУЛАЛАРАРО ҲАЗАРО ТАЪСИР** – *MOLEKULALARARO O'ZARO TA'SIR* – **Молекулярное взаимодействие** – электрик бетараф молекулалар ёки атомларнинг Ҳазаро таъсири **МОЛЕКУЛАЛАРНИ КВАНТ ҚЎШИШ** – *MOLEKULALARNI KVANT QO'ShISH* – **Квантовое сложение моментов** – квант механика қонунлари асосида мустақил зарралар (ёки атомлар, молекулалар ва ҳ.к.) моментларини (орбитал, спин, тўла моментларини) қўшиш **МОЛЕКУЛАЛАРНИНГ АЙНИГАН ТЕБРАНИШЛАРИ** – *MOLEKULALARNING AYNIGAN TEBRANISHLARI* – **Вырожденные колебания молекул** – қўп атомли молекулаларнинг бирдай такрорийликли ва шаклан нормал тебранишлари **МОЛЕКУЛАЛАРНИНГ ИЗОМЕРИЯСИ** – *MOLEKULALARNING IZOMERIYaSI* – **Изомерия молекул** – жисмларнинг нисбий жойлашиши билан бир-биридан фарқ қилувчи молекулаларнинг мавжуд бўлиши **МОЛЕКУЛАЛАРНИНГ ТЕБРАНИШЛАРИ** – *MOLEKULALARNING TEBRANISHLARI* – **Колебания молекул** – молекула ичидаги ҳаракатнинг асосий турларидан бири; бунда молекулани ташкил қилувчи атомларнинг ядроларига нисбатан даврий ўзгаришлар юз бериб туради **МОЛЕКУЛЯР БОСИМ** – *MOLEKULYaR BOSIM* – **Молекулярное давление** – суюқликка сирт қатламининг молекулаларнинг Ҳазаро таъсири билан боғлиқ босими **МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕРАТОР** – *MOLEKULYaR GENERATOR* – **Молекулярный генератор** – молекулалардаги мажбурий квант ўтишлар натижасида когерент электромагнитик тебранишлар вужудга келувчи квант генератор **МОЛЕКУЛЯР ДАСТА** – *MOLEKULYaR DASTA* – **Молекулярный пучок** – вакуумда амалда бир-бири ва қолдиқ газ молекулалари билан тўқнашмасдан ҳаракатланаётган молекулаларнинг йўналган оқими **МОЛЕКУЛЯР-КИНЕТИК НАЗАРИЯ** – *MOLEKULYaR-KINETIK NAZARIYa* –

Молекулярнокинетическая теория – асосида модданинг атом ва молекуляр тузилиши тасавури ётувчи иссиқлик назарияси

МОЛЕКУЛЯР КРИСТАЛЛ – *MOLEKULYaR KRISTALL* – Молекулярный кристалл – кристалл панжарасининг тугунларнда молекулалар жойлашган кристалл

МОЛЕКУЛЯР МАССА – *MOLEKULYaR MASSA* – Молекулярная масса – молекула массасининг атом бирликларнда ифодаланган киймати

МОЛЕКУЛЯР ОҚИШ – *MOLEKULYaR OQISH* – Молекулярное течение – сийракланган газ оқими хоссаларининг газни ташкил қилган зарраларнинг тартибсиз иссиқлик харакатига боғлиқ бўлган ҳолдаги оқиш

МОЛЕКУЛЯР РЕФРАКЦИЯ – *MOLEKULYaR REFRAKSIYa* – Молекулярная рефракция – муҳит зарралари кутбланувчанлигини унинг синдириш кўрсаткичи билан боғловчи катталиқ

МОЛЕКУЛЯР СОАТЛАР – *MOLEKULYaR SOATLAR* – Молекулярные часы – бошқарувчи қурилмаси молекуляр генератор ёки тақрорийлиқ реперидан иборат бўлган соатлар

МОЛЕКУЛЯР СОЧИЛИШ – *MOLEKULYaR SOCHILISH* – Молекулярное рассеяние – ёрузлиқнинг ўзи тарқалаётган муҳитнинг иссиқлик *флуктуациялари*да сочилиши

МОЛЕКУЛЯР СПЕКТР – *MOLEKULYaR SPEKTR* – Молекулярный спектр – молекуланинг энергия сатҳлари орасидаги квант ўтишларда вужудга келувчи ютиш спектри ёки чиқариш спектри

МОЛЕКУЛЯР СПЕКТР ЙЎЛЛАРИ – *MOLEKULYaR SPEKTR Yo'LLARI* – Полосы молекулярного спектра – спектрал асбоблар ажрата олмайдиган, молекуланинг бир электрон ҳолатдан бошқасига ўтиши бир йўла унинг ҳам тебранма, ҳам айланма ҳолатлари узгариши билан бирга юз берганида вужудга келувчи зич жойлашган спектрал чизиклар тизими

МОЛЕКУЛЯР ФИЗИКА – *MOLEKULYaR FIZIKA* – Молекулярная

физика – жисмларнинг микроскопик (молекуляр) тузилишини текшириш асосида уларнинг турли агрегат ҳолатлардаги физикавий хоссаларини ўрганувчи физика бўлими

МОЛИОН ЭЛЕКТРИК УТКАЗУВЧАНЛИК – *MOLION ELEKTRIK O'TKAZUVCHANLIK* – Молионная электропроводность – моддадаги молекулаларнинг кучиши билан боғлиқ электрик ўтказувчанлиқ

МОЛИАНИШ – *MOLLANISH* – Молизация – қарама-қарши ишорали ионларнинг бетараф молекулаларга айланиш жараёни

МОЛТЕР САМАРАСИ – *MOLTER SAMARASI* – Эффект Молтера – ўтказувчан талқил устидаги юпка диэлектрик қатламдан шу қатламда кучли диэлектрик майдон (10^6 В/см тартибда) мавжудлигида электронларнинг вакуумга эмиссияси

МОЛЬ – *MOL* – СИ да модда микдорининг 12 грамм карбон-12 изотопида нечта атом бўлса, шунча таркибий элементлар (атомлар, молекулалар ва ш.ў.)га эга бўлган модда микдорига тенг бирлиги

МОЛЯР ИССИҚЛИК – *MOLYaR ISSIQLIK* – Молярная теплота – физикавий ўтиш жараёнида ажралган иссиқликнинг шу ўтишда ишгирок этган, молларда ифодаланган модда микдорига нисбати

МОЛЯР ИССИҚЛИК СИФИМ – *MOLYaR ISSIQLIK SIG'IM* – Молярная теплоемкость – жисм иссиқлик сифимининг шу жисмда мавжуд бўлган модданинг молларда ифодаланган микдорига нисбати

МОЛЯР КОНЦЕНТРАЦИЯ – *MOLYaR KONSENTRATSIIYa* – Молярная концентрация – аралашманинг бирор ташкил этувчиси моллари сонининг унинг умумий моллари сонига нисбати билан ифодаланувчи концентрация

МОЛЯР ҚУТБЛАНГАНЛИК – *MOLYaR QUTBLANGANLIK* – Молярная поляризованность – кутбланганликнинг модданинг моляр ҳажмига кўпайтмаси

МОЛЯР ҲАЖМ – *MOLYaR HAJM* – Молярный объём – нормал шароитларда бир моль модда эгаллайдиган ҳажм

МОЛЯР-ҲАЖМИЙ КОНЦЕНТРАЦИЯ – *MOLYaR-HAJMIY KONSENTRATSIYA* – Мольнообъёмная концентрация – аралашма ҳажм бирлигидаги бирор ташкил этувчининг моляр сони билан ифодаланувчи концентрацияси
МОНОКРИСТАЛЛ – *MONOKRISTALL* – Ҳазининг бутун ҳажмида ягона кристалл панжарага эга бўлган кристалл
МОНОМОЛЕКУЛЯР ҚАТЛАМ – *MONOMOLEKULYaR QATLAM* – Мономолекулярный слой – фазаларнинг бўлиниш чегарасида қалинлиги битта молекулага тенг модда қатлами
МОНОХРОМАТИК ЁРУҒЛИК – *MONOXROMATIK YoRUG'LIK* – Монохроматический свет – инсон кўзи бевосита қабул қилиши мумкин бўлган такрорийликлар диапазонидаги монохроматик нурланиш
МОНОХРОМАТИК ЁРУҒЛИК ТЎЛҚИНИ – *MONOXROMATIK YoRUG'LIK TO'LQINI* – Монохроматическая световая волна – аниқ бир такрорийлик билан тебранадиган ёруғлик тўлқини
МОНОХРОМАТИК НУРЛАНИШ – *MONOXROMATIK NURLANISH* – *юнон. – monos – битта ва chroma – ранг* – Монохроматическое излучение – ёруғлик тебранишларининг аниқ бир такрорийлиги билан ифодаланувчи электромагнитик нурланиш
МОНОХРОМАТОР – *MONOXROMATOR* – қуринувчи, инфрақизил ёки ультрабинафша нурланиш тўлқин узунликларининг тор интервалларини ажратиш асбоби
МОНОЭНЕРГЕТИК НУРЛАНИШ – *MONOENERGETIK NURLANISH* – Моноэнергетическое излучение – бирдай энергияли квантлар ёки бирдай кинетик энергияли бир хил зарралардан ташкил топган нурланиш
МОНОЭНЕРГЕТИК ЦИКЛОТРОН – *MONOENERGETIK SIKLOTRON* – Моноэнергетический циклотрон – кичик нисбий кенгликли (10^4) энергиявий спектрта эга бўлган ва циклотронлар учун хос жадалликли ташқи даста билан таъминловчи изохрон циклотрон

МОС ТУШУВЛАР УСУЛИ – *MOS TUSHUVLAR USULI* – **Метод совпадений** – ядро физикасининг бир вақтда содир бўлувчи муайян ҳодисалар (зарраларнинг тугилиши ва емирилиши, детекторлардан ушиб ўтиши ва х.к.) тўдасини ажратиб олишдан иборат амалий усул
МОС ҲОЛАТЛАР – *MOS HOLATLAR* – **Соответственные состояния** – келтирилган параметрларнинг (мас., бир жинсли жисм учун келтирилган босим, келтирилган ҳарорат) тенглиги билан ифодаланувчи турлича моддалар ҳолати
МОСЛАНГАН ДАСТА – *MOSLANGAN DASTA* – **Согласованный пучок** – зарраларнинг фазавий фазода таксимоти, одатда, кейинги каналнинг хоссалари билан аниқланадиган, берилган таксимот билан мослаштирилган даста
МОСЛИК ТАМОЙИЛИ – *MOSLIK TAMOYILI* – **Принцип соответствия** – катта квант соңли чегаравий ҳолда квант механиканинг физикавий ҳулосалари билан мумтоз назария натижаларининг мос тушиши талаби
МУВОЗАНАТ – *MUVOZANAT* – **Равновесие** – физикавий тизимнинг ўзгармас ташқи таъсирларда исталганча узок муддат бўлаоладиган ҳолати
МУВОЗАНАТ ҲОЛАТ – *MUVOZANAT HOLAT* – **Равновесное состояние** – ташқи шароит доимий бўлганда термодинамик параметрларнинг доимийлиги, тизимга келувчи модда иссиқлик оқимининг йўқлиги билан тавсифланувчи тизим ҳолати
МУВОЗАНАТИЙ ЖАРАЁН – *MUVOZANATIY JARAYoN* – **Равновесный процесс** – барча оралик ҳолатлари мувозанатли бўлган жараён
МУВОЗАНАТИЙ ЗАРРА – *MUVOZANATIY ZARRA* – **Равновесная частица** – тезлиги тезлатувчи тўлқинининг фазавий тезлигига доимо мос тушадиган зарра
МУВОЗАНАТИЙ ИМПУЛЬС – *MUVOZANATIY IMPULS* – **Равновесный импульс** – мувозанатли зарра импульси
МУВОЗАНАТИЙ НУРЛАНИШ – *MUVOZANATIY NURLANISH* – **Равновесное излучение** – термодинамик мувозанатда бўлган физикавий тизимдан чиқарилувчи иссиқлик нурланиш

МУВОЗАНАТИЙ ОРБИТА – *MUVOZANATIY ORBITA* – **Равновесная орбита** – циклик резонанс тезлатгичда зарранинг айлиниш даври тезлатувчи кучланиш даврига мос келадиган ёки унга каррали бўладиган орбита

МУВОЗАНАТИЙ ТЕЗЛАТУВЧИ КУЧЛАНИШ – *MUVOZANATIY TEZLATUVCHI KUCHLANISH* – **Равновесное ускоряющее напряжение** – мувозанатли заррани тезлатувчи кучланиш

МУВОЗАНАТИЙ ФАЗА – *MUVOZANATIY FAZA* – **Равновесная фаза** – мувозанатли зарра фазаси

МУВОЗАНАТИЙ ЭНЕРГИЯ – *MUVOZANATIY ENERGIYA* – **Равновесная энергия** – мувозанатли зарра энергияси

МУВОЗАНАТЛАНГАН ГИРОСКОП – *MUVOZANATLANGAN GIROSKOP* – **Равновесный гироскоп** – оғирлик маркази гироскопнинг осии марказига мос тушадиган гироскоп

МУВОЗАНАТЛАНМАГАН ГИРОСКОП – *MUVOZANATLANMAGAN GIROSKOP* – **Нерановесный гироскоп** – оғирлик маркази гироскопнинг осии марказига мос тушмайдиган гироскоп

МУВОЗАНАТНИНГ УСТУВОРЛИГИ – *MUVOZANATNING USTUVORLIGI* – **Устойчивость равновесия** – механик тизим мувозанатининг кичик галаён-линишларидан кейинги вақтларда унинг мувозанат вазиятидан оғишлари кичиклигича қолиши

МУВОЗАНАТСИЗ ЖАРАЁН – *MUVOZANATSIZ JARAYON* – **Нерановесный процесс** – тизимнинг мувозанатсиз ҳолатлардан ўтишларини ўз ичига олувчи жараён

МУВОЗАНАТСИЗ ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАРНИНГ БИҚУТБИЙ ДИФФУЗИЯСИ – *MUVOZANATSIZ ZARYAD TASHUVCHILARNING BIQUTBIY DIFFUZIIYA SI* – **Биполярная диффузия неравновесных носителей заряда** – мувозанатсиз электронлар ва ковакларнинг диффузия коэффициентлари хар хил бўлганлиги оқибатида вужудга келадиган электрик майдон ва бу заряд ташувчилар концентрацияси градиентлари таъсири остида уларнинг биргаликда кўпайиши

МУВОЗАНАТСИЗ ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАРНИНГ ДАЙДИШ УЗУНЛИГИ – *MUVOZANATSIZ ZARYAD TASHUVCHILARNING DAYDISH UZUNLIGI* – **Длина дрейфа неравновесных носителей заряда** – мувозанатсиз заряд ташувчиларнинг рекомбинацияси содир бўлгунча ўтган вақтда электрик майдон таъсирида кучишнинг ўртача узунлиги

МУВОЗАНАТСИЗ ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАРНИНГ САМАРАЛИ ЯШАШ ВАҚТИ – *MUVOZANATSIZ ZARYAD TASHUVCHILARNING SAMARALI YASHASH VAQTI* – **Эффективное время жизни неравновесных носителей заряда** – мувозанатсиз заряд ташувчилар концентрациясининг ҳам ҳажмдаги, ҳам сиртлаги рекомбинация оқибатида камайиш тезлигини тавсифлайдиган катталиқ

МУВОЗАНАТСИЗ ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАРНИНГ СИРТИЙ ЯШАШ ВАҚТИ – *MUVOZANATSIZ ZARYAD TASHUVCHILARNING SIRTII YASHASH VAQTI* – **Поверхностное время жизни неравновесных носителей заряда** – яримўтказгичнинг V ҳажмдаги мувозанатсиз заряд ташувчилар ортиқча микдорининг уларнинг сиртига томон йўналган умумий оқимига нисбати

МУВОЗАНАТСИЗ ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАРНИНГ ҲАЖМИЙ ЯШАШ ВАҚТИ – *MUVOZANATSIZ ZARYAD TASHUVCHILARNING HAJMIY YASHASH VAQTI* – **Объёмное время жизни неравновесных носителей заряда** – мувозанатсиз заряд ташувчилар ортиқча Δn концентрациясининг бу концентрациянинг ҳажмдаги рекомбинация оқибатида ўзгариши тезлигига нисбати

МУВОЗАНАТСИЗ ҲОЛАТ – *MUVOZANATSIZ HOLAT* – **Нерановесное состояние** – мувозанатда бўлмаган тизим ҳолати

МУЛЬТИВИБРАТОР – *MULTIVIBRATOR* – *лот. multum – кўп va vibro – тебратман* – турлича хил электрик релаксациявий тебранишлар генератори
МУЛЬТИПЛЕТ – *MULTIPILET* – спин орбитал ўзаро таъсир натижасида бошлангич чизикнинг парчаланишидан вужудга келадиган спектрал чизиклар мажмуи

МУЛЬТИПЛЕТ ТЕРМ – *MULTIPLER TERM* – Мультиплетный терм – берилган бош. орбитал ва спин квант сочили, бироқ атомнинг тўлиқ ҳаракат миклдори моменти турли квант сонли термлар мажмуи

МУЛЬТИПЛЕТЛИК – *MULTIPLERLIK* – лот. *multiplex* – кўпқаррали – Мультиплетность – атом ёки молекула тўлиқ спинининг фазода мумкин бўлган вазиятлари сони

МУЛЬТИПОЛ – *MULTIPOL* – лот. *multum* – кўп ва юнон. *polos* – қутб – муайян симметрияга эга бўлган электрик зарядлар тизими

МУЛЬТИПОЛ МОМЕНТ – *MULTIPOL MOMENT* – Мультипольный момент – мультипол майдонининг қийматини ва бурчак таксимотини ҳамда унинг ташки майдонлар билан ўзаро таъсир энергиясини аниқловчи физикавий катталик

МУЛЬТИПОЛ НУРЛАНИШ – *MULTIPOL NURLANISH* – Мультипольное излучение – ҳаракатланаётган электрик зарядлар тизимининг унинг электрик ёки магнитик мультипол моментлари ўзгариши натижасида нурланиши

МУМКИН БЎЛГАН СИЛЖИШЛАР ТАМОЙИЛИ – *MUMKIN BO'LGAN SILJISHLAR TAMOYILI* – Принцип возможных перемещений – идеал боғланаши механик тизим мувозанатининг умумий шартларини ўрнатувчи механиканинг вариацион тамойилларидан бири

МУРАККАБ ЯРИМЎТКАЗГИЧ – *MURAKKAB YARIMO'TKAZGICH* – Сложный полупроводник – асосий таркиби икки ёки ундан ортик сондаги кимёвий элементлар атомларидан ташкил топган яримўтказгич

МУСБАТ КРИСТАЛЛ – *MUSBAT KRISTALL* – Положительный кристалл – оддий ёруғлик нурининг тарқалиш тезлиги ғайриоддий нурнинг тарқалиш тезлигидан катта бўладиган бир ўкли кристалл

МУСБАТ УСТУН – *MUSBAT USTUN* – Положительный столб – биқсима разрядда газразряд найининг ёруланувчи анод қисми

МУСИҚИЙ АКУСТИКА – *MUSIQIY AKUSTIKA* – Музыкальная акустика –

мусикани эшитиш ва икром қилиш билан боғлиқ бўлган объектив физикавий қонуниятлар ўрганиладиган акустика соҳаси

МУСТАҚИЛ МАСС-СПЕКТРОМЕТР – *MUSTAQIL MASS-SPEKTROMETR* – Монопольный масс-спектрометр – ионларни уларнинг массасини зарядига нисбати катталиги бўйича ажратишга қурилмаси; цилиндрик стержен билан бирлаштирилган кўмир электрод орасида ҳосил қилинувчи ўзгарувчан электрик майдонда амалга оширилади

МУСТАҚИЛ РАЗРЯД – *MUSTAQIL RAZRYAD* – Самостоятельный разряд – ўзининг мавжуд бўлиши учун ташки ионловчилар билан ионланишини юзага келтириб туриш такозо қилинмайдиган газ разряди

МУСТАҲКАМЛАШ – *MUSTAHKAMLASH* – Упрочнение – металлларнинг пластик деформацияга ёки бузилишга қаршилигини ошириш; механик ёки термик ишлов орқали эришиладиган дислокацияларнинг ҳаракатини ва уларнинг кўпайишини қийинлаштириш йўли билан амалга оширилади

МУСТАҲКАМЛИК – *MUSTAHKAMLIK* – Прочность – қаттиқ жисмларнинг ташки юкламалар таъсирида бузилишига ва шаклининг қайтмас ўзгаришларига қаршлик кўрсатиш хоссаси

МУСТАҲКАМЛИК ЗАХИРАСИ – *MUSTAHKAMLIK ZAXIRASI* – Запас прочности – тасодифий юкланишлар, қутилмаган нуқсонлар ва назарий ҳисоблашлар учун олинган ишончсиз бошланғич маълумотларни ҳисобга олган ҳолда йўл қўйиладиган назарий чегаравий юкламанинг хавфсиз ишлаш мумкин бўлган юкланишга нисбати

МУСТАҲКАМЛИК ЧЕГАРАСИ – *MUSTAHKAMLIK CHEGARASI* – Предел прочности – қиймати орттирилганда жисмнинг бузилишига олиб келувчи механик кучланиш

МУТАНОСИБ ҲИСОБЛАГИЧ – *MUTANOSIB HISOBLAGICH* – Пропорциональный счетчик – зарранинг детектор орқали ўтишида юзага келувчи электрик ток импульси катталиги зарранинг детектор ҳажмида ажратган энергия-

сига мутаносиб бўладиган зарядланган зарралар газразряд детектори

МУТАНОСИБЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ – *MUTANOSIBLIK KOEFFITSIENTI* – Коэффициент пропорциональности – бир-бирига мутаносиб ўзгарувчи икки физикавий катталиқнинг нисбатига тенг бўлган ўлчамли ёки ўлчамсиз катталиқ

МУТАНОСИБЛИК ЧЕГАРАСИ – *MUTANOSIBLIK CheGARASI* – Предел пропорциональности – кучланиш билан деформация орасидаги мутаносибликнинг бузилишига олиб келувчи механик кучланиш

МУТЛАҚ ДЕФОРМАЦИЯ – *MUTLAQ DEFORMATSIYA* – Абсолютная деформация – деформацияланаётган жисм ўлчовлари ёки шаклининг охириги ва бошлангич катталиги кийматлари орасидаги фарк

МУТЛАҚ ДИЭЛЕКТРИК СИНГДИРУВЧАНЛИК – *MUTLAQ DIELEKTRIK SINGDIRUVCHANLIK* – Абсолютная диэлектрическая проницаемость – диэлектрикнинг электрик хоссаларини тавсифловчи ва электрик силжиш катталигининг электрон майдон кучланганлиги катталигига нисбатига тенг бўлган скаляр катталиқ

МУТЛАҚ ДИЭЛЕКТРИК КАБУЛЧАНЛИК (ИЗОТРОП МОДДАЛАР УЧУН) – *MUTLAQ DIELEKTRIK QABULCHANLIK (IZOTROP MODDALAR UChUN)* – Абсолютная диэлектрическая восприимчивость (для изотропных веществ) – диэлектрикнинг электрик майдонда кутбланиш хоссасини тавсифловчи ва кутбланганлик катталигининг электрик майдон кучланганлиги катталигига нисбатига тенг бўлган скаляр катталиқ

МУТЛАҚ НАМЛИК – *MUTLAQ NAMLIK* – Абсолютная влажность – газ ва сув буғи аралашмасининг 1 м³ идаги сув буғи массаси

МУТЛАҚ НОТУРГУНЛИК – *MUTLAQ NOTURGUNLIK* – Абсолютная неустойчивость – таксимланган параметрли тизим (плазма, суюқлик, каттик жисм)да кичик бошлангич ғалаёнлашнинг вақт ўтиши билан фазонинг исталган нуктасида чексиз ўсиб боришидан иборат нотурғунлик хили

МУТЛАҚ САНОҚ ТИЗИМИ – *MUTLAQ SANOQ TIZIMI* – Абсолютная система отсчета – шартли равишда кўзгалмас деб олинувчи инерциал санок тизими

МУТЛАҚ СПЕКТРАЛ СЕЗГИРЛИК – *MUTLAQ SPEKTRAL SEZGIRLIK* – Абсолютная спектральная чувствительность – нолга тенг бўлмаган бирликларда ифодаланувчи спектрал сезгирлик

МУТЛАҚ ТЕЗЛАНИШ – *MUTLAQ TEZLANISH* – Абсолютное ускорение – нуктанинг мутлак санок тизимига нисбатан тезланиши

МУТЛАҚ ТЕЗЛИК – *MUTLAQ TEZLIK* – Абсолютная скорость – нуктанинг мутлак санок тизимига нисбатан ҳаракат тезлиги

МУТЛАҚ ҲАРОРАТ – *MUTLAQ HARORAT* – Абсолютная температура – термодинамик ҳарорат шкаласида кельвинларда ифодаланувчи ҳарорат

МУТЛАҚ ҚАТТИК ЖИСМ – *MUTLAQ QATTIQ JISM* – Абсолютно черное тело – ҳамма такрорийликлар, тарқалиш ва ёруғлик тўлқинларининг кутбланиш йўналишлари учун ютилиш коэффициентлари киймати бирга тенг бўладиган жисм

МУТЛАҚ ҲАРАКАТ – *MUTLAQ HARAKAT* – Абсолютное движение – жисм ҳолатининг шартли равишда ҳаракатсиз деб қаралган инерциал санок тизимга нисбатан вақт ўтиши билан ўзгариши

МУФАССАЛ МУВОЗАНАТ ТАМОЙИЛИ – *MUFASSAL MUVOZANAT TAMOYILI* – Принцип детального равновесия – мувозанатда бўлган тизимдаги ҳар қандай микроскопик жараён худди унга тесқарин жараён каби тезлик билан содир бўлади, дейилувчи таъкид

МУҲИТ – *MUHIT* – Среда – жисмлар ёки зарралар ҳаракатланадиган ҳамда тўлқинлар тарқаладиган физикавий муҳитларнинг умумий номи

МУҲИТНИ ҚУТБЛАШ – *MUHITNI QUTBLASH* – Поляризация среды – муҳитнинг ҳажмий дипол электрик моментини вужудга келтириш жараёни

МУХИТНИНГ ҚАРШИЛИГИ – *MUHITNING QARSHILIGI* – **Сопротивление среды** – мухитнинг ўзида харакатланаётган жисмларнинг кўчишига халакит бериш хоссаси
МЮОН АТОМ – *MYuON ATOM* – **Мюонный атом** – манфий зарядланган мюонли мезоатом
МЮОН КАТАЛИЗ – *MYuON KATALIZ* – **Мюонный катализ** – водород атом ядроларининг мюонларнинг фаол иштирокида нормал шароитда кўшилиш ходисаси
МЮОН НЕЙТРИНО – *MYuON NEYTRINO* – **Мюонное нейтрино** – элементар зарралар парчаланганда мюонлар билан бирга вужудга келувчи нейтрино хили

МЮОНИЙ (кимёвий тимсоли *Mi*) – *MYuONIY* (*kimyoviy timsoli Mi*) – мусбат зарядланган мюон ва электрондан ташкил топган μ^+e^- боғланган тизим
МЮОНЛАР – *MYuONLAR* – **Мюоны** – массаси электрон массасидан тақрибан 207 марта катта ва электромагнитик ҳамда заиф ўзаро таъсирларда иштирок қилувчи нотурун зарядланган элементар зарралар
МУЙЛОВ – *MO'YLOV* – **Ус** – ипсимон кристалл
МУРТЛИК – *MO'RTLIK* – **Хрупкость** – ўртача даражаси оқувчанлик чегарасидан паст бўлган кучланишлар таъсиридаги кичик деформацияларда материалларнинг емирилиш хоссаси

Н

НАЙКВИСТ ФОРМУЛАСИ – *NAYKVIST FORMULASI* – **Формула Найквиста** – электрик занжирдаги ток ёки кучланишнинг иссиқлик *флуктуациялари* катталигини аниқловчи муносабат
НАМГА ТЎЙИНГАН БУҒ – *NAMGA TO'YINGAN BUG* – **Влажный насыщенный пар** – суюк фазанинг муаллақ зарраларига эга бўлган тўйинган буг
НАМДОРЛИК – *NAMDORLIK* – **Влагосодержание** – нам жисмдаги мавжуд сув массасининг шу жисмнинг курук ҳолдаги массасига нисбати (фоизларда ифодаланган)
НАМЛИК – *NAMLIK* – **Влажность** – нам жисмдаги мавжуд сув массасининг шу жисмнинг сув билан биргаликдаги массасига нисбати (фоизларда ифодаланган)
НАМЛИК ЕТИШМАСЛИГИ – *NAMLIK YETISHMASLIGI* – **Дефицит влажности** – берилган ҳарорат ва босимда сув бутининг мумкин бўлган энг катта босими ва амалдаги босими орасидаги фарк
НАМУНАВИЙ ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ – *NAMUNAVIY O'LCHOV VOSITALARI* – **Образцовые средства измерения** – намунавий деб ҳисобланган ва бошқа ўлчов воситаларини текшириш учун хизмат қилувчи ўлчовлар, ўлчагич асбоблар ва ўлчагич-ўзгартиргичлар

НАНО – *NANO* – **юнон. nanos** – *мишти, кичкина* – бошланғич бирликнинг 10^{-9} қисмига тенг улуш бирлиги номини ясаш учун физикавий катталик бирлиги номи олдига қўйиладиган кўшимча
НАСОС – *NASOS* – **суюқликлар ёки газларга энергия узатиш натижасида уларни қисув остида силжитиш қурилмаси**
n-ВАРИАНТЛИ ТЕРМОДИНАМИК ТИЗИМ – *n-VARIANTLI TERMODINAMIK TIZIM* – **n-вариантная термодинамическая система** – термодинамик эркинлик даражалари сони *n* га тенг бўлган термодинамик тизим
НЕЕЛ ҲАРОРАТИ – *NEEL HARORATI* – **Температура Неела** – антиферромагнетикнинг парамагнетикка фазовий ўтиши ҳарорати
НЕЙМАН ТАМОЙИЛИ – *NEYMAN TAMOYILI* – **Принцип Неймана** – кристаллнинг макроскопик хоссалари симметрияси билан унинг ташқи шакли симметрияси орасидаги боғланиш
НЕЙТРИНО – *NEYTRINO* – лептонлар гуруҳига оид, тинчлик массаси электрон массасидан кўп карра кичик бўлган ҳамда заиф ва гравитациявий ўзаро таъсирларда иштирок этувчи электрик бетаграф элементар зарра

НЕЙТРИНО АСТРОФИЗИКАСИ – *NEYTRINO ASTROFIZIKASI* – **Нейтринная астрофизика** – юлдузлар ва бошқа космик объектларда нейтрино иштирокида ўтадиган жараёнларни тадқиқ қилиш

НЕЙТРИНО ОСЦИЛЛЯЦИЯЛАРИ – *NEYTRINO OSTSILLYaTSIYaLARI* – **Нейтринные осцилляции** – нейтринода нолга тенг бўлмаган тинчлик массаси мавжуд бўлганида бирор хил нейтрино (меон, электрон, тауон)нинг фаразан даврий бошқа турга айланиши

НЕЙТРОН – *NEYTRON* – *ингл. neutron, лот. neuter* – у ҳам, бу ҳам эмас – атом ядроси таркибига кирувчи ҳамда барционларга оид электрик зарядсиз элементар зарра

НЕЙТРОН ГЕНЕРАТОР – *NEYTRON GENERATOR* – **Нейтронный генератор** – юкори жадаллиқли нейтрон дасталарини ҳосил қилишга мўлжалланган тезлатгич

НЕЙТРОН КЕСИМ – *NEYTRON KESIM* – **Нейтронное сечение** – нейтронларнинг атом ядролари билан ўзаро таъсири самарали кесими

НЕЙТРОН МАНБАЛАР – *NEYTRON MANBALAR* – **Нейтронные источники** – нейтронларнинг учиб чиқиши билан содир бўлувчи ядровий реакцияларга асосланган барча тур нейтрон манбалари

НЕЙТРОН ОПТИКА – *NEYTRON OPTIKA* – **Нейтронная оптика** – нейтронлар физикаси бўлими; секин ҳаракатланувчи нейтронларнинг муҳит билан ҳамда электромагнитик ва гравитациявий майдонлар билан ўзаро таъсирини ўрганати

НЕЙТРОН РАДИОГРАФИЯ – *NEYTRON RADIOGRAFIYa* – **Нейтронная радиография** – объектни нейтронлар билан нурантирилганда юзага келувчи ядровий реакция маҳсулотлари, яъни зарраларнинг фотосезир қатламга таъсири орқали объектнинг “нейтрон тасвирини” ҳосил қилиш

НЕЙТРОН СПЕКТРОСКОПИЯ – *NEYTRON SPEKTROSKOPIYa* – **Нейтронная спектроскопия** – нейтронлар физикаси бўлими; нейтронларнинг атом ядролари билан турлича ўзаро таъсир

жараёнлари самараси кўндаланг кесимининг энергиявий боғланишларини ва ядроларнинг уйғонган ҳолатлари хоссаларини ўрганати

НЕЙТРОН ЮЛДУЗЛАР – *NEYTRON YULDUZLAR* – **Нейтронные звезды** – юлдузларнинг ички тузилиши назариясига кўра, озгина электронлар аралашган нейтронлардан, ўта оғир атом ядролари ва протонлардан ташкил топган, гидростатик мувозанатдаги энг зич юлдузлар

НЕЙТРОНЛАР АЛЬБЕДОСИ – *NEYTRONLAR ALBEDOSI* – *лот. albedo* – *оппоқлик, оқ ранг* – **Альbedo нейтронов** – муҳитда кўпқаррали сочилиш натижасида нейтронларнинг қайтиш эҳтимоли

НЕЙТРОНЛАР ДИФРАКЦИЯСИ – *NEYTRONLAR DIFRAKSIYaSI* – **Дифракция нейтронов** – нейтронларнинг сочилишида уларнинг тўлқин хоссалари илтиёзли ўрин тутадиган ҳодиса

НЕЙТРОНЛАР ДИФFUЗИЯСИ – *NEYTRONLAR DIFFUZIYaSI* – **Диффузия нейтронов** – нейтронларнинг атом ядролари билан тўқнашувда уларнинг энергиялари ва ҳаракат йўналиши кўп қаррали ўзгариши туфайли уларнинг модалда тарқалиши

НЕЙТРОНЛАР СЕКИНЛАТГИЧИ – *NEYTRONLAR SEKINLATGICHi* – **Замедлитель нейтронов** – ядро реакторида нейтронларни секинлатиш учун ишлатиладиган модалда

НЕЙТРОНЛАР ФИЗИКАСИ – *NEYTRONLAR FIZIKASI* – **Нейтронная физика** – модалда тузилишини нейтронлар ёрдамида тадқиқ қиладиган, шунингдек нейтронларнинг ўз хоссалари ва тузилишини ўрганадиган фан тармоғи

НЕЙТРОНЛАРНИ СЕКИНЛАТИШ – *NEYTRONLARNI SEKINLATISH* – **Замедление нейтронов** – секинлатгич модалда атомлари ядроларининг нейтронлар билан кўп қаррали тўқнашишлари натижасида нейтронлар кинетик энергиясини қамайтириш

НЕЙТРОНЛАРНИ ТЕРМАЛЛАШ – *NEYTRONLARNI TERMALLASH* – **Термализация нейтронов** – нейтронларни иссиқлик тезликларигача секинлатиш

НЕЙТРОННИНГ БЕТА-ЕМИРИЛИШИ – *NEYTRONNING BETA-*

EMIRILISHI – Бета-распад нейтрона – эркин нейтроннинг заиф ўзаро таъсир натижасида протонга, электронга ва антинейтронга ўз-ўзидан айланиши

НЕЙТРОНОГРАФИЯ – *NEYTRONO-GRAFIYA* – кинетик энергияси 1эВ дан кичик бўлган нейтронларнинг сочилиши асосида молекулалар, кристаллар ва суюқликларнинг тузилишини ўрганиш усуллари мажмуи

НЕМАТИК – *NEMATIK* – суюқ кристалл молекулаларининг оғирлик марказлари тартибсиз жойлашганда узун ўқлари катъий йўналганлиги билан тавсифланувчи суюқ кристалл хили

НЕРНСТ ТЕОРЕМАСИ – *NERNST TEOREMASI* – Теорема Нернста – икки мувозанат ҳолат орасида мутлақ нолга яқинлашадиган ҳароратларда содир бўлувчи ҳар қандай қайтар изотермик жараёнда энтропиянинг ўзгариши (ΔS) нолга интилади, яъни $\lim \Delta S \rightarrow 0$ дейилувчи термодинамик теорема

НЕРНСТ-ЭТТИНГСХАУЗЕН САМАРАСИ – *NERNST-ETTINGSXAUZEN SAMARASI* – Эффект Нернст-Эттингсхаузена – қаттиқ ўтказгичларда ҳарорат градиенти ҳамда ўтказгичда тик магнитик майдон мавжудлигида электрик майдоннинг юзага келиши

НЕТЕР ТЕОРЕМАСИ – *NETER TEOREMASI* – Теорема Нетер – физикавий тизимнинг симметриявий хоссалари билан сакланиш қонуллари орасидаги боғлиқлиқни аниқловчи физиканинг асосий теоремаси

НИКОЛ ПРИЗМАСИ – *NIKOL PRIZMASI* – Призма Николая – исланд шпатидан ясалган, икки қисмдан ташкил топган, ясси қутбланган ёруғлик ҳосил қилишда қўлланиладиган призма

НИСБИЙ ДЕФОРМАЦИЯ – *NISBIY DEFORMATSIYA* – Относительная деформация – мутлақ деформациянинг жисм ўлчовларини ёки шаклини тавсифловчи катталикнинг бошланғич қийматида нисбати

НИСБИЙ КЎРИНУВЧАНЛИК – *NISBIY KO'RINUVCHANLIK* – Относительная видимость – кўзнинг нисбий спектрал сезирилиги

НИСБИЙ НАМЛИК – *NISBIY NAMLIK* – Относительная влажность – мутлақ намликнинг ўта ҳароратдаги қуруқ тўйинган буг зичлигига (аралашма босимидаги тўйинган сув буги ҳароратидан юқорирок ҳароратларда эса ўшандай ҳарорат ва босимдаги ўтақизиган буг зичлигига) нисбати

НИСБИЙ САНОҚ ТИЗИМИ – *NISBIY SANOQ TIZIMI* – Относительная система отсчета – мутлақ саноқ тизимига нисбатан ҳаракатланаётган саноқ тизими

НИСБИЙ ТЕЗЛАНИШ – *NISBIY TEZLANISH* – Относительное ускорение – 1) нуқтанинг нисбий саноқ тизимига нисбатан тезланиши; 2) мутлақ тезланишнинг нисбий тезликнинг ўзгариши билан боғлиқ ташкил қилувчиси

НИСБИЙ ТЕЗЛИК – *NISBIY TEZLIK* – Относительная скорость – 1) нуқтанинг нисбий саноқ тизимига нисбатан ҳаракат тезлиги; 2) нуқта мутлақ тезлигининг унинг нисбий ҳаракати билан боғлиқ ташкил қилувчиси

НИСБИЙ ТИНЧЛИК – *NISBIY TINChLIK* – Относительный покой – механик тизимнинг танланган саноқ тизимида унинг барча нуқталари вақт ўтиши билан ўзгармай қоладиган ҳолати

НИСБИЙ ТИРҚИШ – *NISBIY TIRQISH* – Относительное отверстие – объектив апертураси диаметрининг унинг фокус масофасига нисбати

НИСБИЙ УЗАЙИШ – *NISBIY UZAYISH* – Относительное удлинение – чўзилишда жисм чизғий ўлчови ўзгаришининг унинг бошланғич қийматида нисбати

НИСБИЙ ҲАРАКАТ – *NISBIY HARAKAT* – Относительное движение – жисм ҳолатининг ҳаракатланувчи саноқ тизимига нисбатан вақт ўтиши билан ўзгариши

НИСБИЙЛИК ТАМОЙИЛИ – *NISBIYLIK TAMOIILI* – Принцип относительности – физика қонуллари барча инерциал саноқ тизимларида бирдай кўринишга эга бўлади, дейилувчи даъво

НИТ (*нг, nt*) – *NIT* (*нт, nt*) – лот. *niteo* – ярқирайман – квадрат метрга тўғри келадиган қандил; равшанлик бирлигининг қадимий номи (қ. *Кандела*)

НИШОН – *NIShON* – Мишень – атом ёки элементар зарралар дастаси йўлига уларнинг модалар билан ўзаро таъсирини ўрганиш мақсадида сочиш ёки зарраларнинг янги дастасини ҳосил қилиш учун ўрнатилувчи қўрилма

НИШОН ПАРАМЕТРИ – *NIShON PARAMETRI* – Прицельный параметр – сочувчи куч маркази билан зарранинг бошланғич ҳаракати чизиги орасидаги масофа

НИШОНЛАНГАН АТОМЛАР УСУЛИ – *NIShONLANGAN ATOMLAR USULI* – Метод меченых атомов – бирор жараёнда иштирок қилувчи модданинг атомлари ўша атомларнинг радиофаол изотоплари билан алмаштирилдиган талқикот усули

НОАНИҚЛИКЛАР МУНОСАБАТИ – *NOANIQLIKLAR MUNOSABATI* – Соотношение неопределенностей – икки қўшма физикавий катталиқ, мас., импульс ва координаталар, энергия ва вақт кийматларидаги ноаниқликлар кўпайтмалари Планк доимийсидан кичик бўлиши мумкин эмас, дейилувчи даъво

НОАСОСИЙ ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАР – *NOASOSIY ZARYAD TASHUVCHILAR* – Неосновные носители заряда – мазкур яримўтказгичда асосий заряд ташувчилар концентрациясидан концентрацияси кичикроқ бўлган ҳаракатчан заряд ташувчилар: р-тур яримўтказгичдаги электронлар, п-тур яримўтказгичдаги коваллар

НОАСОСИЙ ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАР ДАЙДИШИ – *NOASOSIY ZARYAD TASHUVCHILAR DAYDISHI* – Дрейф неосновных носителей заряда – ноасосий заряд ташувчиларнинг уларнинг рекомбинация юз бергунча ўтган вақтда электрик майдон таъсиринда кўчиши

НОБАРҚАРОР ҲОЛАТ – *NOBARQAROR HOLAT* – Нестационарное состояние – параметрлари киймати тақсимоли вақт ўтиши билан ўзгариб турадиган тизим

НОБИРЖИНС МУҲИТ – *NOBIRJINS MUHIT* – Неоднородная среда – муайян физикавий хоссалари координаталарга боғлиқ бўлган муҳит

НОБИРЖИНС МУҲИТЛАР ОПТИКАСИ – *NOBIRJINS MUHITLAR OPTIKASI* – Оптика неоднородных сред – синдириш кўрсаткичи доимий бўлмайдиган, координатага боғлиқ бўлган оптик нобиржинс муҳитларда нурланишнинг тарқалишида вужудга келадиган ҳодисалар ўрганиладиган оптика бўлими

НОГАРМОНИК ОСЦИЛЛЯТОР – *NOGARMONIK OSSILLYATOR* – Ангармонический осциллятор – тебранишлари гармоник тебранишлардан фарқ қилувчи осциллятор

НОДАВРИЙ ТИЗИМ – *NODAVRIY TIZIM* – Аперриодическая система – катта энергия йўқотишлар туфайли хусусий тебранишлар мумкин бўлмайдиган тизим

НОЗИК ТУЗИЛИШ – *NOZIK TUZILISH* – Тонкая структура – атомлар, молекулалар ва кристаллар энергия сатҳларининг спин-орбитал ўзаро таъсир юзага келтирган ажралиши

НОЗИК ТУЗИЛИШ ДОИМИЙСИ – *NOZIK TUZILISH DOIMIYSI* – Постоянная тонкой структуры – атом энергияси сатҳларининг нозик тузилишини белгилувчи доимий

НОИНЕРЦИАЛ САНОҚ ТИЗИМИ – *NOINERShIAL SANOQ TIZIMI* – Неинерциальная система отсчета – бирор-бир жисملар таъсир қилмаётган моддий нуқта нисбатан тезлиши билан ҳаракатланадиган санок тизими

НОЛИНЧИ АСБОВ – *NOLINChI ASBOB* – Нулевой прибор, нуль-индикатор – улчашларнинг нол усулида таққосланувчи катталиқлар орасидаги гафлутини ошқор қилиш асбоби

НОЛИНЧИ ТЕБРАНИШЛАР – *NOLINChI TEBRANISHLAR* – Нулевые колебания – квант гармоник осцилляторнинг мумкин бўлган энг кичик энергияли тебранишлари

НОЛИНЧИ ТОВУШ – *NOLINChI TOVUSH* – Нулевой звук – Ферми-суюқликларда мутлақ нол ҳарорат яқинида квази-зарраларнинг мувозанатий тақсимланиши бузилиши натяжасида вужудга келиши ва тарқалиши мумкин бўлган тебранишлар

НОЛИНЧИ ЭНЕРГИЯ – *NOLINCHI ENERGIYA* – Нулевая энергия – квант механик тизимнинг асосий ҳолати энергияси билан тизимнинг потенциал энергияси минимумига мос келувчи энергия орасидаги айирма

НОЛОКАЛ ҲАЗАРО ТАЪСИР – *NOLOKAL O'ZARO TA'SIR* – Нелокальное взаимодействие – майдонлараро Ҳазаро таъсирнинг бир майдоннинг фазо-вақтнинг бирор нуктасидаги хоссаси иккинчи майдоннинг шу нукта атрофидаги қиймати билан аниқланишидан иборат механизми

НОМОНОХРОМАТИК НУРЛАНИШ – *NOMONOXROMATIK NURLANISH* – Номонохроматическое излучение – ёруғлик тўлқинларининг такрорийликлари тўплами билан ифодаланувчи электромагнитик нурланиш

НОМОНОЭНЕРГЕТИК НУРЛАНИШ – *NOMONOENERGETIK NURLANISH* – Номоноэнергетическое излучение – турли энергияли квантлар ёки ҳар хил кинетик энергияли бир хил зарралардан ташкил топган нурланиш

НОМУВОЗАНАТИЙ ПЛАЗМА – *NOMUVOZANATIY PLAZMA* – Неравновесная плазма – тўла термодинамик мувозанат ҳолатига мос келмайдиган вазиятдаги плазма

НОМУВОЗАНАТИЙ ТЕРМОДИНАМИКА – *NOMUVOZANATIY TERMODINAMIKA* – Неравновесная термодинамика – номувозанатий тизимлардаги қайтмас жараёнларни ўрганувчи термодинамика соҳаси

НОМУВОЗАНАТИЙ ҲОЛАТ – *NOMUVOZANATIY HOLAT* – Неравновесное состояние – термодинамикада тизимнинг термодинамик мувозанатдан чиқарилган ҳолати, статистик физикада статистик мувозанатдан чиқарилган ҳолати

НОМУСТАҚИЛ РАЗРЯД – *NOMUSTAQIL RAZRYAD* – Незамостоятельный разряд – газни ташқи ионловчилар билан ионлашадигана мавжуд бўла оладиган газ разряди

НОНЬЮТОН СУЮҚЛИК – *NONYU-TON SUYUQLIK* – Неньютоновская жидкость – ёпишқоқлиги доимий катталик бўлмаган суюқлик

НООДДИЙ НУР – *NOODDIY NUR* – Необыкновенный луч – шаффоф кристаллда ёруғликнинг синиш қонунига бўйсунмайдиган ёруғлик нури

НОРЕЛЯТИВИСТИК КВАНТ МЕХАНИКА – *NORELYATIVISTIK KVANT MEKXANIKA* – Нерелятивистическая квантовая механика – квант механиканинг зарралар энергияси уларнинг тинч ҳолатдаги энергиясига нисбатан анча кичик бўладиган ҳоллари қараладиган бўлими

НОРЕЛЯТИВИСТИК МЕХАНИКА – *NORELYATIVISTIK MEKXANIKA* – Нерелятивистическая механика – жисмларнинг ёруғлик тезлигига нисбатан кичик тезликларда ҳаракатларини таъсирловчи механика

НОРМАЛ БОСИМ – *NORMAL BOSIM* – Нормальное давление – нормал атмосферага тенг босим

НОРМАЛ БОСИМ КУЧИ – *NORMAL BOSIM KUCHI* – Сила нормального давления – муайян жисмга тегишиб турган жисм томонидан таъсир қилувчи тегишиш сиртига тик йўналган ташкил қилувчи куч

НОРМАЛ КАТТАЛАШТИРИШ – *NORMAL KATTALASH TIRISH* – Нормальное увеличение – асбобнинг чиқиш тирқиши диаметри кузатувчининг кўзи диаметрига тенг бўлган ҳолдаги оптик тизим ҳосил қиладиган туюлма катталаштириш

НОРМАЛ КУЧЛАНИШ – *NORMAL KUCHLANISH* – Нормальное напряжение – жисм сиртига тенг қушлар таъсирида юзага келувчи механик кучланиш

НОРМАЛ ТЕБРАНИШЛАР – *NORMAL TEBRANISHLAR* – Нормальные колебания – кўп эркинлик даражасига эга бўлган чизигий тебраниш тизимларидаги гармоник хусусий тебранишлар

НОРМАЛ ТОН – *NORMAL TON* – Нормальный тон – мусикий созловнинг асосий тони

НОРМАЛ ТЎЛҚИНЛАР – *NORMAL TO'LQINLAR* – Нормальные волны – энергиянинг ютилиши ва сочилишини назарга олмаса бўладиган, доимий параметрли чизигий динамик тизимдаги югурувчи гармоник тўлқинлар

НОРМАЛ ШАРОИТЛАР – *NORMAL SHAROITLAR* – **Нормальные условия** – 1 нормал атмосфера босим ва 0°С ҳарорат билан белгилағувчи физикавий шароитлар

НОРМАЛ ЭЛЕМЕНТ – *NORMAL ELEMENT* – **Нормальный элемент** – доимий токнинг электрик юритувчи кучи ўлчови сифатида фойдаланиладиган *гальваник элемент*

НОСТАТИК ЖАРАЁНЛАР – *NOSTATIK JARAYONLAR* – **Нестатические процессы** – чекли тезлик билан содир бўлувчи ва, оқибатда, қайтмас тарзда ўтувчи физикавий жараёнлар

НОСФЕРИК ОПТИКА – *NOSFERIK OPTIKA* – **Асферическая оптика** – сиртлари сферик шаклда бўлмаган элементларга эга оптик тизим

НОТТИНГЕМ САМАРАСИ – *NOTTINGEM SAMARASI* – **Эффект Ноттингема** – автоэлектрон эмиссияда катодда иссиқликнинг ажралиши ҳамда термоавтоэлектрон эмиссияда катод сиртига келувчи электронлар ўртача энергияси билан ундан келувчи электронлар энергияси орасидаги фарққа боғлиқ иссиқликнинг ютилиши

НОТУРҒУН МУВОЗАНАТ – *NOTURG'UN MUVOZANAT* – **Неустойчивое равновесие** – кичик галаёйлларнинг ўзи ҳам тизимни мувозанат ҳолатидан чиқариб, уни янги мувозанат ҳолатига ўтказадиган мувозанат

НОТУРҒУН МУВОЗАНАТИЙ ФАЗА – *NOTURG'UN MUVOZANATIY FAZA* – **Неустойчивая равновесная фаза** – зарядланган зарранинг мувозанатий фазадан кичик бошланғич четлашишлари вақт ўтиши билан ўсиб борадиган ҳол

НОЧИЗИҒИЙ АКУСТИКА – *NOCHIZIG'IY AKUSTIKA* – **Нелинейная акустика** – ҳодисаларни ўрганишда уларни тавсифлаш учун товуш чизигий назарияси етарли бўлмай, гидродинамика ва ҳолат тенгламаларининг ночизигий аъзоларини назарга олиш зарур бўладиган акустика бўлими

НОЧИЗИҒИЙ ОПТИКА – *NO-CHIZIG'IY OPTIKA* – **Нелинейная оптика** – кудратли ёруғлик дасталарининг каттик жисмларда, суюқликларда ва

газларда тарқалишини ҳамда уларнинг модда билан ўзаро таъсирини ўрганувчи оптика бўлими

НОЧИЗИҒИЙ РЕЗОНАНС – *NOCHIZIG'IY REZONANS* – **Нелинейный резонанс** – магнитик майдоннинг кўндаланг координаталарга ночизигий боғланган ташкил қилувчилари юзага келтирган *резонанс*

НОЧИЗИҒИЙ СПЕКТРОСКОПИЯ – *NOCHIZIG'IY SPEKTROSKOPIYA* – **Нелинейная спектроскопия** – модда тузилишини тадқиқ қилишнинг ночизигий оптик ҳодисаларга асосланган усули

НОЧИЗИҒИЙ ТИЗИМ – *NOCHIZIG'IY TIZIM* – **Нелинейная система** – параметрлари унинг ҳолатини тавсифловчи ўзгарувчи катталикларга боғлиқ бўлган тизим

НОЧИЗИҒИЙ ҚУТБЛАНИШ – *NOCHIZIG'IY QUTBLANISH* – **Нелинейная поляризация** – муҳит қутбланишининг электрик майдон ва муҳитда тарқалаётган электромагнитик тўлқин кучланганликларининг ночизигий функцияси бўлган ҳамда элементар атом осцилляторининг жадал нурланиш таъсирига ногармоник жавоби билан боғлиқ бўлган қисми

НОЭЛАСТИК СОЧИЛИШ – *NO-ELASTIK SOCHILISH* – **Неупругое рассеяние** – 1) ёруғлик фотонлари такрорийлигининг ўзгариб сочилиши; 2) микрозарралар ҳолатларининг ўзгариши ва янги зарралар ҳосил бўлиши билан бирга содир бўлувчи микрозарралар сочилиши

НОЭЛАСТИК ТўқНАШУВЛАР – *NOELASTIK TO'QNASHUVLAR* – **Неупругие столкновения** – зарраларнинг йиғинди кинетик энергияси ўзгармайдиган тўқнашувлари

НОҚУТБИЙ ДИЭЛЕКТРИК – *NOQUTBIY DIELEKTRIK* – **Неполярный диэлектрик** – молекулалари ташқи электрик майдон бўлмаганда нолга тенг бўлган электрик моментга эга модда

n-ТУР ЯРИМУТКАЗГИЧ – *n-TUR YARIMUTKAZGICH* – **n-типа полупроводник** – электрон ўтказувчанликка эга бўлган яримўтказгич

НУКЛЕОСИНТЕЗ – *NUKLEOSINTEZ* – лот. *nucleus* – ядро ва *yunon. synthesis* – бирикма – энгирок ядролардан оғиррок ядролар ҳосил бўлишига олиб келувчи ядровий реакциялар занжири

НУКЛИД – *NUKLID* – ядроси таркибида муайян сон протонлар ва нейтронлар бўлган атом

НУКЛОНЛАР – *NUKLONLAR* – лот. *nucleus* – ядро – барча атом ядроларининг таркибий қисми бўлган протонлар ва нейтронларнинг умумий номи

НУР – *NUR* – Луч – 1) ҳар бир нуктага уринма тўлқиннинг шу нуктада тарқалиш йўналишига мос тушувчи чизик; 2) к. *Ёруғлик нури*

НУРИЙ ИССИКЛИК АЛМАШИНУВ – *NURIY ISSIQLIK ALMAShI-NUV* – Лучистый теплообмен – модда ички энергиясининг бир қисми нурланиш энергияси (электромагнитик тўлқинлар ёки фотонлар нурлаши)га айланиб, фазода нурланишнинг ёруғлик тезлигида кўчиши ва унинг модда томонидан ютилишидан иборат бўлган энергия кўчиши жараёни

НУРИЙ МУВОЗАНАТ – *NURIY MUVOZANAT* – Лучистое равновесие – юлдуз энергияси фақат нур тарзида кўчиши ҳолида, юлдузларнинг тузилиши назариясида бутун юлдуз (ёки унинг айрим қисми)нинг механик мувозанатини белгилашда кенг ишлатиладиган атама

НУРИЙ ТЕЗЛИК – *NURIY TEZLIK* – Лучевая скорость – астрономик манбанинг кўриш нури бўйича ташкил қилувчи тезлиги (кузатувчи билан объект орасидаги масофанинг ўзгариш тезлиги)

НУРГА МУСТАҲҚАМЛИК – *NURGA MUSTAHKAMLIK* – Лучевая прочность – қаттиқ шаффоф материалларга қудратли ёруғлик нурланиши таъсир қилганда уларнинг бузилишига ва оптик хоссаларининг қайтмас ўзгаришларига қаршилик кўрсатиш қобилияти

НУРЛАНГИЧ – *NURLANGICH* – Излучатель – нурланиш ишлаб чиқараётган физикавий тизим

НУРЛАНИШ – *NURLANISH* – Излучение – 1) фазода тарқалаётган бирор табиатли тўлқинлар ёки қандайдир

зарралар оқими; 2) бирор физикавий тизимдан нурланиш чиқариш жараёни

НУРЛАНИШ ДАСТАСИНИНГ БУРЧАК КЕНГЛИГИ – *NURLANISH DASTASINING BURChAK KENGLIGI* – Угловая ширина пучка излучения – нурланишнинг йўналишини ифодаловчи ясси ёки фазовий бурчак

НУРЛАНИШ ДИФФУЗИЯСИ – *NURLANISH DIFFUZIYASI* – Диффузия излучения – муҳитда фотонларнинг кўп зарравий ютилиши ва сўнгра некогерент чиқарилишида нурланишнинг тарқалиши

НУРЛАНИШ ДОЗАСИ – *NURLANISH DOZASI* – *yunon. dosis* – бўлак, қабул – Доза излучения – нурлантирилаётган модда ютган ва унинг масса бирлиги учун ҳисобланган ионловчи нурланиш энергияси

НУРЛАНИШ ЖАДАЛЛИГИ – *NURLANISH JADALLIGI* – Интенсивность излучения – бирор фазавий бурчакдан чиқаятган нурланиш энергияси оқими зичлиги катталигининг шу бурчак катталигига нисбати

НУРЛАНИШ ЙЎНАЛГАНЛИГИ ДИАГРАММАСИ – *NURLANISH Yo'NALGANLIGI DIAGRAMMASI* – Диаграмма направленности излучений – электромагнитик ёки акустик нурланиш манбаи чиқараётган тўлқинларнинг майдон кучланганлиги ёки қуввати тўлқинларнинг тарқалиш йўналишига боғлиқлигини графикавий тасвирлаш

НУРЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИ – *NURLANISH KOEFFITSIENTI* – Коэффициент излучения – бирдай ҳароратда муайян манбалар энергиявий равшанлиги нисбатига тенг бўлган катталиқ

НУРЛАНИШ КУЧИ – *NURLANISH KUCHI* – Сила излучения – нурланиш оқимининг фазовий бурчак зичлиги, манбадан бирор фазовий бурчакда тарқалаётган нурланиш оқимининг шу фазовий бурчак катталигига нисбатига тенг

НУРЛАНИШ МАЙДОНИ – *NURLANISH MAYDONI* – Поле излучения – нурланишнинг қаралаётган ҳажмда фазо-вақт бўйича тақсимланиши

НУРЛАНИШ ОҚИМИ – *NURLANISH OQIMI* – Поток излучения –

электромагнитик нурланишнинг бирор сирт оркали олиб ўтадиган тўла куввати
НУРЛАНИШ РЕАКЦИЯСИ – *NURLANISH REAKSIYASI* – Реакция излучения – зарядланган заррага ўзи вужудга келтираётган электромагнитик нурланиш майдони томонидан таъсир килувчи куч
НУРЛАНИШ СИФАТИ КОЭФФИЦИЕНТИ – *NURLANISH SIFATI KOEFFITSIENTI* – Коэффициент качества излучения – одам муайян тур нурланиш билан муттасил нурлангандаги хавф ўшанча дозадаги рентген нурланишидаги хавфга нисбатан канча юқори эканлигини кўрсатувчи нисбат
НУРЛАНИШ ТУПИ – *NURLANISH TO'PI* – Луч излучения – нурнинг электромагнитик майдон мавжуд бўлган бўлаги
НУРЛАНИШ ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ КОЭФФИЦИЕНТИ – *NURLANISH ENERGIYASINI UZATISH KOEFFITSIENTI* – Коэффициент передачи энергии излучения – бирламчи квант нурланиш энергиясининг иккиламчи корпускуляр нурланиш энергиясига айланиши билан белгиланувчи заифланиш коэффициентининг бир қисми
НУРЛАНИШ ЭНЕРГИЯСИНИНГ ЗИЧЛИГИ – *NURLANISH ENERGIYASINING ZICHLIGI* – Плотность энергии излучения – ҳажм бирлигига тўри келадиган нурланиш энергияси
НУРЛАНИШ ЭНЕРГИЯСИНИНГ ОҚИМИ – *NURLANISH ENERGIYASINING OQIMI* – Поток энергии излучения – вақт бирлиги ичида муайян сиртдан ўтувчи нурланиш энергияси
НУРЛАНИШ ЭНЕРГИЯСИНИНГ ЮТИЛИШИ – *NURLANISH ENERGIYASINING YUTILISHI* – Поглощение энергии излучения – ионловчи нурланиш энергиясининг нурлантириладиган муҳитда энергиянинг бошқа турларига, шунингдек бошқа тур нурланишлар энергиясига айланиши
НУРЛАНИШ ҚАБУЛ ҚИЛГИЧ – *NURLANISH QABUL QILGICH* – Приемник излучения – нурланиш таъсирида ўз ҳолатида юз берадиган

ўзгаришлардан шу нурланишни ўлчашда фойдаланиладиган асбоб
НУРЛАНИШ ҚАБУЛ ҚИЛГИЧ ИНЕРЦИЯСИ – *NURLANISH QABUL QILGICH INERSIYASI* – Инерция приемника излучения – ёруғлик таъсирида нурланиш қабул қилгич реакциясининг кечикиши
НУРЛАНИШ ҚАБУЛ ҚИЛГИЧНИНГ КВАНТ ЧИКИШИ – *NURLANISH QABUL QILGICHNING KVANT CHIQISHI* – Квантовый выход приемника излучения – нурланиш қабул қилгич реакциясини юзага келтирувчи фотонлар сонининг қабул қилгичнинг сезгир элементи ютган умумий фотонлар сонига нисбати
НУРЛАНИШ ҚАБУЛ ҚИЛГИЧНИНГ СЕЗГИРЛИГИ – *NURLANISH QABUL QILGICHNING SEZGIRLIGI* – Чувствительность приемника излучения – нурланиш қабул қилгич реакциясининг шу реакцияни юзага келтирган ёруғлик энергиясига ёки кувватига нисбатига мутаносиб катталиқ
НУРЛАНИШ ҚАБУЛ ҚИЛГИЧНИНГ СЕЗГИРЛИК БЎСАГАСИ – *NURLANISH QABUL QILGICHNING SEZGIRLIK BO'SAG'ASI* – Порог чувствительности приемника излучения – муайян нурланиш қабул қилгич ёрдамида қайд қилиш мумкин бўлган энг кичик ёруғлик таъсири
НУРЛАНИШ ҚАРШИЛИГИ – *NURLANISH QARSHILIGI* – Сопротивление излучения – антеннанинг нурланиш қобилиятини тавсифловчи фаол карпилиги
НУРЛАНИШ ҚОБИЛИЯТИ – *NURLANISH QOBILIYATI* – Излучательная способность – жисм сирти чиқарган электромагнитик нурланиш кувватининг шу сирт сатҳига ҳамда шу нурланиш қамраб олган такрорийликлар оралиғига нисбати
НУРЛАНИШ ҚОНУНИ – *NURLANISH QONUNI* – Закон излучения – мутлак қора жисмнинг мувозанатий нурланиш спектрида энергия тақсимланишини ифодаловчи қонун
НУРЛАНИШ ҚУВВАТИ – *NURLANISH QUUVATI* – Мощность излучения –

бирор-бир манбанинг бирор вақт оралиги давомида чиқарган нурланиш энергияси
НУРЛАНИШЛИ ЎТИШ – *NURLANISHLI O'TISH* – Лучистый переход – фотонларнинг чиқарилиши уларнинг ютилиши ёки сочилиши билан бирга содир бўлувчи ўтиш
НУРЛАНИШНИНГ БИОЛОГИК ДОЗАСИ – *NURLANISHNING BIOLOGIK DOZASI* – Биологическая доза излучения – ютилган нурланиш дозасининг тегишли нисбий биологик самарадорлик кийматига кўпайтмасига тенг бўлган миқдор
ИУРЛАНИШНИНГ ЗАИФЛАНИШИ – *NURLANISHNING ZAIFLANISHI* – Ослабление излучения – ионловчи нурланишнинг муҳит билан ўзаро таъсири натижасида нурланиш энергияси окимининг камайиши
НУРЛАНИШНИНГ ЙЎЛ ҚЎЙИШ МУМКИН БЎЛГАН ДОЗАСИ – *NURLANISHNING Yo'L QO'YISH MUMKIN BO'LGAN DOZASI* – Предельно допустимая доза излучения – радиация хавфсизлигининг тегишли қоидалари белгиланган нурланиш дозасининг энг катта киймати
НУРЛАНИШНИНГ КЎРИНУВ-ЧАНЛИГИ – *NURLANISHNING KO'RINUVCHANLIGI* – Видимость излучения – кўзнинг $лм/Вт^{-1}$ бирликда ифодаланувчи мутлақ спектрал сезгирлиги
НУРЛАНИШНИНГ КЎЧИРИЛИШИ – *NURLANISHNING KO'CHIRILISHI* – Перенос излучения – муҳитда электромагнитик нурланишнинг тарқалиши; унинг чиқарилиши, ютилиши ёки сочилиши билан бирга содир бўлади
НУРЛАНИШНИНГ НИСБИЙ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ – *NURLANISHNING NISBIY BIOLOGIK SAMADORLIGI* – Относительная биологическая эффективность излучения – муайян биологик самара берувчи намунавий нурланиш ютилган дозасининг қаралаётган нурланишнинг биологик самара берувчи ютилган дозасига нисбати
НУРЛАНИШНИНГ СОЧИЛИШИ – *NURLANISHNING SOCHILISHI* – Рассеяние излучения – нурланишнинг

модда билан ўзаро таъсири натижасида ўзининг бошланғич тарқалиш йўналишини қисман ўзгартириши
НУРЛАНИШНИНГ СПЕКТРАЛ ЗИЧЛИГИ – *NURLANISHNING SPEKTRAL ZICHLIGI* – Спектральная плотность излучения – спектрал интервал бирлигига мўлжалланган нурланиш энергияси
НУРЛАНИШНИНГ ЮТИЛГАН ДОЗАСИ – *NURLANISHNING YUTILGAN DOZASI* – Поглощенная доза излучения – нурланган модданинг бирлик массасига тўғри келувчи ютилган нурланиш энергияси
НУРЛАНИШНИНГ ЮТИЛГАН ЭНЕРГИЯСИ – *NURLANISHNING YUTILGAN ENERGIYASI* – Поглощенная энергия излучения – муайян ҳажмга келувчи барча зарралар квантлар йиғинди энергияси билан шу ҳажмдан чиқаётган барча зарралар квантлар йиғинди энергияси орасидаги фарқ, ядровий реакция натижасида муайян ҳажмдаги тинчлик массасининг ҳар қандай ортишига эквивалент энергия чиқариб ташланади
НУРЛАНИШНИНГ ҚАТТИҚЛИГИ – *NURLANISHNING QATTIQLIGI* – Жёсткость излучения – ионловчи нурланишнинг моддага кириш қобилияти таъсири
НУРЛАНИШСИЗ КВАНТ ЎТИШ – *NURLANISHSIZ KVANT O'TISH* – Безизлучательный квантовый переход – квант тизим(атом, молекула ва б.)нинг бир энергия сатҳидан бошқасига фотон нурланиш, ютиш ёки сочиш туфайли эмас, балки унинг бошқа тизимлар билан ўзаро таъсири натижасида ўтиши
НУРЛАР ЙЎЛИНИНГ ҚАЙТУВ-ЧАНЛИК ТАМОЙИЛИ – *NURLAR Yo'LINING QAYTUVCHANLIK TAMOYILI* – Принцип обратности хода лучей – геометрик оптиканинг муҳитдаги ёруғлик нурунини тарқалиш йўналишини тесқарисига ўзгартирганда у аввалги йўлдан боради, дейилувчи ҳолати
НУРЛАРНИНГ ГОМОМАРКАЗИЙ ДАСТАСИ – *NURLARNING GOMOMARKAZIY DASTASI* – Гомоцентрический пучок лучей – ёруғлик

нурларининг ё ўзлари, ёки уларнинг давоми бир нуктада кесишадиган дастаси **НУРЛАРНИНГ ОҒМА ДАСТАСИ** – *NURLARNING OG'MA DASTASI* – **Наклонный пучок лучей** – тизимнинг оптик ўқидан ташқарида жойлашган нуктадан чиқувчи ёруклик нурлари дастаси **НУРЛАРНИНГ ЎҚ ДАСТАСИ** – *NURLARNING O'Q DASTASI* – **Осевой пучок лучей** – тизимнинг оптик ўқида жойлашган нуктадан чиқувчи ёруклик нурлари дастаси **НУРЛАШ** – *NURLASH* – **Облучение** – жисмларга турли хил нурланишлар билан таъсир кўрсатиш **НУССЕЛЬТ СОНИ** – *NUSSELT SONI* – **Число Нуссельта** – жисм сирти билан суюқлик ёки газ оқими орасидаги конвекциявий иссиқлик алмашиш жадаллигини тавсифловчи ўхшашлик шарти **НУТАЦИЯ** – *NUTATSIYA* – *лот. nutatio* – **тебраниш** – гироскоп ўкининг прецессия билан бир вақтда амалга ошувчи тебранишлари **НУҚТАВИЙ ҒУРУҲ** – *NUQTAVIY GURUH* – **Точечная группа** – кристаллар амалга оширувчи симметрик амаллари мажмуи **НУҚТАВИЙ ДИОД** – *NUQTAVIY DIOD* – **Точечный диод** – нуктавий ўтишли яримўтказгич диод **НУҚТАВИЙ КОНТАКТ** – *NUQTAVIY KONTAKT* – **Точечный контакт** – нуктавий ўтиш хоссаларига эга бўлган контакт **НУҚТАВИЙ ТРАНЗИСТОР** – *NUQTAVIY TRANZISTOR* – **Точечный транзистор** – нуктавий ўтишларга эга бўлган транзистор **НУҚТАВИЙ ЎТИШ** – *NUQTAVIY O'TISH* – **Точечный переход** – ўтишдаги ва унинг атрофи соҳасидаги физикавий жараёнларни ифодаловчи тавсифий узунликка нисбатан барча ўлчамлари кичик бўлган ўтиш **НУҚТАГА НИСБАТАН ИМПУЛЬС МОМЕНТИ** – *NUQTAGA NISBATAN IMPULS MOMENTI* – **Момент импульса относительно точки** – моддий нукталарнинг ёки моддий нукталар

тизимининг шу нукталарнинг импульслари ҳамда уларга фазонинг белгиланган нуктасидан ўтказилган радиус-векторлар билан аниқланувчи механик ҳаракати тавсифи

НУҚТАГА НИСБАТАН КУЧ МОМЕНТИ – *NUQTAGA NISBATAN KUCH MOMENTI* – **Момент силы относительно точки** – кучнинг муайян нуктага нисбатан ҳолатини ҳисобга олувчи механик таъсир ўлчови; у шу нуктадан кучнинг қўйилиш нуктасигача ўтказилган радиус-векторларнинг шу куч векторига қўпайтмаси билан ифодаланadi

НУҚТАНИНГ БУРЧАК ТЕЗЛИГИ – *NUQTANING BURChAK TEZLIGI* – **Угловая скорость точки** – қаттиқ жисмнинг айланиш тезлигини ифодалайдиган вектор катталиқ; нукта радиус-вектори бурилиш бурчагининг шу бурилиш содир бўлган вақт оралиғига нисбатига тенг

НУҚТАНИНГ ТАСВИРИ – *NUQTANING TASVIRI* – **Изображение точки** – буюмнинг битта нуктадан чиқиб оптик тизимдан ўтгандан сўнг нурлар кесишадиган (ёки улар давом этадиган) нукта

НУҚТАНИНГ ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИ – *NUQTANING HARAKAT TEZLIGI* – **Скорость движения точки** – нукта кўчишининг шу кўчиш содир бўлган вақт оралиғига нисбати билан нукта ҳаракат тавсифи

НУҚТАНИНГ ҲАРАКАТ ҚОНУНИ – *NUQTANING HARAKAT QONUNI* – **Закон движения точки** – нукта координаталарининг вақтга боғлианиш қонуни

НЬЮТОН (Н, N) – *NYuTON* – кучнинг СИ даги бирлиги, 1Н-массаси 1 кг бўлган жисмга кучнинг таъсир йўналишида 1 м/с^2 тезланиш берувчи куч

НЬЮТОН СУЮҚЛИГИ – *NYuTON SUYUQLIGI* – **Ньютоновская жидкость** – ўз оқишида уринма кучланиш билан силжнш тезлиги орасида мутаносиблик қонунига бўйсунувчи суюқлик

НЬЮТОН ҲАЛҚАЛАРИ – *NYuTON HALQALARI* – **Кольца Ньютона** – иккита сферик сиртнинг ёки текислик ва сферанинг тегишли нукталар

атрофида ҳалкалар шаклида концентрик жойлашган бирдай қалинликдаги интерференциявий йўллар

НЬЮТОН-МЕТР ($H \cdot m, N \cdot m$) – *NYuTON-METR* – куч моментлар ва жуфт кучлар моментининг СИ даги бирлиги; $1H \cdot m$ – кучнинг таъсир чизигидан 1 м масофада жойлашган нуктага таъсир қиладиган 1Н кучга тенг

НЬЮТОННИНГ БИРИНЧИ ҚОНУНИ – *NYuTONNING BIRINChI QONUNI* –

Первый закон Ньютона – моддий нукта ўзининг тинчлик ҳолатини ёки текис тўғри чизигий ҳаракат ҳолатини уни бошқа жисмлар таъсири шу ҳолатдан чиқармагунча сақлаб тураберди, дейилувчи механика қонуни

НЬЮТОННИНГ ИККИНЧИ ҚОНУНИ – *NYuTONNING IKKINChI QONUNI* –

Второй закон Ньютона – моддий нуктанинг импульсидан вақт бўйича олинган биринчи ҳосила (массаси билан тезланиш кўпайтмаси) шу моддий нуктага таъсир қилувчи кучга тенг, тезланиш йўналиши эса таъсир этаётган куч йўналишида бўлади, дейилувчи механика қонуни

НЬЮТОННИНГ УЧИНЧИ ҚОНУНИ – *NYuTONNING UCHINChI QONUNI* –

Третий закон Ньютона – икки моддий нуктанинг ўзаро таъсир кучи микдор жиҳатдан тенг ва битта тўғри чизик бўйича қарама-қарши томонга йўналгандир, дейилувчи механика қонуни

НЬЮТОН-СЕКУНД ($H \cdot c, N \cdot s$) – *NYuTON-SEKUND* – куч импульсининг СИ даги бирлиги. $1H \cdot c = 1$ сек давомида таъсир қилган 1Н кучга тенг

О

ОБЕРТОН – *OBERTON* – нем. *oberion, ober* – юқори ва *ton* – тон – асосий тонга нисбатан анча юқори такрорийликли мураккаб шаклдаги даврий тебранишнинг синусоидал ташкил қилувчиси

ОБЪЕКТИВ – *OB'EKTV* – лот. *objectus* – нарса – оптик тизимнинг буюмининг ҳақиқий тасвирини шакллантирувчи буюмга қараган қисми ёки мустақил оптик тизим

ОВЕРХАУЗЕР САМАРАСИ – *OVERXAUZER SAMARASI* –

Эффект Оверхаузера – бирор моддада электрон парамагнитик резонанс сатҳларининг тўйинишида ўша моддада ядровий магнитик резонанс жадаллигининг кескин ўсиши

ОВОЗКАРНАЙ – *OVOZKARNAY* – **Громкоговоритель** – нутқни, мусиқани ва товуш такрорийликли электрик сигналларни акустик сигналларга айлантирувчи электр-акустик ўзгартиргич (нурлангич)

ОДДИЙ НУР – *ODDIY NUR* – **Обыкновенный луч** – шаффоф кристалларда ёруғлиқнинг синиш қонунига бўйсинувчи ёруғлик нури

ОЖЕ САМАРАСИ – *OJE SAMARASI* –

Оже эффект – электрон томонидан атомнинг ички энергия сатҳида вужудга келган вакансиянинг банд қилинишини, бунда нурланувсиз йўл билан ажралган энергиянинг бошқа, юқорироқ сатҳда жойлашган электронга узатилишини ва бу электроннинг атомдан учиб чиқишини ўз ичига олган жараён

ОЖЕ СПЕКТРОСКОПИЯСИ – *OJE SPEKTROSKOPIYaSI* – **Оже спектроскопия** – атомларда *Оже самараси* пайтида чиқариладиган электронларнинг энергия ва жадалликлари ўлчанадиган усул

ОЖЕ ЭЛЕКТРОНИ – *OJE ELEKTRONI* – **Оже электрон** – атом ёки молекула *Оже самараси* пайтида чиқарадиган электрон

ОККЛЮЗИЯ – *OKKLYuZIYa* – лот. *occlusio* – *тўсиб қўйиш, ёпиш* – қаттиқ металллар ёки суюккланмалар томонидан газлар ютилиганда қаттиқ ёки суюқ эритмалар ёки кимёвий бирикмалар ҳосил бўлиши

ОКУЛЯР – *OKULYaR* – лот. *oculus* – кўз – оптик асбобнинг *объектив* ҳосил қилган ҳақиқий тасвирини қарашга хизмат қилувчи, кузатувчи кўзига қараган қисми

ОЛДИНГИ ФОКУС МАСОФА – *OLDINGI FOKUS MASOFA* – Перелнее фокусное расстояние – олдинги асосий нуктадан олдинги фокусгача булган масофа

ОЛИС ТЎЛҚИН СОҲАСИ – *OLIS TO'LIQIN SOHASI* – Дальняя волновая зона – тўлқин майдонининг Фраунгофер дифракцияси кузатиладиган соҳаси

ОМ (Ом, Ω) – *OM (Om, Ω)* – электрик қаршиликнинг СИ даги бирлиги; ўтказгичдан 1А ток оқаётганда унинг учлари орасида 1В кучланиш булган ҳолдаги қаршилик 1Ом бўлади

ОМ ҚОНУНИ – *OM QONUNI* – Закон Ома – ўтказгичдаги ток кучи ва учларидаги потенциаллар фарқининг ўзаро боғлиқлигини белгиловчи, металл ўтказгичлардаги ток зичлиги металл солишгирма электрик ўтказувчанлигининг электрик майдон кучланишига кўпайтмасига тенг, дейлувчи ўзгармас ток қонуни

ОМЕГАТРОН – *OMEGATRON* – массаси m нинг заряди e га нисбатлари фарқ қиладиган ионларнинг ажралиши улар ўзаро тик ўзгарувчан электрик майдон ва доимий магнитик майдонларда ҳаракатланаётганда юз берадиган *масс-спектрометр*

ОМИК КОНТАКТ – *OMIK KONTAKT* – Омический контакт – қўшни соҳалардан ток ўтишида Ом қонунидан муҳим четланишлар бўлмайдиган контакт

ОМИК ҚИЗИШ – *OMIK QIZISH* – Омический нагрев – ўтказгичнинг ўздан ўтаётган электрик токдан қизиши

ОММЕТР (Ом·м, Ωm·m) – *OMMETR* – солиштирма электрик қаршиликнинг СИ даги бирлиги; кесим юзаси 1 м² ва узунлиги 1 м бўлганда электрик қаршилиги 1 Ом бўлган цилиндрик ўтказгичнинг солиштирма электрик қаршилиги

ОМОНАТ ҲОЛАТЛАР – *OMONAT HOLATLAR* – Неустойчивые состояния – термодинамик мувозанатда бўлмаган тизимнинг ҳолатлари

ОНДУЛЯТОР – *ONDULYATOR* – франц. onde – тўлқин – ўздан ўтаётган зарядланган зарраларга таъсир қилувчи даврий электрик ва магнитик майдонлар ҳосил қилинадиган қурилма

ОНДУЛЯТОР НУРЛАНИШ – *ONDULYATOR NURLANISH* – Ондulatoryное излучение – текис ва тўғри чизикли ҳаракатланаётган осцилляторнинг электромагнитик нурланиши

ОНИЙ АЙЛАНИШ ҲОҚИ – *ONII AYLANISH O'QI* – Мгновенная ось вращения – муайян пайтда жисм айланаётган ҲҚ

ОНСАГЕР ТЕОРЕМАСИ – *ONSAGER TEOREMASI* – Теорема Онсагера – номувозанат жараёнлар термодинамиксининг асосий теоремаларидан бири

ОПАЛЕСЦЕНЦИЯ – *OPALESENSIYA* – критик ҳолатдаги соф моддалар томонидан ёруғликнинг жадал сочилиши

ОПТИК АЙЛАНИШ ДИСПЕРСИЯСИ – *OPTIK AYLANISH DISPERSIYASI* – Дисперсия оптического вращения – модда оптик фаоллигининг ундан ўтаётган чизикий кутбланган ёруғликнинг тўлқин узунлигига боғлиқлиги

ОПТИК АКУСТИК САМАРА – *OPTIK AKUSTIK SAMARA* – Оптический акустический эффект – модданинг модуланган ёруғликини ютишида ҳосил бўладиган товуш

ОПТИК АНАЛИЗАТОР – *OPTIK ANALIZATOR* – Оптический анализатор – ёруғликнинг кутбланиш табиатини таҳлил қилиш қурилмаси

ОПТИК АНИЗОТРОПИЯ – *OPTIK ANIZOTROPIYA* – Оптическая анизотропия – муҳитда оптик нурланиш(ёруғлик)нинг тарқалиш йўналишига ва кутбланишига боғлиқ тарзда муҳит оптик хоссаларининг турлича бўлиши

ОПТИК АНТИНУСХАЛАР – *OPTIK ANTINUSXALAR* – Оптические антиобразы – бирдай катталикдаги икки шаклда мавжуд бўлувчи оптик фаол кристаллар; улар бирдай шароитларда ишораси жиҳатдан қарама қарши айлантириш қобилиятига эга

ОПТИК АСБОБНИНГ АЖРАТА ОЛИШ ҚОБИЛИЯТИ – *OPTIK ASBOBNING AJRATA OLISH QOBILIYATI* – Разрешающая способность оптического прибора – оптик асбобнинг буюмининг икки бир-бирига яқин нукталари айрим-айрим тасвирларини ҳосил қилиш қобилияти тавсифи

ОПТИК БИР ЖИНСЛИ МУҲИТ – *OPTIK BIR JINSLI MUHIT* – Оптический однородная среда – синдириш коэффициенти координатага боғлиқ бўлмаган муҳит

ОПТИК БОҒЛАНИШ – *OPTIK BOG'LANISH* – Оптическая связь – ёруғлик ёрдамида ахборот узатиш

ОПТИК ГЕТЕРОДИН – *OPTIK GETERODIN* – Оптический гетеродин – оптик сигнални гетеродинлаш учун нурланишдан фойдаланиладиган оптик квант генератор

ОПТИК ДАМЛАШ – *OPTIK DAMLASH* – Оптическая накачка – оптик диапазондаги электромагнитик нурланиш ёрдамида дамлаш

ОПТИК ЁЙИЛМА – *OPTIK YOYILMA* – Оптическая развертка – тез ўтувчи жараёнлар-зарбий тўлқинларнинг таркалиши, газ разрядларининг ривожланиши ва бошқаларни тадқиқ қилиш максалида ёруғлик сезгир элементлар (фотографик эмульсия, электрон-оптик ўзгартиргич экран), сирти бўйлаб ўзи ёруғланувчи ёки ёрдамчи ёруғлик манбаи билан ёритилувчи объектнинг вақт давомида узлуксиз харакати

ОПТИК ЗАРРАВИН – *OPTIK ZARRAVIN* – Оптический микроскоп – микро (оддий кўз б-н кўринмайдиган) буюмларни ёруғлик нурларида кузатиш асбоби

ОПТИК ЗАТВОР – *OPTIK ZATVOR* – Оптический затвор – ёруғлик оқимини олдиндан белгиланган вақт ичида ўтказиш ёки ўтказмасликни таъминловчи қурилма

ОПТИК ЗИЧЛИК – *OPTIK ZICHLIK* – Оптическая плотность – модда қатламининг ёруғлик нурлари учун қатламга тушувчи ва ундан ўтган ёруғлик жадалликлари нисбати ўнли логарифми сифатида аниқланувчи ношаффофлик тавсифи

ОПТИК ИЗОМЕРИЯ – *OPTIK IZOMERIYA* – Оптическая изомерия – баъзи бир моддаларнинг ўз ёруғлик қутбланиш текислигини қарама-қарши томонга айлантириш қобилияти

ОПТИК ИЗОТРОП МУҲИТ – *OPTIK IZOTROP MUHIT* – Оптически изотропная среда – ёруғликнинг таркалиш тезлиги барча йўналишларда бирдай бўладиган муҳит

ОПТИК ИЛЛЮЗИЯ – *OPTIK ILLUZIYA* – лат. *illuſio* – алдам – Оптическая иллюзия – кўриш таъсуроти билан кузати- лувчи объектнинг хақиқий хоссалари орасидаги кескин мос келмаслик холи

ОПТИК ИНДИКАТРИСА – *OPTIK INDIKATRISA* – Оптическая индикатриса – ёруғлик майдонининг ёки муҳит оптик тавсифларининг йўналишга боғланишини билдирувчи вектор диаграмма

ОПТИК ЙИҒИЧ – *OPTIK YIG'GICH* – Оптический концентратор – ёруғлик жадаллигини ошириш учун ишлатилувчи қурилма

ОПТИК ЙЎЛ – *OPTIK YO'L* – Оптический путь – ёруғлик тўлқини муайян муҳитда ўтган йўлнинг шу муҳит синдириш кўрсаткичига кўпайтмаси

ОПТИК КАТТАЛАШИШ – *OPTIK KATTALASHISH* – Оптическое увеличение – қараётган буюмни кўриш бурчагига нисбатан оптик асбоб берадиган тасвири кўриш бурчагининг катталашishi

ОПТИК КВАНТ ГЕНЕРАТОР – *OPTIK KVANT GENERATOR* – Оптический квантовый генератор – оптик диапазонда когерент нурланиш ҳосил қилувчи квант генератор

ОПТИК КВАНТ ГЕНЕРАТОР-НИНГ ФЙДАЛИ ИШ КОЭФ-ФИЦИЕНТИ – *OPTIK KVANT GENERATORNING FOYDALI ISH KOEFFITSIENTI* – Коэффициент полезного действия оптического квантового генератора – нурловчи оптик квант генератор қувватининг уйғониш манбаи қувватига нисбати

ОПТИК КВАНТ ГИРОСКОП – *OPTIK KVANT GIROSKOP* – Оптический квантовый гироскоп – тизимнинг айланиш бурчак тезлиги халқасимон оптик квант генераторнинг учрашувчи икки электромагнитик тўлқин такрорийликлари айирмаси билан белгиланувчи гироскоп

ОПТИК КВАНТ КУЧАЙТИРГИЧ – *OPTIK KVANT KUCHAYTIRGICH* – Оптический квантовый усилитель – оптик диапазонли квант кучайтиргич

ОПТИК КОМПЕНСАТОР – *OPTIK KOMPENSATOR* – Оптический

компенсатор – ёруғликнинг икки нурига оптик йўл фарқи ҳосил қилишда ишлатиладиган қурилма

ОПТИК КОНТАКТ – *OPTIK KONTAKT* – **Оптический контакт** – сиртлари яхшилаб силликланган икки қаттик жисм сиртларини бир-бирига ёруғлик тўлкин узунлигидан анча кичик масофагача яқинлаштириб жойлаштириш

ОПТИК КОНТРАСТ – *OPTIK KONTRAST* – **Оптический контраст** – объектнинг турли қисмлари ёритилганлигининг энг катта фарқланишини таъсирловчи ўлчамсиз катталик

ОПТИК КУЧ – *OPTIK KUCH* – **Оптическая сила** – ўқи симметрик бўлган линзалар ва шундай линзалар тизимининг синдириш қобилияти тасвир фазоси синдириш коэффициентининг орқа фокус масофага нисбатига тенг катталик

ОПТИК ЛИНЗА – *OPTIK LINZA* – **Оптическая линза** – ёруғлик нурларини синдирувчи икки сирт билан чегараланган, буюмларнинг оптик тасвирини шакллантириш қобилиятига эга бўлган шаффоф жисм

ОПТИК ЛИНЗАНING ҚЎШИМЧА ОПТИК ЎҚИ – *OPTIK LINZANING QO'SHIMCHA OPTIK O'QI* – **Побочная оптическая ось линзы** – линзанинг оптик марказидан ўтувчи, лекин бош оптик ўққа мос тушмайдиган ҳар қандай тўғри чизик

ОПТИК МУХИТЛАРNING ЁРИШИШИ – *OPTIK MUHITLARNING YORISHI* – **Просветление оптических сред** – мухитга тушаётган ёруғлик жадаллиги ортганда ёруғликнинг резонанс ютилиш тезлиги камайиши

ОПТИК НОБИРЖИНС МУХИТ – *OPTIK NOBIRJINS MUHIT* – **Оптическая неоднородная среда** – синиш (синдириш) коэффициенти координаталарга боғлиқ бўлган мухит

ОПТИК НУРЛАНИШ – *OPTIK NURLANISH* – **Оптическое излучение** – тўлкин узунликлари инфрақизил, кўринувчи ва ультрабинафша спектр диапазонларида ётувчи электромагнитик нурланиш

ОПТИК НУРЛАНИШ МАНБАЛАРИ – *OPTIK NURLANISH MANBALARI* –

Источники оптического излучения – асбоблар ва қурилмаларда ҳамда табиий ва космик манбаларда турлича кўринишдаги энергиянинг $\lambda \approx 10 \text{ нм} + 1 \text{ мм}$ тўлкин узунлик диапазонидаги оптик нурланиш энергиясига айланиши

ОПТИК НУРЛАНИШ ОҚИМИ – *OPTIK NURLANISH OQIMI* – **Поток оптического излучения** – оптик нурланишнинг ёруғлик тебранишлари даврдан анча катта вақт ичидаги ўртача қуввати

ОПТИК НУРЛАНИШ ҚАБУЛ ҚИЛГИЧЛАРИ – *OPTIK NURLANISH QABUL QILGICHLARI* – **Приёмники оптического излучения** – оптик нурланиш оқими таъсирида қурилма ҳолатида юз берадиган ўзгаришдан шу нурланишни ошқор қилишда фойдаланиш

ОПТИК НУРЛАНИШНИ КУЧАЙТИРИШ – *OPTIK NURLANISHNI KUCHAYTIRISH* – **Усиление оптического излучения** – махсус қурилмалар ёрдамида оптик нурланиш қувватини ёки равиш-лигини ошириш

ОПТИК ОРИЕНТАЦИЯ – *OPTIK ORIENTATSIYA* – **Оптическая ориентация** – яримўтказгични доиравий кутбланган ёруғлик билан ёритилганда ўтказувчанлик электронлари спинларида иштиёкли йўналишларнинг вужудга келиши

ОПТИК ПРИЗМАЛАР – *OPTIK PRIZMALAR* – **Оптические призмы** – оптик нурланишнинг бирор такрорий-ликлари интервалида шаффоф бўлган материаллардан ясалган призмалар

ОПТИК ПРОЕКЦИЯ – *OPTIK PROEKSIYA* – **Оптическая проекция** – буюмларнинг оптик тасвирларини кузатиш экрани вазифасини ўтовчи сочувчи сиртда шакллантириш

ОПТИК РЕЗОНАТОР – *OPTIK REZONATOR* – **Оптический резонатор** – ораларидаги соҳада тургун ёки югурувчи ёруғлик тўлкинлари уйғотилиши мумкин бўлган кўзгулар мажмуи

ОПТИК СИЛЛИҚ СИРТ – *OPTIK SILLIQ SIRT* – **Оптически гладкая поверхность** – сирт бўйлаб ёруғликнинг тўлкин узунлигича масофага ўтилганда унинг эгрилик радиуси тўлкин узунлиқка нисбатан кичикроқ ўзгарадиган сирт

ОПТИК СПЕКТР – *OPTIK SPEKTR* – Оптический спектр – кўринувчи ёругликни ҳамда инфракизил ва ультрабинафша нурланишни ўз ичига оловчи электромагнитик тўлқинлар мажмуи

ОПТИК ТАГЛИК – *OPTIK TAGLIK* – Оптическая скамья – оптик асбобларни жойлаштириш ва солаш мосламаси

ОПТИК ТАСВИР – *OPTIK TASVIR* – Оптическое изображение – объект чиқараётган нурларга оптик тизимнинг таъсири натижасида ҳосил бўлувчи ҳамда объектнинг контури ва қисмларини ясовчи манзара

ОПТИК ТЕОРЕМА – *OPTIK TEOREMA* – Оптическая теорема – квант назарияда зарра ёки фотоннинг эластик сочилиш амплитудаси мавҳум қисмини зарра ёки фотоннинг бошқа зарраларда ёки сочувчи куч марказида тўла сочилиши кесими билан боғловчи муносабат

ОПТИК ТИЗИМ – *OPTIK TIZIM* – Оптическая система – ёруғлик манбаларининг ёруғлик оқимларини бошқариши ҳамда буюмларнинг оптик тасвирларини ҳосил қилиши учун муайян тарзда йиғилган линзалар, кўзгулар, призмалар ва ҳ.к. мажмуи

ОПТИК ТИЗИМ АБЕРРАЦИЯСИ – *OPTIK TIZIM ABERRATSIIYASI* – Абберрация оптической системы – оптик тизим томонидан тасвирнинг бузилиши

ОПТИК ТИЗИМ БОШ ТЕКИСЛИКЛАРИ – *OPTIK TIZIM BOSH TEKISLIKLARI* – Главные плоскости оптической системы – оптик тизимнинг чизийғи катталаштириши бирга тенг бўлган қўшма текисликлари

ОПТИК ТИЗИМ ФОКАЛ ТЕКИСЛИКЛАРИ – *OPTIK TIZIM FOKAL TEKISLIKLARI* – Фокальные плоскости оптической системы – оптик тизимнинг бош фокусларидан унинг бош оптик ўқиға тик ўтувчи текисликлари

ОПТИК ТИЗИМ ФОКУСИ – *OPTIK TIZIM FOKUSI* – Фокус оптической системы – тизимнинг оптик ўқиға параллел тушувчи ёруғлик нурлари оптик тизимдан ўтгандан кейин унда йиғиладиган нуқта

ОПТИК ТИЗИМ ЎҚИ – *OPTIK TIZIM O'QI* – Ось оптической системы –

ёруғлик нури оптик тизимдан синишсиз ўтадиган тўғри чизик

ОПТИК ТИЗИМ ҚЎШМА ТЕКИСЛИКЛАРИ – *OPTIK TIZIM QO'SHMA TEKISLIKLARI* – Сопряженные плоскости оптической системы – буюм ва шу буюмнинг тасвири жойлашган текисликлар

ОПТИК ТОЛА – *OPTIK TOLA* – Оптическое волокно – шиша тола узакдан иборат бўлган, ёруғлик нурлари ички қайтариш туфайли асосан тола ўзагидан тарқалиши учун ўзак синдириш курсатигичи кичик шиша-қобикка ўралган ёруғлик ўтказгич

ОПТИК ФАОЛ МОДДА – *OPTIK FAOL MODDA* – Оптическое активное вещество – ўзидан ўтаётган ёруғликнинг кутбланиш текислигини буриш қобилиятига эга бўлган модда

ОПТИК ФАОЛЛИК – *OPTIK FAOLLIK* – Оптическая активность – муҳитнинг ўзидан ўтаётган ёруғликнинг кутбланиш текислигини буриш қобилияти

ОПТИК ФИЛЬТР – *OPTIK FIL'TR* – Оптический фильтр – ок ёруғликдан узунлиги ёки такрорийлиги муайян фарқ қиладиган тўлқинларни ажратиш учун ишлатиладиган қурилма

ОПТИК ШИША – *OPTIK SHISHA* – Оптическое стекло – оптик тизимнинг шаффоф қисмларини ясашга мўлжалланган бир жинсли шиша

ОПТИК ҚАЛИНЛИК – *OPTIK QALINLIK* – Оптическая толщина – муҳитда ёруғликнинг ютилиши ва сочилиши туфайли оптик нурланишнинг сусайишига тавсифловчи ўлчамсиз катталиқ

ОПТИКА – *OPTIKA* – юнон. *optike* – қўриш ҳақидаги фан – 1) ёруғлик нурланиши, тарқалиши ва модда билан ўзаро таъсириши ўрганувчи физика бўлими; 2) оптик тизим; 3) ишлаши ёруғлик ёки де-Бройль тўлқинларининг қайтиш ва синиш қонунарига асосланган асбоблар ва қуроллар

ОПТИК-АКУСТИК САМАРА – *OPTIK-AKUSTIK SAMARA* – Оптикоакустический эффект – модуланган монохроматик ёруғлик билан нурлантирилаётган газда товуш тўлқинларининг вужудга келиши

ОПТИК-АКУСТИК СПЕКТРОСКОПИЯ – *OPTIK-AKUSTIK SPEKTROSCOPIYA* – **Оптикоакустическая спектроскопия** – моддани таҳлил қилишнинг оптик-акустикавий самара туфайли юзага келувчи ёруғлиқнинг ютилиш спектрини ўрғанишга асосланган усули

ОПТИК-АКУСТИК ҚАБУЛ ҚИЛГИЧ – *OPTIK-AKUSTIK QABUL QILGICH* – **Оптикоакустический приёмник** – реакцияси модулланган ёруғлиқ таъсирида акустик тебранишлар юзага келишида намён бўладиган нурианиш қабул қилгичи

ОПТИКАНИ ЕРИШТИРИШ – *OPTIKANI YORISH TIRISH* – **Просветление оптики** – махсус қоплама суртиш орқали оптик тизим қисмларининг қайтариш доимийларини камайтириш

ОПТОЭЛЕКТРОНИКА – *OPTOELEKTRONIKA* – ахборотни бир вақтда оптик ва электрик усуллар билан ишлаш, сақлаш ва узатиш муаммоларини камраб олувчи электроника соҳаси

ОПТРОН – *OPTRON* – электрик ва оптик сигналларни кучайтириш ва узгартиришни амалга оширувчи, оптик боғланган ёруғлиқ манбаи ва қабул қилгичдан ташкил топган асбоб

ОПТРОНИКА – *OPTRONIKA* – барча электрик қурilmаларни оптик қурilmалар билан алмашгирган ҳолдаги электроника

ОРАЛИҚ БАҲОЛАШ – *ORALIQ VAHOLASH* – **Интервальное оценивание** – скаляр параметрнинг номатълум қийматишнинг мумкин бўлган қийматлари оралиғи ҳамда параметрнинг хақиқий қиймати шу оралиқда бўлиш эҳтимолини аниқлаш орқали баҳолаш усули

ОРАЛИҚ НЕЙТРОНЛАР – *ORALIQ NEYTRONLAR* – **Промежуточные нейтроны** – кинетик энергияси 10–100 кэВ бўлган нейтронлар

ОРАЛИҚ ҲОЛАТ – *ORALIQ HOLAT* – **Промежуточное состояние** – биринчи жинс ўтказгич намунанинг бирор жойида ўсиб борувчи магнитик майдон критик қийматга етганда ўтадиган ҳолат

ОРБИТАЛ – *ORBITAL* – атом ёки молекуланинг электрон қобиғи таркибига кирувчи ҳамда битта ёки бир нечта атом ядролари ҳосил қилган электрик майдонда,

шунингдек, қолган электронлар ҳосил қилган ўртачалашган электрик майдонда жойлашган битта электроннинг тўлқин функцияси

ОРТИҚЧА МАССА – *ORTIQCHA MASSA*
– Избыток массы – массанинг атом бирлик-
ларида ифодаланган атом массаси билан унинг
масса сояи орасидаги айирма (фарк)

ОРҚА ФОКУС МАСОФА – *ORQA FOKUS MASOFA* – Заднее фокусное состояние – орқа асосий нуқтadan орқа фокусгача бўлган масофа

ОСМОН МЕХАНИКАСИ – *OSMON MEKANIKASI* – Небесная механика – табиий ва сунъий осмон жисмларининг ҳаракатларини ўрганиш билан шугулланувчи механика бўлими

ОСМОС – *OSMOS* – *юн.* *osmos* – *тур.* *osm* – ҳар хил концентрацияли икки эритмани ажратувчи яримкири-
тувчан мембрана орқали модданинг диффузияланиши

ОСМОТИК БОСИМ – *OSMOTIK BOSIM* – Осмотическое давление – эриган модданинг эритманинг яримшаффоф мембрана орқали диффузияланишида кўрсатадиган қўшимча босими

ОСОН МАГНИТЛАНИШ ҲАВАДА – *OSON MAGNITLANISH HAVADA* – *Ось легкого намагничивания* – ферромагнетик ёки ферриманетикни тўйинишгача магнитлаш жараёни минимал энергия сарфи билан ўтадиган йўналиш

ОСЦИЛЛОГРАММА – *OSSILLOGRAMMA* – *лот.* *oscillum* – *тебраниш ва грамма* – осциллограф экранда ёки лентасида олинган тасвир

ОСЦИЛЛОГРАФ – *OSSILLOGRAF* – *лот.* *oscillo* – *тебранама* *ва граф* – 1) қандайдир даврий жараёнларни ёзиб оладиган асбоб; 2) икки ёки бир нечта электрик катталик орасидаги боғланиш чизигини кузатадиган ва ёзиб оладиган электрик ўлчаш асбоби

ОСЦИЛЛЯТОР – *OSSILLYATOR* – *лот.* *oscillo* – *тебранама* – тебранишлар бажараётган физикавий тизим

ОЧИҚ КАСКАДЛИ ТЕЗЛАТГИЧ – *OCHIQ KASKADLI TEZLATGICH* – Открытый каскадный ускоритель – юқори вольтли электродлари ҳавода атмосфера босимида жойлаштирилган каскад тезлатгич

ОЧИҚ РЕЗОНАТОР – *OCHIQ REZONATOR* – Открытый резонатор –

ораларидаги соҳала тўлқин узунлиги кўз-
гулар орасидаги масофага нисбатан кўп
қарра кичик бўлган заиф сунувчи электро-
магнитик тебранишлар мавжуд бўлаола-
диган кўзгулар мажмуи

ОЧИҚ ТИЗИМ – *OCHIQ TIZIM* – Открытая система – атроф муҳит билан модда, энергия ва импульс алмашинувчи термодинамик тизим

ОЧИҚ ЭЛЕКТРОСТАТИК ТЕЗЛАТГИЧ – *OCHIQ ELEKTROSTATIK TEZLATGICH* – Открытый электростатический ускоритель – юқори вольтли электродлари ҳавода атмосфера босимида жойлаштирилган электростатик тезлатгич

ОҚ ЁРУҒЛИК – *OQ YORUG'LIK* – Белый свет – мураккаб спектрли, нормал ранг ажратиш хусусиятларига эга бўлган одамларда соҳилан Куёш нуридан олинadиган ҳиссият билан мос тушувчи нейтрал ранг таассуроти берадиган электромагнитик нулланиш

ОҚ КОВАК – *OQ KOVAK* – Белая дыра – эволюцияси самовий жисмнинг вақт бўйича тескариланган гравитациявий коллалсидан иборат бўлиб, оқибатда қора ковак ҳосил бўлишига олиб келувчи фаразий космик объект

ОҚ МИТТИЛАР – *OQ MITTILAR* – Белые карлики – массалари Куёш массаси тартибда бўлган ва радиуслари Куёш радиусининг ~0,01 хиссасини ташкил қилувчи кичик юлдузлар

ОҚ ШОВҚИН – *OQ SHOVIQIN* – Белый шум – ҳар хил такрорийликли тебранишлари такрибан бирдай жадалликка эга бўлган акустик шовқин

ОҚИМ ЯДРОСИ – *OQIM YADROSI* – Ядро потока – қувурда ҳаракатланаётган ёпишқоқ суюқликнинг қувур деворлари томонидан галаёнлашмаган қисми

ОҚИМТУТАШУВ – *OQIMTUTASHUV* – Итогосоцелнение – электрик токнинг ингичка ўтказгичи ҳосил қилган контурдан ўтувчи тўла магнитик оқим

ОҚИШ ИНҚИРОЗИ – *OQISH INQIROZI* – Кризис течения – газ оқими тезлиги товушнинг маҳаллий тезлиги катталиги қийматига етиб, оқим ҳаракати йўналишига мос тушувчи координата

бўйича ҳосиласи чексизликка тенг бўладиган тезликда каналнинг бирор кесимидаги оқинш ҳолати

ОҚИШ ЧИЗИҒИ – *OQISH CHIZIG'I* –

Линия тока – ҳар бир нуқтасига ўтказилган уринма шу нуқтада суюқлик зарраси (суюқлик оқимида) ёки электрик заряд (электрик ток ҳолида) тезлиги векторига мос тушадиган чизик

ОҚУВЧАНЛИК – *OQUVCHANLIK* –

Текучесть – 1) жисмларнинг механик кучланишлар таъсирида пластик деформацияланиш хоссаси; 2) *ёпишқоқликка* тесқари катталиқ

ОҚУВЧАНЛИК ЧЕГАРАСИ – *OQUVCHANLIK CHEGARASI* –

Предел текучести – қиймати оширилганда намунага таъсир қилувчи куч ортмаганида ҳам намунанинг узайиши ўсаборадиган механик кучланиш

ОҚУВЧАНЛИКНИНГ КЕЧИКИШИ – *OQUVCHANLIKNING KECIKISHI* –

Запаздывание текучести – оқувчанлик чегарасидан ортик бўлган механик кучланиш жуда тез таъсир қилгандан сўнг пластик деформациянинг кечикиш ҳодисаси

ОҒДИРУВЧИ КУЧЛАНИШ – *OG'DIRUVCHI KUCHLANISH* –

Отклоняющее напряжение – *дефлектордаги* электрик кучланиш

ОҒИР ЛЕПТОН – *OG'IR LEPTON* –

Тяжелый лептон – массаси 1,8 ГэВ га яқин бўлган лептон (қ. *Лептонлар*)

ОҒИРЛИК КУЧИ – *OG'IRLIK KUCHI* –

ТЎҒРИЛОВЧИ ЯРИМЎТКАЗГИЧ УСТУН – *TO'G'RILOVCHI YARIMOTKAZGICH USTUN* – Выпрямляющий полупроводниковый столб – кетма-кет уланган ва икки чиқишли ягона конструкцияга йиғилган тўғриловчи яримўтказгич диодлар тўплами

У

УЗАТИШ НАЙИ – *UZATISH NAYI* – Передающая трубка – буюм нукталари тасвирини кетма-кет электрик сигнал-

лар (видеосигналлар)га айлантира борувчи фотосамара тамойилида ишловчи нурланиш қабул қилгичи

УЗАТИШ ТАРМОҒИ – *UZATISH TARMOG'I* – Линия передачи – электромагнитик тўлкинлар тарқалиши мумкин бўлган параллел ўтказгичлардан иборат кўп симли тизим

УЗИБ ОЛИШ РЕАКЦИЯСИ – *UZIB OLISH REAKSIYASI* – Реакция срыва – реакция вақтида ядрога келиб урилувчи заррадан битта ёки бир нечта нуклонни узиб олишда юз берадиган тўғри ядровий реакция

УЗИЛИШ СИРТИ – *UZILISH SIRTI* – Поверхность разрыва – 1) зарбавий тўлқин тарқалаётганда босимнинг сакрашсимон ўсиши юз берадиган сирт; 2) электрик ўтказувчи муҳитда уни тавсифловчи электромагнитик катталикларнинг қийматларида сакраш юз берадиган сирт

УЗИЛМА ТЕБРАНИШЛАР – *UZILMA TEBRANISHLAR* – Разрывные колебания – тебраниш тизимининг нисбатан секин ўзгаришлари сакрашсимон ўзгаришлар билан алмашилиб турадиган тебранишлар

УЗЛУКСИЗ СПЕКТР – *UZLUKSIZ SPEKTR* – Непрерывный спектр – такрорийликлар оралигини узлуксиз эгалловчи, ёруғлик тўлкинларининг ўрғача такрорийлигига яқин чиқариш ёки ютилиш спектрлари

УЗОҚ ТАРТИБ – *UZOQ TARTIB* – Дальний порядок – модда эгаллаган бутун ҳажмда зарраларининг мунтазам даврий жойлашуви

УЗОҚ ТАРТИБ ЎЗАРО ТАЪСИР – *UZOQ TARTIB O'ZARO TA'SIR* – Дальний порядок взаимодействия – моддани ташкил қилувчи узокдаги зарралар орасидаги ўзаро таъсир

УЗОҚДАН КЎРУВЧАНЛИК – *UZOQDAN KO'RUVCHANLIK* – Дальнозоркость, гиперметропия – аккомодация бўлганда кўзнинг орка фокуси тўрпардадан оркада ётишдан иборат кўзнинг камчилиги

УЗОҚДАН ТАЪСИР – *UZOQDAN TA'SIR* – Дальное действие – жисмлар орасидаги ўзаро таъсир фазо орқали бевосита бир онда узатилгани холда бу фазо ўзи ўзаро таъсирни узатишда иштирок этмайди, деган тасаввур

УЗОҚНИ ЎЛЧАГИЧ – *UZOQNI O'LCHGICH* – Дальномер – муайян жойларгача масофани билвосита ўлчаш асбоби

УЗУНЛИК ЎЛЧОВЛАРИ – *UZUNLIK O'LCHOVLARI* – Меры длины – берилган ўлчовлардаги узунликларни қайд қилишга хизмат қилувчи меъёр

УЙҒОНГАН АТОМ – *UYG'ONGAN ATOM* – Возбужденный атом – атомнинг асосий ҳолатидагига нисбатан каттарок энергияга эга бўлган ҳолати

УЙҒОНГАН ҲОЛАТ – *UYG'ONGAN HOLAT* – Возбужденное состояние – атом, молекула ва бошқа квант тизим учун мумкин бўлган энергияларнинг дискрет каторидан энг кичик қийматидан каттарок энергияли тизим ҳолати

УЙҒОНГАН ҲОЛАТНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ – *UYG'ONGAN HOLATNING DAVOMIYLIGI* – Длительность возбужденного состояния – тизимнинг уйғонган ҳолатда бўлиш вақти

УЙҒОНИШ – *UYG'ONISH* – Возбуждение – тизимнинг кичик энергияли ҳолатдан катта энергияли ҳолатга ўтиш жараёни

УЙҒОТИЛГАН ЎТКАЗУВЧАНЛИК – *UYG'OTILGAN O'TKAZUVCHANLIK* – Возбужденная проводимость – энергиялари қўшимча заряд тапшувчилар ҳосил қилиш учун етарли бўлган зарралар (электронлар, ионлар ва б.) оқими таъсирида диэлектрик ва яримўтказгичларнинг электрик ўтказувчанлиги ўзгариши

УЙҒОТИШ – *UYG'OTISH* – Возбуждение – тизимни турғун мувозанат ҳолатидан чиқариш

УЙҒОТИШ ПОТЕНЦИАЛИ – *UYG'OTISH POTENSIALI* – Потенциал возбуждения – электронлар атом ёки молекула билан тўқнашганда уларни муайян уйғотилган ҳолатга ўтказа оладиган энергиягача тезлаштирувчи электрик потенциаллар айирмаси

УЛКАН ИМПУЛЬС – *ULKAN IMPUL'S* – Гигантский импульс – қаттиқ жисмли лазерлардан оптик резонаторлар аслигини модуляциялаш натижасида олинadиган 100 нс дан кичик давоматли ва 10^{11} – 10^{12} Вт қувватли ёруғлик импульси

УЛКАН КВАНТ ОСЦИЛЛЯЦИЯЛАР – *ULKAN KVANT OSSILLYaTSIYaLAR* – Гигантские квантовые осцилляции – кучлик магнитик майдонда паст хароратларда металларда юз берадиган товуш ютилиш коэффициенти осцилляциялари

УЛКАН КОМБИНАЦИЯВИЙ СОЧИЛИШ – *ULKAN KOMBINATSIYaviy Sochilish* – Гигантское комбинационное рассеяние – адсорбцияланган (ютилган) молекулаларда ёрукликнинг комбинациявий сочилишида чизиклар жадаллиги (10^6 га кадар) ошишдан иборат самара

УЛКАН МАГНИТИК СТРИКЦИЯ – *ULKAN MAGNITIK STRIKSIYa* – Гигантская магнитострикция – баъзи бир ноёб ер магнетикларида магнитик стрикциянинг никел магнитик стрикциясига нисбатан мингларча марта ортик бўлиши

УЛКАН РЕЗОНАНС – *ULKAN REZONANS* – Гигантский резонанс – атом ядросига кирувчи зарра ёки гаммаквант вужудга келтирган ядровий реакция кесимининг ядронинг уйғониш энергиясига боғланишида мавжуд бўладиган кенг максимум

УЛУШ БИРЛИК – *ULUSH BIRLIK* – Дольная единица – физикавий катталикнинг бирор тизимдаги бирлигидан бир неча марта (одатда 10 нинг бирор даражаси кадар) кичик бўлган физикавий катталиқ бирлиги

УЛЬТРАБИНАФША НУРЛАНИШ – *ULTRABINAFShA NURLANISH* – Ультрафиолетовое излучение – тўлқин узунликлари 400 дан 10 нм гача ораликда жойлашган электромагнитик нурланиш

УЛЬТРАБИНАФШАВИЙ ЗАРРАБИН – *UL'TRABINAFShAVIY ZARRABIN* – Ультрафиолетовый микроскоп – микробуюмларни ультрабинафша нурлари ёрдамида тадқиқ қилиш заррабини

УЛЬТРАБИНАФШАВИЙ СПЕКТРОСКОПИЯ – *ULTRABINAFShAVIY SPEKTROSKOPIYa* – Ультрафиолетовая спектроскопия – спектрнинг ультрабинафша соҳасида чиқариш, ютиш ва

қайтариш спектрларини олиш, тадқиқ қилиш ва қўллашни ўз ичига олувчи оптик спектроскопия бўлими

УЛЬТРАЗАРРАБИН – *ULTRA-ZARRABIN* – Ультрамикроскоп – ультразаррабиншуносликка мосланган оптик заррабин

УЛЬТРАЗАРРАБИНШУНОСЛИК – *ULTRAZARRABINshUNOSLIK* – Ультрамикроскопия – ўлчовлари ёруклик тўлқин узунлигидан кичик бўлган ҳамда оптик заррабининг ажрата олиш қобилиятидан ташқарида жойлашган зарраларни оптик заррабинларда ёндан ёритиб кузатиш усули

УЛЬТРАСОВУҚ НЕЙТРОНЛАР – *ULTRASOVUQ NEYTRONLAR* – Ультрахолодные нейтроны – кинетик энергияси 10^{-7} эВ гача бўлган нейтронлар

УЛЬТРАТОВУШ – *ULTRATOVUSH* – Ультразвук – товуш тўлқинларининг такрорийлигидан юқори такрорийликка эга қайишқок тўлқинлар

УЛЬТРАТОВУШ ИНТЕРФЕРОМЕТР – *ULTRATOVUSH INTERFEROMETR* – Ультразвуковой интерферометр – ишлаши акустик тўлқинларнинг интерференциясига асосланган, ультратовушнинг фазавий тезлиги ва ютиш коэффициентини ўлчайдиган асбоб

УЛЬТРАТОВУШ КРИСТАЛЛАНИШ – *ULTRATOVUSH KRISTALLANISH* – Ультразвуковая кристаллизация – кристалларнинг вужудга келиш шароитларини ўзгартирувчи ҳамда физикимёвий хоссалари яхшиланган майдаланган поликристалл тузилишни ҳосил қилиш имконини берувчи ультратовуш тебранишлари таъсирида кристалланиш жараёни

УМОВ-ПОЙТИНГ ВЕКТОРИ – *UMOV-POYTING VEKTORI* – Умова-Пойтинга вектор – электромагнитик майдоннинг энергия оқими зичлиги вектори

УМУМИЙ МЕХАНИКА – *UMUMIY MEKHANIKA* – Общая механика – механиканинг ҳар қандай механик тизимлар учун умумий бўлган механик ҳаракат қонунари ўрганиладиган бўлими

УМУМИЙ НИСБИЙЛИК НАЗАР-
 РИЯСИ – *UMUMIY NISBIYLIK*
NAZARIYASI – **Общая теория**
относительности – фазо, вақт ва тор-
 тишиш хоссаларини бирлаштирувчи
 физикавий назария
 УМУМЛАШГАН ИМПУЛЬС –
UMUMLASHGAN IMPULS –
Обобщенный импульс – Лагранж
 функциясидан умумлашган тезлик буйича
 олинган хусусий ҳосила
 УМУМЛАШГАН КООРДИНА-
 ТАЛАР – *UMUMLASHGAN KOORDI-*
NATALAR – **Обобщенные координаты**
 – механик тизимнинг ҳолатини бир
 қийматли аниқловчи ихтиёрий ўлчовли
 мустақил параметрлар
 УМУМЛАШГАН КУЧ – *UMUM-*
LASHGAN KUCH – **Обобщенная сила** –
 механик тизимнинг ҳолати умумлашган
 координаталар билан аниқланадиган ҳолда
 оддий куч вазифасини ўтовчи катталик
 УМУМЛАШГАН ТЕЗЛИК – *UMUM-*
LASHGAN TEZLIK – **Обобщенная**
скорость – тизимнинг умумлашган
 координаталаридан вақт буйича олин-
 ган тўла ҳосила
 УНИВЕРСАЛ ГАЗ ДОИМИЙСИ – *UNI-*
VERSAL GAZ DOIMIYSI – **Универсальная**
газовая постоянная – идеал газнинг
 ҳолат тенгламасига кирувчи доимий
 УНИВЕРСАЛ ФИЗИКАВИЙ ДОИ-
 МИЙЛАР – *UNIVERSAL FIZIKAVIY*
DOIMIYLAR – **Универсальные физи-**
ческие постоянные – физикавий конун-
 ларнинг асосийларига кирувчи сонли
 коэффициентлар
 УНИТАР СИММЕТРИЯ – *UNITAR*
SIMMETRIYA – **Унитарная симметрия**
 – элементар зарралар кучли ўзаро таъ-
 сирининг изотопик спиннинг ўзгариши
 билан боғлиқ тақрибий симметрияси
 УНИТАРЛИК ШАРТИ – *UNITARLIK*
SHARTI – **Условие унитарности** –
 тизимда содир бўлувчи, мумкин бўлган
 барча жараёнларнинг эҳтимоликлари
 йиғиндисининг бирга тенг бўлиш шарти
 УНИКУТБИЙ ИНДУКЦИЯ –
UNIKUTBIY INDUKSIYA – **Уни-**
полярная индукция – магнитланган
 электрик ўтказувчан жисмни магнит-

ланганлик йўналишига мос тушмайдиган
 йўналишда ҳаракатлангирилганда жисмда
 электрик юритувчи куч вужудга келиши
 УНТЕРТОН – *UNTERTON* – *нем.*
unterton, *ҳарфий* – *паст товуш* –
 мураккаб тебранишнинг асосий тони
 такрорийлигидан бир неча марта паст
 такрорийликка эга бўлган синусоидал
 таъкил қилувчиси
 УРАНОРҚАСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ –
URANORQASI ELEMENTLARI –
Трансурановые элементы –
 элементларнинг даврий тизимида урандан
 кейин жойлашган, атом рақами $Z \geq 93$
 бўлган кимёвий элементлар
 УРИЛИШ – *URILISH* – **Биение** –
 яқин такрорийликли икки гармоник
 тебранишнинг қўшилишида вужудга
 келувчи тебранишлар амплитудасининг
 даврий ўзгаришлари
 УРИНМА КУЧЛАНИШ – *URINMA*
KUCHLANISH – **Касательное**
напряжение – жисм сиртига уринма
 кучлар таъсир қилганда вужудга келувчи
 механик кучланиш
 УРИНМА ТЕЗЛАНИШ – *URINMA*
TEZLANISH – **Касательное ускорение** –
 нукта тезланишининг унинг траекто-
 риясига уринма буйича таъкил қилувчиси
 УСТИВОРЛИК ЗАХИРАСИ –
USTIVORLIK ZAXIRASI – **Запас**
устойчивости – механик юклама катта-
 лигининг конструкциянинг устиворлик ёки
 кўтариш қобилиятининг йўқотишига олиб
 келадиган чегаравий юкланиш қиймат-
 ларидан узоқлиги даражаси
 УЧ ЖИСМ МАСАЛАСИ – *Uch JISM*
MASALASI – **Задача трех тел** – бир-бири
 билан Ньютон тортишиш конуни буйича
 тортишадиган учта жисмнинг ҳаракати
 ҳақидаги осмон механикасининг хусусий
 масалаларидан бири
 УЧ САТҲЛИ КВАНТ ПАРА-
 МАГНИТИК КУЧАЙТИРГИЧ –
Uch SATHLI PARAMAGNITIK KU-
ChAYTIRGICH – **Трехуровневый кван-**
товый парамагнитный усилитель –
 эгалланиш соҳасининг *инверсия*сини
 ҳосил қилиш учун модданинг фақат энер-
 гетик сатҳларидан фойдаланиладиган
 квант парамагнитик кучайтиргич

УЧИБ ҶИШИ ВАҚТИ КОЭФФИЦИЕНТИ – *UChIB O'TISH VAQTI KOEFFITSIENTI* – Коэффициент пролетного времени – тезлатувчи ораликда зарра энергияси энг катта ўсишининг пу ораликдаги кучланиш амплитудаси билан зарра заряди кўпайтмасига нисбати

УЧИНЧИ КОСМИК ТЕЗЛИК – *UChINChI KOSMIK TEZLIK* – Третья космическая скорость – жисмнинг Куёш тортиши кучини энгиб, Куёш тизимини тарк этиши учун етарли бўлган тезлик; $V_3=16,67$ км/сек

УЧИШ ВАҚТИ СПЕКТРОМЕТРИ – *UChISH VAQTI SPEKTROMETRI* – Спектрометр по времени пролёта – микрозарралар ҳаракати тезлигини уларнинг берилган масофани учиб ўтиш вақти бўйича ўлчаш асбоби

УЧЛАНМА НУҚТА – *UChLANMA NUQTA* – Тройная точка – бир компонентли тизимнинг каттик, суюқ ва газсмон фазалари устивор мувозанатига мос келган ҳолат диаграммасидаги фазавий мувозанат чизикларининг кесишиш нуқтаси

УЧРАШУВЧИ ДАСТАЛАР УСУЛИ – *UChRASHUVChI DASTALAR USULI* – Встречные пучки – элементар зарраларни таджик қилишнинг муайян энергия қийматиғача тезлаштирилган зарядланган зарраларнинг икки дастаси бир-бири томон ҳаракатланиб, учрашув қисмида ўзаро таъсирлашувиға асосланган экспериментал усул

УЧРАШУВЧИ ДАСТАЛИ ТЕЗЛАТГИЧ – *UChRASHUVChI DASTALI TEZLATGICH* – Ускоритель со встречными пучками – битта ёки бир нечта жойларда бир-бири билан кесишиб ўтувчи рўпарама-рўпара (симметрик) дасталар ҳаракатланадиган циклик тезлатгич

УЧУВЧАНЛИК – *UchUVChANLIK* – Летучесть – суюклик ва каттик жисмларнинг уларнинг буглари босимларининг турлича қийматларида кимёвий потенциаллари қийматларини боғловчи термодинамик катталик

УЧКУН КАМЕРАСИ – *UchQUN KAMERASI* – Искровая камера – зарядланган зарраларни кузатиш ва қайд қилиш асбоби; ишлаши зарралар

траекторияси бўйлаб газда учкун разрядлар ҳосил бўлишиға асосланган

УЧҚУН РАЗРЯД – *UchQUN RAZRYAD* – Искровой разряд – разряд содир бўлиши туфайли разряд оралигининг электрик тешилиши ҳамда кучланишининг пасайиши натижасида тезда тўхтайдиган ва янгидан тешилиш кучланишиға эришилгандан сўнг такрорланадиган турғунлашмаган газ разряди

УЧҚУН САНАГИЧ – *UchQUN SANAGICH* – Искровой счетчик – ишлаши зарранинг детектор орқали ўтишида учкун разряднинг юзаға келишиға асосланган зарядланган зарралар детектори

УШЛОВЧИ ТУТҚИЧ – *UshLOVChI TUTQICH* – Захватывающая ловушка – термодинамик мувозанат ҳолатида одатда нейтрал бўладиган ва бир ишорали ҳаракатчан заряд ташувчиларни ушлаб оладиган ва бўшатиб юборадиган панжара нуксони

УЮРМА ЖАДАЛЛИГИ – *UYuRMA JADALLIGI* – Интенсивность вихря – тезликнинг уюрмавий най сиртида олигган ва найни бир марта камраб олган ихтиёрий ёпик контур бўйича циркуляцияси

УЮРМАВИЙ ЙЎЛЧА – *UYuRMAVIY Yo'LCHa* – Вихревая дорожка – чегаравий қатламнинг суюклик оқими ювиб ўтаётган жисм орқасидаги уюрмаларнинг мунтазам тизими

УЮРМАВИЙ МАЙДОН – *UYuRMAVIY MAYDON* – Вихревое поле – бирор ёпик контур бўйича циркуляцияси ноқдан фаркли бўлган вектор майдон

УЮРМАВИЙ НАЙЧА – *UYuRMAVIY NAYChA* – Вихревая трубка – суюклик ёки газ оқимида ўтказилган кичик ёпик контурнинг барча нуқталаридан ўтказилган уюрмавий чизиклардан вужудға келган сирт

УЮРМАВИЙ ЧИЗИК – *UYuRMAVIY ChIZIQ* – Вихревая линия – ҳар бир вақт пайтида уюрмада зарраларнинг айланиш бурчак тезлиги вектори чизиклари

УЮРМАВИЙ ҲАРАКАТ – *UYuRMAVIY HARAKAT* – Вихревое движение – суюклик ёки газнинг кичик элементлари факат илгариланма ҳаракат қилибгина қолмай, аини вақтда бирор оний ўк атрофида айланишдан иборат ҳаракати

Ф

ФАБРИ-ПЕРО ИНТЕРФЕРОМЕТРИ – *FABRI-PERO INTERFEROMETRI* – **Интерферометр Фабри-Перо** – электромагнитик нурланишнинг кўринувчи, инфрақизил ва сантиметрли диапазонларида спектрларни тадқиқ қилиш учун ишлатиладиган кўп нурли *интерферометр*

ФАЗАВИЙ ЗИДМА-ЗИДЛИК – *FAZAVIY ZIDMA-ZIDLİK* – **Фазовый контраст** – ёруғлик тўлкини буюмнинг турлича қисмларидан ўтаётганда юзага келувчи фазалар фарқини қайд қилиш орқали жуда кичик синдириш ва ютиш кўрсаткичлари фарқига эга бўлган микроскопик буюмлар тасвирларини ҳосил қилиш

ФАЗАВИЙ ЗИДМА-ЗИДЛИК УСУЛИ – *FAZAVIY ZIDMA-ZIDLİK USULI* – **Метод фазового контраста** – микроскопик буюмлар тасвирини ҳосил қилиш усули; шу буюмлардан ёруғлик тўлкини ўтганида унинг турли қисмларида вужудга келган фазалар силжишини қайд қилишга асосланган

ФАЗАВИЙ МОДУЛЛАШ – *FAZAVIY MODULLASH* – **Фазовая модуляция** – тебранишларни модуллаётганда уларнинг фазалари ўзгариши

ФАЗАВИЙ МУВОЗАНАТ – *FAZAVIY MUVOZANAT* – **Фазовое равновесие** – кўп фазали тизимда термодинамик мувозанатли фазаларнинг бир вақтда мавжуд бўлиши

ФАЗАВИЙ МУВОЗАНАТ ЭГРИ ЧИЗИГИ – *FAZAVIY MUVOZANAT EGRI CHIZIG'I* – **Кривая фазового равновесия** – ҳолатнинг термодинамик диаграммасида бирга мавжуд бўлган фазаларни ифодаловчи нукталарнинг геометрик ўрни

ФАЗАВИЙ НОБАРҚАРОРЛИК – *FAZAVIY NOBARQARORLIK* – **Фазовая нестабильность** – фазанинг доимий қийматларидан тасодифий барқарор оғишлар; фаза *дисперсия*си билан ифодаланadi

ФАЗАВИЙ РЕЛЬЕФОГРАФИЯ – *FAZAVIY RELEFOGRAFIYA* – **Фазовая**

рельефография – оптик ахборотни ёзиб олиш ва қайтадан узатишнинг телевиденида кенг тарқалган усули

ФАЗАВИЙ СИНХРОНИЗМ – *FAZAVIY SINXRONIZM* – **Фазовый синхронизм** – жамлаш тўлкини энергияси уйғонган тўлкинларга энг нафли тарзда узатиладиган ҳол учун оптик жамлаш тўлкини ва унинг муҳитда уйғотган тўлкинлари фазалари орасидаги нисбат

ФАЗАВИЙ СПЕКТР – *FAZAVIY SPEKTR* – **Фазовый спектр** – зарраларнинг фазалар бўйича тақсироти функцияси

ФАЗАВИЙ СУРАТ – *FAZAVIY SURAT* – **Фазовый портрет** – тизимнинг ҳаракатини ёки ҳолатининг ўзгаришини тавсифловчи, бир-бири билан кесишмайдиган фазавий траекториялар билан тўлган фазавий фазо

ФАЗАВИЙ ТЕЗЛИК – *FAZAVIY TEZLIK* – **Фазовая скорость** – тўлқин фазасининг тарқалиш тезлиги

ФАЗАВИЙ ТЕКИСЛИК – *FAZAVIY TEKISLIK* – **Фазовая плоскость** – нукталарининг координаталари битта эркинлик даражасига эга бўлган динамик тизимнинг ҳолати билан белгиланувчи текислик

ФАЗАВИЙ ТРАЕКТОРИЯ – *FAZAVIY TRAEKTORIYA* – **Фазовая траектория** – ҳаракатланаётган шаклдор нуктанинг фазавий фазода чизадиган чизиги

ФАЗАВИЙ ТУРГУНЛИК – *FAZAVIY TURG'UNLIK* – **Фазовая устойчивость** – зарядланган зарра ҳаракатининг мувозанатий фазага нисбатан турғунлиги

ФАЗАВИЙ ФАЗО – *FAZAVIY FAZO* – **Фазовое пространство** – механик тизимнинг барча умумлашган координаталари ва умумлашган импульсларининг кўп ўлчовли фазоси

ФАЗАВИЙ ЎТИШ – *FAZAVIY O'TISH* – **Фазовый переход** – модданинг ташки шароитлар ўзгарганда бир термодинамик фазадан бошқасига ўтиши

ФАЗАВИЙ ЎТИШ ИССИҚЛИГИ – *FAZAVIY O'TISH ISSIQLIGI* – **Теплота**

фазового перехода – биринчи хил фазавий ўтиш (қайнаш, эриш, кристалланиш, полиморф ўзгариш) да ютиладиган ёки ажраладиган иссиқлик

ФАЗАВИЙ ЎТИШ ҲАРОРАТИ – *FAZAVIY O'TISH HARORATI* –

Температура фазового перехода – ўзгармас босимда модданинг мувозанатий фазавий ўтиш ҳарорати

ФАЗАВИЙ ЎТИШЛАР КИНЕТИКАСИ – *FAZAVIY O'TISHLAR KINETIKASI* –

Кинетика фазовых переходов – физикавий кинетиканинг фазавий ўзгаришларда янги фазанинг вужудга келиши жараёнлари тадқиқ қилинадиган бўлими

ФАЗАВИЙ ҲАЖМ – *FAZAVIY HAJM* – **Фазовый объем** – фазавий фазодаги ҳажм

ФАЗАЛАР СИЛJIШИШИ – *FAZALAR SILJISHI* – **Сдвиг фаз** – иккита даврий ўзгариш катталиклар бирдай фазаларининг вақт давомида мос тушмаслиги

ФАЗАЛАРНИНГ САКРАШИ – *FAZALARNING SAKRASHI* – **Скачок фаз** – икки мухитнинг ажралиш чегарасида қайтиш ёки синишда ёруғлик тўлқини фазасининг ўзгариши

ФАЗАМЕТР – *FAZAMETR* – икки электрик тебранишнинг фазалари фарқини ўлчаш асбоби

ФАЗАТРОН – *FAZATRON* – зарядланган оғир зарраларнинг вақт давомида ўзгармас бошқарувчи магнитик майдонли ва ўзгаришчан такрорийликли тезлатувчи электрик майдонга эга бўлган циклик резонанс тезлатгичи

ФАЗАТРОН МАРОМ – *FAZATRON MAROM* – **Фазотронный режим** – тезлатувчи қучлишининг ўзгаришчан такрорийлигида зарраларни вақт бўйича доимий етакчи магнитик майдонда тезлатиш мароми

ФАЗАЎЗГАРУВЧАН ФОКУСЛАШ – *FAZAO'ZGARUVCHAN FOKUSLASH* –

Фазопереманная фокусировка – яқинида зарралар гуруҳланган мувозанатий фаза ишорасини даврий ўзгаришига асосланган қизигий тезлатгичларда тезлатувчи майдон ёрдамида ишораси ўзгаришчан фокуслаш

ФАЗО – *FAZO* – **Пространство** – физика асосий тушунчаларидан бири; буюмларнинг қўламлирини ва ўзаро жойлашишларини тавсифлашда қўлланилади

ФАЗО БЎЛАГИ – *FAZO BO'LAGI* –

Подпространство – кўп ўлчовли фазанинг бирор белгиси бўйича ажратиб олинган қисми

ФАЗО-ВАҚТ – *FAZO-VAQT* –

Пространство-время – нисбийлик назариясида фазо ва вақтни ягона моҳиятга бирлаштириш

ФАЗО-ВАҚТ МЕТРИКАСИ – *FAZO-VAQT METRIKASI* –

Метрика пространства-времени – нисбийлик назариясида фазо-вақтнинг геометрик хоссалари

ФАЗО-ВАҚТНИ КВАНТЛАШ – *FAZO-VAQTNI KVANTLASH* –

Квантование пространства-времени – майдон квант назарияси йўналишларидан бири; кичик қўламли соҳасида фазо-вақт оламининг дискрет (квант)ланган тузилганлиги ҳақидаги фарзияга таянади

ФАЗО-ВАҚТ ЭГРИЛИГИ – *FAZO-VAQT EGRILIGI* –

Кривизна пространства-времени – ҳақиқий фазо-вақт геометрик хоссаларининг, барча турдаги физикавий материянинг тортишиши туфайли ҳусусий (маҳсус) нисбийлик назариясининг ясси сохта эвклид фазо-вақти хоссаларидан фарқи ифодаси

ФАЗОВИЙ БИР ЖИНСЛИ КВАДРУПОЛ ФОКУСЛАШ – *FAZOVIIY BIR JINSLI KVADRUPOP FOKUSLASH* –

Пространственно однородная квадрупольная фокусировка – электронларнинг фазовий бир жинсли тизими ёрдамида юқори такрорийликли электрик фокуслаш

ФАЗОВИЙ ГУРУҲ – *FAZOVIIY GURUH* –

Пространственная группа – математик нуктаи назардан гуруҳни ҳосил қилувчи ҳамда кристалл панжараларга ҳос барча симметрия ўзгаришлари мажмуи

ФАЗОВИЙ ДИСПЕРСИЯ – *FAZOVIIY DISPERSIYA* –

Пространственная дисперсия – муҳит диэлектрик сингдирувчанлиги тензорининг қутбланиш текислигининг бурилишига олиб келадиган тўлқин векторига боғлиқлиги

ФАЗОВИЙ ЖУФТЛИК – *FAZOVIIY JUFTLIK* – **Пространственная чет-**

ность – фазовий *инверсия* амалларига нисбатан жуфтлик
FAZOVIIY ZARYAD – *FAZOVIIY ZARYAD* – Пространственный заряд – бирор хажмда тақсимланган электрик заряд
FAZOVIIY INBERSIYA – *FAZOVIIY INBERSIYA* – Пространственная инверсия – янги фазовий координаталар эскиларини минус бирга кўпайтиришдан ҳосил қилинадиган ўзгартиришлар
FAZOVIIY KVANTLANISH – *FAZOVIIY KVANTLANISH* – Пространственное квантование – ихтиёрый танланган ўққа нисбатан квант тизим импульси моментининг мумкин бўлган вазиятлари дискретлиги
FAZOVIIY KOGERENTLIK – *FAZOVIIY KOGERENTLIK* – Пространственная когерентность – тўлкинлар когерентлигининг фазонинг бирор соҳасида мавжудлиги
FAZOVIIY MODULLASH – *FAZOVIIY MODULLASH* – Пространственная модуляция – тебранишлар жараёнининг вақт давомида доимий параметрларининг фазода ўзгара бориши
FAZOVIIY TEBRANISHLAR – *FAZOVIIY TEBRANISHLAR* – Пространственные колебания – зарядланган зарраларнинг мувозанатли заррага нисбатан фазо бўйича тебранишлари
FAZOVIIY TURFUNLIK – *FAZOVIIY TURFUNLIK* – Пространственная устойчивость – зарядланган зарраларнинг мувозанатли фазога нисбатан ҳаракатининг турғунлиги
FAZONING BIR JINSLILIGI – *FAZONING BIR JINSLILIGI* – Однородность пространства – тизим ҳаракати қонуларининг санок тизимини параллел кўчиришга боғлиқ бўлмаслиги
FAOL ANTENNA – *FAOL ANTENNA* – Активная антенна – ўз тузилмасида фаол қурилмалар, хусусан, кувват кўчайтиргичлари ёки кичик шовкинли кўчайтиргичларга эга бўлган антенна
FAOL LAZER SPEKTROSKOPIYA – *FAOL LAZER SPEKTROSKOPIYA* – Активная лазерная спектроскопия – даставвал ўрганиладиган оптиквий мод-

лар танлаб ўқитилган ва фазалаштирилган муҳитда ёруғлик дастасининг ютилишини ёки сочилишини тадқиқ қилувчи ночизиний спектроскопия усулларидан бири
FAOL MODDA – *FAOL MODDA* – Активное вещество – энергиявий сатҳларининг инверс эғдаллаганлиги натижасида электромагнитик энергиясини кўчайтириши мумкин бўлган модда
FAOL MUHIT – *FAOL MUHIT* – Активная среда – энергия сатҳларининг бандланганлиги инверсияси амалга оширилганлиги туфайли электромагнитик тўлкинларнинг моддадан ўтишида уларнинг кўчайиши мумкин бўлган модда
FAOL SOXA – *FAOL SOXA* – Активная зона – ядровий реакторнинг ядровий ёнилиги жойлашган, ядроларнинг занжир бўлиниш реакцияси ўтадиган ва энергия ажраладиган соҳаси
FAOL ELEKTRIK QARSHILIK – *FAOL ELEKTRIK QARSHILIK* – Активное электрическое сопротивление – жисмлардан электрик токнинг ўтишида иссиқлик ажралишига олиб келувчи электрик қаршилик
FAOLLAH ENERGIYASI – *FAOLLAH ENERGIYASI* – Энергия активизации – зарра тизимининг бошланғич ва охириги ҳолатини ажратиб турувчи потенциал тўсиқни енгиб ўтиши учун зарур бўлган ўртача қийматдан ортқича ҳаракат энергияси
FAOLLAH TIRGICH – *FAOLLAH TIRGICH* – Активатор – люминесценция марказлари ҳосил қилиш учун моддага киритилган қиришма
FARAD (Ф) – *FARAD (F)* – электрик сизимнинг СИ даги бирлиги: конденсаторга 1 Кл заряд берганда қопламалари орасида 1 В қучланиш юзага келса, унинг сизими 1 Ф га тенг дейилади
FARADEY DOIMIYISI – *FARADEY DOIMIYISI* – Постоянная Фарадея – Авогадро доимийлигининг элементгар электрик заряд (е-электрон заряди)га кўпайтмасига тенг бўлган асосий физикавий доимий
FARADEY SAMARASI – *FARADEY SAMARASI* – Эффект Фарадея – доимий магнитик майдонда жойлашган моддадан магнитик индукция чизиклари бўйича

чизигий кутбланган ёруғлик тарқалганда унинг кутбланиш текислиги айланиси

ФАРАДЕЙ СОНИ – *FARADEY SONI* –

Число Фарадея – *Авогадро сонининг* электрон зарядига кўпайтмасига тенг асосий физикавий доимий

ФАРАДЕЙ ФАЗОСИ – *FARADEY FAZOSI* –

Фарадеево пространство – паст босимли газда биксима заряддаги биксима нурланишдан кейин ҳосил бўладиган қоронги фазо

ФАРАДЕЙНИНГ ЭЛЕКТРОМАГНИТИК ИНДУКЦИЯ ҚОНУНИ –

FARADEYNING ELEKTROMAGNITIK INDUKSIYA QONUNI –

Закон электромагнитной индукции Фарадея –

электрик конгурда электромагнитик индукциянинг электрик юритувчи кучи кийматини ва ишорасини аниқловчи қонун

ФАРАДМЕТР – *FARADMETR* –

электрик сизимни ўлчаш асбоби

ФАРЕНГЕЙТ ҲАРОРАТ ШКАЛАСИ –

FARENGEYT HARORAT SHKALASI –

Температурная шкала Фаренгейта –

нормал босимда музнинг эриш ҳарорати 32 градус, сувнинг қайнаш ҳарорати эса 212 градус деб олинган ҳарорат шкаласи

ФАРЗАНД ЯДРО – *FARZAND YADRO* –

Дочернее ядро – бош ядронинг емирилиши натижасида юзага келувчи атом ядроси

ФЕЙНМАН ДИАГРАММАЛАРИ –

FEYNMAN DIAGRAMMALARI –

Диаграммы Фейнмана – майдон квант назарияси ва қаттиқ жисм назариясининг

ночизигий тенгламалари ечимларини галаёнлаш назарияси ёрдамида топишнинг график усули

ФЕМТО... – *FEMTO...* – *данияча* – *femten* – *ун беш* – бошланғич катталикнинг 10^{15}

улушига тенг улуш бирлиги номини ҳосил қилиш учун физикавий катталик бирлиги номи олдидаги кўшимча

ФЕРМА ТАМОЙИЛИ – *FERMA TAMOYILI* –

Принцип Ферма – геометрик оптиканинг асосий тамойили; унинг даъвосига кўра, ёруғлик нури икки нукта орасидаги фазода ҳамма вақт энг кам вақт кетадиган йўлдан ўтади

ФЕРМИ КВАЗИСАТҲЛАРИ – *FERMI KVAZISATHLARI* –

Квазиуровни Ферми – яримўтказгичларда номувозанат

ҳолатдаги шароитларда руҳсат этилган энергия зоналари заряд ташувчиларга

тўлдирилганлиги билан тавсифланувчи энергиявий сатҳлар

ФЕРМИ САТҲИ – *FERMI SATHI* –

Ферми уровень – мутлақ нол ҳароратда фермионлар эгаллаган энг юқори энергия сатҳи

ФЕРМИ СИРТИ – *FERMI SIRTI* –

Поверхность Ферми – квазимпульслар соҳасида металлнинг банд қилинган электрон ҳолатларини мутлақ нол ҳароратда

электронлар бўлмайдиган соҳадан ажратиб турувчи бирдай энергиялар сирти

ФЕРМИ ЭНЕРГИЯСИ – *FERMI ENERGIYASI* –

Энергия Ферми – Ферми сатҳига мос келувчи энергия

ФЕРМИ-ГАЗ – *FERMI-GAZ* –

яримбутун спинли (\hbar бирликларда) зарралардан ташкил топган, Ферми-Дирак статистикасига бўйсунувчи газ

ФЕРМИ-ДИРАК СТАТИСТИКАСИ –

FERMI-DIRAK STATISTIKASI –

Статистика Ферми-Дирака – яримбутун спинли (\hbar бирликларда) айний зарралар тизимларига қўлланиладиган

квант статистика

ФЕРМИ-ДИРАК ТАҚСИМОТИ –

FERMI-DIRAK TAQSIMOTI –

Распределение Ферми-Дирака – бирдай фермионларнинг энергия сатҳлари бўйича тақсимланиши

ФЕРМИОН – *FERMION* –

яримбутун спинга эга бўлган зарра ёки кўп заррала квант тизимнинг элементар уйғониши-

квазарра

ФЕРМИ-СУЮҚЛИК – *FERMI-SUYUQLIK* –

Фермиқиджкость – элементар уйғонишлари квазарралар яримбутун спинга эга бўлиб (\hbar бирликларда) Ферми-Дирак статистикасига бўйсунадиган квант суюқлик

ФЕРРИМАГНЕТИЗМ – *FERRI-MAGNETIZM* –

модданинг таркибига кирувчи ионларнинг магнитик моментлари иккита ёки ундан ортик сон таркибий тизим ҳосил қиладиган ҳолати

ФЕРРИТ – *FERRIT* – *лот. ferrum* – *темир* – ўзида ферромагнетиклик ва

ярымўтказичлик ёки ферромагнетиклик ва диэлектриклик хоссаларни намоён қилувчи ферромагнетикдан иборат бўлган мураккаб темир оксиди

ФЕРРОДИЭЛЕКТРИК – *FERRO-DIELEKTRIK* – ўзида ферромагнетиклик ва диэлектриклик хоссаларини намоён қилувчи модда

ФЕРРОЗОНД – *FERROZOND* – доимий ёки секин ўзгарувчи магнитик майдонлар кучланганлигини уларнинг магнитик юмшоқ моддаларни қайта магнитлашда гистерезис ҳалқасига таъсирига кўра ўлчаш асбоби

ФЕРРОМАГНЕТИЗМ – *FERROMAGNETIZM* – модданинг унинг атомлари ёки ионлари магнитик моментларининг ўз-ўзидан бир-бирларига параллел жойлашиб қоладиган ҳолати

ФЕРРОМАГНЕТИК – *FERROMAGNETIK* – муайян ҳарорат (Кюри нуқтаси)дан пастрокда атомлар ёки ионлар магнитик моментларининг (нометалл кристалларда), ё жамлашган электронлар магнитик моментларининг (металл кристалларда) ферромагнитик тартиби ўрнашадиган модда

ФЕРРОМАГНИТИК РЕЗОНАНС – *FERROMAGNETIK REZONANS* – **Ферромагнитный резонанс** – ферромагнетикдан ўтувчи электромагнитик тўлқинлар энергиясининг унга қўйилган магнитик майдоннинг муайян тақрорийлик ва кучланганлик қийматларида танлаб ютилиши

ФЕРРОМАГНОН – *FERROMAGNON* – ферромагнетикдаги спин тўлкини

ФЕРРОМЕТР – *FERROMETR* – ферромагнитик намуналарни даврий қайта магнитлашда улардаги магнитик индукция ва магнитик кучланганликнинг оний қийматларини аниқлаш қурилмаси

ФИГУРАТИВ НУҚТА – *FIGURATIV NUQTA* – **Фигуративная точка** – 1) ҳолат диаграммасининг ихтиёрий нуқтаси; 2) тизим ҳолатини тасвирловчи фазавий фазо нуқтаси

ФИЗИКА – *FIZIKA* – табиат ҳодисаларининг энг содда ва энг умумий қонуниятларини, материя хоссалари ва тузилишини ҳамда унинг ҳаракати қонуналарини ўрганувчи фан

ФИЗИКАВИЙ ВАКУУМ – *FIZIKAVIY VAKUUM* – **Физический вакуум** – қвайт майдонларнинг қандайдир реал зарралар мавжуд бўлмаслиги хос бўлган энг қуйи энергиявий ҳолати

ФИЗИКАВИЙ ЁРУҒЛИК КУЧИ – *FIZIKAVIY YoRUĞ'LIK KUCHI* – **Физическая светосила** – муайян оптик тизим ҳосил қилган тасвир ёритилганлигининг тасвирланаётган буюм равшанлигига нисбати

ФИЗИКАВИЙ КАТТАЛИК – *FIZIKAVIY KATTALIK* – **Физическая величина** – сифат жиҳатдан кўпчилик объектлар ёки ҳодисалар учун умумий, микдор жиҳатдан эса уларнинг ҳар бири учун хусусий бўлган тавсиф

ФИЗИКАВИЙ КАТТАЛИК ШКАЛАСИ – *FIZIKAVIY KATTALIK ShKALASI* – **Шкала физической величины** – физикавий катталикнинг ўсиб бориши (камая бориши) билан бериб

бориладиган, келишув бўйича қабул қилинган қийматлар кетма-кетлиги

ФИЗИКАВИЙ КАТТАЛИКНИНГ БИРЛИГИ – *FIZIKAVIY KATTALIKNING BIRLIGI* – **Единица физической величины** – таърифга кўра бирга тенг сон қиймат берилган физикавий катталик

ФИЗИКАВИЙ КАТТАЛИКНИНГ ЎЛЧАМЛИГИ – *FIZIKAVIY KATTALIKNING O'LCHAMLIGI* –

Размерность физической величины – асосий тизим деб қабул қилинган бирлик ўзгарганда катталикнинг бирлиги неча марта ўзгаришини кўрсатувчи ифода

ФИЗИКАВИЙ КИНЕТИКА – *FIZIKAVIY KINETIKA* – **Физическая кинетика** – иссиқлик мувозанати ҳолатидан чиқарилган тизимларда юзага келувчи микроскопик жараёнлар назарияси

ФИЗИКАВИЙ МАЙДОН – *FIZIKAVIY MAYDON* – **Физическое поле** – физикавий катталикларнинг фазода узлуксиз тақсимланиши билан тавсифланувчи ва чексиз эркинлик даражалари сонига эга бўлган материянинг алоҳида шакли

ФИЗИКАВИЙ МОДЕЛЛАШ – *FIZIKAVIY MODELLASH* – **Физическое моделирование** – реал манбаларда ўтувчи

жараёнлар билан бирдай физикавий табиатга эга бўлган жараёнларни моделларда яратиш ва тадқиқ қилиш

ФИЗИКАВИЙ ОПТИКА – *FIZIKAVIY OPTIKA* – **Физическая оптика** – ёруғлик ва ёруғлик ҳодисаларининг табиатини ўрганувчи оптика бўлими

ФИЗИКАВИЙ ТЕБРАНГИЧ – *FIZIKAVIY TEBRANGICH* – **Физический маятник** – кўзгалмас горизонтал ўқ атрофида оғирлик кучи таъсирида теbranувчи мутлак каттик жисм

ФИЗИКАВИЙ ТЕБРАНГИЧНИНГ КЕЛТИРИЛГАН УЗУНЛИГИ – *FIZIKAVIY TEBRANGICHNING KELTIRILGAN UZUNLIGI* – **Приведенная длина физического маятника** – физикавий теbranгич билан бирдай теbrаниш даврига эга бўлган математик теbranгич узунлиги

ФИЗИКАВИЙ ТИЗИМ – *FIZIKAVIY TIZIM* – **Физическая система** – бирор тарзда ажратиб олинган ҳамда уларнинг физикавий хоссалари жиҳатидан қараладиган объектлар (жисмлар, зарралар, майдонлар ва ҳ.к.) мажмуи

ФИЗИКАВИЙ ЎХШАШЛИК – *FIZIKAVIY O'XSHASHLIK* – **Физическое подобие** – вақтнинг ўхшаш пайтларида фазонинг ўхшаш нукталарида бир тизим ҳолатини тавсифловчи катталикларнинг бошқа тизимнинг тегишли катталиклари қийматларига мослиги

ФИЗИКАВИЙ ҚОНУН – *FIZIKAVIY QONUN* – **Физический закон** – тажрибада топилган ёки тажриба маълумотларини назарий йўл билан умумлаштириш асосида ўрнатилган бир физикавий катталиқнинг бошқасига ёки сифатий объектлар боғланиши

ФИЗИК-КИМЁВИЙ ГИДРОДИНАМИКА – *FIZIK-KIMYOVIY GIDRODINAMIKA* – **Физико-химическая гидродинамика** – конвекциявий иссиқлик кўчишли ва масса кўчишли тизимлардаги гетероген жараёнларни ўрганувчи физикавий-кимё бўлими

ФИЗИОЛОГИК АКУСТИКА – *FIZIOLOGIK AKUSTIKA* – **Физиологическая акустика** – инсон ва ҳайвонлардаги товуш қабул қилувчи ва товуш ҳосил қилувчи тузилишни ўрганувчи акустика бўлими

ФИЗО ТАЖРИБАСИ – *FIZO TAJRIBASI* – **Опыт Физо** – ёруғликнинг қисман ҳаракатланувчи муҳит томонидан эргаштирилишининг тажрибада исботи

ФИЛЬТР – *FILTR* – суюқлик ёки газ оқимини каттик аралашмалардан тозалашга хизмат қилувчи ғовак муҳит

ФИЛЬТРЛАНИШ – *FILTRLANISH* – **Фильтрование** – суюқлик ёки газнинг филтрлар ёрдамида тозаланиш жараёни

ФИЛЬТРЛАШ – *FILTRLASH* – **Фильтрация** – суюқлик ёки газнинг ғовак муҳит орқали ўтказилиши

ФЛАКСОН – *FLAKSON* – магнитик оқим кванти

ФЛИККЕР-САМАРА – *FLIKKER-SAMARA* – **ингл. flicker** – **милтлаш** – электрик-вакуум ва газзаряд асбобларда катоднинг тузилиши ва физикавий хоссаларининг ўзгариши билан боғлиқ тарзда электрик тоқлар ва кучланишларнинг секин-аста флукуацияланиши

ФЛУКТУАЦИЯ – *FLUKTUATSIYA* – **лот. fluctuatio** – **теbrаниш** – физикавий катталиқ қийматининг ўз ўртача қийматидан тасодифий четланишлари

ФЛУКТУАЦИЯ ТОКИ – *FLUKTUATSIYA TOKI* – **Флукуационный ток** – электронларнинг иссиқлик ҳаракати натижасида ўтказигича электрик заряднинг кўчишдан юзага келувчи номунтазам электрик ток

ФЛУОРЕСЦЕНЦИЯ – *FLUORESENSIYA* – **дастлабки флюорит минерали ва лот. escent** – **заиф таъсирни билдирувчи суффикс** – ёруғланишни уйғотувчи таъсир тўхтагандан сўнг тезда сўнувчи люминесценция

ФЛУОРОМЕТР – *FLUOROMETR* – флуоресценциянинг сўниш вақтини ўлчаш асбоби

ФЛЮНЕС – *FLYUNES* – зарралар оқими йўналишига тик юзадан бирор вақт оралиғида ўтган зарралар тўла сонининг шу юзача сатҳига нисбати

ФЛЮКСМЕТР – *FLYUKSMETR* – **лот. fluxus** – **оқиш ва юнон. metreo** – **ўлчаيمان** – магнитик оқимни ўлчаш асбоби

ФЛЮОРИМЕТР – *FLUORIMETR* – флуоресценция жадаллигини ўлчаш спектрал асбоби

ФОЙДАЛИ КАТТАЛАШТИРИШ – *FOYDALI KATTALASH TIRISH* – **Полезное увеличение** – объективнинг ажратма олиш кучидан нурланиш қабул қилгичи томонидан тўла фойдалана билмиш устун мумкин бўлган оптик тизимнинг энг кичик катталаштириши

ФОЙДАЛИ ТАЪСИР КОЭФФИЦИЕНТИ (ФТК) – *FOYDALI TA'SIR KOEFFITSIENTI (FTK)* – **Коэффициент полезного действия (КПД)** – нафли фойдаланилган энергиянинг тизим олган энергияга нисбатига тенг катталиқ

ФОКАЛ СИРТ – *FOKAL SIRT* – **Фокальная поверхность** – ҳақиқий оптик тизимнинг фокуслари жойлашадиган сирт

ФОКАЛ ТЕКИСЛИК – *FOKAL TEKISLIK* – **Фокальная плоскость** – идеал оптик тизимнинг тизим фокуслари жойлашган ўқига тик бўлган текислиги

ФОКОН – *FOKON* – ёруғлик нурланишини фокусловчи конус

ФОКУС – *FOKUS* – *лот. focus* – олов, ўт, ўчоқ – оптик ўқ устида чексизликда жойлашган нуктага қўшма бўлган нукта

ФОКУС МАСОФА – *FOKUS MASOFA* – **Фокусное расстояние** – линза ёки оптик кўзгунинг бош фокусидан уларнинг оптик марказигача бўлган масофа

ФОКУСЛАШ – *FOKUSLASH* – **Фокусировка** – сферик ёки цилиндрик шаклдаги йиғилувчи тўлқин фронтлари яратиш

ФОКУСЛОВЧИ СЕКТОР – *FOKUSLOVCHI SEKTOR* – **Фокусирующий сектор** – қаралаётган йўналишда фокусловчи магнитик (ўзгарувчан градиентли фокусловчи циклик тезлатгич ҳолида) сектор

ФОКУСЛОВЧИ ТИЗИМ ДАВРИ – *FOKUSLOVCHI TIZIM DAVRI* – **Период фокусирующей системы** – тузилиши траектория буйлаб даврий такрорланувчи фокусловчи тизим қисми

ФОКУСОН – *FOKUSON* – кристаллга учиб қирган зарра импульсининг кристалл ионларига ёки атомларига кристаллнинг зич жойлашган атом қаторлари буйича эстафетавий узатилишига мос келувчи *квазизарра*

ФОКУССИЗЛОВЧИ СЕКТОР – *FOKUSSIZLOVCHI SEKTOR* – **Дефокуси-**

рующий сектор – қаралаётган йўналишда фокуссизлаш юз бераётган магнитик (ўзгарувчан градиентли фокусловчи циклик тезлатгич ҳолида) сектор

ФОН – *FON* – *юн. phone* – *товуш* – 1) товуш қаттиклиги даражаси бирлиги; 2) қайд қилинувчи сигналга ҳамроҳ бўлувчи ҳалақитлар

ФОНОН – *FONON* – кристалл панжарадаги эластик тўлқинга мос келувчи *квазизарра*

ФОНОН ГАЗ – *FONON GAZ* – **Фононный газ** – қаттиқ жисмдаги ҳамда суюқ гелийдаги фононлар мажмуи

ФОНОНСИЗ ЧИЗИҚЛАР – *FONON-SIZ CHIZIQLAR* – **Бесфононные линии** – люминесценция қиришма марказлари(кристаллдаги ёки тартибланмаган қаттиқ матрицалардаги атомлар, ионлар ёки молекулалар)нинг марказ энергия сатҳлари орасидаги оптик нурланишли квант ўтишларда юзага келувчи ингичка чизиклар

ФОРВАКУУМ – *FORVAKUUM* – вакуум тизимда яратиладиган дастлабки сийракланиш

ФОРВАКУУМ НАСОС – *FORVAKUUM NASOS* – **Форвакуумный насос** – юқорироқ вакуум ҳосил қилувчи насоснинг ишлаш бошлаши учун зарур бўлган дастлабки вакуумни яратувчи вакуум насос

ФОРМОМИЛ – *FORMOMIL* – атом, атом ядроси ёки элементар зарра ичида электрик заряд ёки магнитик моментнинг фазовий таксимотиғи тавсифловчи функция

ФОСФОР – *FOSFOR* – ноорганик *люминофор*

ФОСФОРЕСЦЕНЦИЯ – *FOSFORESENSIYA* – уйғотувчи таъсир тўхтаганидан кейин ҳам нурланишни узок вақт сақлаб турувчи *люминесценция*

ФОСФОРΟΣКОП – *FOSFOROSKOP* – *фосфоресценция* жадаллигининг давомийлигини ва вақтга боғланишини аниқлаш учун ишлатилувчи асбоб

ФОТОАКУСТИК ҲОДИСАЛАР – *FOTOAKUSTIK HODISALAR* – **Фотоакустические явления** – оптик нурланиш таъсирида мухитларда товуш (акустик) тўлқинларнинг юзага келиши

ФОТОАШЁЛАР – *FOTOASHYoLAR* – **Фотоматериалы** – буюмларнинг тасвирини, шунингдек турли физикавий жараёнларда юзага келувчи нурланишларни қайд қилишда ишлатиладиган ёруғсезгир ашёлар

ФОТОБУЛИНИШ – *FOTOBO'LINISH* – **Фотоделение** – атом ядросининг гамма-квантлар воситасида бўлиниши

ФОТОГАЛЬВАНИК САМАРА – *FOTOGALVANIK SAMARA* – **Фотогальванический эффект** – электрик ўтиш билан ажратилган турли икки қаттиқ ўтказгич орасида электромагнитик нурланиш таъсирида электрик юритувчи кучнинг вужудга келиши

ФОТОГАЛЬВАНИК ЭЛЕМЕНТ – *FOTOGALVANIK ELEMENT* – **Фотогальванический элемент** – ёруғлик таъсирида электрон-ковак ўтишда электрик юритувчи куч юзага келадиган асбоб

ФОТОГРАФИЯ – *FOTOGRAFIYA* – фотосезгир материалларда тасвир ҳосил қилиш ҳамда физикавий ва бошқа жараёнларда нурланишларни қайд қилиш усуллари

ФОТОДИОД – *FOTODIOD* – ёруғлик нурланишининг бир ёклама фотоўтказувчанликка эга бўлган яримўтказгич фотозлектрик селектив қабул қилгичи

ФОТОДИССОЦИАЦИЯ – *FOTODISSOTSIATSIYA* – мураккаб молекулаларнинг ёруғлик таъсирида соддарок қисмларга ажралиши

ФОТОДИЭЛЕКТРИК САМАРА – *FOTODIELEKTRIK SAMARA* – **Фотодиэлектрический эффект** – электромагнитик нурланиш таъсирида муҳит статик диэлектрик сингдирувчанлигининг ўзгариши

ФОТОИОНЛАНИШ – *FOTOION-LANISH* – **Фотоионизация** – моддаларнинг ёруғлик таъсирида ионланиши

ФОТОКАТОД – *FOTOKATOD* – фотозэлектрон асбобларнинг тушувчи ёруғлик таъсирида электронлар чиқарувчи электроди

ФОТОКИМЁВИЙ РЕАКЦИЯ – *FOTOKIMYOVIY REAKSIYA* – **Фотохимическая реакция** – модда ёруғликни ютиши натижасида юзага келувчи қимёвий реакция

ФОТОЛИЗ – *FOTOLIZ* – ёруғлик таъсирида қаттиқ, суюқ ва газсимон моддаларнинг емирлиши

ФОТОЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ – *FOTOLYUMINESSENSIYA* – ёруғлик таъсирида юзага келувчи люминесценция

ФОТОМАГНИТОЭЛЕКТРИК САМАРА – *FOTOMAGNITOELEKTRIK SAMARA* – **Фотемагнитозлектрический эффект** – яримўтказгичда электромагнитик нурланиш таъсири остида V_x магнитик майдонга ва диффузияланувчи зарралар оқимига тик бўлган электрик майдон E_y қуланганлиги вужудга келиши

ФОТОМЕТР – *FOTOMETR* – **юнон. phos** – ёруғлик ва **metreo** – ўлчаيمان – ёруғлик майдонини тавсифловчи қатталиқларни ўлчаш асбоби

ФОТОМЕТРИК КУБЧА – *FOTOMETRIK KUBCHA* – **Фотометрический кубик** – икки ёруғлик оқимининг жадаллигини таққословчи қурилма

ФОТОМЕТРИК ПОНА – *FOTOMETRIK PONA* – **Фотометрический клин** – фотометрида қўлланиладиган, ёруғлик оқимини заифлаштирувчи қурилма

ФОТОМЕТРИЯ – *FOTOMETRIYA* – оптик нурланишининг чиқishi, тарқалиши ва модда билан ўзаро таъсирлашишида унинг энергиявий тавсифлари қараладиган оптика бўлими

ФОТОН – *FOTON* – **юнон. phos** – ёруғлик – электромагнитик майдон кванти; тинчлик массаси нолга ва спини 1 га тенг нейтрал элементар зарра

ФОТОН АКС-САДО – *FOTON AKS-SADO* – **Фотонное эхо** – муҳитнинг когерент резонанс ёруғлик нурланиш таъсирига когерент ёруғлик жавоби

ФОТОН ИМПУЛЬСИ – *FOTON IMPULSI* – **Импульс фотона** – фотон энергиясининг ёруғликнинг вакуумдаги тезлигига нисбати

ФОТОПЛАСТИНКА – *FOTOPLASTINKA* – реакцияси пластинка ёки парда сиртига суртилган қумуш галонди ёки бошқа сезгир модданинг фотокимёвий парчаланишида намоеъ бўладиган нурланиш қабул қилгичи

ФОТОПЬЕЗОЭЛЕКТРИК САМАРА – *FOTOPEZOELEKTRIK SAMARA* –

Фотопьезоэлектрический эффект – бир жинсли ярымүтказгични бир вақтда бир ёклама кисини ва ёритишда электр юритувчи кучнинг юзага келиши

ФОТОРЕЗИСТИВ САМАРА – *FOTOREZISTIV SAMARA* – **Фоторезистивный эффект** – фақат электромагнитик нурланиш таъсирида, уни иситиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ярымүтказгич электрик қаршилигининг ўзгариши

ФОТОРЕЗИСТОР – *FOTOREZISTOR* – **юнон. phos** – ёруғлик, **лот. resisto** – қаршилик қиламан – ўз электрик қаршилигини ёруғлик таъсири остида ўзгартирадиган ярим ўтказгич *фотозлемент*

ФОТОСАМАРА – *FOTOSAMARA* – **Фотозэффект** – электромагнитик нурланишнинг модда билан ўзаро таъсири натижасида фотонлар энергиясининг модда электронларига узатилиши жараёни

ФОТОСАМАРАНИНГ КВАНТ ЧИҚИШИ – *FOTOSAMARANING KVANT CHIQISHI* – **Квантовый выход фотозэффекта** – фотосамарада нурланувчи сиртдан чикувчи электронлар сонининг ўша вақт ичда ютилган фотонлар сонига нисбати

ФОТОСАМАРАНИНГ УЗУН ТЎЛҚИН ЧЕГАРАСИ – *FOTOSAMARANING UZUN TO'LQIN CHEGARASI* – **Длинноволновая граница фотозэффекта** – муайян модда учун ташки фотосамара мавжуд бўла оладиган ёруғликнинг минимал тақрорийлиги

ФОТОТИРИСТОР – *FOTOTIRISTOR* – **вольтампер тавсифида манфий дифференциал қаршилик соҳаси бўлган, уч ёки ундан ортиқ p-n ўтишли фотозэлектрик ярымүтказгич асбоб**

ФОТОТРАНЗИСТОР – *FOTOTRANZISTOR* – **икки ёки ундан ортиқ сондаги ўтишга эга бўлган фотозэлектрик ярымүтказгич асбоб**

ФОТОТУҒИЛИШ – *FOTOTUG'ILISH* – **Фоторождение** – юқори энергияли гамма-квантлар таъсирида атом ядролари ва нуклонларда зарралар ҳосил булиш жараёни

ФОТОХРОМ МАТЕРИАЛ – *FOTOXROM MATERIAL* – **Фотохромный материал** – фотохромлик ҳодисаси, тас-

вирларни қайд қилиш, оптик сигналларни ёзиб олиш ва қайта ишлаш учун фойдаланиладиган материал

ФОТОХРОМЛИК – *FOTOXROMLIK* – **юнон. phos** – ёруғлик **ва stoma** – ранг – **Фотохромизм** – ёруғлик таъсирида модданинг ўз рангини қайтувчан ўзгартириш қобилияти

ФОТОЭЛАСТИКЛИК – *FOTOELASTIKLIK* – **Фотоупругость** – бошда оптик изотроп жисмларда механик кучланишлар таъсирида оптик *анизотропия*нинг юзага келиши

ФОТОЭЛЕКТРИК СПЕКТРОСКОПИЯ – *FOTOELEKTRIK SPEKTROSKOPIYA* – **Фотоэлектрическая спектроскопия** – ярымүтказгичлардаги киришмаларнинг киришмавий фототўқазувчанлиги спектри бўйича уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш ва энергиявий тузилишини тадқиқ қилиш

ФОТОЭЛЕКТРИК ТОК – *FOTOELEKTRIK TOK* – **Фотоэлектрический ток** – фотосамара натижасида вужудга келган электронлар ҳосил қилган электрик ток

ФОТОЭЛЕКТРИК ЮРИТУВЧИ КУЧ – *FOTOELEKTRIK YuRITUVCHI KUCH* – **Фотоэлектродвижущая сила** – ярымүтказгичда электромагнитик нурланиш ютилганида вужудга келадиган электрик юритувчи куч

ФОТОЭЛЕКТРИК ЯРИМЎТКАЗГИЧ АСБОБ – *FOTOELEKTRIK YaRIMO'T-KAZGICH ASBOB* – **Фотоэлектрический полупроводниковый прибор** – ёруғлик катталикларини электрик катталикларга айлантириш учун мўлжалланган ярымүтказгич асбоб

ФОТОЭЛЕКТРИК ХОДИСАЛАР – *FOTOELEKTRIK HODISALAR* – **Фотоэлектрические явления** – моддада электромагнитик нурланиш таъсирида содир бўлувчи электрик ҳодисалар

ФОТОЭЛЕКТРОН – *FOTOELEKTRON* – **электромагнитик нурланиш таъсирида моддадан учиб чиққан электрон**

ФОТОЭЛЕКТРОН КЎПАЙТГИЧИ (ФЭК) – *FOTOELEKTRON KO'PAYT-GICHl (FEK)* – **Фотоэлектронный умножитель** – заиф ёруғлик сигналларини электрик сигналларга айлантириб берувчи

асбоб; ишлаши фотоэлектрон ва иккиламчи электрон эмиссияга асосланган
ФОТОЭЛЕКТРОН СПЕКТРОСКОПИЯ – *FOTOELEKTRON SPEKTROSKOPIYA* – **Фотоэлектронная спектроскопия** – модда тузилишини ўрганиш усули; моддада ультрабинафша нурлар уйғотган фотоэлектрон эмиссияда учиб чикувчи электронлар энергетик спектрини ўлчашига асосланган

ФОТОЭЛЕКТРОН ЭМИССИЯ – *FOTOELEKTRON EMISSIYA* – **Фотоэлектронная эмиссия** – каттик ёки суюқ жисм сиртидан шу сиртга тушувчи электромагнитик нурланиш таъсирида вакуум ёки бошқа муҳитга электронларнинг чиқарилиши

ФОТОЭЛЕМЕНТ – *FOTOELEMENT* – ишлаши фотосамарага асосланган электрик асбоб

ФОТОЯДРОВИЙ РЕАКЦИЯ – *FOTOYADROVIY REAKSIYA* – **Фотоядерная реакция** – атом ядроларининг гамма-квантлар воситасида парчаланиши
ФОТОЯРИМУЎТКАЗГИЧ – *FOTOYARIMU՛TKAZGICH* – **Фотополупроводник** – ички фотосамарага ёки фотоўтказувчанлик хоссасига эга бўлган яримўтказгич

ФОТОЎТКАЗУВЧАНЛИК – *FOTO՛U՝TKAZUVCHANLIK* – **Фотопроводимость** – ёруғлик таъсирида яримўтказгич электрик ўтказувчанлигининг ортиши

ФОТОҚАРШИЛИК – *FOTOQARSHILIK* – **Фотосопротивление** – фотоэлектрик яримўтказгич асбоб; ишлаши фоторезистив самарадан фойдаланишга асосланган

ФРАНК-ГЕРЦ ТАЖРИБАСИ – *FRANK-GERC TAJRIBASI* – **Опыт Франка-Герца** – атомнинг ички энергияси узлуксиз ўзгармай, балки муайян улушли (квантланган) қийматлар олиши исботланган тажриба

ФРАНКЛИН – *FRANKLIN* – СГСФ бирликлар тизимида электрик заряднинг асосий бирлиги; унинг ўлчови вакуум ҳолида диэлектрик синдирувчанлик 1 га тенг ўлчовсиз катталик бўлганида *Кулон қонуни* ёрдамида ўрнатилган

ФРАНК-РИД МАНБАИ – *FRANK-RID MANBAI* – **Источник Франка-Рида** –

пластик деформация жараёнида *дислокациялар* кўпайишининг асосий механизми
ФРАНЦ-КЕЛДИШ САМАРАСИ – *FRANS-KELDISH SAMARASI* – **Эффект Франца-Келдыша** – ташқи электрик майдон манжудлигига яримўтказгичнинг хусусий ёруғлик ютиш чегараси (чеккаси) кичик такрорийликлар томон силжиши

ФРАУНГОФЕР ДИФРАКЦИЯСИ – *FRAUNGOFER DIFRAKSIYASI* – **Дифракция Фраунгофера** – ясси тўлқин фронтга эга бўлган ёруғлик тўлқинларининг *дифракцияси*

ФРАУНГОФЕР ЧИЗИҚЛАРИ – *FRAUNGOFER ChIZIQLARI* – **Фраунгоферовы линии** – Куёш спектрда ютилиш чизиклари

ФРЕНЕЛ ДИФРАКЦИЯСИ – *FRENEL DIFRAKSIYASI* – **Дифракция Френеля** – сферик тўлқин фронтга эга бўлган ёруғлик тўлқинларининг *дифракцияси*

ФРЕНЕЛ ЛИНЗАСИ – *FRENEL LINZASI* – **Линза Френеля** – маёқлар ва сигнал фонарларида қўлланиладиган мураккаб таркибий линза

ФРЕНЕЛ СОҲАЛАРИ – *FRENEL SOHALARI* – **Зоны Френеля** – чегараларидан қаралаётган нуктагача оптик йўл фарқи тўлқин манбаи чиқараётган тўлқин узунлигининг ярмига тенг бўладиган тўлқин fronti қисмлари

ФРЕНЕЛ ТЕНГЛАМАСИ – *FRENEL TENGLAMASI* – **Уравнение Френеля** – кристалл оптиканиннг асосий тенгламаси; ёруғлик тўлқинининг кристаллда тарқалиши нормал тезлигини аниқлайди

ФРЕНЕЛ ФОРМУЛАЛАРИ – *FRENEL FORMULALARI* – **Формулы Френеля** – ёруғлик икки шаффоф диэлектрикнинг бўлиниш чегарасидан ўтаётганда вужудга келувчи қайтган ва синган ёруғлик тўлқинларининг амплитудалари, фазалари ва кутбланганлик ҳолатларинини тушаётган тўлқиннинг ушандай тавсифларига нисбатини аниқловчи ифодалар

ФРЕНЕЛ ЭЛЛИПСОИДИ – *FRENEL ELLIPSOIDI* – **Эллипсоид Френеля** – ёруғликнинг нуқтавий манбаидан чиқиб, кристаллда тарқалаётган ёруғлик тўлқини фронтини тавсифловчи эллипсоид

ФРУД СОНИ – *FRUD SONI* – Число Фруда – суюқликлар ва газлар ҳаракатида инерция кучи билан оғирлик кучи орасидаги муносабатни тавсифловчи ўхшашлик белгиси

ФРУД ТЕБРАНГИЧИ – *FRUD TEB-RANGIChI* – Маятник Фруда – энг содда автотебранга механик тизимлардан бири

ФУКО ТЕБРАНГИЧИ – *FUKO TEBRANGIChI* – Маятник Фуко – Ернинг суткавий айланиши ходисасини тасдиқловчи тебрангичи; мартуза намойиш-ларида фойдаланилади

ФУКО ТОКЛАРИ – *FUKO TOKLARI* – Токи Фуко – вазндор ўтказгичларда вужудга келувчи индукциявий тоқлар

ФУКО УСУЛИ – *FUKO USULI* – Метод Фуко – ёруғлик тезлигини аниқлаш усули; француз олими Д.Ф.Араго 1838 йили таклиф қилган ва Ж.Б.Л.Фуко томонидан 1862 йили амалга оширилган

ФУНДАМЕНТАЛ УЗУНЛИК – *FUNDA-MENTAL UZUNLIK* – **Фундаментальная длина** – нисбийлик назарияси, сабабият тамойили каби фундаментал физикавий тушунчаларнинг таъбиқ қилиниш чегараларини аниқлаб берувчи узунлик ўлчамли-гидаги паразити фундаментал доимий

ФУНДАМЕНТАЛ ҲАРАКАТ ТАЪСИРЛАР – *FUNDAMENTAL O'ZARO TA'SIRLAR* – **Фундаментальные взаимодействия** – барча табиий жараёнлар асосида ётувчи кучли, электромагнитик, заиф ва гравитациявий ўзаро таъсирлар

ФУРЬЕ СОНИ – *FURE SONI* – Число Фурье – жисмдан ташқаридаги

иссиқлик шараитининг ўзгариши тезлиги билан у жисм ичида юзага келтирган ҳарорат майдони ўзгариши тезлиги орасидаги муносабатни тавсифловчи ўхшашлик белгиси

ФУРЬЕ СПЕКТРОМЕТРИ – *FURE SPEKTROMETRI* – Фурье спектроскопия операцияларини бажарувчи ўлчагич-хисоблагич мажмуа

ФУРЬЕ СПЕКТРОСКОПИЯСИ – *FURE SPEKTROSKOPIYASI* – электромагнитик нурланиш спектрини топишнинг икки босқичли усули: дастлаб, нурланишнинг интерферограммаси қайд қилинади, сўнгра эса фурье-ўзгартириш математик амали воситасида нурланишдаги гармоник тебранишлар такрорийлиги ва амплитудаси топилади

ФУРЬЕ ҚОНУНИ – *FURE QONUNI* – **Закон Фурье** – иссиқликнинг нотекис киздирилган мухитларда тарқалишини аниқловчи қонун

ФУТ – *FUT* – *ингл. Foot* – айнан – товоқ – 1) эски рус ўлчовлари тизимида узунлик бирлиги, $1 \text{ Ф} = 1/7 \text{ сажан} = 12 \text{ дюйм} = 0,3048 \text{ м}$; 2) инглиз ўлчовлари тизимида узунлик бирлиги, $1 \text{ Ф} = 1/3 \text{ ярд} = 12 \text{ дюйм} = 0,3048 \text{ м}$

